


ТДИУ ҲАЗАРИДАГИ  
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА  
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ  
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ  
ТАРМОҚ МАРКАЗИ



## ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА



ТОШКЕНТ-2021



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ  
ҲУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

**«СОЛИҚЛАР ВА СОЛИҚҚА ТОРТИШ» Йўналиши  
«СОЛИҚҚА ТОРТИШНИНГ ХАЛҚАРО АНДОЗАЛАРИ»  
МОДУЛИ БЎЙИЧА**

**ЎҚУВ-УСЛУБИЙ  
МАЖМУА**

**Тошкент 2021**

**Модулнинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил “7” декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув дастурига мувофиқ ишлаб чиқилган.**

**Тузувчилар:** ТДИУ и.ф.д. С.К.Худойқулов, ТДИУ “Молия ва бухгалтерия ҳисоби” кафедраси катта ўқитувчisi Ш.Б.Бабаев

**Тақризчи:** ТДИУ и.ф.д., профессори М.И Алимарданов

*Модулнинг иичи дастури Тошкент давлат иқтисодиёт университети кенгашининг 2020 йил 29 декабрдаги 5-сонли қарори билан наширга тавсия қилинган.*

## **МУНДАРИЖА**

<b>I. Ишчи дастур .....</b>	<b>4</b>
<b>II. Модулни ўқитишида фойдаланиладиган интерфаол таълим методлари.</b>	<b>13</b>
<b>III. Назарий материаллар.....</b>	<b>19</b>
<b>IV. Амалий машғулот материаллари.....</b>	<b>81</b>
<b>V. Кейслар банки.....</b>	<b>144</b>
<b>VI. Мустақил таълим мавзулари .....</b>	<b>152</b>
<b>VII. Глоссарий.....</b>	<b>155</b>
<b>VIII. Адабиётлар рўйхати .....</b>	<b>167</b>

## I. ИШЧИ ДАСТУР

### Кириш

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгacha ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармонлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сон, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 ноябрдаги “Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш мақсадида рақамли инфратузилмани янада модернизация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4022-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 октябрдаги “2019 – 2030 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасининг «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4477-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиқсан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илфор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш қўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлигига қўйиладиган умумий малака талаблари ва ўқув режалари асосида шакллантирилган бўлиб, унинг мазмуни кредит модул тизими ва ўқув жараёнини ташкил этиш, илмий ва инновацион фаолиятни ривожлантириш, педагогнинг касбий профессионаллигини ошириш, таълим жараёнига рақамли технологияларни жорий этиш, маҳсус мақсадларга йўналтирилган инглиз тили, мутахассислик фанлар негизида илмий ва амалий тадқиқотлар, ўқув жараёнини ташкил этишнинг замонавий услублари бўйича сўнгги ютуқлар, педагогнинг креатив компетентлигини ривожлантириш, таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн, «blended learning», «flipped classroom» технологияларини амалиётга кенг қўллаш бўйича тегишли билим, қўникма, малака ва компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган.

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишининг ўзига хос хусусиятлари ҳамда долзарб масалаларидан келиб чиқсан ҳолда дастурда тингловчиларнинг мутахассислик фанлар доирасидаги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларига қўйиладиган талаблар такомиллаштирилиши мумкин.

### **Модулнинг мақсади ва вазифалари**

“Соликқа тортишнинг халқаро андозалари” **модулининг мақсади:** педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш курс тингловчиларини ўкув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар, замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модул-кредит тизими, case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методларни ўзлаштириш, жорий этиш, таълим амалиётида қўллаш, кўникма ва малакаларини таркиб топтириш асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

“Соликқа тортишнинг халқаро андозалари” **модулининг вазифалари:**

- “Соликлар ва соликқа тортиш” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизмларини яратиш;

- замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

- педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

- маҳсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

- “Соликлар ва соликқа тортиш” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

### **Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

Маҳсус фанлар бўйича тингловчилар қўйидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни, шунингдек таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда ҳукуқий-меърий ҳужжатларни;

- Ўзбекистон Республикасининг “Давлат солик хизмати тўғрисида”ги қонун, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини такомиллатириш концепцияси”да белгиланган солик сиёсатининг асосий йўналишларининг моҳияти ва аҳамиятини;

- Ўзбекистон Республикасида солиқ сиёсати, унинг яқин истиқболдаги вазифалари ва стратегик йўналишларини ретроспектив ва перспектив баҳолашни;

- Ўзбекистонда бевосита солиқларни солиқ тушумларидаги салмоғи ва қиёсий таҳлили, ўзгариш тенденцияларини ишлаб чиқиши;

- Давлат солиқ қўмитаси томонидан солиқ тўловчиларга тақдим этилган интерактив хизматлардан амалда фойдаланиши;

- иқтисодиёт соҳасидаги кадрлар тайёрлаш тизимида хорижий мамлакатларнинг илғор тажрибаларини қўллашни;

- давлат солиқ хизмати органларида фойдаланилаётган дастурий маҳсуллардан фойдаланиш ҳамда уларни кенг жамоатчиликка тушунтириш;

- мамлакат солиқ тизимиға оид янгиликлар, долзарб масалаларни инновацион технологиялардан фойдаланган ҳолда уларни ўқув жараёнига татбиқ этиш;

- Солиқ тўловчиларни сегментлаш ва назорат қилишни **билиши керак**.

### **Тингловчи:**

- таълим-тарбия жараёнлари мақсадига эришишда давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини билиш;

- халқаро солиққа тортишнинг жаҳон хўжалигини тартибга солишдаги аҳамиятини ёритиб бериш;

- давлат солиқ хизмати органлари қабул қилинган қарорларнинг натижасини баҳолаш ва прогноз қилиш;

- халқаро солиққа тортишни мувофиқлаштириш жараёнларини кўрсатиб бериш;

- солиқ хизмати органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш;

- халқаро солиққа тортишда қўлланиладиган тамойилларни ёритиши; - хонадон хўжалигининг иқтисодиётдаги ўрнини баҳолаш;

- хорижий мамлакатларда иқтисодиётни солиқлар воситасида тартибга солиш хусусиятларини ўрганиш;

- Ўзбекистон солиқ тизимида илғор хорижий тажрибаларни қўллашни ўргатишдан иборат;

- мамлакатдаги алоҳида аҳамиятга эга худудларни маҳсус солиқ режимларини жорий этиш;

- педагогик фаолиятга инновацияларни тадбиқ этишнинг самарали усусларидан фойдаланиш;

- замонавий педагогик технологияларни таълим жараёнига тадбиқ этиш;

- электрон ўқув материалларини яратиш технологияларини билиши ҳамда улардан таълим жараёнида фойдаланиш;

- хорижий тилдаги манбалардан педагогик фаолиятда фойдалана олиш;

- Ўзбекистон Республикаси бюджет ва солиқ тизимларидаги халқаро интеграция ва уни амалиётга тадбиқ қилиш;

- бошқарув қарорларини қабул қилиш;
- бюджет даромадларини прогнозлаштириш ва тушумларни назорат қилиш **кўникмаларга эга бўлиши керак.**

#### **Тингловчи:**

- Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Давлат бюджети тўғрисидаги қонуни, шунингдек таълим соҳасида давлат сиёсати ва бошқа қонунчилик ҳамда хуқуқий-меъёрий ҳужжатларидан ўқув жараёнида самарали фойдалана олиш;
- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- Бюджет солик сиёсатининг долзарб масаалари ва соликқа тортиш амалиёти мутахассислик фанларини ўқитишнинг дидактик таъминотини яратиш;
- солик соҳасида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда таълим жараёнини лойиҳалаш;
- соликларни ҳисоблаш ва солик ҳисботларини тузишда ахборот технологияларидан фойдалана олиш ҳамда ўқув жараёнига тадбиқ этиш;
- солик солишининг миллий ва халқаро тажрибаларини қиёсий таҳлил қила олиш ҳамда таълим жараёнида қўллаш;
- солик органларида соликлар ҳисобини юритишда маҳсус компьютер дастурларидан фойдаланишга оид **малакаларига эга бўлиши зарур.**

#### **Тингловчи:**

- халқаро соликқа тортиш жараёнларини чукур таҳлил этиш ва олинган хулосаларини кенг жамоатчиликга тушунтириб бера олиши ҳамда солик соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиш жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- макроқтисодий ва солик кўрсаткичларни тизимли равища таҳлил қилиш ва уларни кенг жамоатчиликка тушунтира олиши;
- соликларни ҳисоблаш ва солик ҳисботи маълумотлари асосида бюджет тушумлари истиқболини белгиловчи оптимал бошқарув қарорларини қабул қила олиш;
- соликқа тортишнинг халқаро андозалари бўйича хуқуқий-меъёрий ҳужжатлардаги тартиб ва қоидаларни амалиётга жорий қила олиш;
- соликларни ҳисоблаш ва ундириш амалиёти механизмларини такомиллаштиришда фаол қатнашиш **компетенциясига эга бўлиши зарур.**

#### **Модулни ташкил этиш ва ўтказиш бўйича тавсиялар**

“Соликқа тортишнинг халқаро андозалари” курси маъруза ва амалий машғулотлар шаклида олиб борилади.

Курсни ўқитиш жараёнида таълимнинг замонавий методлари, педагогик технологиялар ва ахборот-коммуникация технологиялари қўлланилиши назарда

тутилган:

- маъруза дарсларида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида презентацион ва электрон-дидактик технологиялардан;

- ўтказиладиган амалий машғулотларда техник воситалардан, экспресс-сўровлар, тест сўровлари, ақлий хужум, гурухли фикрлаш, кичик гурухлар билан ишлаш, коллоквиум ўтказиш, ва бошқа интерактив таълим усулларини қўллаш назарда тутилади.

### **Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги**

Ўқув модул мазмуни ўқув режадаги учинчи ва бешинчи блок ҳамда мутахассислик ўқув модулларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда профессор-ўқитувчиларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласди.

#### **Модулнинг олий таълимдаги ўрни**

Хозирги глобаллашув шароитида бюджет ва солиқ сиёсати ва ундаги ислоҳотларнинг устувор йўналишлари тўғрисида назарий ва амалий билимларни мужассамлаштирган бўлиб, унда мамлакатимиз солиққа тортиш тизимидағи ислоҳотларнинг концептуал асослари ёритиб берилган. Солиққа тортиш соҳасида замонавий педагог кадрлар учун ушбу йўналишдаги маълумотларни ўзлаштириш талаб қилинади ва бунда Ўқув модулнинг роли юқоридир.

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкламаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкламаси				Мустакил таълим
			жами	жумладан			
1.	Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва хуқукий-меърий асослари	4	4	2	2		
2.	Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига халқаро солиқ андозаларидан фойдаланиш	4	4	2	2		-
3.	АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимининг Ўзбекистон солиқ тизими билан қиёсий таҳлили	4	4	2	2		-
	<b>Жами:</b>	12	12	6	6		

## **НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-мавзу: Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва ҳуқуқий-меъёрий асослари**

Солиққа тортиш тамойиллари. Халқаро солиқ муносабатларида солиқ тамойилларининг аҳамияти. Солиққа тортиш тамойилларини ишлаб чиқишида халқаро ташкилотлар. Солиққа тортиш тамойилларни жорий этиш муаммолари. Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва замонавий тамойилларининг мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва хусусий солиққа тортиш тамойилларининг мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Халқаро солиққа тортиш тамойилларига асосланган ҳолда ҳар бир давлатнинг солиққа тортиш тамойилларини ишлаб чиқиш масалалари. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини тартибга солишида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти. Жаҳон солиқ кодексини ишлаб чиқилишга асосий сабаблар. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини тартибга солишида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларни давлатлар ўртасида қабул қилиш тартиблари. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини тартибга солишида ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга амал қилиш. Халқаро солиққа тортишнинг ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга амал қилинмаганлик шароитида жавобгарлик масалалари.

### **2-мавзу. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига халқаро солиқ андозаларидан фойдаланиш.**

Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш борасида белгиланган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти. Чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги субъектлар томонидан фойдаланиладиган автоматлаштирилган дастурий ҳисоб юритиш комплексларини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш, товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича шартномаларни ҳамда товар-моддий товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни мажбурий электрон рўйхатдан ўтказиш. Трансферт нарх шаклланиши масалалари бўйича норезидентларнинг солиқ назорати ва маъмуриятчилиги соҳасида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш.

### **3-мавзу. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимининг Ўзбекистон солиқ тизими билан қиёсий таҳлили.**

АҚШ ва Канада давлатида солиқ муносабатлари борасида интеграциянинг вужудга келиши. АҚШ ва Канада давлатида солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимидағи солиқ маъмурчилигининг ташкил этилиши. АҚШ ва Канада давлатида солиқ имтиёзларини бериш ва унинг самардорлигини баҳолаш тартиби. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимида солиқ ставкаларининг белгиланиши. АҚШ ва

Канада давлати солиқ тизимида солиқ назоратини амалга ошириш тартиби. АҚШ ва Канада давлати ўртасида солиққа оид муносабатларни тартибга солиш механизми. АҚШ ва Канада давлати ва Ўзбекистон солиқ тизимининг ўхшаш ва фарқли хусусиятлари. АҚШ ва Канада давлатида солиқ тизимининг илгор тажрибаларини Ўзбекистон солиқ тизимида фойдаланиш масалалари.

## **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

### **1-амалий машғулот: Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва хуқуқий-меъёрий асослари**

Солиққа тортиш тамойиллари. Халқаро солиқ муносабатларида солиқ тамойилларининг аҳамияти. Солиққа тортиш тамойилларини ишлаб чиқишида халқаро ташкилотлар. Солиққа тортиш тамойилларни жорий этиш муаммолари. Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва замонавий тамойилларининг мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва хусусий солиққа тортиш тамойилларининг мувофиқлигини таъминлаш масалалари. Халқаро солиққа тортиш тамойилларига асосланган ҳолда ҳар бир давлатнинг солиққа тортиш тамойилларини ишлаб чиқиши масалалари. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини тартибга солишида хуқуқий-меъёрий ҳужжатларнинг аҳамияти. Жаҳон солиқ кодексини ишлаб чиқилишга асосий сабаблар. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини тартибга солишида хуқуқий-меъёрий ҳужжатларни давлатлар ўртасида қабул қилиш тартиблари. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини тартибга солишида хуқуқий-меъёрий ҳужжатларга амал қилиш. Халқаро солиққа тортишнинг хуқуқий-меъёрий ҳужжатларга амал қилинмаганлик шароитида жавобгарлик масалалари.

### **2- амалий машғулот: Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига халқаро солиқ андозаларидан фойдаланиш.**

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини ривожлантириш Концепциясида халқаро тажрибаларга асосланиши. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати стратегияси ва тактикаларини ишлаб чиқишида халқаро солиқ андозаларидан фойдаланиши. Солиқ сиёсатини таҳлил қилишда, «солиқ сиёсатининг субъектлари», ҳамда унинг «мақсадлари», «усуллари» ва «шакллари» каби тушунчалари. Давлат солиқ сиёсатининг мақсадлари. Ривожланган мамлакатлар солиқ тизимидағи фарқли жиҳатлари. Халқаро амалиётда солиқ ваколатларини бюджетлар ўртасида тақсимланиши. Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш моделлари. Мамлакатимизда яширин иқтисодиёт даражасини пасайтириш, тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун, тенг рақобат шароитларини яратиш, солиқ қонунчилиги талабларига риоя қилиш тартиб-таомилларини автоматлаштириш ва унинг тартибини соддалаштириш

борасида белгиланган меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларнинг аҳамияти. Чакана савдо ва хизматлар кўрсатиш соҳасидаги субъектлар томонидан фойдаланиладиган автоматлаштирилган дастурий ҳисоб юритиш комплексларини солиқ органларининг ахборот тизимлари билан интеграция қилиш, товарларни (хизматларни) етказиб бериш бўйича шартномаларни ҳамда товар-моддий товар-моддий бойликларни олиш учун ишончномаларни мажбурий электрон рўйхатдан ўтказиш. Трансферт нарх шаклланиши масалалари бўйича норезидентларнинг солиқ назорати ва маъмуриятчилиги соҳасида солиқ қонунчилигини такомиллаштириш.

### **З- амалий машғулот:**

#### **АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимининг Ўзбекистон солиқ тизими билан қиёсий таҳлили.**

АҚШ ва Канада давлатида солиқ муносабатлари борасида интеграциянинг вужудга келиши. АҚШ ва Канада давлатида солиқ тизимининг ўзига хос хусусиятлари. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимида солиқ маъмурчилигининг ташкил этилиши. АҚШ ва Канада давлатида солиқ имтиёзларни бериш ва унинг самардорлигини баҳолаш тартиби. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимида солиқ ставкаларининг белгиланиши. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимида солиқ назоратини амалга ошириш тартиби. АҚШ ва Канада давлати ўртасида солиққа оид муносабатларни тартибга солиш механизми. АҚШ ва Канада давлати ва Ўзбекистон солиқ тизимининг ўхшашиб ва фарқли хусусиятлари. АҚШ ва Канада давлатида солиқ тизимининг илгор тажрибаларини Ўзбекистон солиқ тизимида фойдаланиш масалалари. АҚШ солиқ тизимининг таркиби ва тузилишининг ўзига хос хусусияти, туғри солиққа тортишнинг барча турларининг қулланилиши билан аниқланиши. АҚШ солиқ тизимининг таркиби ва тузилиши. АҚШда жисмоний шахслардан олинадиган солиқнинг ставкалари ва унинг туловчилари. Канада давлати солиқ тизимида солиқ маъмурчилигининг ташкил этилиши. Канада ҳукумати томонидан солиқ тизими олдига қўйиладиган вазифалар.. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимининг Ўзбекистон солиқ тизими билан қиёсий таҳлили кенгроқ тарзда ёритилиши.

### **ЎҚИТИШ ШАКЛЛАРИ**

Мазкур модулнинг назарий материалини ўзлаштиришда қўйидаги ўқитиш шаклларидан фойдаланилади:

**давра суҳбатлари** (кўрилаётган лойиҳа ечимлари бўйича таклиф бериш қобилиятини ошириш, эшитиш, идрок қилиш ва мантиқий хulosалар чиқариш);

**баҳс ва мунозаралар** (loyihalarar echimi bўyicha daliillar va asosli argumentlarni taқdim қилиш, эшитиш ва muammolarni echimini topish қобiliyatini rivojlanishi).

**Кенг кўламли суҳбат.** Ҳамма учун умумий бўлган тавсия этилаётган мажбурий ва қўшимча адабиётлар билан машғулотнинг ҳар бир режа саволларига тингловчilarни тайёргарлигини назарда тутади. Фаоллаштиришни

барча воситаларини қўллаш билан: сўзга чиқувчига ва барча гурухга яхши ўйлаб тузилган аниқ ифодаланган саволлар; сўзга чиқувчи тингловчиларни кучли ва кучсиз томонларига диққатларини қаратса олиши; иш жараёнида очиб берилаётган, янги қирраларни ўша вақтнинг ўзида ажратиб кўрсатиш ва бошқалар асосида кўпчилик тингловчиларнинг саволларини муҳокама қилишга жалб қилиш имконини беради.

**Пресс-конференция.** Қисқа сўзга чиқищдан сўнг, биринчи савол бўйича маъruzачига (агарда маърузалар бир қатор тингловчиларга берилган бўлса, ўқитувчининг ўзи улардан бирига сўз беради) сўз берилади. Шундан сўнг, ҳар бир тингловчи маъруза мавзуси бўйича унга савол бериши лозим.

**Кейсларни (муаммоли вазиятларни) ечиш.** Муаммоли вазиятларни ҳал этиш натижасида ҳосил бўлган, мустақил излаб топилган далиллар, касбий аҳамиятли йўналишларни излашга ва тасдиқлашга, келгусидаги касбий фаолияти билан боғлиқлигини англаб этишга ёрдам беради.

## **II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТЕРФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ.**

### **Муаммони жамоали тарзда ҳал этишнинг усуллари ва воситалари Музокаралар**

Музокаралар – аниқ ташкил этилган икки томон фикрларининг алмашинуви.

#### **Музокараларни ўтказиш жараёнининг тузилиши**



#### **Баҳс**

**Баҳс** – ўз фикрини ифода этишни хоҳловчилар орасида бирон бир мунозарали масалани муҳокама қилиш, ҳақиқатни аниқлаш ва тўғри қарорни қабул қилиш.

#### **Анжуман-баҳсининг роли**

**Олиб борувчи** – ўргатувчи барча ваколатларига эга – баҳс боришини бошқаради, исботлар ва рад этишларнинг далилигини, тушунча ва атамаларнинг аниқлигига эътибор қаратади, мулоқотнинг барча қоидаларга муносиб тарзда ўтишини кузатади.

**Оппонент** – тадқиқотчилар муҳитида қабул қилинган оппонентлик жараёнинни амалга оширади. У нафақат нутқ сўзловчининг асосий нуқтаи назарини ифодалаши, балки уни тушиниши орқали унинг хатоларини топиши ва ҳал этишнинг ўз вариантини тақдим этиши зарур.

**Мантиқчи** – нутқ сўзловчи ва оппонент фикларидағи қарама-қаршиликларни ва мантиқий хатоларни аниқлади, тушунчалар тавсифини аниқлади, далиллар ва рад этишларни ва фаразни олдинга суриш ҳаққонийлигини таҳлил қиласди.

**Психолог** – маҳсулли мулоқотни ташкил этиш учун жавоб беради, биргаликда ҳаракатларни амалга ошириб, келишувга эришади, баҳснинг можарога айланишига йўл қўймайди.

**Эксперт** – баҳс усулининг натижавийлигини баҳолайди, олдинга сурилган фаразлар ва таклифлар, ҳолосалар ҳаққонийлигини баҳолайди, аник бир иштирокчининг қўшган хиссаси тўғрисида фикрларни билдиради ва бошқалар.

### **«Ақлий ҳужум»**

**Ақлий ҳужум (брейнсторминг – миялар бўрони)** – амалий ёки илмий муаммоларни ҳал этиш фикрларни жамоали генерация қилиш усули.

Ақлий ҳужум вақтида иштирокчилар мураккаб муаммони биргаликда ҳал этишга интилишади: уларни ҳал этиш бўйича ўз фикрларини билдиради (генерация қиласди) ва бу фикрлар танқид қилинмасдан улар орасидан энг мувофиқи, самаралиси, мақбули ва шу каби фикрлар танлаб олиниб, муҳокама қилинади, ривожлантирилади ва ушбу фикрларни асослаш ва рад этиш имкониятлари баҳоланади.


Ақлий ҳужумнинг асосий вазифаси – ўқиб-ўрганиш фаолиятини фаоллаштириш, муаммони мустакил тушуниш ва ҳал этишга мотивлаштиришни ривожлантириш, мулоқот маданияти, коммуникатив кўникмаларни шакллантириш, фикрлаш инерциясидан қутилиш ва ижодий масалани ҳал этишда фикрлашнинг оддий боришини енгиш.


- **Тўғридан-тўғри жамоали ақлий ҳужум** – иложи борича қўпроқ фикрлар йиғилишини таъминлайди. Бутун ўкув грухи (20 кишидан ортиқ бўлмаган) битта муаммони ҳал этади.

- **Оммавий ақлий ҳужум** – микро грухларга бўлинган ва катта аудиторияда фикрлар генерацияси самарадорлигини кескин ошириш имконини беради.


- Ҳар бир грух ичida умумий муаммонинг бир жиҳати ҳал этилади.

## Кўргазмали тақдим этиш: график ташкил этувчилик





**Вени диаграммаси**




**“SWOT-тахлил” методи.**

**Методнинг мақсади:** мавжуд назарий билимлар ва амалий тажрибаларни таҳлил қилиш, таққослаш орқали муаммони ҳал этиш йўлларни топишга, билимларни мустаҳкамлаш, такрорлаш, баҳолашга, мустақил, танқидий фикрлашни, ностандарт тафаккурни шакллантиришга хизмат қиласи.

<b>S – (strength)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• кучли томонлари</li> </ul>
<b>W – (weakness)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• заиф, кучсиз томонлари</li> </ul>
<b>O – (opportunity)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• имкониятлари</li> </ul>
<b>T – (threat)</b>	<ul style="list-style-type: none"> <li>• хавфлар</li> </ul>

### “Кучлар таҳлили” графиги



### «Кучлар таҳлили» графигини тузиш қоидаси

Координат ўқи чизилади, чапга стрелка (кучлар) билан корхона ривожланиши ёки муайян бизнес лойихасини амалга оширишга халақит берувчи тўсиклар жойлаштирилади. Ушбу стрелкалар катталиги жиҳатдан у ёки бу муаммога таъсири ҳамда жиддийлигига мос келиши лозим бўлади.

Сўнгра қарама-қарши томонга ушбу кучларни енгиб утиш воситалари стрелка кўринишида экс эттирилади. Уларнинг сони графикнинг ўнг томонидан натижа чиқара оладиган даражада бўлиши лозим.

Умуман олганда, бу келгусида аниқлаштиришни ва бўлакларга ажратишни талаб этадиган кучларни нисбий баҳолаш усули ҳисобланади.

### “Кейс-стади” методи

«Кейс-стади» - инглизча сўз бўлиб, («сасе» – аниқ вазият, ҳодиса, «стади» – ўрганмоқ, таҳлил қилмоқ) аниқ вазиятларни ўрганиш, таҳлил қилиш асосида ўқитишни амалга оширишга қаратилган метод ҳисобланади. Мазкур метод дастлаб 1921 йил Гарвард университетида амалий вазиятлардан иқтисодий бошқарув фанларини ўрганишда фойдаланиш тартибида қўлланилган. Кейсда очиқ ахборотлардан ёки аниқ воқеа-ҳодисадан вазият сифатида таҳлил учун фойдаланиш мумкин. Кейс ҳаракатлари ўз ичига қуйидагиларни қамраб олади: Ким (W<sub>х</sub>o), Қачон (W<sub>ҳ</sub>ен), Қаерда (W<sub>ҳ</sub>ере), Нима учун (W<sub>ҳ</sub>й), Қандай/ Қанақа (X<sub>ow</sub>), Нима-натижа (W<sub>ҳ</sub>ат).

### “Кейс методи” ни амалга ошириш босқичлари

Иш босқичлари	Фаолият шакли ва мазмуни
<b>1-босқич:</b> Кейс ва унинг ахборот таъминоти билан таништириш	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка тартибдаги аудио-визуал иш;</li> <li>✓ кейс билан танишиш (матнли, аудио ёки медиа шаклда);</li> <li>✓ ахборотни умумлаштириш;</li> <li>✓ ахборот таҳлили;</li> <li>✓ муаммоларни аниқлаш</li> </ul>

<b>2-босқич:</b> аниқлаштириш ва ўкув топшириғни белгилаш	Кейсни	<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муаммоларни долзарблик иерархиясини аниклаш;</li> <li>✓ асосий муаммоли вазиятни белгилаш</li> </ul>
<b>3-босқич:</b> Кейсдаги асосий муаммони таҳлил этиш орқали ўкув топширигининг ечимини излаш, ҳал этиш йўлларини ишлаб чиқиш		<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ индивидуал ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил ечим йўлларини ишлаб чиқиш;</li> <li>✓ ҳар бир ечимнинг имкониятлари ва тўсиқларни таҳлил қилиш;</li> <li>✓ муқобил ечимларни танлаш</li> </ul>
<b>4-босқич:</b> Кейс ечимини ечимини шакллантириш ва асослаш, тақдимот.		<ul style="list-style-type: none"> <li>✓ якка ва гурухда ишлаш;</li> <li>✓ муқобил варианtlарни амалда қўллаш имкониятларини асослаш;</li> <li>✓ ижодий-лойиҳа тақдимотини тайёрлаш;</li> <li>✓ якуний хулоса ва вазият ечимининг амалий аспектларини ёритиш</li> </ul>

### Кейс.

Амалий вазият. Илмий-техника дастурлари доирасида бажариладиган тадқиқотлар бўйича эълон қилинган танловда Сизнинг грантингиз ғолиб бўлди. Грант ижрочилари белгиланган бўлсада, ташкилот раҳбари ижрочи сифатида Сиз танимайдиган бир ёш мутахассисни грантга қўшишга кўрсатма берди. Сиз андиша қилиб уни грантга ижрочи сифатида киритдингиз ва у бажариши лозим бўлган вазифаларни белгилаб бердингиз. 6 ой ўтди. Ижрочи ҳеч бир вазифани бажармади, лекин иш ҳақи олиб юрди. Гранд иштирокчилари ўртасида эътиrozлар юзага келди.

Бундай ҳолатда Сиз гранд раҳбари ёки ижрочи сифатида қандай йўл тутасиз?

1. Раҳбарингизга арз қилиб, вазиятни тўғрилаш учун ёрдам сўрайсиз.
2. Ёш мутахассис вазифаларини ўзингиз бажариб боришингиз бошқа ижрочиларга айтиб, вазиятни тўғрилайсиз.
3. Ёш мутахассис вазифаларини бошқа ижрочилар бажариши учун тақсимлаб берасиз.
4. Маслаҳатимиз уни гранддан чиқариб ташлайсиз.
5. Ёки бошқача йўлларини топасиз.

### **III. НАЗАРИЙ МАТЕРИАЛЛАР**

#### **1-мавзу. Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва ҳуқуқий-меъёрий асослари. (2 соат)**

**Режа:**

- 1. Халқаро солиқ муносабатларида солиқ тамойилларининг аҳамияти**
- 2. Халқаро солиққа тортишнинг асосий тамойиллари, ҳуқуқий асослари**
- 3. Жаҳон солиқ кодексини ишлаб чиқилишга асосий сабаблари**
- 4. Халқаро солиққа тортиш муносабатларини тартибга солища ҳуқуқий-меъёрий хужжатларни давлатлар ўртасида қабул қилиш тартиблари**

##### **1. Халқаро солиқ муносабатларида солиқ тамойилларининг аҳамияти.**

Солиқларнинг функциясини ўрганиш уларнинг иқтисодиётдаги ролини кўрсатиб берса, солиққа тортиш тамойиллари солиқ муносабатларини амалиётда ташкил этиш, солиққа тортиш, уни ундириш амалиётининг мазмунини очиб беради. Кўплаб иқтисодчилар солиққа тортиш иқтисодиётнинг равнақига олиб келиши мумкин бўлган тамойилларни қайд этишган.

Солиққа тортиш тамойилларини А. Смит ўзининг «Халқлар бойлигининг сабаблари ва табиатлари» номли китобида (1776) ilk бор солиқ тамойилларини асослаб берган:

1) Давлат фуқаролари давлат харажатларини қоплашда ўзлари ҳукумат муҳофазасида фойдаланаётган даромадларига мувофиқ тарзда қатнашишлари лозим.

2) Ҳар бир одам тўлайдиган солиқ аниқ белгилаб қўйилган бўлиши керак, бунда ўзбошимчалик кетмайди. Солиқ миқдори, тўланадиган вақти ва тартиби уни тўловчига ҳам, бошқа ҳар қандай одамга ҳам бирдай аниқ ва маълум бўлиши зарур.

3) Ҳар бир солиқ тўловчига ҳар жиҳатдан қулай бўлган вақтда ва тартибда ундирилиши керак.

4) Ҳар бир солиқ шундай тарзда тузилиши керакки, бунда солиқ тўловчининг ҳамёнидан кетадиган пул давлат бюджетига келиб тушадиган маблағга нисбатан ортиқ бўлишига мумкин қадар йўл қўйилмасин.

Ҳозирги шароитга татбиқан олганда, солиққа тортиш самарали тизимнинг қўйидаги тамойилларини таърифлаб ўтиш мумкин:

1. Етарлилик тамойили. Мазкур тамойилга мувофиқ солиққа тортиш даражаси шундай бўлиши лозимки, у давлат интилаётган халқ хўжалиги самарадорлигига эришишни кафолатлай олсин. Солиққа тортиш тизими иқтисодиёт, ижтимоий ҳимоя, мудофаа қобилияти ва бошқа соҳалардаги давлат сиёсатини амалга ошириш учун зарур бўлган молия ресурслари тўпланишини таъминласин. Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш лозимки, солиқ ставкалари (ўзича олганда) солиқ юки қўрсаткичи ҳисобланмайди, чунки солиқ тўловчи солиқ

тўлар экан, давлат томонидан бепул хизматлардан баҳраманд бўлгани ҳолда айни чоқда ўзининг баъзи харажатларини қисқартиради. Масалан, давлат умумий фойдаланиш йўлларининг ҳолати яхши сақланишини таъминлаш билан солик тўловчининг транспорт харажатларини камайтиради, бепул маориф, соғлиқни сақлашни таъминлаш билан ёлланма ходимларнинг харажатларини қисқартиради, демак, иш ҳақи харажатларини ҳам камайтирган бўлади. Шундай қилиб, тўланган соликларнинг фақат хизматлар кўринишидаги талаб этилмаган бир қисмигина солик юки кўрсаткичи ҳисобланади. Хуроса қилиб айтиш мумкинки, етарлилик тамоилии солик сиёсатини белгилаётганда уни давлатнинг қабул қилинган ижтимоий-иктисодий сиёсати билан қатъий равишда уйғулаштиришни тақозо этади.

2. Тадбиркорлик ва инвестицияларни рағбатлантириш. Солик тизими хўжалик юритувчи субъектларни, жумладан, чет эл субъектларини, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, ускуналар ва замонавий технологиялар сотиб олиш учун маблағ йўналтиришни, яъни капитал жамғариш ва шу йўл билан технологияларни такомиллаштириш, рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириши лозим.

Солик тизими ресурсларнинг самарали тақсимланишига тўскинлик қиласлиги ҳамда хўжаликни мустақил юритиш омилларини чеклаб қўймаслиги лозим. Агар соликлар катта бўлгани учун тадбиркорларнинг ишлаб чиқаришни кенгайтиришдан, бошқа турдаги иқтисодий фаолият кўрсатишдан манфаатдорлигига путур етказса, мамлакат иқтисодиёти пастга қараб кетиши хавфи туғилади. Соликлар микдори ҳаддан ташқари катта қилиб белгиланса, ишлаб чиқариш ҳажмлари камайиб кетади, бу жараён заҳиралар, банклардаги пул маблағларининг баракаси учишига, илгари тўпланган маблағларнинг ейилиб кетишига олиб келади.

Соликка тортиш, агар у, биринчидан, ишчи кучини ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган даражада сақлаб туришга зарур бўлган истеъмолнинг минимал ҳажмларига салбий таъсир эца, иккинчидан, меҳнатга нисбатан иқтисодий ва моддий рағбатларнинг харакат доирасини торайтириб қўйса, учинчидан, жамғарма микдорини камайтиrsa ва маблағнинг тўпланиш жараёнини секинлаштиrsa, ишлаб чиқариш имкониятларини ёмонлаштириб юбориши мумкин.

Соликка тортишнинг кейинги икки салбий омилини батафсил кўриб чиқайлик. Моддий рағбатлантиришларга нисбатан соликка тортишнинг нохуш таъсир этиши иш ҳақи тизимида салбий алломатлар пайдо бўлишида кўзга ташланади.

Юқори даражада табақалаштирилган солик ставкаларининг қўлланилиши натижасида ходим томонидан ана шу моддий рағбатни қабул қилишдаги оддийлик ва мақбуллик кўлар торайиб қолади.

Соликка тортиш базаси ва унинг ҳажмларини нотўғри белгилаш ходимнинг малака оширишига, рационализаторлик ва ихтирочилик фаолияти билан шуғулланишига ва бошқа соҳаларга бўлган интилишига салбий таъсир этади,

боиси - меҳнатга тўланадиган ҳақ миқдори, ҳақиқий меҳнат харажатларининг мураккаблиги ва хусусияти ўзгаришига бефарқ бўлиб қолади.

Солиқقا тортишнинг иқтисодий омилларга таъсири икки хил кўринишда бўлади ҳамда қиёсий оқибат ва даромад оқибати шаклида ифодаланади. Қиёсий оқибат меҳнат натижалари, жамғариш, инвестициялаш, янги ғояларни жорий этиш ва ишлаб чиқариш фаолиятининг бошқа хил кўринишлари билан шуғулланиш учун нисбатан камроқ даражада рағбатлантиришда намоён бўлади. Айниқса прогрессив (ошиб борувчи) солиқقا тортишда бундай оқибатнинг рағбатлантиришга зид таъсири яққол ифодаланади.

Дунёдаги бир қатор мамлакатларда капиталдан келган даромад ва истеъмолга қараб солиқقا тортишни кўзда тутган солиқ ислоҳоти ўтказилмоқда. Солиқقا тортишнинг салбий таъсирини силлиқлаш мақсадида ишчи кучини таклиф этиш соҳасида иш ҳақи кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқларнинг энг юқори қилиб белгиланган ставкалари пасайтирилмоқда. Жамғариш ва инвестициялашга солиқларнинг таъсир этиши борасида ҳам муайян ютуқларга эришилди.

Солиқларнинг таъсири инвестициялар таркибида ҳам яққол сезилади. Турли кўринишдаги активлар учун жорий этилган ҳар хил солиқ тартиблари инвестиция имкониятлари ва сармоядорларнинг портфели таркибида сезилиб қолади. Солиқ тизимидағи камчилик ва нуқсонлар иқтисодий ўсиш суръатларининг пасайиб кетишига олиб келиши мумкин, бу ҳол пиравард натижада давлат бюджети даромадларининг ўзгаришига ҳам таъсир этмай қолмайди.

Солиқقا тортишдаги оғирликни капиталдан шахсий жамғаришга ўтказишнинг умумий таъсирини бир хил маънода баҳолаш қийин, жамғарманинг умумий ҳажми учун келиб чиқадиган оқибатлар солиқ тушумларининг ҳукumat томонидан ишлатилиш хусусиятига боғлиқ бўлади.

Агар ёпиқ иқтисодиёт шароитида солиқ тизими уй хўжаликларидағи жамғармалар даражасининг пасайиб кетишига олиб келган бўлса, у ҳолда бир текис фоиз ставкаси ошган, бу эса инвестиция капиталига талабнинг камайиши таъсир кўрсатган бўлади. Очик иқтисодиётда эса жамғармалардан олинадиган даромад солиқлари инвестицияларга чекланган даражада таъсир қиласи, чунки бунда чет элдан капиталнинг кўпроқ оқиб келиш имконияти бор, бинобарин, хорижлик сармоядор жаҳон бозорида устун ҳисобланган ставкани мўлжаллайди. Бироқ бундай ҳолатда капиталга бўлган мулкчилик ҳаракатга келади. Бунга мисол тариқасида Япониядан капиталнинг АҚШга оқиб ўтганлигини кўрсатиш мумкин, АҚШда капиталдан фойдаланганлик учун фоиз ставкаси паст бўлган. Айни пайтда АҚШда резидентлар жамғармаларини солиқقا тортиш ставкаси Япониядагига қараганда юқори эди.

Бинобарин, солиқ сиёсати ўз-ўзидан, агар у давлатнинг молия-пул сиёсати бошқа унсурлардан айри ҳолда амалга оширилса, такрор ишлаб чиқариш жараёнларига рағбатлантирувчи таъсир ўтказмаслиги ҳам мумкин.

3. Солиқقا тортишнинг адолатлилик тамойили. Адолат тамойиллариға мувофиқ, солиқлар жамият томонидан оқилона ва адолатли деб тан олинган

умумий объектив қоидаларга биноан белгиланиши лозим. Адолатлилик тамойилининг бир қанча асосий гурухдаги солиқка тортиш тамойиллариға бўлинади. Буларни икки гурухга бўлган ҳолда ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Бунда горизонтал ва вертикал адолатни бир-биридан фарқлаш лозим. Горизонтал адолат тамойили даромад олишнинг турли шароитларида солиқ тўловчиларга нисбатан солиқка тортишнинг тахминан тенг шартларини қўллашни қўзда тутади.

Вертикал адолат деганда, хўжалик юритишнинг бир мунча оғир шароитларида ишлаётган субъектлар учун солиқка тортишнинг бир қадар юмшокроқ шартларини, енгил даромад олиш имкониятига эга бўлган субъектлар учун эса оғирроқ шартларни қўллаш тушунилади. Солиқларнинг рағбатлантириш функциясини бажариш доирасида иккинчи тамойил бузилиши мумкин. Масалан, ҳалқ истеъмоли товарлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш мақсадида уларни ишлаб чиқариш бўйича солиқка тортишда бир қадар имтиёзли шартлар ёки бунинг аксича вино-ароқ ва тамаки маҳсулотларини истеъмол қилишни чеклаш учун улардан олинадиган эгри солиқларнинг юқори ставкалари белгиланган ҳоллар ҳам бўлади.

Ижтимоий адолат тамойилини амалга оширишга турлича ёндашувлар бўлиши мумкин. Агар солиқларни тўпланган солиқлар ҳисобидан рўёбга чиқариладиган давлат дастурларидан кейинчалик фойда кўрадиган шахслар тўласа, у ҳолда адолатли деб ҳисобланади. Айтайлик, транспорт воситалариға солиқлардан тушадиган маблағни давлат катта йўлларни таъмирлашга ёки қуришга сарфласа, бундан солиқ тўловчиларнинг ўзлари - автомобиль эгалари наф кўради. Бироқ бундай ёндашувни кенг миқёсда амалга оширишнинг иложи бўлмайди. Ҳуқук-тартиботни мустаҳкамлаш, маорифни ривожлантириш, атроф-муҳитни қўриқлашдан аниқ равишда ким кўпроқ фойда кўришини қандай қилиб ҳисоблаб чиқиши мумкин? Ҳатто бепул соғлиқни сақлаш дастурларидан асосан кўп болали оиласлар, кекса ва ночор фуқаролар фойдаланишлари аниқлаб чиқилган тақдирда ҳам ана шу мақсадлар учун маҳсус солиқларни айнан уларнинг ўзидан ундиришни талаб қилиш адолатдан бўладими?

Амалиётда бошқача ёндашув бирмунча кенгроқ қўлланилади, унга кўра тўлов қобилияти тамойили асос қилиб олинади: солиқ тўловчининг даромади қанчалик юқори бўлса, ундан шунча кўп миқдорда солиқ ундирилади. Бу гапнинг маъноси шуки, бадавлат одамлар бепул мактаб маорифи, миллий мудофаа, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳалар учун бир қадар юксак иқтисодий масъулиятни ҳис этишлари лозим, чунки улар камбағалларга нисбатан кўпроқ тўлашга қодирдирлар. Бой одамлар бепул давлат дастурларидан фойдаланадиларми? Агар фойдалансалар, бу қай даражада аҳамияциз? Аслини олганда, ўзига тўқ кишилар таълим бериш ва хизмат кўрсатиш яхшироқ йўлга қўйилган мактаб ва шифохоналарни танлайдилар. Бундай тўлов қобилияти концепцияси АҚШ солиқ сиёсатида кенг тарқалган.

Бироқ амалиётда солиқка тортишнинг мазкур концепцияси тез-тез жиддий қийинчиликларга дуч келиб туради. Йилига 100 минг доллар даромад оладиган киши йилига 10 минг доллар даромад оладиган кишига нисбатан кўпроқ солиқ

тўлашга қодир, деган фикрга қўшилиш мумкин. Бироқ бунда биринчи киши иккинчисига қараганда айнан неча баробар кўп солик тўлаш имкониятига эга, деган масала ноаниқдир. Бадавлат одам ўзининг даромадидан ўша ҳиссани ва мутлақ катта суммани тўлайдими ёки солик сифатида умуман кўпроқ ҳиссани тўлайдими? Афсуски, аниқ бир кишининг солик тўлаш имкониятларини ўлчаш учун илмий асосланган қандайдир усувлар йўқ. Амалиётда бунга жавоб, таклифлар ва тахминлар эмпирик йўл билан ёки ҳукуматнинг даромадларга бўлган жорий эҳтиёжлари, сиёсий қараши асосида пайдо бўлади.

Солиқقا тортишдаги адолат тамойили баъзи ҳолларда тақсимотдаги ижтимоий адолат тамойили кўринишида намоён бўлади. Шуни таъкидлаб ўтиш ўринлики, бу тамойилни даромадларни teng равишда тақсимлаш, бараварлаштириш деб тушунмаслик керак. Конун олдида тенгликка риоя этилиши, ижтимоий мумтозликка, ирқ ва динга муносибликка асосланган имтиёзларнинг бекор қилиниши, инсон асосий ҳуқуқларга бирдай эга бўлиши каби тенглик тамойиллари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикаси Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган ва бу тамойилларга қадриятларнинг ижтимоий тизимиға қатъий амал қилмоқ лозим. Моддий тенглик, яъни даромадлар, мулк, истеъмол соҳасидаги тенглик ҳақида гап кетадиган бўлса, айтиш керакки, бундай тенгликка эришиб бўлмайди. Давлат ва жамият барча фуқаролар яхши ҳаёт кечиришлари учун зарур шарт-шароит яратиб беришлари керак, албатта, солиқقا тортиш тизими эса истиқболга мўлжалланган режада аҳолининг фаровонлигини умумий тарзда амалга ошириш орқали жамият қўйи қатламларининг аҳволи изчил равишида яхшиланиб боришига кўмаклашмоғи зарур.

4. Оддийлик ва холислик. Бу тамойил солиқقا тортиш базасини аниқлашда, солиқларни ҳисоблаб чиқишида оддийлик бўлишини, тақдим этиладиган ҳисоботларнинг мазмунини соддалаштиришни, шунингдек солиқларнинг энг муҳим турлари бўйича ягона ставкалар белгилашни, бериладиган имтиёзларни иложи борича камайтиришни кўзда тутади. Бу ўринда назарда тутилаётган нарса шуки, солиқларнинг рағбатлантириш функцияси доирасида бериладиган имтиёзлар якка тартибдаги хусусиятга эга бўлмаслиги, балки муайян фаолият турларини рағбатлантиришга, солик тўловчиларнинг мулкчилик шакли ва қайси идорага мансублигидан қатъи назар, маълум турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқаришни кўпайтиришга қаратилмоғи лозим. Баъзи соҳаларда пайдо бўладиган давлат томонидан қўллаб-қувватлашга эҳтиёжни қондиришни бюджет-кредит сиёсати орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Бунинг сабаби шуки, солик имтиёзларининг ҳаддан ташқари кўплиги қонунларни мураккаблаштириб юборади, тушунишни қийинлаштиради ҳамда турлича талқин қилинишига олиб келади, бу ҳол пиравард натижада солик тўловчиларнинг солиқларга нисбатан муносабатларига салбий таъсир қиласи. Шу билан бирга аниқ қилиб белгиланган имтиёзлар солик юкини бошқа солик тўловчилар зиммасига ўтказиб, ижтимоий адолализлик рўй беришига олиб келади.

5. Бошқаришга қулайлик. Самарали солик тизимиға қўйиладиган муҳим талаблардан бири бошқарувга қулай бўлишидир. Солиқларни ундириб олишда

самарадорликка эришиш кўп ҳолларда солиқларнинг солиқ тўловчиларга яхши тушунарли бўлишига боғлиқ.

Айрим мамлакатларда солиқقا тортишнинг ниҳоятда мураккаб тартиби амал қиласди, айтайлик, шкала ва ставкалар тури, солиқлар таркиби, уларни тўлаш қоидалари ва тартиблари ҳаддан ташқари кўп. Бунинг устига улар солиқ тушумларининг кўпайишига ҳеч қандай ёрдам бермайди ҳамда солиқларнинг рағбатлантирувчи функцияси бажарилишида роль ўйнамайди.

Маъмурий бошқарувчилик билан солиқقا тортиш тамойилларини рўёбга чиқаришга қаратилган мақсадга эришиш ўртасида мувозанат сақланиб қолиши ниҳоятда муҳимдир. Мураккаб тузилган чораларнинг самараси кам бўлади, уларни амалга оширишдаги муваффақият кўпдан-кўп ахборот тўплаш ва ундан фойдаланишга боғлиқ. Солиқ хизмати ва солиқ маданиятининг ривожланганлик даражасини ҳам ҳисобга олиш керак.

6. Солиқларни йиғиш жараёнини имкон қадар арzonлаштириш. Мазкур тамойил давлат ва солиқ тўловчилар томонидан солиқларни йиғиш учун кетадиган харажатларни мумкин қадар камайтиришни кўзда тутади. Бунинг учун республикамизда солиқقا тортиш тартибини такомиллаштириш билан бир қаторда солиқларни мақбуллаштириш, компьютер технологиялари, солиқ ахборотларининг тўғрилигини бевосита назорат қилиш усусларини қўллаш орқали солиқ тўловчиларнинг харажатларини камайтириш мақсадида давлат ҳисобидан сақланадиган сервис-марказлар, солиқقا тортиш масалалари хусусида солиқ органлари томонидан бепул маслаҳатхоналар ташкил этилган.

7. Солиқ ставкаларини қиёслаш. Солиқ ставкалари бошқа давлатлардаги худди шундай солиқларнинг ставкалари билан қиёсланиши, яъни минтақанинг ўзига хос хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда бошқа мамлакатлар билан тенг бўлган хўжалик фаолияти шарт-шароитлари вужудга келтирилиши лозим. Агар қаттиқ шартлар белгилаб қўйилгудек бўлса, бу ҳол республика иқтисодиётiga инвестицияларни жалб қилишни мушкуллаштириб юборади, аксинча, енгил шароит яратилса, мамлакат бюджетига салбий таъсир қиласди.

Солиқقا тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида эса солиқقا тортиш томойиллари солиқ қонунчилиги тамойиллари деб аталиб, унинг беш тамойили (4-модда) белгилаб берилган.

•Хар бир шахс Кодексда белгиланган солиқ ва тўловларни тўлашга мажбурдир, яъни солиқ тўлаш қонун билан мажбур қилиб қўйилади. Аслида мажбурийлик солиқларнинг иқтисодий моҳиятидан келиб чиқади.

•Хуқуқий шахсларни солиқقا тортиш мулкчилик шаклидан қатъи назар, жисмоний шахслар эса жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий аҳволидан қатъий назардан қонун олдида тенгдирлар.

•Белгиланган солиқлар ва йигимлар Ўзбекистон худудида товарлар (ишлар, хизматлар) ёки пул маблағларининг эркин ҳаракатини бевосита ёки билвосита

чекламайди ёки солиқ тўловчиларнинг иқтисодий фаолиятини чеклашга ёки тўскинлик қилишга йўл қўймайди.

• Манбаларидан қатъий назар, ҳамма даромадлар мажбурий равишда солиққа тортилади.

• Белгиланган солиқ имтиёзлари ижтимоий адолат тамойилига мос келиши шарт.

Солиққа тортиш тамойиллари ва солиқ қонунчилиги тамойиллари муайян ўхшашликка эга ва уларни тўлиқ ҳаётга татбиқ этиш иқтисодиётни ривожлантиришнинг муҳим вазифаларидан биридир.

Солиққа тортиш тамойиллари тўғрисида турлича ёндашишлар мавжудлигини юқорида кўриб ўтдик. А. Смит томонидан ишлаб чиқилган солиққа тортишнинг 4 тамойили, мамлакатимиз солиқ кодексида эса солиқ қонунчилигининг 5 тамойили ва бошқа иқтисодий адабиётларда ҳам турлича солиққа тортиш тамойиллари мавжудлиги эътироф этилган. Юқорида келтирилган солиққа тортиш тамойилларини чуқурроқ ўрганиш уларни умумлаштириш орқали энг мақбул, барча жиҳатларни тўлиқ қамраб оладиган оптимал солиққа тортиш тамойилларини яратиш муаммосининг ечимини топиш ҳозирги давр талаби бўлиб қолмоқди.

## **2. Халқаро солиққа тортишнинг асосий тамойиллари, ҳуқуқий асослари**

Жаҳон ҳамжамияти иқтисодий тизимлари интеграцияси ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг ривожланиши хорижий мамлакатлар солиқ тизимларини ўзаро таъсирига олиб келди. Турли малакатларда солиққа тортишни у ёки бу масалаларига бўлган ёндашувларни бир бирига мос келмаслиги низоли вазиятларни юзага келишигасабаб бўлмоқда. Масалан, халқаро икки томонлама солиққа тортиш ана шундай масалалардан биридир. Халқаро икки томонлама солиққа тортиш деганда икки ёки ундан ортиқ мамлакатда бир солиқ тўловчининг фаолияти айнан бир хил ёки ўхшаш солиқ тури билан бир вақтнинг ўзида солиққа тортиш ифодаланади.

Икки томонлама солиққа тортишни белгиловчи кўрсаткичлар қўйидагилардан иборат:

- солиққа тортиш обьектининг ўхшашлиги;
- солиққа тортиш субъектларининг ўхшашлиги;
- солиқ тўлаш муддатининг ўхшашлиги;
- солиқ тўловининг бир хиллиги ва бошқалар.

Хар бир мамлакатда солиқ қонунчилигини кенгайтириш ва ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш, шунингдек, товар, хизмат ва капитални экспорт қилувчиларга солиқ имтиёзлари бериш билан боғлиқ тадбирларнинг умумий йиғиндиси мамлакатнинг ташқи солиқ сиёсати дейилади. Ушбу сиёсатнинг қайси томонга йўналиши муайян вазиятдан келиб чиқади. У бюджет даромадларини ошириш нуқтаи назаридан ёки экспортни қўллаб-қувватлаш мақсадидан келиб чиқиши мумкин. Аммо, шу нарсани ёдан чиқармаслик лозимки, бу соҳада манёврлаштириш имкониятлари анча чегаралангандан юқорида айтилганидек, хеч бир мамлакат ўз фуқаролари ёки капитали учун

бошқа мамлакатдан, маҳаллий аҳолига қўлланилаётган солиқقا тортишга нисбатан имтиёзлироқ бўлган тартибни талаб қилишга хақли эмас. Худди шунингдек, ҳеч бир мамлакат ўз ҳудудида фаолият юритаётган хорижий фуқаро ва шахсларга, солиқ юкини маҳаллий аҳолидан кескин фарқ қилувчи нисбатларда оширишга хақли эмас. Бундай ҳолатнинг юз бериши, мазкур мамлакатнинг хорижий бозорларидағи фаолиятига нисбатан ҳам худди шундай чора-тадбирлар қўлланилишига олиб келиши мумкин.

Аксарият мамлакатлар солиқ қонунчилигига хорижий шахслар ва компанияларни солиқка тортишнинг фақатгина умумий томонлари белгилаб берилади ва улар кейинчалик ҳукумат кўрсатмаларида, суд қарорларида, маълум миллий одатларда ва бошқаларда аниқлаштирилади.

Ҳар бир мамлакат учун халқаро солиқ муносабатларини тартибга солинишида қўйидагилар асосий воситалар ҳисобланади:

- бир ёклама чора-тадбирлар ёки миллий солиқ сиёсатининг чора-тадбирлари бўлиб, бошқа мамлакатлар ҳукуматлари билан ҳеч қанақа келишувларсиз амалга оширилади (мамлакатда фаолият юритаётган хорижликлар ва мамлакатнинг хорижда фаолият юритаётган фуқаро ва корхоналарига нисбатан солиқ тартибининг белгиланиши);

- шартномавий чора-тадбирлар икки томонлама ёки кўп томонлама асосда (халқаро келишув), ёки “солиқларнинг гармонлашуви” деб номланадиган

келишувлар доирасида (яъни, икки ёки ундан ортиқ шартлашаётган мамлакатларнинг миллий солиқ сиёсатларини ўзаро мувофиқлаштириш асосида)ги чора-тадбирлар.

Ҳозирги кунда, амалда юздан ортиқ солиқ келишувлари мавжуд. Бундан

ташқари, у ёки бу даражада мамлакатлар ўртасидаги солиқ муносабатларига тегишли бўлган турли хил халқаро келишувлар ҳам мавжуд.

Умуман, солиқ келишувлари бир нечта тур ва кўринишга эга. Улардан айримларини алоҳида ажратиб кўрсатиш мумкин:

- маъмурий ёрдам кўрсатиш бўйича келишувлар;
- “чегараланган” солиқ келишувлари;
- умумий солиқ келишувлари;
- ҳадя ва меросдан олинадиган солиқлар бўйича келишувлар;
- ижтимоий суғурта тўловлари бўйича солиқ келишувлари ва бошқалар.

Ҳозирда ушбу келишувларнинг барчаси кўпчилик вазиятларда янги келишув шакли бўлган “Умумий солиқ келишуви” билан алмаштирилмоқда (ушбу солиқ келишуви тўлиқлигича “Икки ёклама солиқка тортишни бекор қилиш ҳамда даромад ва капитални солиқка тортиш соҳасидаги четга чиқишиларга қарши кураш бўйича келишув” деб номланади ва асосан, биринчи жаҳон урушидан сўнг, кенг қўлланила бошланган).

## **Таянч сўз ва иборалар:**

*Умумий солиқ келишуви, икки ёқлама солиқка тортиши, солиқларнинг гармонлашуви, етарлилик тамойили, тадбиркорлик, инвестиция,adolatлилик тамойили, вертикал адолат, солиқ ставкаларини қиёслаш, солиқ имтиёзлари, солиқларнинг гармонлашуви*

## **Назорат учун савол ва топшириклар:**

1. Халқаро солиқка тортиш тамойиллари тушунчаси?
2. Солик келишуви неча турдан иборат?
3. Халқаро солиқ муносабатларини тартибга солинишида қайсилар асосий восита ҳисобланади?
4. Вертикал адолат деганда нима тушинасиз?
5. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида нечта тамойил белгилаб кўйилган?

## **3. Жаҳон солиқ кодексини ишлаб чиқилишга асосий сабаблар**

Бирлашган миллатлар ташкилоти у ёки бу халқаро дастурлар асосида бозор ислоҳотларини амалга ошираётган давлатларга маълум бир лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва жорий этишда ёрдам бериш ҳамда ҳамкорлик қилишни амалга оширади. Бундай ҳамкорлик йўналишларидан бири - замонавий халқаро иқтисодий талабларга жавоб берадиган миллий солиқ тизимининг юзага келишига, шаклланиши ва ривожланишига ёрдам беришdir. Айнан шундай чора-тадбирларни амалга ошириш жараёнида, яъни халқаро солиқ дастури доирасида Жаҳон солиқ кодексини тайёрлаш фикри юзага келди. Ушбу Кодекснинг асосий мақсади - ислоҳотларни амалга ошираётган давлатларга илмий асосда солиқ муносабатларини ташкил қилиш, ягона терминология ва ягона мазмундаги изоҳни яратиш имкониятларини тақдим этишdir.

Жаҳон солиқ кодекси асослари шаклидаги ушбу ҳужжат 1993 йилда тайёрланиб, нашрдан чиқарилди. Унинг муаллифлари Гарвард университети (АҚШ) мутахассислари Уорд М. Хасси ва Доналд С. Любик. Ушбу Кодекс асослари 300 бетдан иборат бўлиб, 591 та модда ва изоҳни ўз ичига олган.

Кодекснинг кириш қисмида муаллифлар кўпгина давлатлар тажрибасидан ўтган солиқ тизимининг замонавий маъносини очиб беришга ҳаракат қилганликларини ёзишган. Жаҳон солиқ кодекси намуна сифатида бўлишига қарамасдан, унда солиқ тўловларининг аниқ ставкалари, унинг минимумлари ва имтиёзлар берилгандир. Кодекс матни ва унда берилган ставкалар кодексдан фойдаланишини ҳоҳловчи давлатлар учун мажбурий эмас, балки тавсиявий тусга эга.

Миллий солиқ қонунчилиги тайёрланаётганда ушбу давлат мутахассислари томонидан мамлакатдаги аниқ иқтисодий ва ҳуқуқий шартшароитлар инобатга олиниши керак.

Кодексда берилган низом алоҳида аҳамиятга эга. Низомга кўра, солиқ тизими орқали иқтисодий субсидиялар бериш тўғри субсидия тўловларига нисбатан кам самаралидир. Имтиёз турлари ва энгилликларнинг кўплиги,

солиқ имтиёзларини назорат қилишнинг қийинлиги сабабли, солиқ тизимини мураккаблаштиради ва самарадорлигини пасайтиради, унинг зарур бўлган эгилувчанлик хусусиятларини йўқотади. Бундан келиб чиқиб, кодексда солиқлардан вақтингачалик ёки доимий озод этиш каби имтиёзлар кўзда тутилмайди. Ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти хусусиятларини ҳисобга олган холда, Кодекс муаллифлари фикрича, ушбу давлатлар даромадларининг асосий қисми божхона божлари, қўшилган қиймат солиги, акцизлар ҳамда корхона ва ташкилотлар фойдасига солиқ ҳисобига шаклланади. Бундай солиқ тизими солиқларни ундириш билан боғлиқ бўлган маъмурий харажатлар жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиқка нисбатан кам бўлади. Тавсия этилаётган Кодексдаги солиқлар тизимига фақатгина юқори даромадларга эга бўлган аҳоли қисмига қўлланиладиган жисмоний шахслардан олинадиган индивидуал даромад солиги ҳам киритилган. Бу бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда асосан ривожланаётган ва собиқ социалистик давлатларда индивидуал даромад солиғини ривожланган давлатлардаги каби кенг миқёсда қўллаш учун этарли даражадаги маъмурий ва ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмаслиги билан изоҳланади. Индивидуал даромад солиги солиқ тушумлари мақсадида эмас, балки тенглик ҳиссини қарор топтириш мақсадида жорий этилади. Жаҳон солиқ кодексини ишлаб чиққанлар, солиқ қонунларини тайёрлаш ва қабул қилиш солиқ ислоҳотига дастлабки қадамдир деб ҳисблайдилар. Асосийси, солиқ аппаратининг самарадорлигини яратишда деб биладилар. Адолатли ва юқори салоҳиятли солиқ хизматининг мавжудлиги солиқ ислоҳотидаги муваффақиятларнинг зарурый шартидир.

Жаҳон солиқ кодекси асосий солиқ турлари бўйича 5 қисмга бўлиниб, бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатларда жорий этиш учун тавсия қилинади. Биринчи қисм-даромад солиги; иккинчи қисм-қўшилган қиймат солиги; учинчи қисм-акциз солиқлари; туртинчи қисм-кўчмас мулкка солиқ; бешинчи қисм-солиқ маъмурияти, деб номланади.

#### **4. Халқаро солиқка тортиш муносабатларини тартибга солища ҳуқуқий-меърий ҳужжатларни давлатлар ўртасида қабул қилиш тартиблари**

Хозирги замон тижорат фаолиятини дунё миқёси даражасига қўтарилиши миллий иқтисодиётларни ягона иқтисодиёт сиёсатига ўтиши солиқ тизимини ҳам мослашишини талаб қилмоқда..

Бу миллий солиқ сиёсатини мувофиқлаштириш, солиқ солиш даражасини яқинлаштириш, солиқ базасини аниқлашни бир усулда олиб бориш, солиқ енгилликларини бериш хусусиятларини бир-бирига ўхшатиш масалаларидан иборат.

Хозир бутун дунё миқёсида солиқ тизимини мослашиши тўғрисида фикр юритиш эртадир.

Кўшилган қиймат солиги, акцизларни мослаштириш солиқ соҳасида биринчи

қадамлардан ҳисобланади.

Күшилган қиймат солиғи 1954 йили Француз иқтисодчысы. М.Лоре томонидан оборот солиғи ўрнига таклиф қилинди. Европа Иқтисодий Иттифоқи (ЕЕС) 1967 йили босқичма-босқич бу толовни киритишни тавсия қилди.

Финляндия Европа Иттифоқига кириши учун 1994 йили күшилган қиймат солиғини мамлакатда тадбиқ қилинишини талаб қилишган.

Солиқ ставкаларини яқинлаштириш учун 1993 йили унинг энг кам ставкаси 15% белгиланди. Лекин айрим маҳсулотлар бўйича ундан паст ёки юқори қилиб белгиланган. Четга Европа Иттифоқи мамлакатларидан экспорт қилинса ва Европа Иттифоқидаги давлатлар бир-бирига маҳсулот экспорт қилса қўшилган қиймат солиғидан озод қилинади.

Кўшилган қиймат солиғи ставкалари Буюк Британияда -17,5%, Данияда - 25%, Люксембург- 15, ФРГ- 16, Франция-20,6% ни ташкил этади. ўртача Европа Иттифоқи бўйича 19,3%. Европа Иттифоқи давлатлари ўзаро клиринг ҳисоб-китоб усулини қоўлайдилар. Клиринг импортер давлатлар ортиқча даромадларини қоплайди.

Экспортерлар қўшилган қиймат солиғи тоМамайдилар. Ҳар бир давлат уни ҳисобини олиб боради ва ҳар ойда Европа Иттифоқи марказий ҳисоб рақами орқали қўшилган қиймат солиғи бўйича ташқи иқтисодий алоқа соҳасида компенсация берилади.

Акциз солиқлари орқали туризм ривожланган даврда қайси давлатдан қўпроқ товар сотиб олинса ва хизматдан фойдаланилса ўша давлатга қўпроқ даромад келади. Шунинг учун акциз солиғини даражасини Европа Иттифоқи давлатларида бир хил қилишга ҳаракат қилинади. Солиқ ставкаларини кўтармасликка қарор қилинган хужжатлар қабул қилинган. Бензин, вино-ароқ ичимликлари, тамаки маҳсулотлари бўйича солиқ ставкаларини ўзгартирилмаслиги келишилган.

Корпорациялар фойдасини солиққа тортишини мослаштириш ҳам муҳим ўринни эгаллайди.

Корпорациялар фойдасини солиққа тортишда қўйидаги мослаштиришлар кузда тутилган:

- а) Солиқ ставкаларини бир-бирига яқинлаштириш;
- в) Солиқ базаларини бир хил турга келтириш;
- Б) Икки томонлама иқтисодий солиқ солишини йўқотиши;
- Г) Европа компанияси дейилган маҳсус статусни қўллаш;
- Д) Корпорациялар фойдасини солиққа тортишда давлатлар бир-бирига ёрдам бериши.

а) Солиқ ставкаларини бир-бирига яқинлаштириш:

Ставкаларнинг бир-бирига яқинлаштирилиши даромадлар бир давлатда кўплиги, иккинчисида эса, унинг тақчиллигига олиб келиши мумкин. Яъни ставканинг бир давлатда юқори, бошқасида паст бўлиши солиқ тўловчиларни паст ставкали давлатларда даромад олишига ва ўз худудидан четга чиқишига яъни хизмат бўйича миграцияга мажбур қиласи. Бу эса ўз навбатида ишчи кучи кўпайиб кетган давлатларда қўшимча маблағлар талаб этадиган ижтимоий

инфратузилмалар қуришга сабаб боиади. Шу мақсадда, ҳудудларда бир-бирига капитал, ишчи кучи оқимларини ўтиб боришига чек қўйиш учун ставкалар даражасини бир-бирига яқинлаштириш зарурдир.

Швеция Иттифоқ аъзоси бўлганидан кейин асосий даромад солиғи ставкасини 52-57% дан 30% даражагача туширилган.

в) Солиқ базаларини бир хил турга келтириш:

Ҳисобот ва фойда (зарар) ҳисоб рақамлари орқали фойдани аниқлашда бир хил услубни қўллаш, амортизация, тижорат фаолиятидан олинадиган фойда ва зарами аниқлаш, фойдани олдинги ёки кейинги йилга ўтказиш масалалари юзасидан бир хил қонунчилик тизимини ишлаб чиқиш керак. Солиқ базасини яқинлаштириш ва бошқалар миллий солиқ сиёсатини ўтказишга ҳалакит беради ва бу вазиятдан шу давлатлар аҳолисида норозилик пайдо булади. Бу келишмовчиликлар бартараф қилиш учун айрим Европа Иттифоқи давлатлари биртомонлама корпорацияларга солиқ скидкаси ёки субсидиялари бериши мумкин.

Юқоридаги бандда қайд этилганидек, солиқ базасини тузилишини бир хил турга келтириш ставкалар каби катта аҳамият касб этиб, тўланадиган солиқ суммага таъсир этувчи солиқ базасини шаклланишини бу давлатларда ўхшаш кўринишга келтириш талаб этилади.

Б) Икки томонлама солиқ солишни чегаралаш:

Ҳар бир давлат икки томониама солиқ солишни йўқотиш учун ўзига хос тизимини ишлатади. Солиқ тўовчини даромад ёки бошқа айнан битта солиқ манбасини ўзи бир вақтни ўзида 2 та ёки ундан ортиқ давлатларда солиққа тортилмаслиги керак.

Масалан, тақсимланадиган ва тақсимланмайдиган фойдага хар-хил ставкалар қўллаш, тақсимланадиган фойдани тўлиқ ва қисман солиқдан озод қилиш. Ҳозир «тўлиқ ҳисобга ўтказиш тизими»ни қўлашга аҳд қилинди. Бунда ҳамма давлатларда тақсимланадиган ва тақсимланмайдиган фойдага ягона ставкалар қўлаш кўзда тутилади. Бунда дивиденdlар солиққа тортиш 25% даражасида боМади.

Г) Европа компанияси дейилган маҳсус статусни қўлаш:

Бир неча давлатларда тижорат операцияларини олиб борадиган компанияларда маҳсус солиқ солиш тартиби қўланилади. Бош ва унинг боМимлари боМган компанияларга энгилликлар қўшилиш ва бир-бирини «ютиб юбориш» ёўлари билан берилади (масалан, дивиденdlарни икки томонлама солиқ солишдан озод қилиш.) Уларга маҳсус солиқ енгилликлари ҳам берилади.

Д) Корпорациялар фойдасини солиққа тортишда давлатлар бир-бирига ёрдам бериш:

Солиқ тўлашдан бош тортишга қарши қурашиб мақсадида кўп томонлама солиқ шартномаси тузилади ва ҳамма давлатлар маълумотлар алмасиш тўғрисида келишадилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, Европа давлатларида солиқларни мослаштириш белгиланган мақсад даражасига этгани йўқ. Айрим давлатлар Европа Иттифоқи марказий органлари билан тўйқ келиша олмаган.

Мослаштириш муаммоси ўз ечимини кутмоқда.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

*даромад солиги, қўшилган қиймат солиги, акциз солиқлари, кўчмас мулкка солик, солик маъмурияти, Уорд М. Хасси, Доналд С. Любик, солиқларни ижараага олиш тартиби, солик юки, солиқларни бетарафлик, ҳаққонийлик ва тенглилик принциплари*

### **Назорат учун савол ва топшириқлар:**

1. Жаҳон солик кодекси неchanчи йил ташкил этилган?
2. Жаҳон солик кодекси асосий солик турлари бўйича неча қисмга бўлинади?
3. Жаҳон солик кодексини ишлаб чиқишдан асосий мақсад?
4. Жаҳон солик кодекси муаллифларини санаб ўтинг?
5. Иқтисодий ривожланган мамлакатларни таркибини келтиринг
6. Иқтисодий ривожланган давлатлар иқтисодни бошқаришда солиқдан қандай фойдаланадилар?

### **2-мавзу: Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига халқаро солик андозаларидан фойдаланиш (2 соат)**

1. Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатини ривожлантириш Концепциясида халқаро тажрибаларга асосланиш
2. Ўзбекистон Республикаси солик сиёсати стратегияси ва тактикаларини ишлаб чиқишда халқаро солик андозаларидан фойдаланиш
3. Ўзбекистоннинг жаҳон интеграциясига чуқурлашиб боришини таъминлашда солик тизимининг ўрни

### **1. Ўзбекистон Республикаси солик сиёсатини ривожлантириш Концепциясида халқаро тажрибаларга асосланиш**

Ўзбекистон Республикаси солик сиёсати стратегияси ва тактикаларини ишлаб чиқишда халқаро солик андозаларидан фойдаланиш. Ўзбекистон миллий иқтисодиётини ривожлантиришда жаҳон амалиётида кенг қўлланилган бюджет-солик инструментларини қўллаш йўналишлари. Ўзбекистоннинг жаҳон интеграциясига чуқурлашиб боришини таъминлашда амалга оширилаётган ижобий ислоҳотлар.

Давлат ва жамият муносабатларининг ҳамма босқичларида иқтисодиёт ривожланишида давлат ролининг кучайиши кузатилган, у давлат харажатларининг, ва шунга мувоғиқ солиқлар воситасида қайта тақсимланадиган молия улушининг мислсиз даражада ортиши билан бирга кечган. Шу билан бирга, иқтисодиётдаги давлатнинг янги ролини самарали амалга оширишни ҳозирги пайтда илмий асосланган ва оддий солик тўловчиларга тушунарли бўлган давлат солик сиёсатисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Давлатнинг солик сиёсати нима ва у ўз ичига қандай мақсадларни камраб олади деган саволни тушунарли тарзда ёритишга ҳаракат қиласрз. Турли

адабиётларда солиқ сиёсатига ҳар хил таърифлар берилган. Жумладан И.А.Майбуров Солиқ сиёсати – давлатнинг ижтимоий-иктисодий сиёсатининг таркибий қисми бўлиб, у давлатнинг миллий бойлигининг йиғилишини ва оқилона ишлатилишини рағбатлантирадиган, иктисодиёт ва жамиятнинг манфаатларини уйғунлаштиришга кўмаклашадиган ва шу билан жамиятнинг ижтимоий-иктисодий тараққиётини таъминлайдиган солиқ тизимини шакллантиришга йўналтирилган сиёсатdir<sup>1</sup> дейди.

Солиқ сиёсатини таҳлил қилишда, «солиқ сиёсатининг субъектлари», ҳамда унинг «мақсадлари», «усуллари» ва «шакллари» каби тушунчаларни фарқлаш лозим.

Давлат солиқ сиёсатининг субъектлари - уларга солиққа оид қонунчилик билан белгиланган ваколатларнинг доирасида солиқ суверенитети берилган, ҳамда ўз вазифалари туфайли солиқ тўловчиларнинг иктисодий манфаатларига таъсириш имконига эга бўлган турли бошқариш даражаларидир. Солиқ сиёсати субъектларининг таркиби давлат тузилишининг тури (унитар, федератив) ва шунга мувофиқ бошқариш даражаларининг фарқланиши билан белгилаб берилади.

Муайян шакллар ва усувлар танлови, давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиша ва амалга оширишда ўз олдига қўйган мақсадлари билан белгилаб берилади.



## 1-расм Давлат солиқ сиёсатининг мақсадлари<sup>2</sup>.

<sup>1</sup> И.А.Майбуров Налоги и налогообложение. Учебник Юнити-Дана, 2015г.

<sup>2</sup> И.А.Майбуров Налоги и налогообложение. Учебник Юнити-Дана, 2015 г.

Давлат солиқ сиёсатининг мақсадлари:

1. Фискал йўналиши – яратиладиган миллий маҳсулотнинг тегишли бошқариш даражалари уларга юклатиладиган функцияларини бажариши учун етарли бўлган қисмини бюджет тизимига ва бюджетдан ташқари фондларга қайта тақсимлаш.

2. Иқтисодий йўналиш – давлатнинг иқтисодиётни тартибга солища самраали иштирок этишини таъминлаш, иқтисодий ўсишнинг суръатларини қўллаб-қувватлаш, ижтимоий қайта ишлаб чиқаришнинг таркибий номутаносибликларини бартараф этиш, жисмоний капитални ошириш учун инвестициялар киритилишини рағбатлантириш.

3. Ижтимоий йўналиш – аҳолининг турли гурухлари даромадларининг тенг бўлмаган даражаларини ўзаро яқинлаштириш, кам таъминланган аҳоли табақаларининг ижтимоий ҳимояланганлигини ошириш, инсон салоҳиятини ривожлантиришга инвестициялар киритилишини рағбатлантириш.

4. Экологик йўналиш – атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва оқилона табиатдан фойдаланишни таъминлаш, табиий ресурслардан фойдаланиш учун компенсациялаш механизмини барпо этиш, бўлгуси авлодлар учун табиат капиталининг сақланишига инвестициялар киритилишини рағбатлантириш.

5. Халқаро йўналиш – икки марта солиқка тортиш амалиётини бартараф этиш, солиқка тортишдан қочиш имкониятларини йўқ қилиш, божхона йиғимларини уйғунлаштириш, бирлашишга интилуввчи давлатларнинг солиқ тизимларини унификациялаш.

Умуман олганда Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштириш Концепциясининг ишлаб чиқилишида халқаро тажрибаларга таянилган ва халқаро андозалар инобатга олинган.

## **2. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати стратегияси ва тактикаларини ишлаб чиқишида халқаро солиқ андозаларидан фойдаланиш**

Солиқ сиёсатининг концепцияси (доктринаси) - давлатнинг солиқ тизими тузилиши ёки ислоҳ этилишининг архитектураси юзасидан туб тамойил ечимиdir.

Солиқ сиёсатининг стратегияси давлатнинг солиқ тизими ишлаб чиқилган концепциянинг йўналишида барпо этиш ёки ислоҳ этиш билан боғлиқ бўлган истиқболли мақсадларни амалга оширишга ва узоқ муддатли вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади. Бундай стратегия узоқ муддатли истиқбол учун ишлаб чиқилади, ва аслида солиқ сиёсати концепциясининг рўёбга чиқариладиган ифодаси ҳисобланади. Асосланганлиги ва амалга оширилишини ошириш учун, ушбу стратегия давлатнинг тегишли бюджет, иқтисодий, ижтимоий, экологик ва халқаро стратегиялари билан келишилиши ва уйғунлаштирилиши лозим.

Солиқ сиёсатининг тактикаси солиқ тизимини бошқариш, унинг айрим элементларини ишлаб чиқилган концепциянинг йўналишида ўзгартириш билан боғлиқ бўлган жорий мақсадларни амалга оширишга ва қисқа муддатли

вазифаларни ҳал этишга йўналтирилади. Шу муносабатда, солик сиёсатининг тактикаси унинг стратегияси билан узвий уйғун боғланган бўлиши, ва аслида моҳиятига кўра танланган концепцияни ва тегишли стратегияни амалга ошириш механизми бўлиб хизмат қилиши лозим.

Давлатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг маълум босқичида устувор деб тан олинадиган солик сиёсатининг мақсадларига боғлиқ ҳолда, ушбу сиёсатнинг у ёки бу шакли фойдаланилади. Жаҳон амалиётида солик сиёсатининг учта асосий модели ташкил топган:

1. Максимал солиқлар сиёсати учун солиқларнинг максимал сонини белгилаш ва уларнинг ставкаларини ошириш, имтиёзларнинг сонини қисқартириш амалиёти хос бўлади, бу эса иқтисодиётга солик босимининг ортишига олиб келади. Ушбу сиёсат, одатда, икки ҳолатда қўлланади. Биринчидан, у иқтисодий таназзуллар ёки ҳарбий ҳаражатлар даврида оммавийлашади, бундай вазиятда давлат бюджетига молиявий ресурсларнинг жалб қилинишини анча ошириш, ижтимоий харажатларни қисқартириб, давлат ҳаридларининг ҳамда иқтисодиётнинг ҳарбий мақсадли маълум соҳаларига инвестицияларнинг ҳажмини ошириш зарур бўлади. Бу ҳолатда фискал мақсадлари устувор ҳисобланади, қолган мақсадлар эса иккинчи даражали бўлиб қолади. Масалан, ривожланган Скандинавия давлатларида, солик юкланишининг юқори даражаси мислсиз микдордаги ижтимоий харажатлар билан оқланганда, шундай ҳолат бўлади. Бундай сиёсатда эса фискал ва ижтимоий мақсадлар устувор бўлади;

2. Иқтисодий ривожланиш сиёсати учун иқтисодиётга минимал солик босимини ўрнатиш амалиёти хос бўлади. Бюджетнинг солик даромадлари камайиши билан бирга, давлат инвестицияларининг қисқариши ва ижтимоий харажатларининг анча камайиши юз беради. Ишлаб чиқарувчиларга солик босими оғирлигини анча камайтириб, инвестицион дастурларнинг маълум ҳажмини сақлаб қолган ҳолда, ушбу сиёсат бизнеснинг иқтисодий фаоллигини рағбатлантиришга йўналтирилади, ва одатда иқтисодий пасайиш даврида, иқтисодий таназзул юзага келишининг олдини олиш учун амалга оширилади. Солик сиёсатининг бундай модели АҚШ да 1980-йилларда Р. Рейганнинг маъмурияти томонидан самарали тарзда фойдаланилган, ва шунинг учун у «рейганомика» деб номланган эди. Ушбу сиёсатда иқтисодий мақсадлар устувор деб ҳисобланади;

3. Оқилона солиқлар сиёсати иккита юқоридаги сиёсат шакли ўртасидаги маълум муроса ҳолати бўлиб, унга иқтисодиётнинг ривожланишини бўғиб қўймасликка ва бунда ижтимоий харажатларнинг катта ҳажмини сақлаб туришга имкон берувчи солик юкланишининг етарлича мутаносиблаштирилган даражаси хос бўлади. Бундай сиёсатнинг қўлланиши барқарор иқтисодий ўсиш даври учун хос бўлади. Ушбу сиёсат мақсадларининг устуворлиги фискал, иқтисодий ва ижтимоий мақсадлар ўртасида тақсимланади.

Кўпинча солик сиёсатининг ушбу моделлари соф ҳолатида эмас, уларнинг турлича бирикмасида қўлланиши мумкин, бунда улардан бирортаси бошқаларидан устувор бўлади.

Устувор бўлиб ҳисобланган мақсадларига ва тегишли шаклига боғлиқ ҳолда, солик сиёсатининг у ёки бу усули, ёки уларнинг биримаси қўлланади. Замонавий жаҳон амалиётининг бутун имкониятлари сонидан қўйидаги усулларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

- бевосита ва билвосита солиқقا тортиш нисбатини тартибга солиш;
- федерал, минтақавий ва маҳаллий солиқлар нисбатини тартибга солиш;
- соҳавий солик босими нисбатини тартибга солиш, солик юкини солик тўловчиларнинг бир хил тоифаларидан бошқаларига кўчириш;
- солиқларнинг пропорционал ва прогрессив ставкалирининг нисбатини ҳамда уларнинг прогрессия даражасини тартибга солиш;
- солик имтиёзлари ва преференциялари берилишини, солик чегирмаларини, солик камайтирилиши ва солик базасидан чиқаришларнинг кўларни ва йўналишини тартибга солиш;
- солиқларнинг таркибини, солиқقا тортиш объектларини, солик ставкаларини, солик базасини ҳисоблаш усулларини, солиқларни тўлаш тартиби ва муддатларини тартибга солиш.

Ушбу қўйилган мақсадга маълум усуллардан муқобил ёки параллел тартибда қўллаш орқали, уларнинг нисбатини, таркибини ошириш ёки камайтириш ва ҳоказолар томонига тегишли йўналиш берилган ҳолда, эришиш мумкин. Масалан, ижтимоий мақсадлардан бири – ахолининг турли гурухлари даромадларининг тенг бўлмаган даражаларини ўзаро яқинлаштириш – ёки «ясси шкаладан» воз кечиши ва даромад солигининг ставкалари прогрессиясини ошириш орқали, ёки кам даромадли аҳоли учун мўлжалланган солик имтиёзлари, чегирмалари, турли олиб қўйишлар сонини ошириш орқали ҳал этилиши мумкин.

У ёки бу усулни танлаш юзасидан тўғри қарор қабул қилиш учун, аввалига ҳар бир усулни қўллаш самарадорлигини баҳолаш, ва кейинчалик қиёсий таҳлил асосида ушбу танловни далиллар воситасида амалга ошириш лозим.

Ҳар қандай давлатнинг солик тизимини солик субъектларидан (солик тўловчилардан) тегишли органлар ундириб оладиган қонунан қабул қилинган солиқлар ва йиғимларнинг мажмуи деб қарашиб мумкин.

Кўпчилик хорижий мамлакатлар иқтисодида давлатнинг етакчилик роли катта аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар иқтисодини эркин тадбиркорлик билан давлат томонидан иқтисодни бошқарилиши "бирлашиб кетган" тарзда деб тавсифлаш мумкин.

Давлатни асосий бошқариш қуроли бўлиб солик ва молия сиёсати оркали тадбиркорликка таъсир этиш тушунилади.

Ривожланган мамлакатлар солик тизимини кўп ўхшашлик жихатлари бор, лекин шунга карамасдан улар фарқ қиласиди, уларни куйидаги турларга бўлишимиз мумкин:

- ✓ Америкача модел;
- ✓ Япония модели;
- ✓ Европа модели;
- ✓ Ностандарт моделлар.

Куйидагиларни барча моделларнинг умумий белгилари сифатида кўрсатиш мумкин:

- ривожланган қонунчилик базаси, вужудга келадиган мунозара, вазифалар ва вазиятларни хал этишининг хуқуқий ва иқтисодий воситалари, механизмлари ва усуллари;

- солиқ идораларининг солиқ тўловчилари олдида ишончга ва юксак обрўга эга эканлиги, юкори иш хақи, ахборот базасининг юкорилиги, жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорлиги;

- вазирликлар ва идоралар вазифаларининг аниқ чегаралаб кўйилганлиги ва улар ишида бир-бирини такрорлашнинг йўқлиги;

- хукуматнинг вакили бўлган ва унинг номидан иш олиб борадиган солиқ агентининг (инспекторнинг) катта аҳамиятга ва обрўга эгалиги;

-кадрларни таҳлил этиш, ўрганиш, олдиндан белгилаш, ўқитиш, солиқ тўловчилар билан алокалар бўйича институтларнинг мавжудлиги; айниқса ахборот билан алмашиниши соҳасида молия органлари солиқ идораларнинг ва банк тизими билан чамбарчас боғланганлиги. Шу билан бирга бу моделларнинг ҳар бирида уларнинг тафовутларини белгилаб берадиган ўзига хос белгилари мавжуд, бўлар куйидагилардан иборат:

Америка модели:

- солиқ тизимининг солиқ тўловчилар тушуниши учун мураккаблиги.  
- солиқ тизимида жуда катта бошқарув ва ижро аппаратининг мавжудлиги:  
- солиқ органлари марказлашувининг йўқлиги, федерал, штат ва шаҳар тизимларини мустақиллиги:

- накд пул билан ишлайдиган кичик бизнеснинг даромадларини назорат қилишнинг етарли усуллари йўқлиги:

- ноқонуний даромад манбалари тўърисида хабар берувчи кўнгилли "Ахборотчлар" кенг тармоининг мавжудлиги.

Япония модели:

Молия вазирлиги назорат остида ягона, анча қатъий марказлашган молиявий, солиқ банк,божхона тизимлари:

Юксак ватанпарварлик мамлакатга ва компанияга;

Пастдан то юкоригача бўлган бошқарув аппарати ўртасидаги ўзаро муносабатларда субординация принципига қатъий риоя қилиниши:

Европа модели:

Европадаги мамлакатлар ўртасидаги иқтисодий бирлашишга доимий интилиш:

солиқ фаолиятидаги бир хиллик: ягона андозалар, ёндашувлар, талкин, декларациялар, иш принциплари.

"Ноандозавий" (мослашмаган) моделлар, одатда кичик худудли (ёки ораларда жойлашган) давлатларда, эркин иқтисодий зонага эга бўлган давлатларда ва катор бошқа давлатларда (Кипр, Люксембург) амал қиласи. Улар учун турли солиқ деб аталадиган зоналар характерлидир.

Замонавий солиқ тизими солиқка тортиш шакллари ва усулларининг бенихоя нозиклиги ва кўлланиладиган соликларнинг ўта хилма - хиллиги билан

тавсифланади (айрим мамлакатлар доирасида уларнинг 100 га яқин кўринишлари мавжуд). Ривожланган мамлакатларнинг барчаси ва ривожланаётган мамлакатларнинг кўпчилиги учун ушбу тизимнинг тамойиллари ва хусусиятлари умумийдир, лекин уларнинг бу тамойиллар ва хусусиятларни солиқ сиёсатларида кўлланишларида жиддий фарқлар бор.

Давлат бюджети маблағлари давлатнинг жамият олдидағи муҳим вазифаларини амалга оширишнинг молиявий манбаидир. Демак, ҳар бир давлат иқтисодиёти тараққий этишида бевосита амалга оширилаётган бюджет-солиқ сиёсати ҳамда солиқ тизимининг тузилиши билан боғлиқдир. Солиқ тизими минг йиллик тарихга эгадир. Бу тизимни ер юзида давлатнинг ilk кўринишлари пайдо бўлиши билан боғланади. Бу жараён йиллар давомида турли давлатда турли кўринишлар ва турлича сиёсат асосида ижро этиб келинмоқда.

Халқаро амалиётда солиқ ваколатларини бюджетлар ўртасида тақсимлашнинг 3 та асосий моделидан фойдаланилади. Федератив тизимга ҳамда муниципиал субъектларга эга мамлакатлар амалиётида аксарият ҳолларда барча 3 та моделдан фойдаланиш кузатилади.

Биринчи модель – солиқларни йиғиши бўйича ваколатлар чегараларини ўрнатиш ва уларни маълум хукumat даражасига бириктириш. Ўзбекистон амалиётида ушбу моделдан фойдаланилади, расман ҳар бир солиқ тури қайсиридан бюджет даражасига бириктирилган, яъни умумдавлат ва маҳаллий солиқлар. Таъкидлаш жоизки деярли барча мамлакатлар бюджетлараро муносабатлар амалиётида ҳудудий ва маҳаллий ҳокимият органларининг маҳаллий солиқларни ўрнатишдаги ваколати чекланганлиги туфайли ушбу моделдан қисман четга чиқиши юз беради, яъни солиққа тортишнинг барча асосий элементлари Республика солиқ қонунчилиги асосида аниқланади.

Иккинчи модель – солиққа тортиш базасидан биргаликда фойдаланиш. Ушбу моделга кўра солиқ турлари ставкалари маълум нисбатларда бюджетлар ўртасида тақсимланишини кўришимиз мумкин. Мисол учун Россияда корхона фойдасига солиқ ставкаси 20% ни ташкил этади, унинг 2% даги миқдори Федерал Бюджетга тушиши кўзда тутилган бўлса, қолган 18% и РФ субъектлари ихтиёрида қолади.

Учинчи модель – бутун мамлакат ҳудудида ягона ставкада солиққа тортиладиган аниқ солиқлардан келиб тушадиган даромадларни турли даражадаги бюджетлар ўртасида меъерий тақсимлаш. Бунда солиқларни бюджетлараро тақсимоти асосида турли хил мезонлар ётиши мумкин: аҳоли сони, у ёки бу ҳудуднинг географик жойлашуви, иқтисодий аҳволи ва ҳ.к. Солиқларни тақсимлаш миқдори ва тартиби турли муддатларга ўрнатилиши мумкин. Умумдавлат солиқларининг бир қисми тегишли давлат органи томонидан ўрнатилган меъерлар бўйича бюджет тизими бўғинлари ўртасида тақсимланади. Юқорида таъкидланганидек Ўзбекистон Республикасида бюджетлараро муносабатларни тартибга солиш учун асосан биринчи моделдан, шу билан бирга иккинчи моделнинг баъзи хусусиятларидан ҳам фойдаланилади. Хусусан, айрим умумдавлат солиқлари бюджетлар ўртасида ўрнатилган нисбатларга асосан тақсимланади.

### **3. Ўзбекистоннинг жаҳон интеграциясига чуқурлашиб боришини таъминлашда солиқ тизимининг ўрни**

Ўзбекистон Республикасининг солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепцияси доирасида 2019 йил 1 январдан бошлаб қўйидаги хуқуқий меъёрлар белгиланди:

1. Мехнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкини камайтириш бўйича:

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ҳисоблашнинг тўрт погонали тартиби ва ставкалари бекор қилиниб, барча фуқаролар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигини ягона тўғри шкала бўйича 12 фоиз ставкада ҳисоблаш тартибига ўтилди. Шунингдек, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солигидан шахсий жамғарib бориладиган пенсия ҳисобварақларига шу пайтгача 2,0 фоизи миқдорида йўналтирилган бўлса, концепция 0,1 фоиз миқдорида йўналтирилиши белгиланди. Бунда, фуқароларнинг айrim тоифалари учун энг кам ойлик иш ҳақининг 4 баравари миқдоридаги даромадларини солиқ солишдан озод қилишнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинди;

Жисмоний шахслар молиявий барқарорлигини ошириш мақсадида концепция доирасида фуқароларнинг меҳнатга ҳақ тўлаш туридаги даромадларидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш бекор қилинди.

Масалан, олий таълим муассасаси профессорининг ўртacha ойлик иш ҳақи 4 844 минг сўмни ташкил этиб амалдаги солиқ қонунчилигидаги тартиб бўйича ундан 896,1 минг сўм даромад солиғи, 387,5 минг сўм суғурта бадали ундирилган бўлса, концепция нормаси бўйича келгусида ундан фақат 581,3 минг сўм даромад солиғи ундирилади ёки ходим ихтиёрида 702,4 минг сўм даромад солиғи ставкасини камайиши ва суғурта бадалини бекор бўлиши ҳисобидан қўшимча маблағ қолади.

Шу билан бирга, пенсия тизимининг барқарорлигини таъминлаш мақсадида, фақат бюджет ташкилотлари ҳамда давлат корхоналари, устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар, шунингдек, бошқа юридик шахснинг устав жамғармаси (капитал)нинг 50 фоизи ва ундан кўпроқ қисми тегишли бўлган устав жамғармаси (капитал)да давлат улуши 50 фоиз ва ундан кўпроқ бўлган юридик шахслар ҳамда уларнинг таркибий тузилмалари учун ягона ижтимоий тўловнинг амалдаги 25 фоизлик ставкаси сақлаб қолинди.

Қолган барча солиқ тўловчи юридик шахслар (шу жамладан кичик бизнес субъектлари учун) ягона ижтимоий тўловнинг амалдаги 15 фоизлик ставкаси пасайтирилиб, келгуси йил учун 12 фоиз миқдорида белгиланди.

2. Умумбелгилangan ва соддалаштирилган тизимда солиқ тўловчилар даромадларини солиққа тортишни оптималлаштириш ҳамда солиқ солишнинг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонларини такомиллаштириш бўйича:

хўжалик юритувчи субъектлар даромадларини барқарорлаштириш ва уларнинг инвеститцион жозибадорлигини ошириш мақсадида концепция

йўналиши доирасида кейинги йилдан бошлаб давлат мақсадли жамғармаларига (Бюджетдан ташқари, пенсия жамғармасига, Республика йўл жамғармасига ҳамда таълим ва тиббиёт муассасаларини капитал таъмирлаш ва жихозлаш жамғармаси) ундириладиган мажбурий ажратмаларни (3,2 фоиз миқдорида) тўлаш бекор қилинди;

юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи ставкаси 14 фоиздан 12 фоизга, тижорат банклари учун – 22 фоиздан 20 фоизгача пасайтирилиб, мобиЛЬ алоқа хизмати қўрсатаётган юридик шахсларга ҳам 22 фоиз миқдорда солик тўлаш жорий этилиб, улар учун рентабеллик даражасидан келиб чиқиб қўшимча фойда солиғи ҳисоблаш тартиби бекор қилинди;

Резидентлар учун дивиденdlар ва фоизлар кўринишидаги даромадлар бўйича тўлов манбаидан ушлаб қолинадиган фойда солиғи ставкаси 10 фоиздан 5 фоизгача пасайтирилди.

Бундан ташқари, солик тўловчиларнинг солик солишининг соддалаштирилган тартибига ўтиш мезонларига ўзгартиришлар киритилиб, ўтган йил якунлари бўйича йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмдан ошган ёки жорий йил давомида ушбу белгиланган чегаравий миқдорга етган корхоналарни умумбелгиланган солиқларни тўлашга ўтказиш тартиби ўрнатилди. Бунда, йиллик айланманинг (ялпи тушумнинг) 1 миллиард сўм этиб белгиланган чегаравий миқдорини ҳар 3 йилда камида бир марта қайта кўриб чиқилиши белгиланди;

барча тадбиркорлик субъектлари (микрофирма ва кичик корхоналар), шу жумладан, айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган юридик шахслар учун юридик шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқни жорий этилди;

хўжалик юритувчи субъектларнинг соф фойдасидан ундириладиган қўшимча фойда солиғини тўлаш тартиби бекор қилиниб, улар учун **роялти** тўлаш жорий этилди.

**3. Киритилаётган ўзгартиришлардан келиб чиқиб, соддалаштирилган солик солиши тизимидағи солик тўловчилар қўллаб-қувватлаш ва солик сиёсатини такомиллаштиришнинг салбий таъсирини камайтириш мақсадида йиллик айланмаси (ялпи тушуми) 1 миллиард сўмгача бўлган солик тўловчилар учун ушбу айланмадан (ялпи тушумдан) солиқни 4 фоиз миқдордаги базавий ставкадан келиб чиқиб ҳисоблаш;**

ушбу солик тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғини ихтиёрий равища тўлаш имкониятини белгилаш;

юридик шахслар томонидан тўланадиган мол-мулк солиғи ставкасини 5 фоиздан 2 фоизга пасайтирган ҳолда тўлаш ҳамда илгари хусусийлаштирилган обьектлардан самарасиз фойдаланаётган юридик шахслар учун юқори ставкада солик ҳисоблаш тартиби сақлаб қолинди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштирувчи ягона ер солиғини тўловчилари учун амалдаги солик солиши тартиби (ернинг норматив қийматидан келиб чиқиб 0,95 фоиз миқдорида) сақлаб қолинди.

4. Қўшилган қиймат солиғи ва акциз солиғини тўловчи хўжалик юритувчи субъектлар учун ушбу солиқларни ҳисоблаш ва тўлаш тартибларини такомиллаштириш бўйича қўйидагича ўзгартиришлар киритилмоқда.

2019 йилдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғини тўлиқ ҳисобга олиш тизимини жорий қилинади, қўшилган қиймат солиғини электрон бошқариш тизимини, жумладан, солиқлар йиғилувчанигини ошириш ва инсофсиз солиқ тўловчиларни аниқлаш мақсадида барча айланмалар занжирини таҳлил ва назорат қилиш учун давлат солиқ хизмати органларида электрон ҳисобварак-фактураларни ҳисобга олиш бўйича дастурий комплексни жорий этилиши белгиланди.

Солиқ солиши базасини қатъийлаштириш мақсадида қўшимча аниқлаштирувчи меъёrlар белгиланади ҳамда ушбу солиқлар бўйича берилган имтиёзлар қайта қўриб чиқилиб, улар сонини камайтириш чоралари кўрилади. шунингдек, қўшилган қиймат солиғининг амалдаги 20 фоиз ставкаси сақлаб қолиниб, 2019 йил якуни бўйича мазкур солиқ ставкасини пасайтириш чоралари кўриб чиқилиши белгиланди.

Шунигдек, хўжалик юритувчи субъектларга хозирда сотиб олинадиган асосий воситалар, қурилиши тугалланмаган обьектлар ва номоддий активлар нархига киритиладиган қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш суммаларига киритиш ҳуқуқи берилади.

Ушбу тартиб 2021 йилнинг 1 январига қадар жорий этилган. Солиқни ҳисоблаш ва тўлаш тартиби ихтиёрий бўлиб, корхоналар қўшилган қиймат солиғи тўлашнинг умумбелгилangan тартибига ўтишлари ҳам мумкин.

Мазкур тартибининг ўзига хос хусусиятлари пасайтирилган солиқ ставкаси, шунингдек олинган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғи суммаларини ҳисобга олиш имконияти йўқлиги ҳисобланади.

Бунда, қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибини қўллаётган солиқ тўловчилар ўзларининг ҳисобварак-фактураларида қўшилган қиймат солиғининг тегишли ставкасини алоҳида сатрда кўрсатишлари шарт, кейинчалик у сотиб оловчи қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг умумбелгилangan тартибини қўллаётган солиқ тўловчи учун қўшилган қиймат солиғини ҳисобга олиш учун асос бўлади.

**Қўшилган қиймат солиғининг фарқланган ставкалари қўйидагича белгиланди:**

Қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартибига ўтган солиқ тўловчилар учун қўшилган қиймат солиғининг фарқланган ставкалари қўйидаги микдорларда белгиланди:

<b>№</b>	<b>Тўловчилар</b>	<b>Солиқ ставкалари солиқ солинадиган базага нисбатан фоизда</b>
1.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларидағи юридик шахслар, 2-6 бандларда назарда тутилганлар бундан мустасно	7
2.	Қурилиш ташкилотлари	8
3.	Чакана, улгуржи, шунингдек улгуржи-чакана савдони амалга оширадиган савдо корхоналари	6
4.	Умумий овқатланиш, меҳмонхона хўжалиги корхоналари	10
5.	Касбий хизматлар кўрсатадиган юридик шахслар (аудиторлик хизматлари, солиқ маслаҳати хизматлари, консалтинг хизматлари, брокерлик хизматлари ва бошқалар)	15
6.	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини, реализация қиласидиган юридик шахслар ўзининг ишлаб чиқариш маҳсулотлари бундан мустасно	4

Қўшилган қиймат солифининг турли фарқланган ставкалари белгиланган бир неча фаолият турлари билан шуғулланадиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ушбу фаолият турлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисоб юритиш ҳамда солиқ тўловчиларнинг тегишли тоифалари учун белгиланган ставкалар бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлаши керак.

Алкоголь ва тамаки маҳсулотларини ишлаб чиқарувчиларнинг хар бир ишлаб чиқарилган маҳсулот бирлигига ўрнатилган акциз ва йиғимлар бирлаштирилиб, тегишли тадбирларни молиялаштириш учун маблағларни республика бюджетига ўтказиш тартиби белгиланди.

#### **Акциз солиғи бўйича:**

2020 йилнинг 1 апрелидан ва 1 октябридан бошлаб (йилда икки марта) қўйидаги товарларга акциз солиғи ставкалари индексация қилинади:

этил спирти – ставканинг 2020 йилда 2019 йилга нисбатан ўсиши – 15%га;

кучли винолар (спирт қўшилган) – 15,8%га;

конъяк – ставканинг 14,1%га ўсиши;

ароқ ва бошқа алкоголли маҳсулотлар – ставканинг 18,7%га ўсиши;

сигареталар ва папирослар – ставканинг 15,5%га ўсиши.

2020 йил 1 октябрга келиб конъяк ва ароққа ставкалар микдори тенглашади. Бу конъяк ишлаб чиқаришни рағбатлантиради.

2020 йил 1 апрелдан бошлаб (йилда бир марта) қўйидаги товарларга акциз солиғи ставкалари индексация қилинади:

табиий равишда ачитилган табиий винолар (этил спирти қўшилмаган ҳолда) – 7,8%га (табиий винонинг кучли винога қараганда нисбатан индексация даражасининг юқори эмаслиги анча сифатли ва асл виноларни ишлаб чиқаришни рағбатлантириш билан боғлиқ);

пиво – 10,4%га;

якуний истеъмолчига реализация қилинадиган бензин, дизель ёқилғиси, суюлтирилган газ – 22,8%га, сиқилган газ – 14,9%га. Бунда якуний истеъмолчи деганда ўз эҳтиёжлари учун бензин, дизель ёқилғиси ва газ сотиб оладиган юридик ва жисмоний шахслар тушунилади.

2020 йилда қуйидагиларга нисбатан акциз солиги ставкалари миқдори олдинги даражада сақланиб қолади:

заргарлик буюмлари (25% ставка), мобиЛЬ алоқа хизматлари (20%), кумушдан ишланган ошхона анжомлари (11%), табиий газ (20%), суюлтирилган газ (30%), полиэтилен гранулалар (30%). Ставкалар ўзгармайди, сабаби адвалор шаклда – товар (хизмат) қийматига нисбатан фоизда белгиланган;

ишлаб чиқарувчилар томонидан реализация қилинадиган нефть маҳсулотлари.

Мол-мулк солиги бўйича

1. Юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси қўчмас мулкнинг ўртача йиллик қолдиқ қийматига нисбатан 2 фоиз миқдорида белгиланиб, 2018 йилдаги солиқ ставкасига нисбатан 3 фоизли пунктга пасайтирилди.

Бунда норматив муддатларда ишга туширилмаган асбоб-ускуналар ва норматив муддатда тугалланмаган қурилиш обьектларига мол-мулк солиги икки карра оширилган ставкада тўланади.

Шунингдек, норматив муддатда тугалланмаган қурилиш обьектлари, бўш турган бинолар, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотлар бўйича, фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ушбу майдонлардан самарасиз фойдаланилаётганлиги юзасидан қонун хужжатларида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 4 сентябрдаги ПҚ-3928-сонли қарори) белгиланган тартибда чиқарилган хulosса асосида, оширилган ставкалар бўйича тўланади.

2. Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 15-иловасига мувофиқ белгиланиб, 2018 йил даражасида сақлаб қолинди.

Жумладан, жисмоний шахсларга тегишли мол-мулкларнинг кадастр қийматидан келиб чиқиб:

туар жойлар ва квартиralар, дала ҳовли қурилмалари, бошқа иморатлар, хоналар ва иншоотлар учун 0,2 фоиз миқдорида;

шаҳарларда жойлашган, умумий майдони 200 кв.метрдан 500 кв.метргача бўлган туар жой ва квартиralар учун 0,25 фоиз миқдорида, майдони 500 кв.метрдан ошиқ бўлган туар жой ва квартиralар учун эса 0,35 фоиз миқдорида;

бошқа аҳоли пунктларида жойлашган умумий майдони 200 кв.метрдан ошиқ бўлган туар жой ва квартиralар учун 0,25 фоиз миқдорида белгиланди.

Жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни ҳисоблаб чиқариш мақсадида мол-мулкнинг кадастр қиймати кадастр хужжатларидан келиб чиқиб, бироқ 42 000 минг сўмдан кам бўлмаган миқдорда белгиланди.

Жисмоний шахслар мол-мулкини баҳолаш органлари белгилаган кадастр қиймати бўлмаса, солиқ ундириш учун Тошкент ва Нукус шаҳарлари, шунингдек вилоят марказларида 210 000 минг сўм, бошқа шаҳарлар ва қишлоқ жойларда – 90 000 минг сўм миқдорида мол-мулкнинг шартли қиймати қабул қилиниши сақлаб қолинди.

Кўчмас мулкка бўлган ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказувчи органларда белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган янги қурилган туар жойлар бўйича жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ мол-мулк шартли қийматининг икки баравари миқдоридан келиб чиқиб ундирилади.

Қонун хужжатларида назарда тутилган айрим тоифадаги жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи бўйича имтиёзларни қўллаш мақсадида солиқ солинмайдиган майдон умумий майдоннинг 60 кв.м ҳажмида белгиланди.

### **Ер солиғи бўйича**

1. Ер солиғи ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 16-иловасига мувофиқ тасдиқланиб, 2018 йилдаги солиқ ставкаларига нисбатан 1,2 баробарга индексация қилинди.

2. Ушбу қарорининг 16-иловаси 7 ва 8-жадвалларида келтирилган ставкаларга ер участкалари жойлашган жойидан келиб чиқиб, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

Тошкент шаҳри атрофида 20 км радиусда – 1,30, Қорақалпоғистон Республикаси пойтахти ва вилоят марказлари атрофида 15 км радиусда – 1,20, туман марказлари атрофида 10 км радиусда – 1,15 ва бошқа шаҳарлар атрофида 5 км радиусда – 1,10.

3. Ер участкаларигача бўлган масофа автомобиль йўллари бўйича шаҳарлар ва туман марказларининг маъмурий чегараларидан бошлаб белгиланди. Агар ер участкаси икки шаҳар яқинида жойлашган бўлса, шаҳарнинг юқорироқ функционал вазифасига мувофиқ келадиган коэффициент қўлланилади.

4. Дехқон хўжаликларидан ундириладиган ер солиғини ҳисоблаб чиқариш чоғида 8-жадвалда келтирилган ставкаларга, ер сифатига боғлиқ ҳолда, қуйидаги коэффициентлар қўлланилади:

тупроқ бонитети 40 баллгача бўлса - 0,75, 41 дан 70 баллгача бўлса - 1,0 ва 70 баллдан ортиқ бўлса - 1,25.

5. Ўрмон хўжаликларида молларни ўтлатиш учун фойдаланилмайдиган яйлов ерлар учун ер солиғи бошқа ерлар учун ставкалар бўйича тўланади.

6. Шаҳар ва посёлкаларнинг маъмурий чегараларида жойлашган кон ва карьерлар банд этган ерлар учун солиқ 5 ва 6-жадвалларда тегишли зоналар учун келтирилган ставкаларга 0,1 коэффициентини қўллаган ҳолда тўланади.

7. Жисмоний шахсларга тадбиркорлик фаолияти учун берилган ер участкаларидан солиқ юридик шахслар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

8. Жамоавий ва шахсий гаражлар банд этган ер участкалари учун жисмоний шахслардан солиқ якка тартибдаги уй-жой қуриладиган ерлар учун тасдиқланган ставкалар бўйича ундирилади.

9. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солигини ҳисоблаб чиқаришда 5 ва 6-жадвалларда келтирилган базавий ставкалар белгиланган нормативлар доирасида ер участкаларига нисбатан қўлланади, белгиланган нормативлардан юқори ер участкалари учун базавий ставкаларга эса оширувчи коэффициент - 1,5 қўлланади.

10. Жисмоний шахслардан ундириладиган ер солигини ҳисоблаб чиқариш мақсадида ер участкаларининг қуйидаги нормативлари қўлланади:

Тошкент ш., Нукус ш. ва вилоят бўйсунувидаги шаҳарлар - 0,06 га;  
бошқа аҳоли пунктлари (дехқон хўжаликлари бундан мустасно) - 0,1 га.

11. Кўп қаватли уйларда нотурар жой бўйича юридик ва жисмоний шахслардан олинадиган ер солиги қаватларнинг сонига бўлинган нотурар жой майдонидан келиб ҳисоблаб чиқарилади.

12. Тугалланмаган қурилиш обьектлари эгаллаган ер участкалари учун ер солиги, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, икки баравар ставкада тўланади.

### **Ягона ер солиги бўйича**

1. Ягона ер солиги ставкаси 2018 йилдаги даражада сақлаб қолинди ва қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қийматига нисбатан 0,95 foиз миқдорида белгиланди.

Бунда, ҳар бир хўжалик бўйича қишлоқ хўжалиги ерларининг норматив қиймати Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитасининг “Ўздаверлойиха” Ўзбекистон давлат илмий-лойиҳа институти томонидан белгиланди.

2. 2019 йил 1 январдан, тажриба тариқасида мева-сабзавотчилик маҳсулотлари (сабзавотлар, полиз экинлари, мевалар, токзорлар) билан банд қилинган суғориладиган ва суғорилмайдиган ерлар учун мева-сабзавотчилик қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчиларидан ундириладиган ягона ер солигининг базавий ставкалари ва уларнинг тўғриловчи коэффициентлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 20-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

### **Солиқ солишнинг алоҳида масалалари бўйича**

1. 2019 йилнинг 1 январидан бошлаб:

ягона солиқ тўлови ва ягона ижтимоий тўловнинг энг кам миқдорлари; юқ ташиш бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик шахслар учун, солиқقا тортиш тизимидан қатъий назар, битта транспорт воситасига ҳисоблагандан улар томонидан тўланаётган солиқларнинг жами миқдори якка тартибдаги тадбиркорлар ушбу фаолият тури бўйича тўлаётган қатъий белгиланган солиқ миқдоридан кам бўлмаслиги тўғрисидаги тартиб бекор қилинди.

2. 2019 йил 1 январдан бошлаб юридик шахслар хизмат кўрсатувчи банклардан иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар учун пул маблағларини олишда (ёки пластик карталарга ўтказишда) ягона ижтимоий тўлов ҳамда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини тўлаш бўйича тўлов ҳужжатларини тақдим этиши лозимлиги белгиланди.

3. Солик тўловчилар 2019 йил 1 апрелга қадар ходимлар сони ва (ёки) меҳнатга ҳақ тўлаш фондини ихтиёрий равишда ҳисоботларда расмийлаштирган ва акс эттирган тақдирда аввалги ҳисобот даврларида ходимлар сонини яширганлик учун жавобгарликдан, илгари кўрсатилмаган ходимлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ва ягона ижтимоий тўлови суммасини қўшимча ҳисоблашдан озод қилинади.

4. Мол-мulkни ижарага берувчи жисмоний шахслар учун белгиланган ижара тўловининг энг кам ставкалари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 24-иловасига мувофиқ тасдиқланди. Бунда ижара тўловининг энг кам ставкалари:

туар жойни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида – 10 500 сўм , Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – 6 500 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида – 3000 сўм;

нотуар жойларни ижарага беришда 1 кв.метр учун Тошкент шаҳрида – 20 000 сўм, Нукус шаҳри ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларда – 13 000 сўм ва бошқа аҳоли пунктларида – 6000 сўм;

енгил автомобилларга (йўловчилар, юк ташиш учун мўлжалланган ва ўриндиқлари сони ҳайдовчини ҳисобга олмаган ҳолда 8 та жойдан кўп бўлмаган автотранспорт воситаси) 1 автотранспорт воситаси учун – 480 000 сўм;

микроавтобуслар, автобуслар ва юк автомобилларига 1 автотранспорт воситаси учун – 940 000 сўм ижара тўловининг энг кам миқдорларидан иборат.

5. Қарзни ундиришни солик тўловчиларнинг мол-мulkига қаратиш учун солик бўйича қарзларнинг энг кам миқдорлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги ПҚ-4086-сонли қарорининг 23-иловасига мувофиқ тасдиқланди.

### **Таянч сўз ва иборалар:**

*Мажбурий ажратмалар, ялпи тушум, ер солиги, мол-мulk солиги, хўжалик юритувчи субъектлар, Иккинчи модель, Учинчи модель, Биринчи модель, Чакана, улгуржи, Ягона ер солиги ,*

### **Назорат учун савол ва топшириқлар:::**

1. Солик сиёсати стратегияси ва тактикаси деганда нимани тушунасиз?
2. Жаҳон амалиётидаги солик ундириш усувларани санаб чиқинг. Улар нимаси билан бир-биридан фарқ қиласи?
3. Давлат солик сиёсатининг мақсадларини тушунтириб беринг?
4. Япония моделининг хусусиятлари нималардан иборат?

5. Европа моделининг хусусиятлари нималардан иборат?
6. Америка моделининг хусусиятлари нималардан иборат?
7. Халқаро амалиётда қўлланиладиган солиқ моделлари ва уларнинг аҳамияти.
8. Жаҳон амалиётида кенг қўлланилган солиқ инструментларини санаб беринг.
9. Ўзбекистоннинг жаҳон интеграциясига чукурлашиб боришини таъминлашда амалга оширилаётган ислоҳотлар.
10. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати концепциясининг мазмун-моҳияти ва халқаро андозаларга мослиги.

### **З-мавзу. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимининг Ўзбекистон солиқ тизими билан қиёсий таҳлили (2 соат)**

**Режа:**

1. Федератив ва конфедератив давлатларни солиқ тизимини хусусиятлари
2. Америка қўшма штатлари солиқ тизимининг асослари
3. Федерал солиқлар
4. Штатларнинг солиқ тизими
5. Маҳаллий солиқлар

**Калит сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, чет эллик жисмоний шахслар, икки ёқлама солиққа тортиш, норезидент.

#### **1. Федератив ва конфедератив давлатларни солиқ тизимини хусусиятлари**

Федерализмга асосланган солиқ тизими, айниқса, ҳозирги замон дунё иқтисодиётини ривожланиши шароитида ўрганиш, бу тизимда мулкларни тақсимлаш услубларини ва даромад, солиқлар манбани келиб чиқишини билиш, муҳим қизиқтириш уйғотади. Федерация деб – бир неча давлат аъзолари маълум ҳуқуқий давлат мустақиллигини сақлаб қолиб, янги ягона давлат тузилмасини ташкил қилиш тушунилади. Федерация шакли иттифоқ фуқаролиги, армия ва иттифоқ давлат органларини мавжудлигини талаб қиласиди. Ўз навбатида конфедерация еса, бу бир неча алоҳида давлатларни иттифоқи бўлиб, ўзини мустақиллигини сақлаб қолади, лекин бир неча умумий бошқариш органлари бўйича бирлашадилар. Дунё амалиётида АҚШ, Германия, Канада федератив, Швейцария – конфедератив давлатлар ҳисобланади.

Федерализм – ҳокимият тизими сифатида конституция бўйича қатор ҳукмронлик қилиш функциялари ҳудуд органларига берилади ва шу билан бир қаторда енг юқори ҳукмронлик – марказий ҳукумат – миллат мустақиллигини ифодаловчи орган ихтиёрида қолдирилади. Ҳозирги замон федерализмини рақобатбардош федерализм деб юритилади. Бунда кичик колективларни вазифаси имконият борича пастки ҳокимият органлари томонидан ечилиши керак. Шундай тартиб, юқори мустақиллик ва ҳақиқий демократияни таъминлаб

беради. Маҳаллий органлар еркин товарларни сотишга, хизмат кўрсатишига кўмаклашишлари керак. Товарларни бошқа жойда ишлаб чиқариб, лицензия олинган бўлса, маҳаллий орган уни текшириши ва лицензия бериши керак емас. Шунда улар “бегона” тадбиркорларни таклиф қилиб, солиқ базасини кенгайтириб боради. Яна ҳар бир манзил ўзининг ҳаражати, даромади билан қоплаб бориши зарур. Шунинг учун ўзининг солиқ базаларини мустаҳкамлаш зарур. Ҳамма даражадаги ҳокимият ўзининг солиқ тизимини ташкил қилиб, ривожлантириш ҳуқуқига ега. Агар ҳамма солиқ ставкалари марказдан белгиланса, ҳудудларни мустақиллигига катта зарар етказилар еди. Натижада ҳақиқий рақобатбардош федерализмни амалга ошириб бўлмас еди. Федератив давлатларда солиқ тизими юқоридаги принциплар асосида ташкил топиши керак. Унитар давлатларда еса факат сиёсий куч, еркинлик марказий ҳокимият ихтиёрида бўлади. Федератив давлатларда ҳақиқий давлат мустақиллиги икки даражада бўлади – марказий ва ҳудудий. Лекин давлат бирлигини таъминлаш учун ягона солиқ қонунчилигини таъминлаб бериш керак. Юқорида кўрсатилган қоида ва тартибларга биноан федератив давлатларни солиқ тизимлари ташкил қилинган.

## **2.Америка қўшма штатлари солиқ тизимининг асослари**

«Ҳаётда ўлим ва солиқдан муқаррар нарса йўқ»

(Б.Франклин)

АҚШ катта тарихга ега бой давлат бўлганлиги учун унинг солиқ тизими чуқур ўрганилган, назарий асосланган ва амалиётда кенг миқёсда синалган. Бу тизим бир неча асрлар давомида амалий хусусиятларини сақлаб, уларни ривожлантириб келмоқда.

АҚШ конституциясига биноан федерал ва штат ҳукуматлари мустақил солиқ сиёсати юритиш ҳуқуқига ега. Солиқлар федерал, штат ҳукуматлари ва маҳаллий органлари ҳукумати томонидан йифилади. АҚШнинг ҳозирги солиқ тизими 1986 йил сентябр ойида қабул қилинган. Ушбу солиқ ислоҳоти қонуни 1942 йили киритилган даромад тўғрисидаги қонундан кейин енг йирик солиқ тадбири ҳисобланади. Ислоҳотнинг асосий мақсади федерал солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш ва «адолатли» солиқ солиши йўли билан мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш даражасини рағбатлаштиришдан иборат еди. Ислоҳот натижасида фуқароларни даромад солигига тортиш ва корпорация фойдасини солиқка тортиш тизими сезиларли даражада ўзгарди. Даромад солиғини енг юқори ставкаси айрим шахслар учун –50дан 26 фоизга ва корпорациялар учун 46 дан 34 фоизга туширилди. 1993 йили қабул қилинган қонун ҳам солиқ тизимига талайгина ўзгартириш киритди. Қонунда хусусий шахслар учун иккита солиқ ставкаси (36 ва 39,6%) ва корпорацияларга 34 дан 35 фоизгача ўзгартиш киритилди. Шу билан бир қаторда хизматга таъллуқли зиёфат, қўнгилочар тадбирлар билан боғлиқ чегирмалар қисқартирилди.

АҚШда 70% дан ортиқ солиқ тушумлари тўғри солиқлардан, шу жумладан, уларнинг 40 фоиздан кўпроғи федерал даромад солигидан иборат.

Солиқларнинг зарурлиги, мазмуни ва ахамияти кўпчилик АҚШ иқтисодчилари томонидан назарий жиҳатдан асосланган. Бу соҳада Кемпбелл,

Макконел, Стенли Брю ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Қатор камчиликлар, қарама-қаршиликлар, иқтисодиётнинг кўптармоқлилиги хусусиятларини ва ҳаракатдаги солик қонунчилигини мураккаблигини ҳисобга олиб, ҳозирги вақтда АҚШ солик кодексининг янги лойиҳаси тайёрланган.

Ижтимоий манфаатдорлик ва ижтимоий хизматнинг табиати жуда мураккаб ва қўп қиррали ҳисобланади. Шу сабабли аниқ шахс амалиётда қайси соҳадан кўп даромад кўраётганини аниқлаш қийиндир. Шунинг учун аниқ шахс автомобил йўлларидан, бепул ўрта талим тизимидан, давлат ва маҳаллий хавфсизлик органлари, ёнғиндан химоя қилиш ва об-ҳавони прогноз қилиш хизматларидан қандай моддий манфаат олишини белгилаш оддий масала емас. Демак, солик оғирлигини тақсимлаш муаммоли масала бўлиб қолади. Иқтисодиётда солик оғирлигини тақсимлаш муаммосига икки хил қараш мавжуд:

- олинган манфаатни соликқа тортиш принципи (тамойили);
- тўлов қобилияти концепцияси принципи (тамойили).

Олинган манфаатни соликқа тортиш принципига асосан, уй хўжаликлари ва тадбиркорлар давлат берадиган товар, кўрсатган хизматни худди бошқа товарларни сотиб олгандек қабул қилишлари керак. Ҳукумат томонидан таклиф қилинадиган товар ва хизматларни қабул қилувчилар, ушбу товар ва хизматларни молиялаштириш учун солик тўлашлари керак. Мантиқий жиҳатдан бу тўғри бўлади. Ижтимоий манфаатнинг бир қисми олинган манфаатни соликқа тортиш қоидаси асосида молиялаштирилади. Масалан, бензиндан олинадиган солик, қоида бўйича, йўлларни қуриш ва таъмирлашни молиялаштиришга сарфланади. Ким сифатли йўлдан наф олса, йўл учун харажатни тўлайди. Шунга қарамай, қачонки аниқ ва кенг миқёсда олинган манфаатни соликқа тортиш принципи қўлланганда шу заҳоти муаммолар келиб чиқади.

Биринчи муаммо - уй хўжалиги бошлиғи, тадбиркор айрим хизматлардан қандай ҳажмда наф (фойда) олишини баҳолаш. Автомобил егалари яхши сифатли автойўлдан ҳар хил даражада фойда олганларидек, автомобил егаси бўлмаган шахслар ҳам фойда оладилар. Яхши йўлларни пайдо бўлганидан тадбиркорлар ҳам бозорларни кенгайтириб талайтина ютадилар.

Иккинчи муаммо - қабул қилинган афзалликларни соликқа тортиш принципи асосида молиялаштириш ҳукуматни даромадларни қайтадан тақсимлаш ҳаракатини муваффақиятизликка олиб келади. Шунингдек, камбағал оиласаларни хайрия нафақаларини молиялаштириш учун керак бўлган маблағни уларни солик тўлашга мажбур қилиш йўли билан қоплаш фикри ҳам бемаъни ва натижасиз ҳисобланади.

Тўлов қобилияти принципи манфаатни соликқа тортиш принципидан кескин фарқ қиласи. Бу принципнинг асосида солик юки асосан аниқ даромад ва фаровонлик даражасига боғлиқ деган фикр ётади.

Тўлов қобилияти принципи юқори даромадли шахслар ёки тадбиркорлар кам даромадлиларга нисбатан абсолют ва нисбий кўпроқ солик тўлашини талаб қиласи.

Бу концепция асосида қуйидаги фикр ётади: уй хўжалиги томонидан олинган ҳар бир қўшимча доллар ўз навбатида қизиқиши тобора пасайиб боришига олиб келади. Бундай ҳолни юзага келиш сабаби оддий: даромаднинг долларда олинган дастлабки қисми бирламчи еҳтиёжга ега бўлган товарларга сарф етилиб, кейинги маблағлар у даражада зарур бўлмаган товар ва хизматларга ишлатилади. Бу шуни англатадики, камбағалдан солиқ сифатида ундирилган долларлар бой одамдан солиқ сифатида олинган долларларга нисбатан қўпроқ зарарни ташкил етиши мумкин.

Шундай қилиб, солиқдан қўрилган зарарни тенглаштириш (бараварлаштириш) мақсадида, солиқни олинадиган даромад ҳажмига қараб тақсимланади. Бу алоҳида аҳамиятли ҳолатdir. Лекин бу принципни қўллашни ҳам муаммолари мавжуд. Масалан, бир йилга 50 минг доллар даромад оладиган уй хўжалиги 10 минг доллар оладиган уй хўжалигидан қўпроқ солиқ тулаш қобилиятига ега. Лекин, бой киши ўзининг даромадига қараб неча марта қўпроқ солиқ тўлайдими, йўқми деган савол туғилади. Амалиётда ҳар бир кишини солиқ тўлаш имконияти тўлиқ аниқланмаган. Масалани ечишда мамлакатни бошқарувчи партия, вақт талаби, хукumatни даромадга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда, афзалроқ қўрилган ҳолат олинади.

Америка иқтисодиётининг солиқлари таркиби олинган манфаатни солиққа тортиш принципига қўра, қўпроқ тўлов қобилияти концепциясига тўғри келади. Тўлов қобилияти ва олинган манфаатни солиққа тортиш принципларини кўриб чиқиш пировард натижада солиқ ставкалари тўғрисидаги саволга ва ҳар қандай шахсни даромади ошганда бу ставкаларни ўзгартириш масалаларига олиб келади.

Солиқ ставкалари прогрессив (илгор, тараққий), пропорционал (муттаносиб) ва регрессив (орқага қайтиш) тарзида бўлади. Шунга қараб солиқларни илгор, муттаносиб ва регрессив турларига бўлиш мумкин. Бундай таърифлаш ставка билан даромадни бир-бирига муносабатига асосланади. Даромадни олишга сабаб, ҳамма солиқлар даромаддан, маҳсулотдан, иморат, йер участкасидан олинишига қарамай, кимнингдир даромадидан тўланади.

Даромад ўсиши билан ўртacha ставка ошиб борса, солиқ прогрессив (илгор) ҳисобланади. Бундай солиқ фақат абсолют (мутлақ ўзгармас) суммани фараз қилиб қолмай, даромад ошиши билан олинадиган қисмини қўпайишини ҳам англатади.

Регрессив солиқда, даромад ошиши билан ўртacha ставка пасайиб боради. Бундай солиқлар даромад қўпайиши жараённада унинг кам ва янада кам қисмини олишни талаб қиласди. Регрессив ставкалар бўйича солиқ катта абсолют суммани келтириши ва балки даромад қўпайиши билан катта абсолют суммани келтиримаслиги мумкин. Муттаносиб (пропорционал) солиқ шундай белгиланадики, даромад ҳажмини ўзгаришидан қатъий назар, ўртacha солиқ ставкаси ўзгармай қолади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, прогрессив солиқлар бойларни қаттиқроқ езса, регрессив солиқ камбағалларга оғирроқ таъсир қиласди.

Федерал хукumat томонидан олинадиган солиқлар мамлакатни ҳамма худудларида бир хил бўлиб, улар федерал даромадни асосий банди ҳисобланади.

Штат солиқлари бир-биридан фарқ қиласи. Аҳолининг яшаш жойини тез-тез ўзгартириб, яъни кўчиб юриши юқори даражада бўлганлиги учун бу солиқларни йиғиш механизми техник жиҳатдан жуда ҳам мураккаб ҳисобланади. Бу ҳолат ҳам АҚШ солиқ тизимининг хусусиятларига изоҳ беради.

Бюджет тушумининг катта қисмини тўғри солиқлар таъминлайди. Унинг ҳиссаси жуда юқори (70 фоизгача). Эгри солиқлар асосан регрессив солиқ бўлганлиги учун оддий солиқ тўловчилар томонидан доимий равишда танқид қилинади. Лекин, кўпчиликнинг фикрича эгри солиқларнинг ягона шубҳасиз фазилати бор - уларни йиғишнинг оддийлиги. Ҳақиқатда товарни сотиб олувчи сотишдан олинадиган солиқни тўлашдан бош тортмайди. Тескари ҳолатда унга товар сотмайди.

АҚШда тўғри ва эгри солиқларнинг таркиби қўйидаги схемада келтирилган.

1-чизма

### **АҚШнинг солиқ тизими**

Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар
1. Аҳолидан олинадиган даромад солиғи.	1. Акцизлар, божхона божи.
2. Корпорация фойдасига олинадиган солиқ: федерал, штат, маҳаллий	2. Ижтимоий суғуртага хусусий тадбиркорларни федерал бадаллари
3. Штатларни ва маҳаллий органларни мол-мулк солиғи	3. Транспорт воситалари йиғими ва бошқа солиқлар (тадбиркорлардан олинадиган штатлар ва маҳаллий солиқлар)
4. Ижтимоий суғуртага ажратма федерал, штатлар)	
5. Мерос ва совғалардан олинадиган солиқ	
6. Фуқаролардан транспорт воситаси учун олинадиган йиғим	

АҚШ - федерал республика. Уларнинг давлат тузилиши асосида фақат ҳокимиятни вазифалари бўйича бўлиниш емас, худудлар бўйича ҳам ажратиш ётади.

Ҳокимиятнинг худудлар бўйича тузилиши етарли даражада вазифаларни аниқ чегаралаш ва учта худудлар –федерал, штат, маҳаллий ҳокимиятларни алоҳида хуқуқларини назарда тутади. Бундай ажратилиш билан бюджет харажатлари ва солиқ тушумларининг характеристи узвий боғлиқдир.

Федерал ҳукуматнинг асосий фаолияти мудофаа, мамлакатнинг ташқи алоқалари, инсон ресурсларини қайта ишлаб чиқариш (соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, даромадларни қайта тақсимлаш) ва давлат қарзи хизматини таъминлашдан иборат.

Федерал ҳукуматнинг ҳар-хил харажатлари ичida қўйидаги гурӯҳлар ажралиб туради:

- даромадни ҳимоя қилиш;
- миллий мудофаа;
- давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш.

Даромадни ҳимоя қилиш категорияси қариялар, меҳнатга қобилияциз, ишсиз, тиббиёт ёрдамига муҳтож ногиронларга ёрдам кўрсатиш йўли билан уларнинг даромадлари даражасини сақлаб туриш билан боғлиқ. Миллий мудофаа федерал бюджетнинг тўртдан бир қисмини қамраб олади. Бу давлат қўшинларини жанговар ҳолатини таъминлаш учун юқори даражада ҳаражат қилинишини англатади. Давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш охирги даврда нисбатан ошди. Бу бир томондан давлат қарзини ошиши ва иккинчи томондан фоиз ставкаларини кўтарилиши билан боғлиқ.

Юқорида кўрсатилган ҳаражатларни қоплаш учун федерал ҳукумат даромадга ва, шу жумладан, солиқларни йиғиши имкониятига ега.

Федерал бюджетга фуқаролардан олинадиган даромад солиғи, иш ҳақи фондига солинадиган солиқ ва корпорациялва 10 цент келиб тушади. Бундан ташқари, кичик ҳажмда акциз йифимлари, божхона божи, қўчмас мулкка солинадиган солиқ, совғаларар фойдасига солинадиган солиқлар келиб тушади. Юқоридаги кетма-кетликка мувоғиқ солиқ сифатида йиғилган ҳар бир доллардан 45,35 дан олинадиган солиқ ва бошқалар федерал бюджетга тушади. Федерал бюджетга тушадиган акциз солиғи- бензин, чекиш маҳсулотлари, алкогол ичимликларини сотиш билан боғлиқ бўлган танланган солиқлар хисобланади.

Штатларга аҳолига ва корпорация мулкига тааллукли назоратни мунтазам тартибга солиши, маъмурий бошқариш функциялари, ишчи контрактларни бажарилиши устидан назорат қилиш, касб фаолиятига лицензия бериш, фуқаролар ҳолати актини расмийлаштириш ва бошқа вазифалар юклатилган.

Ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органлар асосан ўзларининг ҳудудларида аҳоли ва корхоналарга ҳар хил хизмат кўрсатадилар. Бу мактабда ўқитиши, коммунал хизмати кўрсатиш, йўл хўжалиги, ижтимоий ёрдамлар бериш, шахс ва мулкни муҳофаза қилиш, уй-жой қурилиши, шаҳарни ривожлантириш, ёнгин ва полиция хизмати, дам олиш жойларига қараш каби вазифаларни бажаради. Бошқача қилиб айтганда, яшовчиларга истиқомат қилишлари учун моддий ва социал шароит яратиш, шу ҳудудда жойлашган корхоналарни ишлаб чиқаришини рағбарлантиришдан иборат бўлади.

АҚШда иқтисодиётни бюджет - солиқ орқали бошқариш жуда кенг миқёсда қўлланилади. Ҳозирги вақтда 25%га яқин ички миллий маҳсулот бюджет орқали қайтадан тақсимланади.

АҚШда ташкил топган ҳокимият таркибига биноан ҳар бир даражада бюджет ташкил топади - федерал ҳукумат бюджети, штатлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарувчи органлар бюджетига бўлинади. Навбатдаги молия йилига (1 октябрдан бошланади) федерал бюджетнинг лойиҳаси ҳамма федерал вазирликлар ва маҳкамалар иштирокида маъмурий-бюджет бошқармаси томонидан тузилади ва президент томонидан календар йилининг бошида

конгрессса олиб чиқилади. Конгрессда лойиха кўрилади ва навбатдаги молия йили бошлангунга қадар тасдиқланади.

Иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида, айниқса, танқислик ҳолатини бартараф қилиш учун федерал бюджетнинг ҳам даромад, ҳам харажат қисмидан фойдаланилади, ишлатилади. Ҳаражат қисми 20 та асосий бюджет категорияларига бўлинади. Шу жумладан, миллий мудофаа ҳаражати, халқаро ишларни олиб бориш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, енергетикани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий суғурта ва бошқалар тахминан 60% умумдавлат ҳаражатлари федерал бюджет зиммасига ва қолгани штат ва маҳаллий органлар бюджетига тўғри келади.

АҚШни XX аср охиридаги иқтисодий сиёсатида асосий ўринни солиқ соҳасидаги тадбирлар егаллади. 1981-1983 йилларда босқичма-босқич даромад солиғини ставкаси сезиларли пасайтирилди. Ислоҳот солиқларни тўплаш бошқармаси (СТБ) зиммасига тўғри келди. Унга раҳбар етиб Чарлз Россоти тайинланди. Янги бошлиқ 33 та ҳудудий СТБни директорлари ва бош тафтишчиларини алмаштирди. Чарлз Россоти солиқ бошқармалари фаолиятидаги камчиликларни топди ва уларни йўқотиши натижасида боқиманда камайтирилди.

АҚШ бюджет тизимини ҳар бир шаҳобчаси алоҳида солиқларга асосланган. Масалан, федерал бюджетни тўлдиришда асосий манба аҳолидан ва корпорациялардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланади. Штатлар бюджети сотишдан олинадиган солиқقا ва маҳаллий (шу жумладан, муниципиал) ҳукумат бюджети уларнинг ҳудудида жойлашган мулк қийматидан олинадиган солиқقا асосланган.

1.-жадвал

### **АҚШда ҳокимият даражаси ва солиқ турлари бўйича бюджет тушумининг одатдаги таркиби**

**(фоиз ҳисобида)**

Ҳокимият даражаси	Ҳамма солиқлар	Солиқ турлари бўйича			
		Даромад солиғи	Фуқарола рдан	Корпораци я-лардан	Сотишга солина-диган солиқ
Федерал	56,4	82,1		76,9	30,2
Штат	26,8		16,3	20,9	58,6
Маҳаллий	16,8		1,6	2,2	4,0
				11,2	96,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, федерал бюджеттага 82,1% фуқаролардан ва 76,9% корпорациялардан олинадиган даромад солиғи келиб тушаяпти. Сотишга солинадиган солиқнинг асосий қисми штатлар бюджетига тушмоқда. Мол-мulkка солинадиган солиқнинг деярли ҳаммаси маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда. Шундай қилиб, федерал бюджет ўзининг асосий талабини фуқаролардан ва корпорациялардан олинадиган даромад солиғи ҳисобига, штатлар-сотишга солинадиган солиқ ва маҳаллий органлар- мол-мulkка солинадиган солиқ ҳисобига қоплайдилар. Маълум даражада, анъанавий

бўлмаган сотишга солинадиган солиқ ҳам маҳаллий ҳокимият талабини қондиради. АҚШни ҳозирги замон солиқ тизимиға федерал хукумат ва штат ҳамда маҳаллий ҳокимииятлар солиқларни асосий турларидан параллел тарзда фойдаланишлари характерлидир.

2-жадвал

### АҚШНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИ

С о ли қ л а р		
Федерал	Штатлар	Маҳаллий
1. Даромад солиғи (федерация)	1. Даромад солиғи (штатлар)	1. Даромад солиғи (маҳаллий)
2. Корпорациялар фойдаси	2. Корпорациялар фойдаси	2. Корпорациялар фойдаси
3. Ижтимоий суғуртага ажратма	3. Ижтимоий суғурта фондига бадаллар	3. Ижтимоий суғурта фондига бадаллар
4. Божхона божи	4. Сотишга солинадиган солиқ	4. Умумий сотишга солинадиган солиқ, акцизлар, экология солиғи
5. Мерос ва ҳадялар	5. Махсус алкоголь ичимликлар, чекиши маҳсулотлари ва ёқилғига солинадиган акцизлар 6. Мерос ва ҳадялар 7. Мол-мулк солиғи	5. Мерос ва ҳадялардан  6. Мол-мулк солиғи 7. Транспорт воситаларидан йиғим
	8. Транспорт воситаларидан йиғим	

Аҳоли ҳар уч хил турдаги даромад солиғини: федерал, штат ва маҳаллий, икки хил мол-мулк солиғи: универсал ва акциз солиғини, штат ҳамда маҳаллий бюджетларга тўлайди.

### 3. Федерал солиқлар

АҚШда умумдавлат пул маблағлари фонди федерация бюджетида тўпланади. АҚШНИНГ бюджет тизимида марказий ўринни федерал бюджет егаллагани учун, бу бюджетнинг даромадлари таркибини қўриб чиқиши алоҳида аҳамият касб етади.

3-жадвал

Даромадлар	Ҳақиқий (молиявий йил)		
	1980	1990	1992
Аҳолидан олинадиган даромад солиқлар, млрд.доллар	244,1	466,9	529,5
Умумий даромад ҳажмига фоиз хисобида	47,2	45,3	45,5

Корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ, млрд. Доллар Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	64,6 12,5	93,5 9,1	101,9 8,7
Ижтимоий сугурта фондиға бериладиган бадаллар, млрд. Доллар	157,8	380,0	429,3
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	30,5	36,8	36,8
Акцизлар, млрд. Доллар	24,3	35,3	47,8
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	4,7	3,4	4,1
Мерос ва ҳадялардан тушум млрд.доллар	6,4	11,5	13,3
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	1,2	1,1	1,1
Божхона божи, млрд. Доллар	7,2	16,7	19,3
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	1,4	1,6	1,7
Бошқа тушумлар, млрд. Доллар	12,7	27,0	23,9
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	2,5	2,6	2,1
Хамма даромадлар, млрд. Доллар Фоиз ҳисобида	517,1 100,0	1031,3 100,0	1165,0 100,0

Федерал солиқларни ялпи йифими 1,2 трлн. Долларни ҳозирги кунда ундан ҳам кўпни ташкил қиласи, шундай ҳажмдаги солиқларни 110 млн.дан кўп солиқ тўловчилар ва 15 млн. Ҳар хил мулк шаклига асосланган мустақил ҳўжалик субъектларидан йиғиш, иқтисодий ва молия соҳасида юқори даражада ҳукуқий чегаралар мавжудлиги (фақат ҳаракатдаги федерал қонунчилик 4 минг бет текстдан иборат) шароитида жуда мураккаб вазифа ҳисобланади.

Шундай қилиб, федерал бюджетнинг даромади асосан федерал даромад солиғи, федерал корпорацияга солинадиган солиқ ва ижтимоий сугурта фондиға ажратмалардан иборат. Аҳолидан олинадиган даромад солиғини 4/5 қисми федерал бюджетга тушиб, унинг даромад қисмининг деярли ярмини ташкил қиласи. Шу сабабли даромад солиғини чуқурроқ ёритиш талаб етилади.

Ҳар йили Америка Кўшма Штатлари фуқаролари федерал солиқ хизмати (ФСХ) бўлимига солиқ декларациясини топширадилар. Солиқ хизмати декларацияларни, шу жумладан, почта орқали жўнатилган, электрон линиялар орқали юборилган маълумотларни солиқ хизмати компьютерларига киритиш учун даромад олмоқчи бўлган уй бекалари, ишсиз одамларни ёллайди. Кейинчалик бу маълумотлар банклар, дўконлар, катта бўлмаган фирмалар ва йирик корпорациялардан олинган материаллар билан солиштирилиб, солиқ текширувига асос бўлади. Агар, америкаликлар, кредит карточкаларидан тез-тез

фойдаланиб, битимларни учдан бир қисмини нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали амалга оширишини инобатга олсақ, уларнинг кармони солик инспекторлари учун очиқ-ойдин, равшан бўлиб қолади.

АҚШда солик тизимини жуда мураккаб, ноқулай ва чалкашлигини соликقا тортиш соҳасидаги мутахассислар ҳам тан олишади. Америка солик тизимини муракаблигини билиш учун 3000 ҳужжат асосидаги солик тўловчилар қўлланмасини ҳар бир америкалик ФСХни яқиндаги бўлимидан олиши мумкин. Солик тўловчилар учун ҳар хил солик ҳужжатлари, йўриқнома ва бошқа босиб чиқарилган кўрсатмалар баъзи йиллари 500 донадан ошиб кетади. Бу ҳолат ҳам солик тизимининг оддий емаслигидан далолат беради. Федерал даромад солиги солинадиган субъектлар (хуқуқий шахслар) АҚШнинг фуқаролари ва шу мамлакатнинг резидентлари ҳисобланади.

Солик декларациясини топшириш заруриятини қўйидаги чегаралари ва асослари белгилаб берилади:

- ялпи даромадни катталиги;
- оиласиз аҳволи;
- солик тўловчининг ёши

Жами ялпи даромадга соликдан озод қилинмаган даромад, тўловчи олган пуллар, товарлар, мулклар, хизматлар киради. Умумий мулк егаси сифатида АҚШнинг бирорта штатида яшовчи оила учун алоҳида хуқуқий ҳолат белгиланади. (Аризона, Колифорния, Луизиана, Невада, Ню-Мексико, Техас, Вашингтон, Висконсин штатларида). Бу гуруҳ солик тўловчиларга шу штатларни қонунчилиги асосида умумий мулк деб белгиланган ҳар қандай даромаднинг ярми солик тўловчининг даромади ҳисобланади. Солик тўловчининг оиласиз ҳолати хисбот йилининг охирги куни бўйича белгиланади (кўпчилик солик тўловчилар учун 31 декабр ҳисобланади). Қатор Йевропа мамлакатлари каби бу штатларда никоҳдаги ер-хотинлар битта декларация топширишлари мумкин.

Белгиланган жами даромаднинг ҳажми бу даражадан юқори бўлса, декларация топширилади (1997 йили олинган даромаддан 1998 йили декларация тақдим этилади).

#### 4-жадвал

##### АҚШида декларация асосида соликларни даромаддан ундирилиши

Оиласиз ҳолати	ёши	умумий ялпи даромад (доллар), \$
Оиласиз	65 ёшгача 65 ва ундан катта	6800 7800
Биргаликда декларация берганда	65 ёшгача иккала (никоҳдагилар) 65 ва ундан катта (битта турмуш ўртоғи) иккала турмуш ўртоғи	12200 13000 13800

Алоҳида декларация берганда (никоҳдагилар)	ёшидан қатъий назар	2650
Оила бошлиғи	65 ёшгача	8700
	65 ва ундан катта	9700
Бева (қарамоғида ёш боласи бор бева)	65 ёшгача	9550
	65 ёш ва ундан катта	10350

Жадвалда кўрсатилган жами ялпи даромад ҳар йили ўзгариб туради. Охирги йиллари чегара даражаси кўтарилиб бормоқда. Бу инфляция билан боғлиқ. Марҳум, вафот етган оила бошлиғи ёки унинг рафиқаси учун солиқ декларацияси тирик қолган рафиқаси, (бажарувчи, васий) томонидан берилади. Бунда фақат бу солиқ тўловчининг маълумотлари вафот етган муддатидаги жадвалда кўрсатилган ҳажм ва рақамларга тўғри келиши керак.

Жадвалда болалар, қарамоғидаги шахслар категорияси берилмаган. Улар меҳнатга оид ва меҳнатдан ташқари даромадлар, жами даромад, оилавий ҳолати, ёши ва бошқаларга қараб солиқ декларацияси топширадилар. Ҳисобга олинадиган даромадлар даражаси алоҳида жадвал асосида белгиланади.

Меҳнат билан топилган даромадларга иш ҳақи, чой-чақа пули, солиқ олинадиган стипендиялар, ўқувчи ва илмий ходимларга бериладиган субсидиялар киради. Меҳнализ топилган даромадлар солиқ солинадиган капиталдан олинган фоиз, акциялардан олинган дивиденdlар ҳисобланади. Ишсизликка бериладиган нафақага ижтимоий таъминот йўналиши берадиган солиқ олинадиган нафақа, пенсия ва бошқалар киради.

Болаларни меҳнат даромадларидан солиқ тўлаш жавобгарлиги ота-оналар ва васийларга юклатилган. Агар бола 14 ёшга тўлмаган бўлса, унинг даромади фоиз ва дивиденdlардан иборат бўлса, маълум шароитларда ота-оналар ўзларининг декларацияларига қўшишлари мумкин. Бундай ҳолатда болалар алоҳида декларация топширмайдилар. Баъзи тоифада меҳнат қилувчилар (официантлар, сартарошлар, таксистлар ва бошқалар) ҳар куни олган чой-чақа пулларини алоҳида журналда ҳисобга олиб боришлари керак. Журналда қўйидагилар ёзилиши шарт: ишчини фамилияси, исми-шарифи, яшаш манзили, иш берувчини фамилияси ва хизмат жойининг номи.

Журналга мижозлардан олинган чой-чақа суммаси, бошқа ходимлардан, ишхона бошлиғи томонидан берилган чой-чақа пуллари ёзилади. Агар ишчи журнал юритмаса, ҳар бир олган чой-чақаси учун, уни тасдиқлайдиган ҳужжатларни сақлаши зарур. Навбатдаги ойнинг 10 санасигача хизматчи иш берувчига ёзма равишда ҳисобот бериши керак. Бунинг учун олинган чой-чақа ҳажми маълум даражадан юқори бўлиши керак (1996 йили-20 доллар). Иш берувчи ишчиларни чой-чақаларини ҳисобга олувчи журналини юритади. Чой-чақа ҳисобидан даромад солиги, социал таъминотга ва тиббий суғуртасига ажратмалар шу журналда ўз аксини топади. Кўп ҳолларда охирги солиқ ишчиларнинг иш ҳақидан чегирилиб чиқарилади.

Ёлланиб ишламайдиган (якка тадбиркорлар) шахслар деб, АҚШда якка ўзи савдо ва бизнес, мустақил пудрат ва бошқа мустақил бизнес билан шуғулланадиган шахслар ҳисобланади. Бу шахслар якка тартибдаги фаолият учун солиқ тўлайдилар. Фойда олиш мақсадида доимий ва тўхтовсиз амалга ошириладиган фаолият тадбиркорлик деб юритилади. Тасодифан ёки ишқибозлик (хобби) сифатида шуғулланиш тадбиркорлик ҳисобланмайди.

Ёлланиб ишламайдиган шахслар гуруҳига еркин қасб егалари, черков хизматчилари, фермерлар киради. Агар фермер бошқа бир фаолият билан шуғулланса, ундан олган даромад умумий даромадига қўшилади ва бизнесдан олинган умумий даромад ҳисобланади. Хусусий бизнесдан олинадиган соф даромад деб ҳар хил фаолият турларидан олинган соф фойда ҳисобланади.

Бизнеснинг бир туридан кўрилган заар, унинг бошқа туридан олинган даромадни камайтиради. Якка меҳнат фаолияти юзасидан олинадиган солиқни, асосий ишдан ташқари вактда фаолият билан шуғулланадиган шахслар тўлайди. Масалан, авиазаводда ишлайдиган слесар автомобилни ремонт қилса, декларацияда фаолиятидан олган даромадни қўрсатиши керак. Чунки бу даромад якка тартибдаги меҳнат фаолияти натижасида олингандир. Солиқ тўловчи ўзига тегишли бўлмаган йерда чорвачилик ёки далачилик ишлари билан шуғулланса, ҳосилнинг бир қисми, чорвачилик маҳсулоти ёки сотишдан олинган даромад унинг меҳнати учун ҳақ тўлаш бўлиб, фаолият унинг хусусий бизнеси ҳисобланади. Агар солиқ тўловчи воситачи (ўртади турувчи) ёки бошқа кишини ишини олиб борувчи бўлса ҳам юқорида қўрсатилган қоида ўз кучини сақлаб қолади.

Шахсий бизнеси билан шуғулланиш натижасида олинадиган соф тушум суммасига қўшиладиган бошқа даромадлар ва заарларга қуйидагилар киради:

- иморатни, автомашиналар туриши учун ажратилган майдон, омборлар, гаражлар, меҳмонхона номерлари (хоналари), умумий овқатланиш пунктларида ўтириш жойи, туристлар базаси ва бошқаларни бериш натижасида олинадиган даромад маблағлари;

- рўзнома ва журналларни сотишдан олинадиган даромад (1996 йили 18 ёшдан катта бўлган солиқ тўловчиларга);

- давлат хизматчилари ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари хизматчиларининг гонорари.

Агар уларнинг бажараётган ишлари федерал маблағлар ва штатлар маблағи ҳисобига ижтимоий таъминотни суғурта қилиш келишуви таъсирига тушмаса;

- ишchan фаолият жараёнида олинган фоизлар. (Масалан, қарзга олинган қимматли қофозлар);

- айрим бошқа турдаги тўловлар.

Умумий ялпи даромад солиқ солинадиган йилнинг маълумотлари асосида аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, солиқ тўловчи даромад ва харажатларни ҳисобини олиб борган давр вақти олинади. Кўпчилик солиқ тўловчиларга солиқ солинадиган йил календар йилга - 12 ой (1 январдан 31 декабргача) тўғри келади. Солиқ тўловчи хоҳлаган давридан фойдаланиши мумкин. Уни фискал йили деб

юритилади. Бу 12 ой давом етадиган ҳар қандай давр ҳисобланиб, унинг охирги куни ойнинг охирги кунига тўғри келади, (декабр ойидан ташқари), 52 ёки 53 ҳафта давом етадиган фискал йили хафтани ҳар бир кунидан томом булиши мумкин. Ҳисобга олиш (бир вақтда хисобот бериш) даврини танлаш солик тўловчи томонидан биринчи марта декларация берган йили амалга оширилади. Дастрраб танланган ҳисобот даврини ўзгартириш учун ФСХни рухсатини олиш керак ва маълум ҳажмда бож тўлаш керак бўлади. Биринчи декларация берилган биринчи йили солик ҳисоби усули танланади. Улар икки усулдан иборат: касса ва ҳисобга ўтказиш .

Касса усулини қўллаганда солик тўловчи даромад ва ҳаражатлар ҳисобкитобини шу даромадлардан фойдаланиш, ихтиёрига кўра даромадларни идора қилиш ҳукуқларини олган даврдан бошлаб олиб боради. Ушбу усулни америкалик солик тўловчи жисмоний шахслар кўпроқ қўллайдилар. Ҳисобга олишнинг касса методида даромадни олиш вақти бўлиб солик тўловчи даромаддан фойдаланиш ва даромадларни идора қилиш ҳукуқини олган вақти ҳисобланади (масалан, нақд пулни олган ёки пул маблағларини банкдаги ҳисобга келиб тушган вақти ҳисобланади). Ҳаражатларни амалга ошириш даври деб, солик тўловчи уларни тўлаган вақти ҳисобланади (нақд пулни бериш ёки банк томонидан пул маблағларни ўтказиш учун тўлов талабномасини олган вақти). Агар жисмоний шахсни ёлловчи иш ҳақидан қарзини ушлаб қолса ёки бошқа учинчи шахс учун қандайдир маблағ ушланса, умумий ушланган пул суммаси жаъми даромадга киради. Солик тўловчини қарзи кечирилса ёки қарзни учинчи шахс қопласа ҳам бу тартиб сақланиб қолади. Жисмоний шахсни даромадига унинг ихтиёридаги мулк юзасидан учинчи шахс тўлаган маблағ ҳам киради. Худди шу тартибда солик тўловчи учинчи шахс томонидан олган даромад ва берган маблағи ҳисобга олинади. Жисмоний шахснинг номидан ҳаракат қилаётган вакил олган даромад ҳам жисмоний шахснинг даромади ҳисобланади.

Ҳисобга ўтказиш усули қўлланганда солик ҳисоби солик тўловчи томонидан даромадга егалик ҳукуқи олган вақти ёки ҳаражатларни унга таъалуқлигини тан олинган вақтига кўра ҳақиқий даромадни олган ва ҳаражат қилган пайтини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.

Даромадларни олинган даври деб, солик тўловчига сўзсиз тўланиши керак бўлган суммани ёки келишув бўйича барча мажбуриятларни бажарган даврини аниқланган вақти ҳисобланади. Ҳаражатларни амалга оширилиш вақти деб, ҳар икки томон ҳақиқатда ўз мажбуриятларини бажарганлиги ёки ҳисобланган суммани сўзсиз тўланиши аниқ белгиланган вақт ҳисобланади. Икки томон ҳақиқий ўзининг мажбуриятларини бажаргандан ёки керакли маблағ берилиши аниқ бўлган вақт ҳаражат қилиш даври ҳисобланади. Ҳаражатлар ҳақиқий тўланган йилида емас, балки ҳаражатлар амалга оширилган йилида ҳисобга олинади. Агар олдиндан маблағ тушса (солик тўловчи даромадни маблағга егалик ҳукуқини олишдан олдин олса) умумий даромадда ҳақиқий тўланган йилида ҳисобга олинади. Даромадга аванс тариқасида олинган фоизлар ёки аренда тўлови ҳамда кейинроқ кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашлар киради.

Декларация тўлғазилгандан кейин солиқ тўловчини давлатга бир доллардан кам қарзи бўлса, бундай боқиманда кечирилади. Агар тўланган солиқларни суммаси, ҳисобланган ҳажмдан кўп бўлса солиқ тўловчи фарқни олиши мумкин. Ҳоҳласа ортиқча тўланган солиқ суммасини қисман ёки тўлик келгуси йили ҳисобига ўтқазиши мумкин. Бир доллардан кам бўлган ортиқча тўланган сумма солиқ тўловчини ёзма равишдаги баёни асосида қайтарилади.

ФСХ чеки бўйича бериладиган пул, уни ёздирилган кунидан бошлаб 12 ойдан ошмаган муддатда олиниши керак. 12 ой ўтгандан кейин чек бекор қилинади ва пул ФСХга қайтарилади. Қайтадан чекни олиш учун ФСХга маҳсус мурожаат қилиш керак.

Америка давлатида халқаро ташкилотларда ёки бошқа бир мамлакат ҳукуматига қарашли ёки бошқа давлатга қарашли ташкилотда ишлаётган АҚШ фуқароси ижтимоий таъминот ва тиббий суғурта тизимиға тўлайдиган солиқлардан озод қилингандан бўлса, бу ҳолда у Кўшма Штатлар ҳудудида хизмати учун олинган даромадлардан якка тартибдаги тадбиркор сифатида солиқ тўлайди. Агар АҚШ фуқароси ўз мамлакатидан ташқарида яшаса ва ўзининг бизнеси билан шуғулланадиган бўлса, кўп ҳолларда ўзининг бизнеси даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинади. Ҳорижий фуқаролар йил давомида АҚШда яшаган бўлса, солиқ декларацияси топшириш бўйича АҚШ фуқароларига тенглаштирилади. Чет елликлар - норезидентлар, АҚШ фуқаролари ёки резидентлари билан никоҳда бўлса ҳисбот даврини (йилни) охирида юқоридаги гуруҳ солиқ тўловчилари тенглаштирилади. Бошқа гуруҳ чет елликлар - норезидентлар учун декларация топшириш қоидаси АҚШда қабул қилинган қоидадан фарқ қиласи. Агар чет еллик фуқаро АҚШда ҳисбот йилини маълум вақтидагина яшаган бўлса, унга солиқ декларацияси топшириш тартиби маҳсус ўрнатилади.

Солиқ декларациясини топширишни АҚШда охирги муҳлати 15 апрел ҳисобланади. Агар бу муҳлат дам олиш кунларига (шанба, якшанба) тўғри келса, декларация топширишни охирги куни келаётган биринчи ишчи кунига тўғри келади. Агар солиқ тўловчи белгиланган вақтда солиқ декларациясини топшира олмаса маҳсус ҳужжатни тўлғазиб ФСХга топширади ва муҳлатини кейинга суришни илтимос қиласи. Солиқ тўловчи декларацияда кўрсатилган солиқ суммасини бўлиб-бўлиб, кейинга муддатини суриб тўлаш ҳуқуқига ҳам ега. Бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илтимоси бажарилган тақдирда ҳам, вақтида тўланмаган сумма юзасидан жарима олинади.

Даромад солиғини ҳисоблаш тартиби одатдагидек олиб борилади. Жами ялпи даромаддан, уни олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар чиқазиб ташланади ва натижада соф даромад аниқланади. Шундан кейин соф даромад суммасидан солиқ енгилликлари (стандартли чегирмалар деб аталган) ва бошқа чегирмалар ажратилади. Масалан, хайрия-еҳсонга берилган маблағ, штатлар ва маҳаллий бюджетларга ажратилган солиқлар, тиббиёт ва стоматология хизматлари учун тўловлар, табиий оғат оқибатини йўқотиш ҳаражатлари, ўқитиш ҳаражатлари ва ҳ.к. Натижада олинган сумма солиқ олинадиган даромадни ташкил қиласи.

Айрим иқтисодчиларнинг ҳисоб-китоби бўйича америкаликлар умумий даромадидан ўртacha 28% ни давлатга ажратади. Уларнинг таъкидлашича, федерал шахсий даромад солиғи паст даражада прогрессив бўлиб, солик ставкасини чегараси 15 дан 39,6 фоизгача бўлади. Гаровга қўйищдан олинган фоиз, мол-мулк солигининг суммаси, штат ва маҳаллий органларни облигациясидан олинган даромадларга солик солинмайди. Бу еса ўз навбатида соликларни прогрессив характерга егалигини барбод қиласди. АҚШда шахсий даромад солигининг яна бир хусусияти инфляцияни ўсиш даражасига қараб уни «индексация» қилинади.

Буни амалга оширишдан асосий мақсад солик тўловчиларни нархнинг ошиши натижасида юқори даражада солик тўловчилар гурӯхига ўтиб қолмаслигидан иборат. Масалан, 5% ли инфляцияда жадвалда кўрсатилган солик солинадиган даромад ҳажми бўйича ҳар бир гурӯхни чегараси 5% га ошади. Шунинг учун баҳо даражаси ошиши билан солик тўловчи юқори ставкада тўламаслигига олиб келади.

Солик ислоҳоти солик тўлашдан бош тортишга имконият яратадиган солик қонунчилигидаги анчагина туйнукларни ёпган бўлсада, ҳали уларнинг айрим турлари сақланиб қолмоқда. Юқори даромадга ега бўлган кўпгина ҳар хил «дарча»лардан фойдаланиб, даромад солигининг умумий суммасини кескин пасайтиришлари мумкин. Масалан, юқори даражали даромадга ега бўлган кишилар солик ставкасини 39,6% дан 0 фоизга тушириши мумкин. Бунинг учун улар пулларини омонат кассалар депозити ва корпорацияларни облигациясига жойлаштирамай, уларга штат ва маҳаллий органларни облигациясини сотиб оладилар, чунки штат ва маҳаллий органлар облигациясидан олинадиган даромад соликка тортилмайди. «Яширинчи иқтисод»ни даромадини ҳам яшириш имконияти мавжуд. Кичик бизнес егалари, нақд пул оладиган докторлар, официантлар ҳам даромадини яшириши мумкин.

Даромадлар ички хизматини баҳолашига кўра, солик тўлашдан бош тортиш даромад солигини тушумини 20% гача пасайтириши мумкин. Лекин шуни айтиш керакки, 1986 йилги солик ислоҳотидан кейин солик ставкасини паст чегараси ўрнатилгандан кейин, солик тўлашдан бош тортиш учун омиллар камайди. Ижтимоий суғуртага қўйилмалар ёки иш ҳақи фондидан олинадиган солик суғурта бадали бўлиб, мажбурий суғурта режаси асосида тўланади. (Масалан, қарилкни суғурта қилиниши - бепул тиббий ёрдам бериш давлат дастури ҳаракатдаги қонунчилиқда белгиланган социал таъминот ҳисобланади). Бу соликлар ҳам иш берувчилар, ҳам ёлланма меҳнат қилувчи шахслардан олинади. Бу шуни англатадики, иш берувчи ҳар бир ишчига, унинг иш ҳақидан тўланадиган солик ҳажмида пул ўтқазади. Ижтимоий суғурта солиги ҳамма иш ҳақига емас, балки қонун билан белгиланган уни бир қисмига солинади (солик базаси йилиги 55 минг \$ гача бўлган суммани ташкил етади). Солик ставкаси 7,9%.

Иш ҳақидан олинадиган солик икки қисмдан иборат, унинг енг кўп қисми қарияларни суғурта қилиш, ишга яроқсиз кишиларни ва ўлим ҳолатини суғурта қилишга ажратилади. Бу солик иш берувчи ва хизматчилардан иш ҳақига

нисбатан 6,2% ҳажмда олинади. Қолган иккинчи қисми (1,45%) беморни шифохонага ётқизишини суғурта қилишга ишлатилади. Контракт, яньи шартнома асосида ишловчилар бир вақтнинг ўзида иш берувчилар ва хизматчилар учун бу солиқни тўлайди, лекин, даромадининг 92,35% идан солиқ олинади. Бу орқали иш берувчини қисмини солиқдан чегириб ташлангандек бўлади. 1994 йили бу солиқни биринчи қисми дастлабки 60600 доллар иш ҳақидан (ўртача иш ҳақи ўзгариши билан бу чегара индексация қилинади) ва иккинчи қисми иш ҳақининг ҳажмидан қаттий назар ҳаммадан ушланган. Бир йилга 50000 доллар иш ҳақи оладиган хизматчидан ижтимоий суғурта солиғи 7650 доллар ҳажмида олинган ва унинг ярмини иш берувчи, қолганини еса хизматчи тўлаган. Қўп ишчилар учун ижтимоий суғурта солиғи (иш берувчи ва ишчининг улуши, ҳиссаси қўшилади) ўзининг даромад солиғидан қўп бўлади (ишчини шахсий даромад солиғига нисбатан улушкининг анча паст бўлишига қарамасдан). Мисол тариқасида бир йилга 40000 доллар оладиган ишчини оламиз. Унинг қарамоғида хотини ва иккита фарзанди бор. У тўртта одам учун солиқ енгиллиги олади ва иш ҳақидан меъёрий суммани чиқазиб ташлаш амалга оширилади. Натижада ишчи 3578 доллар даромад солиғи тўлайди ва унинг иш берувчи билан тўлаган ижтимоий суғурта солиғи 6080 долларни ташкил қиласди.

Иш ҳақидан олинадиган солиқни бошқа турларига катта бўлмаган ишсизлик солиғи (иш берувчидан олинади) ҳамда ижтимоий суғурта солиғига ўхшаган ескирган темир йўллар учун олинадиган солиқ киради. 80 - йиллари ижтимоий суғурта солиғи тўхтовсиз кўтарилиб борди. Бу солиқ ҳар қандай чегирма ва имтиёзлардан ҳолис бўлди. Ўртача ва паст иш ҳақи оладиган кўпгина ишчи ва хизматчилар учун бу солиқка олинадиган сумма, уларнинг шахсий даромад солиқларини ҳажмига яқинлашди ва айрим ҳолатларда ошиб ҳам кетди. XX асрнинг 80 – йиллари мамлакатда солиқни камайтириш шиори кенг тарғибот қилинганига қарамасдан ижтимоий суғурта солиғининг ошиб боришига аҳоли сезиларли қаршилик кўрсатмади. Бунинг сабаби шундаки, бу солиқ орқали олинган йигим қонун бўйича тўлиқ қарияларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотган оиласлар ва шу кабиларга берилди. Шунинг учун ижтимоий суғуртага ажратма одамлар томонидан қарилекни таъминлаш деб қабул қилинди. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди.

Иш ҳақига солинадиган солиқ регрессив ҳисобланади. Чунки уни кимнингдир қатъий белгиланган абсолют даромадига нисбатан қўлланилади. Масалан, 7,9% ҳажмда иш ҳақига солинадиган солиқ ставкаси 55 минг доллар иш ҳақи шаклидаги даромадга қўлланган. Шундай қилиб, 55 минг доллар оладиган киши 4345 доллар ёки 7,9% даромадини тўлаши керак. Шу вақтнинг ўзида 110 минг доллар ёки икки баробар ортиқ даромад оладиган киши ҳам солиқ сифатида 4345 доллар тўлайди. Бу еса унинг даромадини 3,95%инигина ташкил қиласди.

Расмий нуқтаи-назардан қаралганда солиқларни тўлаш «ўз хохишига кўра» тамойилига асосланган. Бундай хулоса тўлиқ ҳақиқатга тўғри келади деб айтиб бўлмайди. Бир томондан, мамлакатнинг фаолият кўрсатаётган аҳолиси ҳар йили солиқ декларациясини тўлдиради. Унда батафсил тарзда бир йилда олинган

даромад ва тўлаш учун ҳисобланган солик ҳажми кўрсатилиб борилади. Иккинчи томондан, фуқарони солик тўлаш мажбурияти аниқ қилиб қонунда белгилаб қўйилган. Шунинг учун «ўз ҳоҳиши билан» солик тўлашдан бош тортиш, ёки даромадининг бир қисмини яшириш жазо чораларини қўллашга, жумладан, озодликдан маҳрум қилишгача олиб келади. «Ўз ҳоҳиши билан» тамойили бу ерда шундай тушуниладики, давлат молия органлари орқали даромадни ҳисоблаб ўтиrmай, назорат қилиш функциясини ўзида сақлаб қолади ва ҳисоблаш ишларини солик тўловчининг ўзига қолдирилади.

Лекин, амалиётда ёлланиб ишловчи шахсларни даромад солиги ва ижтимоий суғурта солиги иш берувчилар томонидан тўғридан-тўғри иш ҳаки ва маошибидан ушлаб қолинади. Бу вақтда тадбиркорлар ҳар бир ишлаган кишига маҳсус квитанция беради ва унда иш ҳақининг ҳажми ва ушланган солик суммаси кўрсатилади. Квитанцияларни яна бир нусхаси солик бошқармасига жўнатилади ва молия вазирлиги томонидан назорат қилинадиган солик сифатида олинган сумма федерал солик депозитига (маҳсус банк ҳисоб рақами) ўтқазилади. Ҳозирги вақтда солик депозитлари орқали 70% га яқин ҳамма турдаги федерал соликлар (шу жумладан 100% ижтимоий суғуртага солинадиган соликлар) йифиласди.

Жорий йили ялпи даромади енг камида 20 минг доллар, шу жумладан, иш ҳақидан ташқари бошқа манбалардан 500 доллар олишни мўлжаллаган шахслар, ҳар бир чорак шу суммадан даромад солигини тўлашлари керак.

Давлат билан солик тўловчилар ўртасидаги ўтган календар йили учун пировард ҳисоб-китоб ҳар йили 15 апрелдан кечиктирилмаган ҳолатда амалга оширилади. (Шу муҳлатгача барча мустақил фаолият кўрсатаётган шахс якуний солик декларациясини тўлдириб солик бошқармаси адресига жўнатишга мажбурдир(“1040-шакл”)). Бунда манбалардан олинган даромад, ҳар хил чегирмалар, якуний даромад солигининг ҳажми, олдиндан тўланган ва ушлаб қолинган солик суммалари батафсил кўрсатилади.

Ёлланиб ишловчи солик тўловчилар “1040- шакли”га қўшимча равища иш берувчидан олинган еслатилган квитанцияни нусхасини қўядилар. Бунда даромадни ҳажми ва ундан ушланган соликлар кўрсатилади.. Бу “1040-шакли”ни солик тўловчи жўнатиши билан бир вақтни ўзида, даромад солигидан мавжуд бўлган қарзини ҳам тўлаши керак. Солик тўловчини ҳақиқий тўлаган суммаси бир йилга давлат олдидағи унинг мажбуриятидан ошиб кетиши ҳам тез-тез учраб туради. Бу тафовут фақат якуний декларация тузилгандагина аниқланади. Шундай ҳолларда солик бошқармаси 6-8 ҳафта ичида ортиқча тўланган суммани қайтаради. Бу маблағлар баъзи йиллари ялпи йигимни 6-7% ини ташкил қиласди.

Шундай қилиб, ҳажми ва кўлами бўйича даромад солиги АҚШда енг қўп тарқалган солик бўлиб қолади.

Бу солик учинчи йирик федерал солиги ҳисобланади. Ҳозирги вақтда аввал қўлланилган дивидендерни иқтисодий икки томонлама соликка тортиш қисман чегараланди. Корпорациялар акционерларининг даромадини бу тартибда соликка тортиш акцияларга маблағ қўйишни маълум даражада чегаралар

еди. Ушбу солиқнинг бюджет даромадидаги солмоғи тушиб бориши, кейинги йилларида унинг асосий хусусияти бўлиб қолмоқда. Масалан, 1960 йили -24 %, 1990-9,1 % ва 1992 йил -8,7 % га тушиши кузатилди. Солиқ салмоғини тушиб бориши қонуний асоси сифатида унинг ставкасини пасайтириш, корпорациялар учун қатор енгилликлар киритиш, ускуналарга нисбатан тезлаштирилган амортизацияни қўллашдан фойдаланиш ва натижада тезлаштирилган амортизация нормасини қўллаш сабаб бўлди.

Солиқ солищда янги йўналиш келиб чиққанлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Бошқача қилиб айтганда, бюджет даромадида таянч бўлган шахсий даромад солиги билан бир қаторда корпорациялар фойдасига солинадиган солиқни фискал роли ошиб бормоқда. Бошқа солиқлар каби корпорация фойдасига солинадиган соликда ҳам, биринчи навбатда, солиқ солинадиган даромад аниқланади.

Америка корпорацияларини солиқ солинадиган даромади қуидаги шаклда белгиланади.

Ялпи даромад қуидагиларни ўз таркибига олади:

- товарларни сотишдан олинадиган ялпи тушум;
- хизмат кўрсатишдан олинган ялпи тушум;
- дивиденdlар (ҳамма суммаси ялпи даромадга қушилади);
- рента тўлови ва роялти;
- капитални ўсишидан олинадиган даромад;
- сотишдан олинадиган бошқа даромадлар (заарлар).

Ялпи даромаддан чиқариладиган одатдаги чегирмалар қуидагилардан иборат:

- иш ҳақи;
- таъмиrlаш ҳаражати;
- умидсиз қарзлар (қарзни қайтармаслик ҳолатларида);
- рента тўловлари;
- маҳаллий солиқлар ва штат солиқлари;
- кредитлар бўйича бериладиган фондлар;
- ҳайр- ехсонга ажратмалар;
- амортизация (қайта ишлаш саноатида);
- ресурсларнинг қамайиши чегирмаси (қазиб олувчи саноат);
- реклама ҳаражати;
- рекламага ажратма;
- пенсия фондига ажратма ва фойдани тақсимлашда қатнашувчи ишловчиларга ажратма;
- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш ҳаражатлари;
- заарлар.

Одатдаги чегирмадан ташқари ялпи даромаддан операцион заарлар, олинган дивиденdlардан 85% (айrim вақтларда 100%) ва бошқа махсус чегирмалар чиқарилиб ташланади.

Корпорация фойдасига солинадиган солиқ аниқланган солиқ солинадиган даромадга белгиланган ставкани қўллаш йўли билан ҳисобланади. 1986 йилги солиқ ислоҳотида корпорация фойдасига солинадиган солиқни юқори ставкасини бекор қилинди ва унинг прогрессия даражаси камайтирилди. Юқори ставкаси 1987 йил 1 июлдан 46%га ва 1988 йил 1 июлдан 34%га туширилди. Солиқ ставкаси солиқ солинадиган даромадни ҳажмига қараб табақалаштирилади. АҚШда корпорация фойдасига солинадиган солиқ босқичма-босқич тарзида берилади. Корпорация биринчи 50 минг доллар солиқ солинадиган даромаддан 15% ва 25% кейинги 25 минг доллардан ва қолган суммасидан 34% тўлайди. Ундан ташқари 100минг доллардан 335 минг долларгача даромаддан 5% қўшимча йиғим олинади. Ушбу босқичлик солиқ солиши ўрта ва кичик корхоналар учун жуда катта аҳамиятга ега. Охирги даврда солиқнинг енг юқори ставкаси қонун асосида 35% қилиб белгиланган.

Ҳисобланган солиқ суммасидан баҳоланган солиқ тўловлари чиқазиб ташланади.

Юқоридаги айтилган тўловларга қўйидагилар киради:

1. Қўшимча ишчи ўринини ташкил қилганлиги учун рафбатлантириш солиқ кредити, солиқ солиши объектига кирмайдиган маҳсус мақсадларга ишлатиладиган бензин, маҳсус ёқилғи, мойлаш материаллари бўйича федерал акцизларга бериладиган солиқ кредити.

2. Илмий-текшириш, тажриба ва конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ўсиши учун чегирма шаклида бериладиган кредит.

Инвестиция солиқ кредити 1986 йили қисқартирилган. Айрим тижоратга алоқаси бўлмаган ташкилотлар, шу жумладан, диний, ҳайрия-еҳсон, ўқитиши, даволаш ташкилотлари, савдо ассоциациялари, касаба бирлашмалари корпоратив солиқдан озод қилинганлар. Лекин бу ташкилотларни асосий фаолиятидан ташқари ишлари солиқдан озод қилинмайди. Корпорациялар жорий даромадлари ёки айрим ҳолларда ўтган йил даромадини ҳисобга олган ҳолда солиқни чорак бўйича тўлайди. Солиқ декларацияси тўлғазилганда ўзларининг солиқ мажбуриятларини, тўланган солиқ суммаси билан солиштирадилар.

Корпорацияни фойдасига солинадиган федерал солиқ, шуни тақозо етадики, корпорация егалари (акцияни ушлаб турувчилар) солиқни ҳамма оғирлигини кўтарадилар. Солиқ масалалари бўйича айрим эксперталарнинг айтишича, солиқ оғирлигини озгина қисмини маҳсулотга юқори баҳо белгилаш орқали истъемолчилар зиммасига юклатилади. Истъемолчига ўтказилган солиқнинг бир қисми сотишдан олинадиган солиққа ўхшашиб регрессив характерга ега.

Мамлакат иқтисодини «реиндустрелизация» қилишни «рағбанлаштириш» мақсадида айрим эксперталар давлатни солиқ тизимини қайтадан ташкил қилишни тавсия қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, асосий далил бўлиб, охирги ўн йиллар ичida АҚШда Япония ва Германия Федератив Республикаси ҳамда бошқа ривожланган мамлакотларга нисбатан ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини тушиб кетганлиги кўрсатилади.

АҚШда федерал истъемол солиғи ёки сотишдан олинадиган солиқ йўқ. Лекин, ҳар хил акциз солиқлари мавжуд. 1993 йили федерал ҳукумат 48,1 млрд доллар (ёки ички ялпи маҳсулотга нисбатан 0,8%) акциз солиқларини тўплади.

Асосий федерал акцизлар ичимлик, чекиши маҳсулотлари, асосан автострада юллар ва аэропортлар фондига таълуқли бензин, бошқа ёқилғилар солиғи ва телефон хизмати учун солиқлардан иборат.

Телефон акцизи кенг тарқалган федерал солиқ ҳисобланади. Чунки, аҳоли истиқомат қиласидан уйларнинг 94% телефон алоқасига ега. Телефон солиғи ижтимоий сугурта солиғига нисбатан кўпроқ одамларга тўғри келади.

АҚШда нефтдан олинадиган экология акцизи чегараланган ҳолатда фойдаланилади: ҳар бир барел нефтдан 14,7 цент олинадиган акциз хавфли материаллар ва нефт тўкилиб кетганда ундан кўрилган заарни молиялаштириш суперфондига ишлатилади.

АҚШда атмосферани озон қатламини бузувчи айрим кимёвий модда - материалларга ҳам солиқ солинади. Ушбу экологик солиқлар 1993 йили 2 млрд. долларга яқин маблағни ташкил қиласиди. АҚШда атмосферага чиқариладаган ифлослантирувчи углерод билан олтингугурт қўшилмаси бўйича солиқ олинмайди.

АҚШ ҳукумати маҳсус акциз билан реклама акцизини олади. Маҳсус акцизлар ўз таркибига бир галлон бензиндан 18,4 цент (халқаро стандартлардан анча паст) олинадиган солиқни, бир пачка сигаретдан олинадиган 24 цент солиқни, бир галлондан 13,5 доллар соғ алкоголдан олинадиган солиқни ва АҚШ худудидан чиқиб кетиши учун ҳар бир кишидан олинадиган 6 доллар солиқларни олади. Реклама акцизини мисоли сифатида 3% ли телефон солиғи, 10 фоизли ички авиация юки ташиш машиналарини прицеплари учун 12 фоизли солиқлар хизмат қиласиди.

1989 йилда ер-мулкларнинг 1,1% унификациялаштирилган солиқ асосида солиқка тортилган. Бу солиқ совға ва вафотидан кейин ҳадяни бошқа шахсга ўтказиш солиқлари уларнинг ҳажмидан 37 дан 55 фоизгачасини ташкил қиласиди. Агар совға тариқасида берилса солиқни чиқазиб ташлаш методи, вафотидан кейин ҳадяни бошқа шахсга ўтказиш бўлса, солиқни қўшиш методи қўлланади. Бу еса вафотидан кейин ҳайрия ёрдами деб тушунилади. Солиқ кумулятив (тўпланиб таъсир қилувчи) бўлганлиги учун, кредит ўтган йили тўланган солиқ учун берилади. Унификациялаштирилган (бир хиллаштирилган) кредит 192000 доллар ҳажмда бўлса, 600000 долларни совға тариқасида ўтказишга имконият беради ва қолган қисми йер-мулк (имение) солиғига тортилади.

Умумлаштирилган кредитга қўшимча равишда донорлар 10000 долларгача (ер-хотин 20000 долларгача) еҳсон (ҳадя) қиласа, уларга ҳар йили солиқдан озод қилиш тартиби қўлланади.

Ер-хотин биттаси иккинчисига ҳадя ёки васият қиласа ёки ҳайр-еҳсон қиласа, солиқ умуман солинмайди.

АҚШда йер мулкига (имение) солиқ базасини сақлаб қолиш мақсадида, олдинги авлод, масалан, невараларга ваколатнома берса ёки тўлиқ ўтқазса, унинг

ҳажмидан 55% солиқ олинади. Агар бир одамга бир миллион долларгача ўтқазилса солиқ солинмайди.

Божхона божи Федерал бюджетнинг арзимаган даромадини ташкил қиласди. 1992 йили 1,7% дан иборат бўлган ва узоқ давр вақтида кўпайиш ва камайиш томонларига ўзгармаган. Бу солиқни асосий мақсади айrim товарлар ва мамлакатлар учун савдо протекционизмини қўллашдан иборат.

#### **4.Штатларнинг солиқ тизими**

Штатлар ҳукумати маориф, ижтимоий фаровонлик, соғлиқни соқлаш, шифохона, автомагистраллар, ижтимоий хавфсизлик ва бошқа харажатларини молиялаштиради.

Бу харажатларни молиялаштириш ҳам, асосан солиқ даромадлари ҳисобига амалга оширилади.

АҚШда солиқ тушумининг 1/4 қисми штатларга тўғри келади. Кўпчилик штатлар ўзларининг даромад солиқларини, корпоратив солиқларини, сотишга солинадиган солиқ ва мол-мулкни ўтказиш солиқларини йиғадилар. Шахсий даромад солиғи 43 штатда ва корпоратив солиғи 44 штатда олинади. Мичиган штатида, масалан, корпоратив солиқни қўшилган қиймат солиғига алмаштиришди. Техас штатида корпоратив имтиёзли солиққа даромаднинг бир қисмини қўшиб, уни квазикорпоратив даромад солиғига айлантиришди. Сотишдан олинадиган солиқ 45 штатда қўлланилади. Аляска ва Ню-Гемпширда шахсий даромад солиғи ва сотишга солинадиган солиқни олмайдилар.

АҚШда мол-мулкка қўлланиладиган асосий солиқ хусусий мулкка солинадиган солиқдан ва асосан кўчмас мулкка солинадиган солиқдан иборат. Штатларни даромад солиқлари одатда федерал солиқларни қисман ўзгартишлар билан қайтаради. Шахсий даромад солиғи бўйича қўпчилик штатлар федерал солиғига мослашадилар. Штатларда меъёрий ажратиш, шахсий енгилликлари ва солиқ жадвали тўғрисида ўзларининг низомларини ишлаб чиқадилар. Қатор штатлар даромадни аниқлашда кенроқ тушунча қўллайдилар. Штатларни даромад солиғи федерал солиқни ҳисоблашда чегириб ташланганлиги сабабли солиқ тўловчиларга штат солиғи камаяди. Кўпчилик штатлар солиқ амортизацияси бўйича ўзларининг қоидаларини ишлаб чиққанлар. Корпоратив солиқ олувчи 44 штатда солиқ меъёрига ва солиқ жадвалига кескин равишда бир-биридан фарқ қиласидиган турли вариантлар қўлланади. 16 штат шаҳарларга даромад солиғи олиш учун рухсат берган. Маҳаллий солиқларнинг кўпчилик қисми ишлаб топилган даромаддан олинади. Мериленд округлари ва Аёвани мактаб округлари ўзларининг шахсий солиқларини штат солиғидан фоиз тариқасида оладилар.

Ню-Ёркда даромаддан 3,4% гача прогрессив солиқ ушланади.

Штат ва маҳаллий органлар ҳокимияти, ҳукумат томонидан солиққа тортиладиган субъектлардан солиқ оладилар. Штатлар ва маҳаллий органларда умуман мамлакатдаги каби тўғри солиқлар асосий ўринни егаллайди. Ҳозирги кунда штат ва маҳаллий органларни 60%дан ортиқ ҳамма солиқ тушумлари тўғри солиқларни ташкил қиласди.

6-жадвал

## Штатларда солиқ турлари бўйича солиқ тушумининг таркиби (фоиз ҳисобида)

Солиқ турлари	Салмоғи (%)
1. Сотишдан олинадиган умумий солиқ	32
2. Аҳолидан олинадиган даромад солиғи	30
3. Еқилғидан олинадиган акциз	6,3
4. Тамакидан олинадиган акциз	2,0
5. Спиртлик ичимликлардан олинадиган акциз	1,6
6. Транспорт егаларидан олинадиган солиқ	3,5
7. Корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ	7,9
8. Мол-мулк солиғи	2,0
9. Мерос ва совғадан олинадиган солиқ	1,0
Жами	100

Жадвалдан кўриниб турибдики, салмоғи бўйича асосий ўринни сотишдан олинадиган солиқ ва аҳолидан олинадиган даромад солиқлари егаллади. Сотишдан умумий танлаб олинадиган солиқ шу штат ҳудудида сотиладиган товарлар, кўрсатилган хизматларнинг чакана баҳоси устига қатий белгиланган устама ҳақ ҳисобланади (солиқнинг ҳажми албатта ҳар бир савдо чекида ва хизматлар учун квитанцияда кўрсатилади). Сотишдан олинадиган солиқни мамлакат бўйича ўртacha салмоғи 4%дан озгина юқори бўлади. Солиқ солиш обьекти сифатида товарлар айланишини ҳар бир босқичидан ялпи тушум олинади. Солиқ ставкаси чакана баҳога нисбатан белгиланади ва штатларга қараб ўзгаради. Энг паст ставкаси - 3% ва энг юқори ставкаси - 7,5%.

Товарларга солинадиган эгри солиқ ёки истъемолга солинадиган солиқ сотишга солинадиган солиқ ёки акциз солиғи шаклини олиши мумкин. Икки турдаги солиқларнинг бир-биридан фарқи уларнинг мазмунида, қўлланиладиган соҳаларида акс етади.

Сотишдан олинадиган солиқ кенг доирадаги маҳсулотларга қўлланиши мумкин, акциз солиғи еса кўп бўлмаган, танланган маҳсулотлар гурухини қамраб олади. Федерал ҳукумат умумий сотишдан олинадиган солиқни ундирамайди, бу солиқ деярли ҳамма штатлар ҳукумати даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Кўпчилик штатлар озиқ-овқатга ва рецепт билан бериладиган дориларга бу солиқни қўллашмайди. Сотишдан олинадиган умумий солиқ, 3 фоизли чегирмаси билан биринчи кўринишда пропорционал солиққа ўхшайди. Лекин, ҳақиқатда даромадга нисбатан регрессив ҳисобланади. Солиқнинг регрессивлиги сабаби шундаки, сармоядор шахс даромадига нисбатан у кам даромадли шахсни даромадини деярли ҳаммасини қамраб олади. Сармоя егаси даромадини бир қисмини омонатга қўйиб солиқдан олиб қолиши мумкин, кам даромадли еса буни қилолмайди. Мисол: кам даромадли Франк 20 минг доллар даромадга ега ва унинг ҳаммасини сарфлайди. Сармоядор Джонсон еса 40 минг доллар даромадга ега лекин ундан фақат 20 минг долларни сарфлайди. Фараз қилайлик 3 фоизли сотишдан олинадиган солиқ ставкасини ҳар бирини алоҳида

шахсий харажатига қўлласак, Франк солиқ сифатида 600 доллар тўлаши керак (20 минг доллардан 3%). Джонсон еса умумий даромадидан 1200 доллар (40 минг доллардан 3%) тўлаши керак еди. Амалда еса Франкни 20 минг долларли ҳамма даромади, Джонсонни еса фақат ярим даромади солиққа тортилади. Джонсон ушбу солиқни 600 доллар ҳажмида тўлайди, ёки 40000 доллардан фақат 1,5% тўлайди. Шундай қилиб сотишдан олинадиган умумий солиқнинг регрессив еканлигини кўриб турибмиз. Сотишдан олинадиган солиқни қўшилган қиймат солиқ (ҚҚС) билан алмаштириш тўғрисида таклифлар мавжуд бўлиб, бу таклифлар ҳозирда муҳокама қилинмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ҚҚС муҳим даромад манбаи бўлиши билан бир қаторда истъемолни чегаралайди. Маблағнинг кўп қисмини истъемолга емас, жамғармага йўналтириб, ҚҚСни тўлашдан қутулиш мумкин. Яна шу маълумки, жамғарма (истъемолдан бўшаган маблағ) истъемол товарларини ишлаб чиқариш учун керакли ресурсларни бўшатади ва уларни ишлаб чиқаришга йўналтиридаган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланишга имконият яратади. Бунинг натижасида ҚҚСни тадбиқ қилиш, мутахассисларни фикрича, миллий даромад таркибини истъемолдан инвестицияга ўтиш йўли билан ўзgartиради. Натижада меҳнат унумдорлиги ўсади ва «ракобатбардош афзаллик, устунлик» тикланади.

Махсус (ўзига хос) акцизлар ҳамма солиқ тушумларини 3% ни ташкил қиласи. Бу акцизлар сигаретлар, бензинга ва айрим штатларда автомобил ва бошқа товарларга солинади. Бензинга солинадиган солиқ Миссури штатида бир галлон ёқилғи учун 7 центни ташкил қиласа, Вашингтонда 18 центдан иборат. Шу билан бир қаторда 14 центлик баҳо кўпроқ тарқалган. Солиқ ставкаси кўтарилиб боради ва доимий равишда қайтадан кўрилади. Алкоголга солинадиган солиқ қатор штатларда улгуржи сотиш суммасидан олинади (Гавайя штатида 20%) ёки чакана сотишдан (Алабама штатида 48%, Аёва штатида 15%, Мичиганда 9,85%). Қатор штатларда солиқ қатъий белгиланган суммада доллар хисобида ҳар бир галлон ичимлиқдан олинади. Алкогол, бензин ва бошқа маҳсулотлар бўйича олинадиган акциз штатлар бюджетига ҳар йили 3 млрд.долларга яқин даромад беради. Акциз солиғига ўтмаган штатларда олинадиган солиқ турларига минерал ресурслар, нефт, табий газ, кўмир, ўрмон маҳсулотларидан олинадиган қазиб олиш солиғи киради. Мамлакат бўйича штатларни ўртача 3% даромадини ташкил қиласи. Аляска, Луизиана, Оклахома, Техас ва Наёминг штатларида 18-25% ташкил қиласи.

Атроф-муҳитни саноатнинг зарарли чиқиндиларидан муҳофоза қилишга қаратилган янги солиқларни алоҳида гурухга ажратиш зарур. Бу солиқлар деярли яқинда, XX асрнинг 80-йилларда тадбиқ қилинган. Ҳозирги даврда АҚШда «екология солиғи»ни киритиш бўйича янги қонунчилик таклифлари киритилган. Молия бўйича экспертларнинг фикрича, келажакда федерал бюджетга турли хил «екология солиқлари»дан ҳаво ва сувларни ифлосланиши, ҳар хил зарарли чиқиндилар билан боғлик тушумлар кўпайиб боради. Америка иқтисодида бу солиқлардан келадиган тушумлар камтарлик хусусиятига ега. Лекин жамият учун атроф-муҳитни юқори даражада тоза тутишга рағбатлантириш катта

аҳамиятга ега. Масалан, чиқиндиларга солинадиган солиқ одамлар яшайдиган мухитни муҳофаза қилиш учун компанияларни назоратининг самарали усууларини қўллаш ва янги технологияларни татбиқ қилишга ундиади. Шуни қайд қилиш керакки, фақат заҳарли чиқиндиларни чиқазиб ташлаш емас, балки йер (тупроқ қатламига ўтиб кетадиган заҳарли моддалар ҳам солиққа тортилади. Ушбу солиқни татбиқ қилиш тажрибасини ўрганиш керак ва бу бошқа мамлакатлар учун ҳам фойдалидир.

Штатларни иккинчи муҳим даромад манбалари сифатида шахсий даромад солиғи хизмат қиласиди. Бу солиқ ўзининг таркиби бўйича федерал солиққа ўхшайди, лекин ставка даражаси енгилликлар тизими ва чегириб ташлаш турлари бўйича фарқ қиласиди. Штатларда аҳолининг даромадини солиққа тортиш ягона схема асосида амалга оширилади. Лекин уларнинг ставкалари ва солиқ янгилликлари штатларда ҳар хил. Масалан, энг паст ставкаси ўртача 2-4%, юқориси (Гавайи, Шимолий Дакота штатлари)-10-12%, ўртача ставка 6-7% ва ундан паст бўлади. Кўпчилик штатларда солиқ ставкалари даражаларга бўлинган, лекин прогрессия сезиларли даражада емас ва 10-15 минг доллар даромаддан умуман йўқотилади. Шунинг учун паст ва қисман ўртача даромадга солиқ солиш прогрессияга ега бўлса, юқори даромадларни солиққа тортишда прогрессия умуман йўқолади. Аҳолидан даромад солиғини олиш тартиби жойларда жуда мураккаблашган. Чунки ҳокимиятлар солиқ солинадиган обьектни ҳар хил белгилайдилар. Масалан, баъзилари ўзининг штатини фуқаролари даромадини, худудий келиб чиқишидан қатъий назар солиққа тортадилар, бошқалари еса солиққа шу штатда олинган даромадни, учинчилари еса унисини ҳам, бунисини ҳам тортадилар.

Штатларда аҳолидан олинадиган даромад солиғининг ставкаси, қоида бўйича федерал даромад солиғининг энг паст ставкасини даражасига ҳам етмайди, маълум даражадаги даромадга қўлланиладиган ставка федерал ставкадан анчагина паст. Ҳар бир штатда солиқ тўловчига солиқ олинмайдиган минимум қўлланилади ва солиқ оила бошлиғига солинса, минимум суммаси икки баробар қўпаяди. Солиқ олинмайдиган минимум қарамоғидаги ҳар бир шахсга берилади. Солиқ олинмайдиган минимумнинг ҳажми штатлар бўйича 900 доллардан (штат Ню-Ёрк) 6000 долларгача (штат Миссисипи) белгилинган. Маҳаллий солиқ солиш тизимининг муҳим хусусияти шундан иборатки, штат ва маҳаллий органларни бюджетига тўланган маҳаллий даромад солиғи солиқ тўловчини федерал даромад солиғи бўйича мажбуриятидан айириб ташланади. Тизимнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, солиқ солинмайдиган минимумни ҳар йили солиқ индексацияси билан боғланади ва солиқ солиш чегараси инфляцияни ҳисобга олган тарзда қайтадан кўрилади. Бу тадбирлар кенг миқёсдаги солиқ тўловчиларни манфаатини қўллаб-куватлайди.

Корпорацияллар фойдасига солинадиган солиқ маҳаллий органлар ҳокимиятини 7,9% солиқ тушумини ташкил қиласиди. Соликларнинг бу тури корхона ва ишлаб чиқаришни, шу жумладан, экологик зарар келтирувчи корхоналарни ушбу штат ва маҳаллий органлар худудида жойлашишига иқтисодий таъсир кўрсатувчи қурол сифатида ишлатилади. АҚШ ни маҳаллий

қонунларига биноан корпорация фойдасига солинадиган солиқ 44 штатда олинади. Солиқ солиш ставкаси АҚШда ўртача 6,0%ни ташкил қилса, Мичиганда 2,35% дан Коннектикутда 11,5% гача боради. Федерация корпорацияга солинадиган солиғи бўйича солиқ мажбуриятини ҳисоблаш жараёнида ундан штат ва маҳаллий органлар бюджетига тўланган фойдага солинадиган солиқ чиқазиб ташланади. Айрим штатларда маҳаллий фойдага солинадиган солиқ бўйича солиқ мажбуриятини ҳисоблаш жараёнида федерал фойдага солинадиган солиқ чегириб ташланади.

Меросдан олинадиган солиқ 36 штатда қўлланади. Мерос берувчи ва меросни оловчиларни бир-бирига қариндошлиқ даражасига қараб солиқ ставкаси табақалаштирилади. Агар хотини, фарзандлари ва ота-оналари меросни олсалар, солиқ ставкаси 1%дан 16% гача қўлланади. Мерос оловчиларни берувчига қариндош бўлмаса ставка 3 дан 30% гача қўлланади. Агар мерос оловчилар синглиси ёки акалари бўлса, юқоридаги ставкаларнинг ўртаси қўлланилади. Мерос бўйича солиқ ставкаси штатлар бўйича ҳам ўзгаради. Масалан, шимолий Каролина штатида, вафот етган кишининг турмуш ўртофи, боласи, ота-оналари олинган меросдан 1дан 12 фоизгача, вафот етган кишига қариндош бўлмаганлардан 8-17 фоизгача олинади (энг юқори ставка 3000 минг доллардан ортиқ бўлган меросга қўлланади). Мен штатида юқоридагига тўғри келадиган ставкалар 5-10% ва 14-18% ни ташкил қиласди. Бу солиқни олишда солиқ олинмайдиган минимум белгиланган. Коннектикут штатида, масалан, мархумни рафиқасидан 300 минг долларгача ва қатор штатларда рафиқаси меросдан олинадиган солиқдан тўлик озод қилинади. Қолган штатларда меросдан олинадиган солиқнинг бошқа хили (тури) ўрнатилган. У егаси вафот етгандан кейин қолдирилган мулкнинг қийматидан олинади. Солиқнинг ҳажми қолдирилган мулкни катта-кичиклигига боғлик, унга қариндошлиқ даражаси таъсир қилмайди (мерос рафиқасига қолдирилгандан ташқари ҳолатларда).

Айнан шу ҳолда, ҳар- хил штатларда солиқ турларидан фойдаланишда катта тафовутлар мавжудлигини еслатиб ўтиш жоиздир. Шундай қилиб, шахсий даромад солиғи ҳамма штатлар бюджетининг асосий даромади бўлиб қолишига қарамай, тўртта штатда шахсий даромад солиғи қўлланилмайди. Шу билан бир қаторда штатлар ўртасида солиқнинг келиб тушиши ва ҳаражатлар бўйича катта тафовутлар мавжуд.

Штат ва маҳаллий органлар даражасида йифиладиган солиқлар доимий равища уларни ҳаражатларини қоплашга яққол етишмайди. Бу етишмовчиликлар қўпчилик ҳолатда маблағларни қайтадан тақсимлаш ёки федерал ҳукуматнинг субсидиялари билан қопланади, қўпчилик ҳолатда 15% дан 20% гача штатларни ва маҳаллий органларни даромадлари федерал бюджетдан олинган маблағлардан ташкил топади. Федерал субсидияга қўшимча равища штатлар ҳам маҳаллий ҳокимият муассасаларига субсидиялар беради. Ҳукуматлараро маблағларни қайта тақсимлашнинг бундай тизими фискал федерализми деб аталади.

Федерал бюджет тақчиллиги тўғрисидаги безовталиклар федерал субсидияларни камайишига, штатлар ва маҳаллий ҳокимиятларни солиқ

ставкаларини күтаришига, янги солиқларни киритиш ва ҳаражатларини камайтиришга мажбур қила бошлади.

## **5.Маҳаллий солиқлар**

Маҳаллий ҳокимият органларини ҳаражатида асосий ўринни маориф ҳаражатлари (40%дан) егаллайди. Ундан кейин фаровонлик, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой, ижтимоий хавфсизлик ва транспорт ҳаражатлари туради.

АҚШда 83 минг маъмурий бирлик (19 минг муниципалитет, 17 минг шаҳар ўз-ўзини бошқарув органлари, 15 минг мактаб округлари, 29 минг маҳсус туманлар, 3 минг округлар) мавжуд бўлиб, маҳаллий солиқлар таркиби ва ставкаларини АҚШда ва қатор ғарб давлатларида таҳлил қилиш, уларни тўрт гурухга тасниф қилишга имконият беради.

Биринчи гурух – фақат шу ҳудудда йиғиладиган солиқлар. Бунга тўғри ва эгри солиқлар киради.

Тўғри солиқлардан асосийларига мол-мулк солиғи, мерос ва ҳадялардан олинадиган маҳаллий солиқлар киради. Еғри солиқ солиш жуда кўп қиррали ҳисобланади. Еғри солиқлар универсал акцизлар ёки сотищдан олинадиган солиқ, маҳсус акцизлардан иборат. Иккинчи гурух - маҳаллий солиқлар маълум ҳажмда маҳаллий бюджетга ажратиладиган умумдавлат солиқларига устама ҳисобланади. Молиявий мазмуни жиҳатидан бу устама маҳаллий солиқлардан молия ресурсларини йўналтириш шакли бўйича ажралиб туради.

Учинчи гурух - бу транспорт воситалари, томоша, меҳмонхона солиқлари, коммунал йигим ва бошқалардан иборат.

Ню-Ёркда, масалан меҳмонхонада яшаш солиғи 1991 йили яшаш қийматининг 19% ини ташкил қилди. АҚШда истъемол солиқлари таркибида қўйидаги солиқларни белгилаш мумкин: автомашинани рўйҳатга олиш солиғи, автомобилларни турар - жойга қўйиш солиғи, ёқилғига солинадиган акциз, автострадалардан фойдаланганлик учун солиқ. Охирги солиқ штат ва шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланади. Солиқ ставкаси автомобилни оғирлигига қараб белгиланади.

Тўртинчи гурух- маҳаллий солиқлар фискал характерга ега бўлмай, маҳаллий бошқарув органларини сиёсатини аниқлайди. Бу гурухга атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экология солиғи киради. Ню-Ёркда сув ҳавзаларини нефт доғларидан тозалаш солиғи қўлланилади. Корпорациялар ўз фаолияти натижасида пайдо бўладиган «таваккалчилик» чиқиндилари бўйича ҳам солиқ тўлайдилар. Суюқликларни сақлашга мўлжалланган, иккинчи марта фойдаланилмайдиган идишларни ишлаб чиқарганлиги учун компаниялар маҳсус солиқка тортилади. Бу йерда гап консерва банкалари ва бошқа идишлар тўғрисида бормоқда. Маҳсулот ишлатилгандан кейин идишлар чиқинди сифатида ташланади.

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетларда маҳаллий акциз ости солиғи, шахсий даромад солиғи, корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ, ижтимоий суғурта фондига ажратмалар, сотищдан олинадиган умумий солиқ, акцизлар, экология солиғи, мерос ва ҳадялардан олинадиган, транспорт

воситаларидан йиғим, мол-мулк солиғи, лицензия ва визалар бериш солиғи ва бошқалар келиб тушади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини (округ, муниципалитет, туман, мактаб тумани) ҳаммасида бюджетни асосий даромадини мол-мулк солиғи ташкил қиласи (75,0%). Қолган солиқлар деярли катта ўринни егалламайдилар.

Саноати ривожланган, мамлакатларда, шу жумладан, Америка Кўшма Штатларида муниципиал даромадлар манбаида энг катта салмоқни қўчмас мулкка солинадиган солиқ егаллайди. Қоида бўйича маҳаллий бюджетлар штатларнинг федерал хукуматидан субсидиялар оладилар. Охирги йиллари лоторея ва бошқа солиқсиз даромадларни салмоғи кўпаймоқда. Бир неча маҳаллий хукуматлар ўзларининг сотищдан олинадиган солиқларини қўллайдилар.

Маҳаллий даражада бирламчи солиқ реал мулкка солинадиган солиқ ҳисобланади. Бу солиқقا асос бўлиб қийматни баҳолаш ҳисобланади. Баҳолангандан қиймат билан бозор қиймати ўртасида катта фарқ бўлиши мумкин. Одатда баҳолангандан қиймат бозор қийматидан анча паст бўлади.

Мулкка солинадиган солиқ самарали солиқ турларидан бўлиб, қоида бўйича 1-2 % атрофида бўлади. Номинал меъёри реал қиймати тушиши муносабати билан баланд бўлиши ҳам мумкин. Мулк ҳам фойдаланишига қараб таснифланади: уй-жой мулкига, тижорат ва саноат мулкига нисбатан кам солиқ солинади.

Кам мулкка ега бўлган аҳоли қатламига кредит бериш ва солиқ оғирлигини енгиллаштириш мақсадида бир қатор маҳаллий бошқармалар мулкка солинадиган солиқ бўйича низом ишлаб чиқсанлар. Бунга қўшимча равища маҳаллий ҳокимиятлар номоддий мулқдан ҳам солиқ оладилар. Солиқ меъёри тахминан реал (ҳақиқий) мулкка солинадиган ставкаларга тўғри келади.

Асосий маҳаллий солиқ - мол-мулк солиғи алоҳида фуқаролардан ва маҳаллий бошқарув органлари ихтиёридаги манзилларда мулкка ега бўлган корхоналардан олинади. Мол-мулк солиғи ҳам штатлар бюджетига, ҳам маҳаллий орган ҳокимиятлари бюджетига тушади. Агар штатлар бюджетида мол-мулк солиғи умумий солиқ тушумларини 2% ини ташкил қиласа, маҳаллий ҳокимият бюджетида бу солиқ асосий ўринни егаллайди. Мол-мулк солиғига ҳамма қўчмас мулк (йер, ундаги иморат, уй-жой қўшилган ҳолда) ва шаҳар ҳудуди чегарасида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қисман шахсий мулк тортилади (масалан, автомашина ва автомобил тураг жойи).

Солиқ солинадиган мулк қуйидаги туркумларга бўлинади:

1. Кўчмас мулк (йер, иморат, турғун мосламалар);
2. Реал (номоддий) шахсий мулк:

а) даромад олиш учун фойдаланиладиган активлар (ускуналар, машиналар, товар-материал бойликлари, қишлоқ хужалик ускуналари, ҳосил, пода ва бошқалар);

б) уй хўжалигини юритиш мулки (узоқ муҳлат фойдаланадиган товарлар: автомобил, музлатгич, телевизор ва ҳоказо).

3. Номоддий активлар (акциялар, қарз мажбуриятлари, пуллар);

4. Коммунал ва бошқа корхоналарни объектлари ва қурилмалари, темир йўл объектлари.

Штатлар қонунчилигига мол-мулк солиғи солинадиган объектлар олдиндан белгиланиб берилади.

Соликдан қўйидагилар тўлиқ озод қилинади:

1. Федерал ҳукумат, штатлар ҳукумати ва маҳаллий органларнинг мол-мулки;

2. Тижорат мақсадида фойдаланилмайдиган, хизмат соҳасида фойда олмайдиган ташкилотлар, ҳайрия ва диний муассасаларнинг мулки, меҳнат уюшмалари, фермер бирлашмалари, ветеранлар бирлашмалари.

Мол-мулк солиғидан 4 штатда шахсий мулк озод қилинади. Номоддий активлар (акция, қарз мажбуриятлари, пул) 36 штатда озод қилинган. Штатлар хазинасини 4/5 қисмини шу соликдан тушумлар ташкил етади. Ҳозирги вақтда бу солиқни солиш базаси чегараланиб бориш хусусиятига ега. Солиқ солинадиган база сифатида қўчмас мулклар, ишчи ускуналар, товар-моддий бойликларининг заҳиралари ва ҳар хил объект ва қурилмалар олинади. Ҳудудда жойлашган корхона ва одамлар «дифференциал рента»дан фойдалланганлиги учун мол-мулк солиғини шаҳарга товон (ўрнини тўлдириш) тариқасида ўтказади.

Мол-мулк солиғи солиқ базасидан маълум фоиз ҳажмида аниқланади. Солиқ базаси солиқ солинадиган мол-мулкни баҳолангандан қиймати ҳисобланади. Бу қиймат бозор қийматидан белгилангандан меъёр пропорциясида (мутаносибликда) аниқланади. Баҳолаш икки-уч йилда бир марта амалга оширилади. Баҳолаш жараёнида мол-мулкнинг емирилиши ва шу вақтнинг ўзида бозорда юзага келадиган баҳо ҳисобга олинади. АҚШда мол-мулкни баҳолаш қиймати XX асрнинг тўқсонинчи йилларида бозор баҳосининг 30-40% даражасида бўлиб, доимий ошиб бориш характеристига ега бўлган ва бозор баҳосига яқинлашиб борган. Шундай қилиб, маҳаллий ҳокимият солиқ ставкаси, солиқ солинадиган мулкнинг бозор баҳосига нисбатан баҳолангандан қийматини ўзгартириш орқали маҳаллий бюджет тушумига таъсир кўрсатиши мумкин. Солиқ базасининг хусусияти маҳаллий ҳокимиятни қўчмас мол-мулкни кўпайтиришга қизиқтиради ва бу ўз навбатида маҳаллий бюджетта тушумлар ҳажмини оширишга олиб келади.

Шаҳарларни ва бошқа турар жойларни ободонлаштириш, кўп ҳолларда, уй-жой қийматини белгилаш, янги корхоналар (коида бўйича атроф мухитни ифлосламайдиган) ни, фирмаларни жалб қилиш, уларга керакли инфратузилмани олдиндан яратиш, кадрлар тайёрлаш масаласини ечиш ва бошқа юқоридаги мақсадларга жавоб беради. Маҳаллий бюджетнинг молиявий асоси бўлган мол-мулк солиғи ўзининг афзалликлари билан бир қаторда, мухим камчилакларга ҳам ега. Унинг афзаллиги-ўзининг моддий базаси- йер ва унда бунёд қилинган қурилишларга таянади. Ўз навбатида, бу маҳаллий ҳокимиятга мустақил молия сиёсати олиб боришга, ўзини-ўзи молиялаштиришга керакли шароит яратиб беради.

Мол-мулк солиғининг камчилиги, унинг регрессив солиқлигидадир. Бошқача қилиб айтганда, уни тұлашда моддий имконият билан бөглиқ емаслиги ва уни олишни қийинлиги, еластик емаслиги, солиқ автоматик равища да керакли тезлиқда иқтисодий үсишга жавоб бермаслигидир.

Күпчилик иқтисодчилар иморатдан олинадиган мол-мулк солиғининг регрессивлиги, сотишдан олинадиган солиқ сабабига асосланған, деб ҳисоблайдилар. Бириңчидан, мулк егаси үзининг солиғини квартира тұловига құшади. Иккінчидан, мол-мулк солиғи даромад суммасыға нисбатан фоиз ҳисобида бойларга нисбатан камбағаллар учун анчагина юқори, чунки камбағаллар үзларининг даромадларини талайгина қисмини уй-жой учун сарфлашга мажбурдирлар. Тахмин қилинады, мол-мулк солиғини регрессивлиги яна шу сабаб билан ошадыки, мол-мулк солиғини ставкаси ҳар хил ҳудудларда турлича белгиланади. Масалан, шаҳарни марказий ҳудудларида, унинг пасайиши, заифлашиши натижасыда мулкнинг қиймати тушиб кеңе, керакли солиқ тушумини таъминлаш учун унинг ставкасини күтаришга тұғри келади. Шу билан бир қаторда үсіб, гуллаб бораёттан шаҳарни атрофида, чеккаларидан, уй-жойнинг бозор қиймати ошиб боради. Шунинг учун керакли солиқ тушумини таъминлаш учун, унинг паст ставкасини сақлаб, үзгартырмай қолдирса ҳам бўлади. Айрим тадқиқотлар шуни кўрсатдик, ички ялпи маҳсулот 1% га кўтарилса, фуқаролардан олинадиган даромад солиқ 1,7 ва корпорациялардан олинадиган солиқ 1,2 % ортмоқда. Шу билан бир қаторда мол-мулк солиғи 1% дан камроқ сотишдан олинадиган солиқ еса -0,7% ни ташкил қиласяпти. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда мол-мулк солиғидан тушумлар ҳозирги вақтда мулкни бозор қийматини үсишидан анча орқада қолмоқда.

Шундай қилиб, АҚШни солиқ тизими, давлат тузилишига асосланған бўлиб, үзининг қўп қирралиги, мураккаблиги ва қўп даражали таркиби билан ажralиб турган ҳолда тұлық мамлакат иқтисодининг үсишига самарали таъсир қўрсатади.

## **КАНАДА СОЛИҚ ТИЗИМИ**

*Режса:*

1. Канадада солиқ солиши тизими
2. Корпорацияларда даромад (фойда) га солинадиган солиқ
3. Сотишга солинадиган солиқ. Аҳолига солинадиган солиқлар.
4. Кооперативларга солинадиган солиқлар
5. Декларацияни тұғри тұлғазилғанлигини давлат томонидан баҳоланиши, солиқ органлари харакатини назорат қилиш ва улар устидан арз қилиш тартиби

### **1. Канадада солиқ солиши тизими**

Канада даромад солиғи бўйича биринчи ҳарбий қонун 1917 йили киритилган еди. Бу солиқни вақтингча амалда бўладиган тадбир деб ҳисоблаб, унинг маблағини биринчи жаҳон урушида қатнашганлиги учун ҳарбий ҳаражатларни қоплашга йўналтирилган. Бу қонун жуда ҳам кичик ҳажмда бўлиб ўн бетлик қофозга жойлашган еди. 1948 йили Канадада даромад солиғи тұғрисида

янги қонун қабул қилинди. 1962 йили даромад солиғи соҳасида йирик ислоҳотлар ўтказилди. 1971 йили даромад солиғи тўғрисидаги қонунга кенг миқёсда ўзгартишлар киритилди. 1981 йилги давлат бюджети тўғрисидаги ҳужжатда давлат дастури берилган ва унда солиқ солиш соҳасида йирик ислоҳот ўтказиш кўрсатилган еди. 1988 йили парламент томонидан ислоҳотнинг биринчи босқичи қўриб чиқилди ва унда даромад солиқларига тегишли масалалар муҳокама қилинди.

Бу ислоҳот ўзининг асосий белгилари бўйича асосан АҚШнинг 1986 йилги солиқ ислоҳотини қайтарди. Ислоҳот даврида солиқнинг асосий базаси кенгайтирилди, солиқ ставкаси пасайтирилди ва иқтисоднинг ҳар хил тармоқлари бўйича солиқ юки тартибга солинди.

Канада хукумати томонидан солиқ тизими олдига қўйидаги вазифалар қўйилди:

Давлат бюджетига молиявий ресурсларни тушишини таъминлаш;

ижтимоий соҳани молиялаштириш;

даромадларни қайта тақсимлашни амалга ошириш;

аҳолининг noctor қисми даромадини ўсишига кўмаклашиш; · мамлакатда иқтисодий конъюктурани барқарорлаштириш; · иқтисодий ўсишни юқори даражасини таъминлаш.

Провинция, худудлар	Асосий ставка		Федерал-провинциал ставка	
	Даромад солиғи	Фойдага солинадиган солиқ	Даромад солиғи	Фойдага солинадиган солиқ
<b>Nyufaundlend</b>	21,0	14,0	52,3	43,12
<b>Yangi Shotlandiya</b>	19,0	16,0	50,3	45,12
<b>Prints Eduard Orolı</b>	19,0	15,0	50,3	44,12
<b>Nyu-Bransunk</b>	20,1	17,0	51,4	46,12
<b>Kvebek</b>	21,6	8,9-16,2	52,0	38,0-45,0
<b>Ontario</b>	21,6	15,5	52,9	44,6
<b>Manitoba</b>	19,1	17,0	50,4	46,1
<b>Saskachevan</b>	20,6	17,0	51,9	46,1
<b>Alberta</b>	14,8	15,5	46,1	44,6
<b>Britaniya Kolumbiyasi</b>	22,9	16,5	54,2	45,6
<b>Yukon</b>	15,3	15,0	46,6	44,1

<b>Shimoliy-g'arbiy xududlar</b>	13,0	14,0	44,4	43,1
----------------------------------	------	------	------	------

## 2. Корпорацияларда даромад (фойда) га солинадиган солиқ

Даромад (фойда)га солинадиган солиқни ставкаларини ҳисоби қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

АҚШни солиқ даражасига қараб, Канадада корпорацияларни солиқقا тортишда баравар шароит яратиш Канадани қайта ишлаш саноатида чет ел капиталини салмоғи 40% га яқин ва нефт қазиб олиш, ҳамда нефтни қайта ишлаш саноатида 70% дан кўпроғини ташкил қилишига олиб келди.

Кичик бизнесни ривожланишини рағбатлантириш (катта бўлмаган фирмалар, бир йиллик даромади 200 минг долларгача ва ишда банд одамларининг сони 100 кишигача бўлган).

Ялпи даромаддан айрим ҳаражатларни чегириб ташлаш ва солиқ кредити услублари кенг ишлатилади:

- янги нефт қудуклари ишга туширилган жойда аренда тўловларидан 3 дан 5 йилгача озод қилинади;

- аренда тўловини кейинги даврга ўтказиш;

- аренда тўлови фоизини пасайтириш;

- янги қазилма бойликларини қазиши, ўзлаштириш учун паст ставка билан ёки фоизсиз давлат кредити бериш;

- тижорат банкларида кредитни давлат гарантиясини бериш;

- маълум мақсадга (илмий тадқиқот, ускуна, кадрлар тайёрлаш) қайтиб беришлиқ, қайтиб бермаслик шарти билан тўғридан-тўғри давлат субсидиясини бериш ёки компенсация хусусида субсидия бериш;

- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни давлат томонидан молиялаштириш;

- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлар ҳаражатларини 100 дан 135% гача даромаддан чиқазиб ташлаш ёки солиқ кредити бериш (қазилма бойликларни қидириш ҳаражати учун ҳам шу тартиб қўлланади);

- капитал ҳаражатларни ИТТКИ (НИОКР) ҳаражатларига биринчи йил ҳисобидан чиқариб қўшиш;

- амортизацияни қолдик қиймати бўйича олиш (камайиб борадиган баланс);

- тезлаштирилган амортизация;

- солиқ тўлаш муҳлатини узайтириш;

- келгуси йиллари солиқ скидкасини ҳисобга ўтказиш (агар фойда 0 га баробар бўлса);

- давлат билан биргаликда мулк шаклини тузиш;

- акционер компанияда акциясини сотиб олиш билан қатнашиш;

- бошқалар (вақтинча преферансцион акциялар, ундан олинган даромад солиқга тортилмайди. Қисман ва тўлиқ инфраструктура ҳаражатини қоплаш);

- экспорт қилинадиган маҳсулот солиқга тортилмайди.

### **3. Сотишга солинадиган солиқ**

Солиқни тўловчи-истеъмолчи 7%ли ставка билан тўлайди. Товарларни сотиб олганда ёки меҳмонхонада яшаганлиги учун тўловни берганда, кимёвий тозалаш, сартарошхона, фотоателе ва шунга ўхшашлар, прейскурантда қўрсатилган баҳога яна 7%ли солиқ қўшадилар. Товар чеклари ёки квитанцияларда хизмат учун солиқ алоҳида қаторда қўрсатилади.

Акциз солиқларини олиш ҳам федерал хукумат зиммасига юклатилган. Канадада ушбу солиқ енг қадимий солиқларга киради. Асосий акциз солинадиган товарларга бензин, алкогол ичимликлар, чекиши маҳсулотлари киради. Бензинга солинадиган солиқ (автомобилни рўйхатдан ўтказиша олинадиган лицензия йиғими) провинцияларда зарурият бўлган давларда қўлланилди.

### **4. Аҳолига солинадиган солиқлар**

#### *Аҳолини даромадига солинадиган солиқ*

- Солиқ солинадиган обьектлардан асосийси бири даромад ҳисобланади. Даромад тушунчаси даромад солиғи тўғрисидаги қонунда қўрсатилмаган. Амалиётда ялпи даромаддан, даромад олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни чиқазиб ташланади. Бунга натурал даромадлар ҳам қўшилади (масалан, фирмани автомобилидан фойдаланиш)

- Келиб тушиш тартиби: Даромад сифатида келиб тушган пул емас, ҳисобланган сумма олинади.

- Солиқни қўйидагилар тўлайди: Канадада яшовчи, Канадада ишловчи, Канадада бизнес билан шуғулланувчи, Канададаги мулкка рухсат берувчи шахслар.

- Мамлакатда йил давомида яшовчини ҳамма даромади (чет елдан олгани қўшилиб) солиққа тортилади. Мамлакатда йилни маълум даврида яшайдиган шахсни умумий даромади солиққа тортилади. (Лекин фақат яшаган даврига.) Норезидентларни фақат Канадада олган даромадлари солиққа тортилади.

- Фуқароларни даромадларини икки марта солиққа тортмаслик учун, бошқа мамлакатлар билан битимлар тузилган.

- Даромадга ҳар хил манбалардан келган тушумлар киради:

- Ёлланиб ишловчи шахс даромади: иш ҳақи

- Тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахс даромади: фойда

- Ижарага берилган мулқдан олинган даромад; ИВ. Инвестициядан олинган даромад:

- фоизлар, дивидендлар

- Капитални (сармояни) ўсишидан олинган даромад

- инвестицияга мўлжалланган буюмларни қайтадан сотишдан олинган

- фойдани 2/3 қисми солиққа тортилади.

- Бошқа даромад турлари:

- нафақа, дотация, кундалик ҳаражатга ажратилган маблағ ва бошқалар.

## **Провинциал солиқларни ставкалари:**

<b>Nyufaundlend</b>	<b>60</b>
<b>Shaxzoda Edvard Aylend oroli</b>	<b>57</b>
<b>Yangi Shotlandiya</b>	<b>56,5</b>
<b>Nyu Brasuik</b>	<b>60</b>
<b>Ontario</b>	<b>51</b>
<b>Manitoba</b>	<b>54</b>
<b>Saskechevan</b>	<b>60</b>
<b>Alberti</b>	<b>46,5</b>
<b>Britaniya Kolumbiyasi</b>	<b>51,5</b>
<b>Shimoliy-G'arbiy hududlar</b>	<b>43</b>
<b>Yukon</b>	<b>45</b>

## **5. Кооперативларга солинадиган солиқлар**

Кооператив фойдага солинадиган солиқни тўлдириш мақсадида тақсимланмаган фойда юзасидан тўлайди. Кооперативларни солиққа тортишда катта суммалардан ҳоҳлаганини олади:

- а) кооператив аъзоларига хизмат қилишдан олинган фойда;
- б) тўлдириш учун тақсимланмаган фойда.

Умумий солиқ ҳоҳлаган катта суммадан 47,5% олинади. Ҳар бир кооператив аъзосини шахсий рақами мавжуд ва сотиб олишда компьютерда у рўйхатга олинади. Фермерлар бошқа хусусий шахслар каби солиққа тортилади. Лекин уларга нисбатан алоҳида қоида ҳам бор. Даромад, бошқаларга ўхшаб, уни олиш хуқуқи юзага келганда емас, ҳақиқий йил давомида келиб тушган сумма ҳисобланади.

## **6. Декларацияни тўғри тўлғазилганлигини давлат томонидан баҳоланиши, солиқ органлари харакатини назорат қилиш ва улар устидан арз қилиш тартиби**

Солиқ декларацияси солиқ тўловчи томонидан мустақил тўлдирилади ва келгуси календар йилни 30 апрелигача топширилиши зарур. Солиқ органлари танлов асосида декларацияни тўғри тўлдирганлигини текширади ва ундаги маълумотларни ҳақиқийлигига эътиборни қаратади. Улар бухгалтерия китобларини кўриш ва ревизия ўтқазиш хуқукларига ҳам егалар. Бунинг натижасида давлат органлари томонидан ҳисобланган солиқ суммалари, солиқ тўловчидан олинган маълумотлардан фарқ қилиши мумкин. Шунда келишмовчилик юзага келса, солиқ тўловчи хуқуматни баҳолашидан норози бўлса, давлат органларини баҳолашини нотўғрилигини тасдиқлаб бериши керак.

## **Назорат учун саволлар**

1. Солиққа тортиш муносабатларида халқаро ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?
2. Чет әллик жисмоний шахсларга солиқ солишининг қандай хусусиятлари мавжуд?
3. Норезидент корхоналарни солиққа тортиш тартиби қандай?
4. Солиққа тортишда резиден ва норезидент тушунчасига таъриф беринг?
5. Икки ёқлама солиққа тортиш ва уни олдини олиш деганда нимани тушунасиз?
6. Солиққа тортиш муносабатларида доимий муассаса тушунчасига таъриф беринг?
7. Солиққа тортиш муносабатларида халқаро шартномалар ва уларга амал қилиш шартлари қандай?
8. Иккиёқлама солиққа тортиш тушунчасини изоҳлаб беринг.

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
6. Гадоев Э, Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2019. - 336 б
7. Гадоев Э. ва бошқалар. Билвосита солиқлар: ҚҚС, Акциз солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 328 бет.
8. Гадоев Э. ва бошқалар. Фойда солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 408 б.
9. Гадоев Э. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 стр.
10. Гадоев Э.Ф. Налог на доходы физических лиц. Учебное пособие -Т.: Норма, 2011. - 312 стр.
11. Гулобод Қурратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
12. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
13. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.

14. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
15. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.
16. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
17. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
18. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
19. С.Худойқулов, Ш.Бабаев. Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт. 2019.-305 б.
20. Санакулова Б. Кичик бизнес ва тадбиркорликни соликка тортиш. Ўқув қўлланма. -Т.: Ношир, 2012. - 236 б.
21. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
22. Ўзбекистон Солиқ тизими Мустақиллик йилларида. Расмий нашр. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2011. – 150 б.
23. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
24. Alimardanov M., Xudoyqulov S., Yusupov O., Agzamov A. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. Darslik.-Т.: «Cho'lpon nomidagi NMIU», 2014. -218 bet.
25. Djurayeva K. Soliq tizimida dasturiy mahsullar. 2-qism “Soliq inspektorining avtomatlashtirilgan ish joyi – yuridik shaxslar” dasturiy majmuasi. O‘quv qo‘llanma. -Т.: El\_press, 2013. -141 b.
26. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
27. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
28. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
29. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
30. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
31. Vahobov.A.V, Jo`rayev.A.S. Soliq va soliqqa tortish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-408 b.

### **Интернет сайклар:**

1. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)
2. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
3. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
4. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ УЧУН ТАВСИЯЛАР**

Амалий машғулот мақсади тингловчиларнинг назарий билимларини амалий жиҳатдан мустаҳкамлашга қаратилган. Машғулотлар республикамиздаги илфор корхона ва ташкилотларда ўтказилади ҳамда амалий фаолият билан машғул бўлган амалиётчилар билан ҳамкорликда ўтказилади. Машғулот давомида тингловчилар кадрларни инновацион бошқариш, инновацион фаолият ривожланишида ахборот – коммуникация технологияларини қўлланиши, корхоналарда инновацион фаолиятни бошқариш тажрибаси, инновацион лойиҳаларни молиялаштириш, инновацион лойиҳаларни иқтисодий самарадорлигини мониторинг қилиш, Ўзбекистонда миллий инновацион тизимнинг ривожланиши тўғрисида амалий кўникмалар ҳосил қиласидилар.

## **IV. АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ**

### **АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ**

#### **1-мавзу. Халқаро солиққа тортиш тамойиллари ва хуқуқий-меъёрий асослари (2 соат)**

##### **Режа**

- 1. Солиқ сиёсатини хуқуқий асослари ва тушунчаси.**
- 2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат хокимиюти органларининг ваколатлари.**
- 3. Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсати ва ундаги асосий муаммолар.**
- 4. Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни.**

**Калит сўзлар:** солиқ сиёсати, инвестиция фаолияти, солиқ имтиёзлари, солиқ сиёсатини хуқуқий асослари, давлат солиқ сиёсати, иқтисодий самарадорлик, давлат бюджети, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар, давлат бюджети даромадлари, Давлат бюджети харажатлари

#### **1. Солиқ сиёсатини хуқуқий асослари ва тушунчаси.**

Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатининг хуқуқий асослари давлат мустақиллигининг дастлабки кунларидан бошлаб яратила бошлаган. Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 31 августдаги «Ўзбекистон Республикасининг давлат мустақиллиги тўғрисида»ги қонунда Ўзбекистон Республикаси бундан бўён ўзининг мустақил молия-солиқ сиёсатини олиб бориши кўрсатилиб ўтилди. Қолаверса давлатнинг солиқ сиёсати асоси Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳам ўз ифодасини топган.

Мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб солиқлар соҳасида ўндан ортиқ қонунлар қабул қилинган эди. Шулардан энг асосийлари 1992 йил

15 февралда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Корхоналар, ташкилотлар ва бирлашмалар солиқлари тўғрисида»ги ва «Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаганларнинг солиғи тўғрисида»ги қонунлари, уларга киритилган ўзгартиришлар, тўлдиришлар ҳамда қонунлар асосида ишлаб чиқилган йуриқномалар ва тартиблар бўлди. Бу икки қонунда саккизта умумдавлат солиқлари кўрсатилган. 1993 йил 7 майда эса «Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши солиқларнинг ҳуқуқий асосини янада мусатаҳкамлади.

Аммо солиқарнинг ҳуқуқий асосини жамлаб кўрсатувчи жужжат 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодекси бўлди. Бу Кодекснинг қабул қилиниши солиқ сиёсатини давлат томонидан амалга оширишда катта йиғма ҳуқуқий асос бўлди. Шу билан бирга солиқ сиёсатига боғлиқ бошқа қонунлар ҳам қабул қилинди. 1997 йилнинг август ойида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солик хизмати тўғрисида»ги қонуни шулар жумласидандир. Бу қонунда солиқларни ҳисоблаш ва бюджетга ундиришни ташкил қилишдаги солиқ идораларининг ҳуқуқ, вазифа ва мажбуриятлари баён этилган. Шундай қилиб, давлатнинг солиқ сиёсатини юритиш Ўзбекстонда ҳуқуқий демократик асосда олиб борилади.

Умуман сиёсат деганда давлатнинг илгаридан режалаштирилиб, аниқлаб ва ҳуқуқий меъёрлар асосида амалга ошириладиган чора тадбирлар йиғиндиси тушунилади. Солиқ бўйича ишларни ташкил қилиш ҳам шу тўғрисидаги давлат сиёсати билан юритилади.

Шуни таъкидлаш лозимки, давлатнинг солиқ сиёсати унинг иқтисодий — молия сиёсатининг ажралмас таркибий қисмидир ва унга боғлиқ ҳолда олиб борилади, чунки солиқ муносабатлари молия муносабатларининг муҳим таркибий қисмидир.

Солиқ сиёсати нима? Унга қандай таъриф бериш мумкин?

Солиқ сиёсати давлатнинг Солиқ соҳасидаги барча тадбирларини режалаштириш, қонун, фармон ва қарорлар ижоросини таъминлаш ҳамда уни ташкил қилишдаги ишлаб чиқилган чора —тадбирлар йиғиндисидир. Шундай экан, фақат мустақил давлатгина ўзининг мустақил солиқ сиёсатига эга бўлади ва уни амалга оширади.

Давлат солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш молия-иқтисодий муносабатлардан келиб чиқади. Давлат солиқ сиёсати республика иқтисодиётини барқарорлаштириш, ижтимоий ҳимояланган, эркин бозор иқтисодиётини бошқаришга ҳар томонлама таъсир кўрсатади.

Солиқлар пул муносабатларини ифода этиб, иқтисодий муносабатларнинг таркибий қисми, бозор иқтисодиётининг зарурӣ қисмидир. Солиқ сиёсатининг муваффақиятли амалга оширилиши учун у илмий жиҳатдан асосланган бўлиши керак. Бунинг учун солиқ муносабатлари чукур ўрганилиб, ундан илмий хуносалар чиқаришимиз лозим.

Жаҳон солиқ сиёсати тажрибасида солиқقا тортишнинг қўйидаги йўналишларига катта эътибор берилади:

1. ҳар хил мулк шаклларига мосланган корхона ва ташкилотларнинг

хўжалик юритишига мумкин қадар иқтисодий шароит яратиш, уларни ҳар томонлама бозор муносабатларига кириб боришига ёрдамлашиш;

2. Умумдавлат ижтимоий зарурий вазифаларни бажариш учун давлатни зарур бўлган молиявий манбалар, маблағлар билан таъминлаш;

3. Бозор иқтисодиёти шароитида янги ижтимоий иқтисодий омилларни ташкил қилишда қатнашиш, ишсизликни бартараф этиш, ишсизларни иш билан таъминлаш, иқтисодий ночорларга ёрдам бериш.

4. Аҳоли турмуш даражасини зарурий меъёрда сақлаб туриш имконини излаш ва таъминлаш.

Солиқлардан комплекс фойдаланиш халқ хўжалиги тармоқларини қайта қуришга, ишлаб чиқариш инфраструктурасини яратишга, хўжаликлар ва аҳолини товар сотиб олиш қобилиятини бошқариб туришга ва пулнинг қадрсизланиш жараёнини (инфляциясини) жиловлаб туришга имкон беради. Пулнинг қадрсизланишига қарши чоралар кўриш кам сарфлаб, топилган даромадларга солиқ прогрессиясини ошириш билан ҳам амалга оширилади.

## **2. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат хокимияти органларининг ваколатлари.**

Юқорида қайд этилганидек, солиқ сиёсати давлат, яъни унинг ваколатли органлари томонидан олиб борилади. Агар ушбу ваколатли органлар хокимият тури нуқтаи-назаридан олиб қараладиган бўлса, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятларига бўинади. Айрим холларда давлатнинг солиқ сиёсати Давлат солиқ қўмитаси томонидан олиб борилади, деган фикрлар учрайди. Амалда эса солиқ сиёсати давлат хокимиятининг барча бўғинлари: қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятлари фаолиятларининг ажралмас қисми сифатида комплекс тарзда амалга оширилади.

Бу хокимиятлар томонидан солиқ сиёсати қўйидаги тартибда ишлаб чиқилади ва унинг ижроси таъминланади. Қонун чиқарувчи орган ҳисобланган Олий Мажлис томонидан солиқقا оид ва унга бевосита тегишли бўлган қонунлар қабул қилинади, ўзгартириш ва қўшимчалар киритилади ёки айримлари бекор қилинади. Демак, солиқ сиёсатининг хуқуқий негизлари мазкур хокимият фаолияти билан боғлиқдир. Ижро хокимияти бўлган Вазирлар Маҳкамаси ва унинг бўлинмалари Молия вазирлиги, Давоат солиқ қўмитаси, Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, маҳаллий хокимиятлар ва бошқа тегишли органлар томонидан Олий Мажлис томонидан қонун йўли билан жорий этилган солиқлар ва солиқларга tenglashтирилган мажбурий тўловларнинг ишлаш механизмини таъминлашга хизмат қилувчи меъёрий-хуқуқий хужжатлар орқали уларнинг ижроси таъминланади. Бунда албатта ижро хокимиятининг бир бўғини ҳисобланган Давлат солиқ қўмитасининг солиқ сиёсати ижросини таъминлашдаги алохидаги ўринга эга эканлигини қайд этиш лозим. Бундан ташқари, ҳар йилнинг охирида келгуси йил учун амал қиласидиган солиқлар ва солиқларга tenglashтирилган мажбурий тўловлар бўйича солиқ ставкаларини тасдиқлаш, ўзгартиришлар киритиш ваколати вазирлар Маҳкамасига берилган. Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда қонун чиқарувчи ва ижро

этувчи хокимиятлар бўғинлари билан бирга суд хокимиятининг бўғинлари ҳам алохидат ахамиятга эга. Суд хокимияти томонидан қонуний амал қилаётган солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловлар ўзвақтида бюджетга келиб тушиши устидан назорат ўрнатилиб, солиқ қонунчилиги бузилишларини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар қўлланилади.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқишида нафақат алохидат олинган муассасалар бевосита қатнашади, шунингдек уни ишлаб чиқишида солиқ хизмати билан шуғулланмайдиган субъектлар, аниқроғи солиқ тўловчилар қатнашиши мумкин, яъни бунда солиқ тўловчиларнинг ўзларида солиқларни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар, солиқларни ҳисоблашни осон ва самарали ишлаши кабилар таклиф сифатида берилиши мумкин.

Солиқ сиёсатини ишлаб чиқиши ва уни амлда қўллаш жараёнида бир қанча ўз ваколати доирасида фаолият юритадиган органлар биргаликда баҳамжихат ишни ташкил этишлари шарт. Бу органлар фаолият турининг турличалиги, уларни ташкил этиш асосларининг фарқланиши, мақсад ва вазифаларининг айричалиги солиқ муносабатларини ташкил этишда айрим муаммоларни келтириб чиқаради. Бу жараёнда фаол иштирок этишни таъминлаш мақсадида улар фаолиятини мувофиқлаштириш ва бир-бирига мослашувчанлигини таъминлаш каби қатор муаммоларни хал этиш зарур.

Шуни алохидат қайд этиш лозимки, асосий иқтисодий хуқуқлар ва солиқ тўловчиларнинг эркинлигини таъминлаш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи хокимиятнинг доимий назорати остида туради. Президент томонидан уларнинг фаолиятига нисбатан билдириладиган асосий талаблар бевосита солиқ соҳасидаги ишларнинг умумий ахволи, уни бошқариш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошвалар билан белгиланади. Давлат солиқ қўмитаси ва бошқа солиқлар бўйича бевосита ва билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган холда хокимиятнинг ушбу соҳалари солиқ солиш билан боғлиқ шахс хуқуқларини таъминлаш учун юқори даражали жавобгарликни ўз зиммасига олади ҳамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро хамкорликнинг барча жихатларини мукаммал тартибга солади.

Қонун чиқарувчи орган Олий Мажлис конституциянинг 78-моддаси 8-банди ва “Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасига асосан хукуматнинг тақдимиға мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Давлат солиқ қўмитасининг ваколатига китувчи масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши ва уларни хукуматга киритиш хуқуки унинг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари хукуматнинг иштироки билан қурилишига яққол мисол бўла олади. Маълумки, Вазирлар Маҳкамаси Давлат солиқ қўмитасига нисбатан ваколатлари бўйича раҳбар орган ҳисобланади. Солиқ қонунчилигини қўллаш амалиётини доимий равишда умумлаштириш, давлат хокимияти ва бошқарувининг юқори органларини мазкур соханинг хусусиятли жараёнлари хақида мунтазам хабардор қилиб бориши лозим.

Солиқ органлари ва маҳаллий хокимият органлари ўртасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан ўзаро хамкорлик республикада олиб бориладиган ягона солиқ сиёсатини юритилишида, солиқлар ва бошқа солиқларга тенглаштирилган мажбурий тўловларнинг худуд бюджетига келиб тушишини таъминлаш бўйича вазифаларнинг бажарилиши натижаларини тахлил қилишда иштирок этиш орқали намоён бўлади.

Шу ўринда маҳаллий хокимият органларининг солиқлар бўйича ваколатларига қисқача тўхталиб ўтадиган бўлсак, маҳаллий хокимият органлари республикамизда ижро этувчи хокимиятнинг куйи бўғинларидан бири ҳисобланиб, улар ўз фаолиятларини амалга оширишда ўзларига юклатилган мажбурият ва вазифалардан келиб чиқсан холда муайян ваколатларга эгадирлар. Маҳаллий хокимият органлари ваколатларини хар бир фаолият турларига кўра гурухлаш мумкин. Бозор иқтисодиёти шароитида муайян фаолиятни амалга ошириш молиявий маблағларга зарурат туғдиради. Шундан келиб чиқсан холда республикамиз давлат хокимияти органларининг ҳар бирини молиявий ресурслар билан таъминлашнинг механизми яратилган.

Маҳаллий давлат хокимияти органларининг даромадлари қуидаги манбалар ҳисобидан шакллантирилади:

- қонун хужжатларига мувофиқ маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар, шунингдек мажбурий тўловлар ва солиқлар бўлмаган бошқа тушумлар;
- қонун хужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари, шунингдек мажбурий тўловлар ҳамда умумдавлат тушумлари;
- қонун хужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат мулкини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар;
- қонун хужжатларига мувофиқ мерос олиш, хадя этиш хуқуки бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари;
- бюджет субвенциялари, дотациялари ва юқори бюджетдан бериладиган ссудалар:
- юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилимайдиган пул тушумлар
- қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа даромадлар.

Маҳаллий хокимият органларининг ваколатларини кенгайтириш зарурати уларнинг маҳаллий талаб ва эҳтиёжларни тўлиқроқ равишда ҳисобга олиш имкониятининг мавжудлиги билан белгиланади. Маҳаллий хокимият органларининг ваколатларини оширишда улар даромад манбаларини мустахкамлаш ва уларнинг бу борадаги ваколатларини кенгайтириш муҳим ахамият қасб этиб, республикамиз бюджет-солиқ сиёсатида уларнинг бу борадаги бир қатор ваколатлари мавжуд. Яъни маҳаллий хокимият органлари мамлакатимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ бир қанча ваколатларга эга бўлиб, улар ўзларининг худудида жойлашган солиқ тўловчиларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича қўшимча солиқ имтиёзларини белгилаш, солиқ ставкаларининг

миқдорини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган энг юқори ставкалар доирасида белгилаш каби ваколатларини санаб ўтиш мумкин.

### **3. Ўзбекистон Республикаси солик сиёсати ва ундаги асосий муаммолар.**

Ўзбекистон Республикасининг солик сиёсатини таҳлил қилиб қуидаги хулосаларга эга бўлдик. Бу борада бир қанча муаммолар мавжуд бўлиб, бизнингча бу муаммолар қуидагилардан иборат:

1. Тадбиркорлик фаолиятини иқтисодий эркинлаштириш ва улар фаоллигини оширишда солиқлардан самарали иқтисодий восита сифатида фойдаланмаслик.

2. Иқтисодиёт тармоқларида маҳсулот, иш, хизматлар нархларининг шаклланишида солиқлар асосий рол ўйнаётганлиги.

3. Солик имтиёзларининг мукаммал тақдим этилмаслиги оқибатида солиқдан қочиш ҳолларининг юз бериши ёки мавжуд имтиёзлардан иқтисодиётни ривожлантириш мақсадларида фойдаланиш имкониятларнинг ниҳоятда чегаралангандиги.

4. Хусусий корхоналарда солик юкининг реал даражада пасайтириш имкониятлари камлиги.

5. Солик базасини сунъий равишда кўпайтириш сиёсатини олиб борилиши, солик базасига кирувчи элементларни кўпайтириш.

6. Солиқлар ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ажратмаларнинг кўплиги тадбиркорликни олиб боришдан чўчитади, даромадга эга бўлишни минимум даражага олиб боради.

7. Солиқка тортиш соҳасида ўзгаришларнинг ниҳоятда кўплиги.

8. Солиқлар бўйича меъерий хужжатларда берилган айrim тушунчаларнинг аниқмасли, юзага келаётган ҳолатларга тўлиқ жавоб бера олмаслиги.

9. Солик тўловчилар хуқуқларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммолар.

10. Солиқлар ва бюджетдан ташқари фондларга ажратмаларни ундириш билан боғлиқ муаммолар.

11. Солиқлар ва бошқа иқтисодий ҳамда маъмурий механизмлар орқали миллий ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун тегишли шарт шароитларни яратмасдан туриб протексионизм сиёсатининг олиб борилиши айrim салбий оқибатларга, шу жумладан, божхонада солиқлар ва божхона тўловларнинг бюджетга катта миқдорда тўланмаётганлиги ҳолатлари мавжудлиги.

12. Оммавий солик тўлашдан бўйин товлаш ва солик маданиятини шакллантириш муаммолари бошқалар.

Мамлакатимизда юритилган иқтисодий, жумладан солик сиёсати асосан макроиқтисодий барқарорликни сақлашга қаратилди. Аммо бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги босқичида солик сиёсатини фақат макроиқтисодий сиёсатга боғлаш эмас, балки тадбиркорликни қўллаб қувватлашга қаратилмоғи даркор. Зоро, пастки бўғинларда молиявий барқарорликнинг тикланиши макроиқтисодий барқарорликни сунъий (маъмурий) йўл билан эмас, балки мустаҳкам иқтисодий асосда бўлишини

таъминлайди. Охирги вақтларда чиқарилган фармонлар ва қарорлар бу борада мухим силжишлар юз бериши учун қонуний асос яратди. Навбатдаги вазифа уларнинг амалда ишлаши ва кутилган натижани бериши учун иқтисодий имконият ва механизларни яратишдир.

Шундай қилиб, республикамизда солиқлар воситасидаги иқтисодиётга таъсир этишни ташкил этишнинг, шу пайтга қадар юритиб келинаётган солиқ сиёсатини юритишининг хусусиятлари ва бу борадаги муаммоларни аниқладик, иқтисодий ривожланишга эришиш талаблари нуқтаи назаридан уларни ўзгартириш заруратини асосладик ва бу ўзгартириш обьектларини белгиладик

Солиқ солиш соҳасидаги давлат бошқарувининг самарадорлиги кўп жихатдан давлат аппаратининг турли бўғинлари фаолиятидаги мувофиқлаштирилганликка боғлиқ. Ваколат Хар бир органнинг ўзига хос ролини белгилайди ва бир вақтнинг ўзида, унинг бошқа органлар фаолияти билан мувофиқлашувини таъминлайди. Давлатнинг асосий вазифаларидан бирининг Хал этилиши, масалан, бюджетни тўлдириш, солиқ тўловчиларнинг иқтисодий ва юридик Хатти-Харакатларига таъсир этишнинг ўёки бу дастагига эга бўлган барча давлат Хокимияти органлари фаолиятининг мувофиқлаштирувисиз амалга ошмайди.

Асосий иқтисодий Хуқуқлар ва солиқ тўловчиларнинг эркинлигини таъминлаш қонун чиқарувчи ва ижро этувчи Хокимиятнинг доимий назорати остида туради. Президент томонидан уларнинг фаолиятига нисбатан билдириладиган асосий талаблар бевосита солиқ соҲасидаги ишларнинг умумий аҳволи, уни бошқариш, хўжалик юритувчи субъектларнинг тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш ва бошқалар билан белгиланади. Давлат Солиқ қўмитаси ва бошқа солиқлар бўйича бевосита Хамда билвосита ваколатга эга бўлган органлар ишини мувофиқлаштирган Холда Хокимиятнинг ушбу соҳалари солиқ солиш билан боғлиқ хуқуқларни таъминлаш учун юқори даражали жавобгарликни ўз зиммасига олади хамда уларнинг манфаатлари йўлида муаммоли вазиятларни олдини олиш мақсадида ўзаро Хамкорликнинг барча жихатларини мукаммал тартибга солади.

Қонун чиқарувчи орган (Олий Мажлис) Конститутсиянинг 78-моддаси 8-банди ва «Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси тўғрисида»ги қонуннинг 4-моддасига асосан Хукуматнинг тақдимиға мувофиқ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилайди. Давлат Солиқ қўмитасининг ваколатига киравчи масалалар бўйича қонунчиликни қўллаш амалиётини умумлаштириш асосида солиқ қонунчилигини такомиллаштиришга доир таклифларни ишлаб чиқиши ва уларни Хукуматга киритиш Хуқуқи, унинг Олий Мажлис билан ўзаро муносабатлари Хукумат иштироки билан қурилишига яққол мисол бўла олади. Маълумки, Вазирлар Махкамаси Давлат Солиқ қўмитасига нисбатан ваколатлари бўйича раҳбар орган хисобланади. Солиқ қонунчилигини қўллаш амалиётини доимий равишда умумлаштириш, давлат хокимияти ва бошқарувининг юқори органларини мазкур соҲанинг хусусиятли жараёнлари хақида мунтазам хабардор қилиб бориши лозим.

*Солиқ органлари* ва махаллий хокимият органлари ўртасида юзага келадиган муносабатларга нисбатан ўзаро хамкорлик мамлакатда олиб бориладиган ягона солиқ сиёсатини юритиш, солиқлар ва солиқларга тенглаштирилган бошқа мажбурий тўловларнинг худудлар бюджетига келиб тушишини таъминлаш бўйича вазифаларнинг бажарилиши натижаларини таҳлил қилишда иштироки орқали намоён бўлади.

Шу ўринда, махаллий хокимият органларининг солиқлар бўйича ваколатларига қисқача тўхталиб ўтиш ўринлидир. Махаллий хокимият органлари мамлакатимиз солиқ қонунчилигига мувофиқ бир қанча ваколатларга эга бўлиб, уларнинг ўз худудида жойлашган солиқ тўловчиларга махаллий солиқлар ва йиғимлар бўйича қўшимча солиқ имтиёзларини, шунингдек, солиқ ставкалари миқдорини Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгилаб қўйилган энг юқори ставкалар доирасида белгилаш каби ваколатларини санаб ўтишимиз мумкин.

Хулоса қилиб айтишимиз мумкинки, давлат солиқ бошқаруви давлатнинг маҳсус ваколатли органлари томонидан амалга оширилади. Солиқлар бўйича хар бир хокимият органи маҳсус ваколатларга эга бўлиб, уларнинг хар бири ўз фаолиятларини самарали олиб боришда улардан фойдаланади. Бунда, ваколатли органлар сифатида, барча хокимият органлари, жумладан, қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд хокимиятлари биргаликда фаолият кўрсатади.

Давлат солиқ бошқаруvida этакчилик Давлат Солиқ қўмитасига берилган бўлиб, унинг қўйи бўлимлари нисбатан мустақил бўлсада, иерархияли бўйсимиш тартиботида фаолият юритади. Давлат солиқ сиёсатини амалга оширишнинг марказий субъекти - Ўзбекистон солиқ хизмати солиқ қонунчилигининг бажарилишини таъминлайдиган органлар тизимидан ташкил топган.

#### **4. Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни**

Солиқ механизмидаги ўзгаришлар ялпи талаб ва ялпи таклифнинг ўзгаришига таъсир қилиши билан биргаликда, инвестициялар ўзгаришига ҳам таъсир этади. Бундай олиб қараганда солиқлар ва инвестициялар ўртасида узвий алоқадорлик мавжуд. Солиқлар воситасида янгидан яратилган қийматнинг давлат ва солиқ тўловчилар ўртасида тақсимланиши солиқлар ва инвестициялар ўртасидаги алоқадорликни таъминлайди. Солиқлар бўйича енгилликлар берилиши кўп жиҳатдан солиқ тўловчиларни ишлаб чиқаришга рағбатини кучайтиради, уларда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги техника ва технологияларни жорий қилиш мойиллигини кучайтиради. Ўз навбатида солиқлар воситасида инвестицияларнинг рағбатлантирилиши келажакда давлат бюджетига ундириладиган солиқ базасини кенгайишига хизмат қиласи. Масалан, бу ҳолатни биргина мисол билан изоҳлашимиз мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари ўғрисида»ги 2002 йил 13 ноябрдаги 390-сон Қарорига мувофиқ юқори сифатли,

рақобатбардошли истеъмол товарлари ишлаб чиқаришни кўпайтиришни ва уларнинг ассортиментный кенгайтиришни рафбатлантириш, ички истеъмол бозорини улар билан юқори даражада тўлдириш мақсадида 2003 йилдан 2008 йилга қадар юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи, кичик корхоналар ва микро фирмалар учун ягона солиқ, айрим турдаги товарларга нисбатан белгиланган аксиз солиғи, ер солиғи бўйича бир қатор имтиёзлар белгиланганки, ушбу имтиёзлар воситасида корхоналарнинг инвестиция маблағлари кенгайтирилишига эришиши асосий мақсад қилиб қўйилган. Ушбу қайд этилган имтиёзларнинг энг хусусиятли томони шундан иборатки, имтиёзлар берилиши муносабати билан бўшайдиган маблағлар корхоналар томонидан факат ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, ишлаб чиқарилаётган истеъмол товарларининг ассортиментини кенгайтириш ва рақобатбардошлигини ошириш билан боғлиқ тадбирларгагина сарфланиши мумкин еки бошқача қилиб айтганда бўшайдиган маблағлар юқоридаги тадбирларгагина инвестиция қилиниши мумкин. Акс ҳолда, яъни бўшайдиган маблағлардан бошқа мақсадларда фойдаланилган ҳолларда ушбу маблағлар, амалдаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган жарималарни ҳисобга олган ҳолда тўлиқ ҳажмда бюджетга ундирилади.

Солиқлар билан инвестициялар ўртасидаги боғлиқликни ёритар эканмиз, шуни алоҳида қайд этишимиз лозимки, инвестицияларнинг ўсиши ҳам ўз навбатида солиққа тортиладиган базанинг ошишига олиб келади. Юқоридаги мисолимизга қайтадиган бўлсақ, мамлакатимиз солиқ тизимида амал қилаётган ушбу имтиёзлар инвестицияларни ўсишига олиб келиши билан биргаликда келажакда солиқ базасини ҳам кенгайишига хизмат қиласди.

Солиқлар воситасида янгидан яратилган қиймат кўпроқ миқдорда давлат томонидан ўзлаштирилса корхоналарнинг ишлаб чиқаришни кенгайтириш имкониятларини чеклайди. «Пекин бунда шуни ҳам таъкидлаш ўринлики, бунинг ҳам айрим ижобий жиҳатлари мавжуд. Маълумки, давлат сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири норентабел соҳаларга инвестиция киритишдан иборат. Ишлаб чиқарувчиларга қанчалик имтиёзлар берилган билан уларда норентабел соҳаларни инвестиция қилишга мойилликни кучайтирмайди. Чунки, уларнинг бундай фаолияти уларга келажакда фойда бермайди. Ана шунинг учун давлат солиқлар ҳисобига шакллантирилган маблағлар ҳисобидан ана шундай соҳаларга инвестиция киритишни ҳам қайсиdir маънода солиқлар ва инвестициялар ўртасидаги алоқадорликнинг бир кўриниши сифатида изоҳлаш мумкин.

Мамлакатимизда олиб борилаётган солиқ сиёсати инвестицияларни жалб қилишга ва шу орқали солиққа тортиладиган базанинг кенгайишига, истеъмол товарларини кўпайишига хизмат қиласди. Солиқлар воситасида инвестицияларни кенг жалб қилиш мумкин, лекин инвесторлар кўпроқ рентабелли соҳаларга маблағ йўналтирадилар, уларнинг норентабел соҳаларга инвестицияларни сарфлаш мойиллиги кам. Давлат эса солиқлар воситасида инвестицияларни норентабел соҳаларни ривожлантиришга йўналтириши ҳар бир даврда ўзининг долзарблиги билан ажralиб туради.

## **Назорат учун саволлар**

1. Солиқ сиёсатининг моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Солиқ сиёсатининг қандай шакллари мавжуд, уларни изоҳлаб беринг.
3. Солиқ концепсияси нима?
4. Солиқ сиёсати таснифи деганда нимани тушунасиз?
5. Солиқ сиёсати стратегияси деганда нимани тушунасиз?
6. Солиқ сиёсати тактикасини изоҳлаб беринг.
7. Солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ органларининг роли?
8. Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни?

## **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган китоби.- Т.:Ўзбекистон. 2017 йил.
2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси.7 феврал 2017 йил.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида. 2017 йил 15 август, Ф-5024-сон.
4. "Френч сорпорате таҳес (ин Френч)". *Френч говернмент. 2014.* Ретриевед2014-03-20.
5. "Индивидуал инсоме таҳ ратес табле". *КПМГ. 2013.* Ретриевед 2013-07-10.
6. "Френч ВАТ синсе 2014 (ин Френч)". *Френч говернмент. 2014.* Ретриевед2014-03-20.
7. Шамсутдинов Ф., Шамсутдинова Ш. Чет мамлакатлар солиқ тизими. (дарслик) –Т.: “Иқтисод-молия», 2010 йил.- 540 бет.
8. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиққа тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. - 448 б.
9. Тютюрюков Н.Н. Налоговые системы зарубежных стран: учеб. – М.: Дашков и К, 2010. – 176 с.
10. Ўрмонов Ж.Ж. Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси.Солиқ академияси, 2007.- 202 б.
11. Азизов О.М. «Хорижий давлатлар солиқ тизими» (ўқув қўлланма)- Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005 йил.- 150 бет.

## **2-мавзу. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотлар жараёнига халқаро солиқ андозаларидан фойдаланиш (2 соат)**

### **Режа**

1. Солиқ юки ва уни аниқлаш тартиби.
2. Иқтисодий таклиф назарияси.
3. Солиқ юкининг ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири
4. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳукуқий тартибга солиниши.
5. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлаш муддати ва тартиби. Солиқ қарзининг вужудга келиш сабаблари ва уларни олдини олиш бўйича чоралар.
6. Солиқ мажбуриятларини бажарилиши устидан Давлат солиқ хизмати органларининг назорати.
7. Солиқларни ундиришда Давлат солиқ хизмати органларининг банк муассасалари ва бошқа органлар билан хамкорлиги.

**Калит сўзлар:** Солиқ ҳукуқбузарлиги, Маъмурий ҳукуқбузарлик, Маъмурий жазо, Солиқ қарзи, Пеня.

### **1. Солиқ юки ва уни аниқлаш тартиби.**

Солиқ тушумларининг даражаси нафақат ижтимоий-иктисодий омиллар таъсирида юзага келади, балки солиқ тизимидан самарали фойдаланишга ва унинг ўз вазифаларини қай даражада бажаришига ҳам боғлиқ бўлади. Бу функцияларнинг таъсири ҳақида хўжалик субъектларидаги солиқ юки орқали мулохаза қилиш мумкин.

Хўжалик субъектларига солиқ юки давлат солиқ сиёсатининг натижаси бўлиб, ҳар қандай солиқ тизимининг сифат таснифини қўрсатади. Шу билан бир қаторда, олинаётган солиқлар даражаси, бир томондан, ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлиги, бошқа томондан эса давлатнинг молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжи миқдори билан белгиланади. Шу сабабли солиқ юкининг оғирлигини камайтириш, биринчи навбатда, давлат харажатларини қисқартириш ва ижтимоий хизматларнинг тўловлилик даражасига боғлиқ бўлади.

Солиқ юки, кўпчилик ўйлаганидек, тўғри маънодаги оғирлик ўлчови эмас. У кўчма маънодаги оғирлик ўлчовидир. Солиқ юки нисбатнинг ифодаси бўлганлиги учун коэффицентда ёки фоизда ифодаланиши мумкин. Амалиётда солиқ юкининг оғирлигини фоизда акс эттириш қабул қилинган.

Солиқ юки - солиқ тўловчининг муайян вақт оралиғида тўлаган солиқлари

йифиндисини ифодалайди. Бунда солиқ тўловчиларнинг тўлайдиган барча солиқлар ва солиқсиз мажбурий тўловларининг йифиндисини ифодаланади. Солиқ юкининг аниқ солиқ тўловчилар зиммасига қанча тўғри келганлигини аниқлаш анча мураккаб жараён ҳисобланади. Бироқ тўғри солиқларда солиқ оғирлиги айнан солиқни бюджетга ҳисоблаб ўтказувчи солиқ тўловчилар зиммасига тушса, эгри солиқларда эса солиқ юки солиқни тўловчилар эмас, балки товар (иш, хизмат) ларни истеъмол қилувчилар зиммасига тушади. Муайян турдаги юридик ва жисмоний шахслар бўйича солиқ юкининг бир йилда бюджетга тўланган барча мажбурий тўловлар йифиндиси билан аниқлаш мумкин. Солиқ юкининг даражаси ўз навбатида мамлакатнинг иқтисодий қудратига, инфляция даражасига, давлатнинг ваколатли функцияларни қўллашига, қолаверса бозор муносабатларининг ривожланишини ва ижтимоий ҳаракат доирасига бевосита боғлиқ бўлади.

Айрим мутахассислар солиқ тизимининг самарадорлигини ЯИМда солиқларнинг ҳиссаси билан боғлайдилар. Бошқа бир гурухдаги мутахассислар эса солиқ юкини тўловларнинг барчасини бирлаштириш йўли билан ҳисоблашни тавсия этадилар.

Жамият аъзоларига солиқ юкининг тақсимланиш даражасини тавсифлаб айтиш мумкинки, ишлаб чиқаришдаги аксарият солиқлар, хусусан, эгри солиқлар товар таннархи таркибиغا киритилади ва пировард натижада истеъмолчи зиммасига тушади. Аҳолининг солиқ юкини, жон бошига солиқ салоҳиятини олинадиган ўртacha бошига даромадга нисбатан аниқлаш мумкин.

Солиқ юкини аниқлашда абсолют ва нисбий солиқ юкини фарқлаш лозим. Абсолют солиқ юки - бу жами тўланган солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўлиб, бюджет ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказилади, яъни хўжалик юритувчи субъектлар солиқ мажбуриятларининг абсолют миқдоридир. Статистик ҳисботларда бу кўрсаткичга ҳақиқатда солиқ тўловларининг бюджетга ўтказилганини ва бюджетдан ташқари фондларга ўтказилган мажбурий сугурта бадалларини, шунингдек, бу тўловлар бўйича боқимандалик киритилади.

Бироқ, абсолют солиқ юки солиқ мажбуриятларининг зиддиятини ифодаламайди. Бу кўрсаткич солиқ тўловчилар миқдори билан тўлаш манбаларининг мослигини акс эттирмайди. Шу сабабли, нисбий солиқ юки кўрсаткичидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Нисбий солиқ юки деб унинг абсолют миқдорининг янгидан яратилган қийматга муносабати тушунилади, яъни солиқлар, йиғимлар ва бошқа мажбурий тўловлар ҳиссаси ҳамда янги яратилган қийматдаги боқимандалик ҳам бунга қўшилади.

Солиқ юкини ифодалашнинг бир қанча кўринишлари мавжуд: макродаражадаги солиқ юки, мезодаражадаги солиқ юки ва микродаражадаги солиқ юки. Солиқ юки макродаражада ифодаланганда бутун мамлакат миқёсида ифодаланиб, асосий кўрсаткич сифатида муайян вақт оралиғида давлат бюджетига келиб тушган солиқлар йиғиндисини ана шу вақт оралиғида яратилган ЯИМ ёки МД га нисбати олинади. Мезодаражада ифодаланганда алоҳида олинган соҳа, тармоқ ёки секторга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланса. Микродаражада эса аниқ бир олинган субъектга тўғри келадиган солиқ юки ифодаланади.

Солиқ тўловларини тўлаш манбаи бўлиб қўшилган қиймат ҳисобланади. Кўшилган қиймат - товар ва хизматлар қиймати бўлиб, оралиқ истеъмолга камайтирилади, яъни кейинги ишлаб чиқариш нуқтаи-назаридан истеъмолга камайтирилади. Солиқларни ундиришнинг турли усуслари бир мақсадни, яъни қўшилган қийматнинг бир қисмини олишни назарда тутади.

Шундай қилиб, тадбиркорлик фаолиятининг ривожланишида солиқ юкининг таъсирчанлиги шубҳасизdir. Унинг таъсири, умумий кўринишда, салбий ёки ижобий бўлиши мумкин. Солиқ юки оғирлашган пайтда тадбиркорлик фаолияти сусаяди ва ҳатто, умуман тўхтаб қолиши ҳам мумкин. Аксинча, солиқ юкининг нисбатан енгиллашуви тадбиркорлик фаолиятининг фаоллашувига олиб келади. Лекин солиқ юкини енгиллаштиришни тадбиркорликни ривожлантиришнинг якка-ю ягона сабаби сифатида талқин этиш мақсадга мувофиқ эмас. Ундан ташқари солиқ юкини енгиллаштириш ҳам ўзининг мантикий чегарасига эга бўлиб, бу чегара кўп жиҳатдан давлат бюджетидан қилиниши лозим бўлган харажатларнинг ҳажми билан боғлиқдир. Шу муносабат билан ҳозирча бизнинг назаримизда Ўзбекистон шароитида тадбиркорлик фаолиятини янада фаоллаштириш учун солиқ юкини янада енгиллаштириш эмас, балки мавжуд таркиб топган солиқ юкини иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида қайта тақсимлашни долзарб масала сифатида қарамоқ лозим.

Республикамиз солиқ сиёсатини такомиллаштиришда хўжалик юритувчи субъектлар солиқ юкини камайтиришга аҳамият берилмоқда. Солиқ юкини аниқлашнинг турли мамлакатларда, шу жумладан, республикамизда ҳам ўзига хос усуслари мавжуд бўлиб, лекин солиқ юкини аниқлашнинг энг мақбул усусларини ишлаб чиқиш ва амалиётга қўллаш долзарб муаммолигича қолмоқда.

Маълумки, солиқ юки ҳам ишлаб чиқарувчилар, ҳам истеъмолчилар зиммасига тушади. Бироқ йўқотиш ҳажми одатда бир хил бўлмайди. Солиқ юкининг хусусияти бозор талаби ва бозор таклифининг эгилувчанлигига боғлиқ бўлади.

Ортиқча солиқ юки жамиятнинг солиққа тортиладиган товарни ишлаб чиқариш ва истемол қилишни уларнинг мақбул даражасидан қисқартириш оқибатида кўрган зарари ҳажмиdir. Бу қоидадан келиб чиқадиган хulosса шуки, давлат иқтисодиётни ҳаддан ташқари катга солиқлар билан қийнаб қўймаслик учун ўзининг қайта тақсимлаш сиёсатини ҳақиқий "зарур минимум" билан чеклаши лозим. Нега деганда, даромадларни қайта тақсимлаш, биз аниқлаганимиздек, жамият учун муайян йўқотишларга сабаб бўлади.

Республикамиз солиқ сиёсатида маҳсулот ишлаб чиқарувчи соҳалар ва жисмоний шахслар учун солиқ оғирлигини тобора камайтириб бориш тадбирлари кўрилмоқда. Президентимиз Ислом Каримовнинг йил якунларига бағишлиланган Вазирлар Махкамасининг йиғилишларида сўзлаган нутқларида таъкидланганидек, йилдан-йилга, аввало ишлаб чиқариш тармоқлари ва корхоналаримиз бўйнига тушаётган солиқ оғирлиги тобора камайиб бормоқда. Масалан, 2015 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан давлат бюджетига ундирилган солиқ улуши 20 фоизгача қисқарди. Кўпгина хорижий давлатларда бу кўрсаткич ҳозир ўртacha 30-33 фоизни ташкил этади. Энг муҳими, солиқ оюкини бундан буён ҳам камайтириш сиёсатини юргизиш, солиқларнинг рағбатлантирувчи ролини ошириб бориш, айниқса, табиий ва минерал хом ашёлардан фойдаланиш борасида корхоналар фаолиятига таъсири доирасини кучайтириш лозим.

Солиқ юкини камайтириш иқтисодиётимизда юридик шахсларнинг ўз ихтиёрида қоладиган даромадларини кўпайтириш ва шу орқали ишлаб чиқаришни кенгайтириш, кредиторлик қарзларини камайтириш ва ниҳоят, боқимандалар бўлмаслигига олиб келади. Бу эса солиқларнинг иқтисодиётга таъсирини янада кучайтиради, тадбиркорликнинг эркин ривожланишига шароит яратади.

Кўпчилик холларда солиқ юки икки хил тарзда (усулда) ҳисобланади. Биринчи холда солиқ юкини ҳисоблашда фақат солиқларнинг соф микдори инобатга олинади. Иккинчи холда эса солиқларнинг таркибига бошқа ижтимоий ажратмалар ёки бошқа мақсадли фонdlарга ажратмалар ҳам қўшиб ҳисобланади. Буларнинг ҳар иккалasi солиқ юкини аниқлашдаги нисбатнинг (касрнинг) суратини ташкил этган холда, унинг маҳражи эса иккала ҳолда ҳам бир кўрсаткичга – ЯИМнинг микдорига teng бўлиши керак.

## **2. Иқтисодий таклиф назарияси.**


Жаҳон иқтисодий тараққиётида ўзининг муайян ўрнига эга бўлган таклиф иқтисодиёти назарияси бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Таклиф иқтисодиёти назарияси солиқларни камайтириш ва корпорацияларга солиқ имтиёзларини беришни назарда тутади. Ушбу назарияга қўра юқори солиқ ставкалари тадбиркорлик қизиқишини камайтиради ва инвестиция сиёсати, ишлаб чиқаришни янгилаш ва кенгайтиришни чеклаб қўяди. Бу назариянинг асосий ғояларидан бири давлат харажатларини камайтиришдир. Уларнинг шиорларидан бири тартибловчи куч - бу бозорнинг ўзидир, давлат бошқаруви ва юқори солиқлар фақатгина уни нормал амал қилишига халақит беради.

Солиқ ставкалари шкалаларини шаклланиш даражаси бўйича умумий қонун бор. Кенг солиқقا тортиладиган базага нисбатан камроқ солиқقا тортиш ставкасини қўллаш, етарли даражада кам бўлган солиқ базасига нисбатан эса бунинг тескариси, алоҳида солиқ турларини юқори ставкада қўллаш керак. Кўриниб турибдики юқори ва паст солиқ ставкалари хўжалик фаолиятига ва тадбиркорларни иш фаоллигига ҳар хил таъсир қўрсатади.

А.Смитнинг фикрича солиқ юкини камайтирилиши натижасида давлат кўпроқ ютади, яъни соликдан озод бўлган суммадан ортиқча даромад олиш мумкин ва натижада олинган даромад солиқقا тортиш учун қўшимча солиқقا тортиш объекти бўлади. Шу билан бирга солиқ тўловчилар солиқ суммасини ўз хоҳишлари ва енгиллик билан бюджетга ўтказиб беришади. Бу эса давлатни ортиқча харажатлардан, яъни солиқларни ундириш, солиқ бўйича жиноятларни топиш ва унга нисбатан жазоларни қўллаш харажатларини камайтиради. А.Смитнинг бу ғоялари унинг давомчиларига эмас, балки кейинги иқтисодчи олимлар учун аксиома бўлиб қолди.

1980 йилларда иқтисодий таклиф назариясини ривожланишига салмоқли ҳисса қўшган олимлар М.Бернсон, Г.Стайн ва А.Лафферлардир. Бу олимлар солиқ ставкаларини пасайтириш орқали солиқни прогрессивлигини камайтиришга эришиш, бу эса корхоналарни келажакда инвестиция қилишлари учун жамғарма манбаларини кўпайишига олиб келади деб ҳисоблашган.

А.Лаффер прогрессив солиқ ставкаси ва бюджет даромадларини парабола кўринишидаги эгри чизик билан ифодалади ва у қуйидаги фикрга келди: солиқ ставкасини пастлиги хусусий секторнинг инвестиция фаолиятига ижобий таъсир қўрсатади. Кўплаб иқтисодчилар солиқ тўловчиларнинг даромадини бюджетга олишнинг чегараси борлиги ва солиқ оғирлигини кўпайтириб юбормаслик ҳақида ёзиб ўтганлар. Давлат миллий ишлаб чиқаришни ўсиши ёки пасайишига солиқ ставкаларини ўзгартириш ва бюджет харажатлари орқали таъсир қўрсатади.



А.Лаффер эгри чизиги.

Бунда:

**БД** – бюджет даромадлари;

**Сст** – солиқ ставкаси (0 дан 100 фоизгача);

**БД<sub>мах</sub>** – бюджеттега тушумларнинг мумкин бўлган максимал даражаси;

**Сст\*** - бюджет даромадларининг энг юқори даражасини таъминайдиган оптимал солиқ ставкаси.

А.Лаффернинг ҳисобига қўра солиқларни камайтириш натижасида иқтисодиётнинг ўсиши ва давлат даромадларининг ўсишини исботлаб берган. Бу тарихда Лаффер эгри чизиги деб аталади. Солиқ ставкаси маълум даражага етиши солиқ тушумларини кўпайтиради, унинг янада оширилиши аксинча солиқ тушумларини камайтиради. Иқтисодий субъектларнинг солиқ ставкасининг динамикасига таъсири бир ондаёқ сезилмайди, балки қандайдир вақт ўтгандан сўнг сезилади. Лаффер эгри чизиги давлат даромадларининг ўсиши солиқ ставкаларининг камайишига объектив боғлиқ эканлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Бу эгри чизикда ётувчи фундаментал гоя шундаки, солиқ ставкасининг чегараси қанча юқори бўлса, индивидларни солиқни тўлашдан четлашлари шунча кўп бўлади. Чунки одамлар солиқ тўлаш учун ишламайдилар. Соф фойда, яъни даромадлардан солиқларни айриб ташлаган сумма индивидларни ишлайтими ёки йўқлигини кўрсатади. Агар тадбиркор ўзининг ишлаб чиқариш фаолиятидан даромад олиш келажагига ишонмаса, яъни уни даромадлари юқори прогрессив ставкали солиқлар билан олиб қўйиладиган бўлса, тадбиркор бозорда нормал фаолият кўрсатмай қўяди. Даромаднинг кўп қисми солиқлар орқали тортиб олиб қўйиладиган бўлса, тадбиркорни ишлаб чиқаришни кенгайтиришга, янгилашга ва янги ишлаб чиқаришга инвестиция қилишга қизиқиши йўқолади.

Солиқ ставкасининг ўсиши фақатгина маълум даражага етгунича бюджетта тушадиган даромадларни ўшишига олиб келади, кейин бу ўсиш секинлашади ва

яна ошган сари бюджет даромадлари унинг ошишига нисбатан тезроқ камаяди. Шундай қилиб солиқ ставкаси маълум даражага етганидан тадбиркорлик ташаббуси ўлади, ишлаб чиқаришни кенгайтиришга бўлган рағбат камаяди, солиққа тортиладиган даромадлар камаяди, натижада солиқ тўловчиларнинг бир қисми иқтисодиётни “қонуний” сектордан “яширин” секторига ўтади. Лаффер назариясига кўра иқтисодиётнинг ривожланиши солиқ юкини ошишига тўғри пропорционалдир, яъни солиқлар ошиши билан яширин иқтисодиёт қўпаяди, натижада олинган даромадларнинг кўп қисми декларацияда қўрсатилмайди. Бунга аксинча, солиқларни камайтирилиши иқтисодиётни ривожлантиришга рағбат беради. Бу эса давлат даромадларини солиқ ставкаси ва юкини қўпайиши ҳисобига эмас, балки солиққа тортиладиган базани қўпайиши ҳисобига ошади.

### **3. Солиқ юкининг ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсири**

Солиқларнинг жорий қилиниши ва мавжуд солиқ тизимиға ўзгаришлар киритилиши бевосита ёки билвосита ялпи талаб ва ялпи таклифга таъсир этади. Товар нархи қанча юқори бўлса, уни сотиб олишга тайёр харидорлар шунча кам ва уни ишлаб чиқарувчилар эса қўпроқ таклиф қиласидилар. Бозор мувозанати талаб ва таклиф кесишган нуқтада тўхтайди.

Талабнинг эгилувчанлиги харидорнинг таклиф қилинаётган товарни сотиш шартларига боғлиқ равища (энг аввало, нархига қараб) сотиб олишга тайёрлиги даражасини қўрсатади. Харидорлар келишувга қанчалик кўп интилсалар, талаб шунчалик кам эгилувчан бўлади. Талаб эгилувчан бўлмаса, сотувчилар солиқ юкини харидорлар зиммасига осонгина ўтказиб юборадилар.

Талабнинг нарх эгилувчанлиги асосий омилларига қўйидагилар киради:

1) Ўрнини босувчи товарларнинг мавжуд бўлиши. Агар бозорда бир-бирининг ўрнини босувчи товарлар қанча кўп бўлса, талаб ҳам шунча эгилувчан бўлади: харидорда қиммат товарларнинг ўрнига арzonроғини сотиб олиш имконияти туғилади. Лекин бозорда бир-бирининг ўрнини босадиган неъматлар мавжуд бўлмаса, харидор белгилаб қўйилган нархга кўнишга мажбур бўлиб, бундай ҳолатда талаб эгилувчан бўлмайди.

2) Товарга кетган харажатларнинг харидор бюджетидаги улуши. Неъматлар қиймати харидор бюджетида қанчалик катта ўрин тутса, унга талабнинг эгилувчанлиги шунчалик юқори бўлади. Агар қаламнинг нархи 10 фоиз кўтариlsa, унга талаб сезиларли даражада пасаймаслиги мумкин: қаламнинг нархи шу қадар кичикки, харидор бу товар нархи ошганини пайқамаслиги ҳам мумкин Лекин автомобилнинг нархи 10 фоиз ошса (бошқа тенг шартлар қаторида), талаб анча-мунча камайиб кетиши аниқ: нархнинг мутлақ ўсиши харидорнинг "ҳамёни" учун ҳаддан зиёд катта бўлади.

3) Товарнинг фойдалилик даражаси. Кундалик эҳтиёж товарларига талаб одатда эгилувчан бўлмайди; зийнат буюмларига талаб эса эгилувчандир.

Масалан, нон, гугурт, тузга талаб анъанавий эгилувчан саналмайди. Аксинча, қимматбаҳо, кўнгилочар ва шу каби бошқа буюмларга талаб бир мунча эгилувчан бўлади.

4) Вақт омили. Харид қилиш хусусидаги қарорга келиш учун муддат қанча кўп бўлса, талаб ҳам шу қадар эгилувчан тус олади. Харидорлар янги нархга мослашишлари учун вақт керак: уларнинг диди ва истеъмол технологияси аста-секин ўзгариб боради. Масалан, қимматлашган мол гўшти ўрнига маълум муддат мобайнида емиш сифатида балиқ ва паррандалардан фойдаланилади. Мана, бошқа мисол: 1970 йилларда Ғарб давлатларида нефть нархи кўтарилиши сабабли эски технологияларни энергияни тежайдиган янги технологияларга алмаштириш жараёни бир неча йил давом этди, оқибатнотижада нефть маҳсулотларига бўлган талаб кескин камайиб кетди.

Товарга талаб қанчалик кам эгилувчан бўлса солиқнинг катта қисми истеъмолчилар зиммасига тушади, чунки бозордаги нарх кескин кўтарилади. Бунинг аксича, харидорлар қимматлашган товарларни олишдан осонгина воз кечсалар нарх деярли кўтарилмайди ва зарарни сотувчиларнинг ўзлари қоплашга мажбурдирлар.

Таклифнинг эгилувчанлиги сотиш шароити ўзгарганда таклиф этилаётган товарларнинг миқдорини сотувчиларнинг кўпайтириш ёки камайтириш имкониятларини белгилаб беради. Сотувчилар келишувга қанчалик кўп интилсалар, бозор таклифи шунчалик кам эгилувчан бўлади. Таклиф эгилувчан бўлмаганида солик юкини маълум даражада ишлаб чиқарувчилар ўз зиммаларига олишга "рози" бўладилар.

Солик ставкаларини ўсиши давлат бюджети даромадларини оширишга қаратилганлиги билан у маълум муддатгача амал қиласи. Давлат солик ставкаларини ўзгартириш орқали иқтисодиётга турлича таъсири кўрсатади. Лекин давлатнинг солик ставкаларини юкори ёки паст қилиб белгилаши натижасида ялпи талаб ва таклифнинг эгилувчанлигига қай даражада таъсири этиш муаммоси пайдо бўлади.

Таклиф эгилувчанлигининг асосий омили товар сотиш шароити ўзгаришига муносабат билдириш учун ишлаб чиқарувчи ихтиёрида мавжуд бўлган вақт миқдоридир. Иқтисодиётнинг тармоқлари ўртасида ресурсларни (ишчи кучи, ускуналар, хом ашё) қайта тақсимлаш маълум муддатни талаб этади. Бинобарин, тадбиркорлар ихтиёридаги вақт қанча кўп бўлса, улар ишлаб чиқаришнинг тузилишини ўзгарган бозор шароитига мослаштириш учун шунчалик катта имкониятга эга бўладилар ҳамда таклифнинг эгилувчанлиги ҳам ортади.

Эгилувчан таклифли вазиятда билвосита солик жорий этилганда ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини осонгина қисқартириб, шу ҳисобдан бозорда нархни кўтаришлари кўрсатилган. Бундай ҳолатда солик юкининг катта

қисми харидор зиммасига ўтказилади. Аксинча, таклиф эгилувчан бўлмаганида ишлаб чиқарувчилар маҳсулот тайёрлаш ҳажмини кескин даражада қисқартира олмайдилар ва бозорда нарх деярли ўзгармайди. Бундай ҳолатда солиқ тўловларининг асосий қисмини тадбиркорларнинг ўзлари қоплайдилар. Шундай қилиб, солиқ нархнинг ўсиши орқали истеъмолчи зиммасига ўтиши мумкин. Солиқнинг истеъмолчи зиммасига ўтказилиши бозорнинг ўзига хос хусусиятларига, бозор талаби ва таклифига боғлиқдир. Агар товарга талаб барқарор бўлса, яъни кам эгилувчан вазиятларда солиқларни истеъмолчилар зиммасига маҳсулот баҳосини кўтариш йўли билан ўтказиши мумкин. Агарда талаб эгилувчан бўлса баҳони кўтаришга бўлган интилиш товар ҳажмининг, шунга тегишли равишда ишлаб чиқариш, фойда ва солиқ ҳажмларининг камайиб кетишига олиб келади. Талабнинг эгилувчанлиги солиқقا тортишни тартибга солиб турувчи ва чеклайдиган омилдир.

#### **4. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундиришнинг ҳуқуқий тартибга солиниши.**

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 51-моддасида “Фуқаролар қонун билан белгиланган солиқлар ва маҳаллий йигимларни тўлашга мажбурдирлар”, 123-моддасида “Ўзбекистон Республикаси худудида ягона солиқ тизими амал қиласи. Солиқлар жорий қилишга фақат Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлиси ҳақли” – деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 1-моддасига асосан Солиқ кодекси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни белгилаш, жорий этиш, ҳисоблаб чиқариш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига тўлаш билан боғлиқ муносабатларни, шунингдек солиқ мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ муносабатларни тартибга солади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 2-моддасига асосан солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Солиқ кодексидан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат. Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар Солиқ кодекси билан белгиланади, ўзгартирилади ёки бекор қилинади. Солиқ солиш масалаларига даҳлдор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодекс қоидаларига мувофиқ бўлиши керак. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ушбу Кодекснинг қоидаларига мувофиқ бўлмаган тақдирда, ушбу Кодекс қоидалари қўлланилади.

Солиқ кодексининг 22-моддасига асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича қарз суммаси, шу жумладан Солиқ кодексда белгиланган муддатида тўланмаган молиявий санкциялар **Солиқ қарзи** деб эътироф этилади.

Солиқ кодексининг 32-моддага мувофиқ солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ўз вақтида ва тўлиқ ҳажмда бажариши шарт.

Солиқ кодексининг 34-моддага асосан солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:

- ❖ солиқ кодексда белгиланган ҳолларда давлат солиқ хизмати органларида ҳисобга туриши;
- ❖ солиқ солиш обьектлари ва солиқ солиш билан боғлиқ обьектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши;

- ❖ молиявий ва солиқ ҳисоботини тузиши ҳамда уни давлат солиқ хизмати органларига тақдим этиши;
- ❖ солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

Солиқ қарзлари вужудга келиш омиллари:

ўзаро молиявий - хўжалик муносабатда бўлган хўжалик субъектлари томонидан тўлов интизомига риоя қиласлик ва бунинг оқибатида дебиторлик, кредиторлик қарзларини ошиб кетиши;

молиявий - хўжалик фаолиятни режалаштиришда ва режалаштирилган фаолиятни нотўғри бошқариш;

хўжалик субъектнинг маҳсулотига (бажарилган иш ва хизматларга) истеъмол талабининг кескин ўзгариши;

ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг (бажарилган иш ва хизматларнинг) сифати буюртмачини ёки бозорни талабига жавоб бермаслиги;

солиқ тўловчи томонидан бюджет олдида солиқ қарзини вужудга келишининг энг асосий сабабларидан бири - корхонанинг молиявий ҳолатининг барқарор эмаслиги, шу жумладан дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ошиб боришидир.

Хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги солиқ қарздорлиги турлари:

**1. Жорий солиқ қарздорлиги** - хўжалик юритувчи субъектлари томонидан Солиқ кодексида белгиланган муддатларда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланмаслиги натижасида вужудга келади.

**2. Тўлов муддати ўзайтирилган солиқ қарздорлиги** -

**3. Умидсиз қарздорлик** - суд қарорига биноан мажбуриятларнинг тугатилиши, қарздорнинг банкротлиги, тугатилиши ёки вафот этиши оқибатида ёхуд даъво қилиш муддати ўтиши оқибатида узиш мумкин бўлмаган қарз.

Солиқ қарздорликларининг энг асосий сабабларидан бири бу солиқ тўловчиларнинг молиявий аҳволи танглашишидир.

Корхоналарнинг молиявий ҳолати ёмонлашувига эса юқори солиққа тортиш даражаси (солиқ юки) ҳам **бевосита**, ҳам **бильвосита** таъсир қилади.

Юқори солиқ юкининг бевосита таъсири - Солиқ босими корхона учун кучли бўлса, солиқ харажатлари ошиб борса унинг айланма маблағлари қисқариб боради, ўзаро хўжалик операциялари бўйича тўловларда қарздорликлар юзага кела бошлайди.

Бу эса, ўз навбатида, корхона молиявий фаолиятини издан чиқарип юборади. Натижада тўловга қобиллик пасайиб, солиқларни тўлаш имконияти қисқаради ёки бутунлай йўқолади. Ана шу тариқа бюджет ҳамда мақсадли жамғармаларга тўловлар бўйича боқимандалар юзага келади.

Юқори солиқ юкининг билвосита таъсири - ўз иқтисодий фаолиятини амалга оширишида хом ашё ва материалларни сотиб ола туриб, корхона билвосита солиққа тортилади (хом ашё ва материаллар таркибидағи КҚС ва бошқа солиқларни тўлайди). Мабодо, хом ашё ва материаллар монопол

сотувчидан харид қилинса, яъни сотиб олувчи корхонада танлаш имконияти бўлмаса, юқори ставкали солиқлар шароитида ушбу билвосита тўланган солиқлар корхонанинг молиявий фаолияти издан чиқишини тезлаштиради. Бу айниқса, ёқилғи, энергия ва табиий ресурслардан фойдаланувчи корхоналар фаолиятида яққол намоён бўлади.

**Юқори ставкали** солиқлар – айниқса 20 фоизли ККС, жамланган ставкаси 3,5 фоиз бўлган оборотдан ажратмалар ва 25 фоизли ягона ижтимоий тўлов боқимандалар юзага келишининг асосий сабабларидан ҳисобланади, чунки бундай солиқлар юки корхонанинг етарли айланма маблағлар билан фаолият юритишига имкон бермайди.

**Молиявий санкциялар** – солиқларни ўз вақтида тўламаганлик ёки солиқ қонунчилиги ва бошқа нормаларни бузганлик учун пеня ва молиявий жарималарга дучор бўладиган хўжалик субъектлари қўпчиликни ташкил қиласди.

Молиявий санкциялар эса улар зиммасига қўшимча юк бўлиб, оборот маблағларининг янада камайишига ва натижада боқиманда қарзларнинг пайдо бўлиши ва кўпайишига сабаб бўлмоқда.

Солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаш бўйича белгиланган муддатларнинг тифизлиги, айрим солиқ турлари бўйича бўнак ва жорий тўловларнинг мавжудлиги корхона айланма маблағларининг бюджетга тез-тез олиб қўйилишига, корхона молиявий фаолиятига сезиларли ҳалақит беришига, корхонанинг пеня тўлашига, унинг бюджет ва бошқа корхоналар олдида кредиторлик қарзи юзага келишига ва охир оқибат корхона молиявий хўжалик фаолиятининг издан чиқиб, боқимандалар юзага келишига сабаб бўлади.

Бугунги қунда боқиманда қарздорликларнинг мавжудлиги ва улар миқдорининг ортиб боришига қўйидаги холатларнинг мавжудлиги ҳам сабаб бўлмоқда:

➤ Бюджетдан қарздорлиги бўла туриб бошқа ҳисоб-варақлар орқали пул операцияларини амалга ошириш амалиётининг мавжудлиги;

➤ Хўжалик субъектлари томонидан белгиланган муддатларда бюджет ва бюджетдан ташқари давлат мақсадли жамғармаларига тўловларни амалга оширмасдан маблағларини бошқа мақсадларга йўналтириш;

➤ Солиқ органлари томонидан вақтида инкассо топшириқномаларини солиқ тўловчининг банклардаги ҳисобрақамларига қўймаслик;

➤ Йирик солиқ тўловчилар томонидан банклардаги ҳисобрақамлари К-2 бўлганлиги муносабати билан, қошида шўъба корхоналари очиб асосий оборотини улар орқали амалга ошириш;

➤ Асосий ҳисобрақамидан ташқари бошқа банкларда иккиламчи ҳисобрақамлари очиб оборотини амалга ошириш;

➤ Банклар иштирокисиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш (товар айрибошлиш, қарзини учинчи шахс фойдасига кечиш) ҳолатлари ҳисобига содир этилиши;

➤ Солиқ ва тўловлар бўйича боқиманда қарздорликнинг юзага келишини бошқа сабаблари мавжуд.

Солиқ қарзини мажбурий ундиришнинг қўшимча чора-тадбирлари:

Ўзбекистон Республикаси хўжалик процессуал кодексининг 102-103-моддалари асосида Суд буйруғи бериш бўйича ариза киритилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1999 йил 21 июнда 753-рақам билан рўйхатга олинган «Ҳисобваракларида хорижий валюта маблағлари бўлган хўжалик юритувчи субъектларнинг бюджет олдидаги мажбуриятларини тўлаш тартиби»га мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлар ҳисобваракларида миллий валютада маблағлари бўлмаган ва ҳисобваракларида чет эл валютасида маблағлари бўлган пайтда Давлат солик хизмати органлари хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатувчи банкларга бутун қарз суммасига инкассо топшириқномаларини қўяди.

Ваколатли банк давлат солик хизмати органининг тақдимномасини олиб, хўжалик юритувчи субъектнинг чет эл валютасидаги ҳисобварағини зарур маблағлар мавжудлигини билиш мақсадида таҳлил этиб, валюта маблағларини Ўзбекистон Республикаси валюта биржасида сотиш кунидаги курс бўйича, бюджет олдидаги қарзни тўлаш учун зарур бўлган ҳажмларда сотишни сўзсиз тартибда амалга оширади ва қарздор корхонанинг миллий валютадаги талаб қилиб олинадиган депозит ҳисобварагига сўмда ўтказади. Бунда пул маблағларини ҳисобдан чиқариш Адлия вазирлигида 2012 йил 15 марта 2342-сон билан рўйхатдан ўтказилган «Хўжалик юритувчи субъектларнинг банк ҳисобваракларидан пул маблағларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага мувофиқ ўтказилади.

Солик органлари томонидан киритилган даъво аризаси суд томонидан ўз вақтида кўриб чиқилмаган, рад этилган, қисман қаноатлантирилган ёки қаноатлантирилмаган ҳолларда белгиланган тартибда юқори инстанция судларига аппеляция ва кассация шикоятлари киритади.

Суд қарорларини ижро қилиш бўлимлари томонидан ижросиз қайтарилган ижро ҳужжатлари солик органлари томонидан уларнинг асослилиги ўрганилиб, етарли асосга эга бўлмаган ҳолатлар бўйича қайта ижро учун юборади ва бу ҳақда тегишли суд органига тақдимнома юборади.

Солик кодексининг 66-моддасига асосан умидсиз солик қарзини ҳисобдан чиқариш бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Банкротлик тўғрисида»ги Қонуни (янги таҳрири) талаблари асосида таҳлилларни амалга оширади.

Қонунда белгиланган муддатларда ижро қилинмаган суд ижро ҳужжатлари бўйича Адлия ва прокуратура органларига тақдимномалар киритади.

**Юридик шахснинг солик мажбурияти қўйидаги ҳолларда тугатилади:**

1) у тугатилганида;

2) у қўшиб олиш (қўшиб олинган юридик шахсга нисбатан), қўшиб юбориш, бўлиш ва ўзгартириш орқали қайта ташкил этилганидан кейин.

Давлат солик хизмати органи солик даври тугаганидан кейин беш йил ичida соликлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаши ёки уларнинг ҳисобланган суммасини қайта кўриб чиқиши мумкин.

Солиқ тўловчи солиқ даври тугаганидан кейин беш йил ичидаги солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг ортиқча тўланган суммаларини ҳисобга олишни ёки қайтаришни талаб қилишга ҳақли.

**Жисмоний шахснинг солиқ мажбурияти қуийдаги ҳолларда тугатилади:**

- 1) вафот этиши билан;
- 2) вафот этган деб эълон қилиш тўғрисидаги суд қарори қонуний кучга кириши билан;
- 3) Суд томонидан бедарак йўқолган ёки муомилага лаёқатсиз деб топилганда.

Вафот этган жисмоний шахснинг жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғини, қатъий белгиланган солиқни ва фуқароларнинг бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадалларини тўлаш бўйича қарзи умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Вафот этган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг мерос қилинган мол-мулкини қабул қилган меросхўри (меросхўрлари) томонидан, мерос қилинган мол-мулкнинг қиймати доирасида ва меросдаги улушга мутаносиб равишда, мерос қабул қилиб олинган кундан эътиборан бир йилдан кечиктирмасдан бажарилади. Вафот этган жисмоний шахс тўлаши лозим бўлган пеня ва (ёки) жарималарни тўлаш мажбурияти меросхўрга (меросхўрларга) нисбатан татбиқ этилмайди.

Белгиланган тартибда бедарак йўқолган ёки муомилага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг мол-мулки етарли бўлмаган (йўқ бўлган) тақдирда, унинг солиқ қарзининг кўрсатилган мол-мулк қийматидан ортиқ қисми умидсиз қарз деб эътироф этилади.

Суд томонидан бедарак йўқолган деб топилган жисмоний шахснинг солиқ қарзи қонун хужжатларига мувофиқ бедарак йўқолган шахснинг мол-мулкини бошқариш ҳукуқига эга бўлган шахс томонидан бедарак йўқолган шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

Суд томонидан муомилага лаёқатсиз деб топилган жисмоний шахснинг солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш мажбурияти унинг васийси томонидан муомилага лаёқатсиз шахснинг мол-мулки ҳисобидан бажарилади.

**Солиқ мажбуриятини бажариш учун солиқ тўловчи:**

худудий Давлат солиқ инспекциясида ҳисобга туриши;

солиқ солиши обьектлари ва солиқ солиши билан боғлиқ обьектларни аниқлаши ҳамда уларнинг ҳисобини юритиши;

молиявий ва солиқ ҳисботини тузиши ҳамда уни худудий Давлат солиқ инспекциясига тақдим этиши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорда тўлаши шарт.

Солиқ мажбуриятини бажариш бевосита солиқ тўловчи томонидан амалга оширилади, лекин истисно тариқасида Солиқ кодексига ва бошқа қонунларга мувофиқ солиқ мажбуриятини бажариш бошқа шахсга юклатилиши ҳам мумкин.

Юридик шахснинг алоҳида бўйича солик мажбурияти мазкур алоҳида бўлинмалар томонидан, агар уларга алоҳида мол-мулк ажратилган бўлса ва улар мустақил балансга эга бўлса, мустақил равишда бажарилади.

Солик солинадиган мол-мулк ишончли бошқарувга топширилганда бошқарув муассиси бўлган солик тўловчининг солик мажбурияти, агар бу мажбурият унга бошқарув муассиси томонидан юклатилган бўлса, ишончли бошқарувчи томонидан бажарилиши мумкин.

Солик мажбурияти бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда, солик тўловчига нисбатан Солик кодексда назарда тутилган тартибда унинг бажарилишини таъминлаш чоралари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Давлат солик хизмати тўғрисида»ги Конунида Давлат солик хизмати органларига белгилаб берилган асосий вазифаларидан бири солиқларни ундириш ҳисобланади. Бюджет, бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадларини шакллантиришда асосий манба ҳисобланган солик ва бошқа мажбурий тўловларнинг ўз вақтида ундирилишини таъминлашда солик хизмати органларининг вазифалари ва мажбуриятлари ҳам ушбу қонун ва Солик кодексида ўз аксини топган.

Солик хизмати органларига биринчи навбатда, солиқлар тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўғри ҳисоблаб чиқарилиши, тўлиқ ҳажмда ва ўз вақтида бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармаларга тўланишини назоратини амалга ошириш вазифаси юклатилган.

Шунингдек, солиқлар ва мажбурий тўловлар бўйича солик қарзи, шу жумладан қонунчиликда белгилган тартибда қўлланилган жарима суммаларини қонун ҳужжатларига мувофиқ, солик органларининг инкассо топшириқномлари асосида банк муассасалари томонидан солик тўловчининг банк ҳисобварағидан сўзсиз тўланиши назорати ҳам солик хизмати органлари томонидан амалга оширилади.

Солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича бажарилмаган мажбуриятлари бўлган солик тўловчи ўзининг банк ҳисобварағида пул маблағлари мавжуд бўлишидан қатъи назар, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддатидан кечиктирмай уларни хизмат кўрсатаётган банкка тўлаш учун тўлов топшириқномасини тақдим этиши шарт.

Юридик шахслар, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар учун солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин **уч иш қунидан кечиктирмасдан** солик қарзини ўзиш тўғрисидаги талабнома юборилади.

Солик қарзи суммасини ўтказиш тўғрисидаги инкассо топшириқномалари солик ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш муддати тугаганидан кейин **уч иш қунидан кечиктирмай**, якка тартибдаги тадбиркорларга эса, **ўттиз қундан кечиктирмай** давлат солик хизмати органлари томонидан тақдим этилади.

Солик қарзини ўзиш тўғрисидаги талабнома юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан олинган қундан эътиборан **ўн кун ичида** солик қарзини узмаган

тақдирда ва инкассо талабномаси орқали солиқ қарзи узилмай қолаверса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни белгиланган тартибда солиқ тўловчига унинг дебиторлари ўтказиши лозим бўлган суммаларга қаратади.

Юридик шахс, шунингдек тадбиркорлик фаолиятига доир қисми бўйича якка тартибдаги тадбиркорлар солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан **ўттиз кун ичида солиқ қарзини узмаган** тақдирда ва инкассо талабномаси ҳамда дебитор қарзи ҳисобидан мол-мулкка қаратиш учун, қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан кўп бўлган суммадаги солиқ қарзи узилмай қолса, давлат солиқ хизмати органлари ундирувни белгиланган тартибда солиқ тўловчининг мол-мулкига қаратади.

Жисмоний шахс солиқ қарзини узиш тўғрисидаги талабномани олган кундан эътиборан **ўн кун ичида** уни бажармаган тақдирда, давлат солиқ хизмати органлари жисмоний шахсдан солиқ қарзини ундириш тўғрисидаги ариза билан белгиланган тартибда судга мурожаат қиласи, солиқ қарзи суммаси мол-мулкка қаратиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам миқдордан оз бўлган ҳоллар бундан мустасно.

Солиқларни ундиришда ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг банк ва бошқа кредит муассасалари билан ҳамкорлиги талаబ этилади, ўзаро ҳамкорликнинг асосий қисми солиқларни ундириш масалаларига тўғри келади.

Биринчидан, солиқ тўловчиларнинг ҳисобга олинишини ва солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни таъминлаш мақсадида банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари хўжалик юритувчи субъектлар ҳудудий Давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинганликларини тасдиқловчи ҳужжат тақдим этган тақдирдагина улар учун ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақлари очишлари мумкинлиги белгиланган.

Иккинчидан, фаолиятини тугатаётганда ёки бошқа сабабларга кўра банк муассасидаги асосий ҳисоб рақамини ёпиш учун хўжалик юритувчи субъектлар томонидан мурожаат қилинганда, бу субъектларнинг бюджет олдидағи ўз мажбуриятларини бажарганликлари(яъни барча солиқ ва мажбурий тўловларни тўлаганликлари ҳақидаги, Давлат бюджети олдида қарзи йўқлиги ҳақидаги маълумотнома) тўғрисида ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг хулосаси тақдим этилган тақдирдагина уларнинг ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисобварақларини ёпишларига рухсат берилади.

Учинчидан, ҳудудий Давлат солиқ инспекцияси томонидан муддатида тўланмаган солиқ ва жарималарни сўзсиз ундириш тўғрисидаги фармойишлари (инкассо топшириқлари) банк муасасалари томонидан, меҳнатга ҳак тўлаш ва унга тенглаштирилган бошқа тўловларга мутаносиб равишда бажарилиши лозим.

**Инкассо топшириқномаси** – солиқ тўловчи юридик шахснинг бюджет ва мақсадли жамғармалардан бўлган қарздорлик суммасини Давлат солиқ хизмати органлари томонидан унинг банкдаги ҳисоб рақамидан сўзсиз ундириш ҳақидаги ҳужжат.

банк муассасалари солиқ қарзи мавжуд бўлган мижозларининг ҳисоб-китоб ёки бошқа ҳисобварагидан маблағларни ҳисобдан чиқариш операцияси амалга

оширилган куни, мижознинг солиқлар ва мажбурий тўловлар ҳамда жарима суммаларини бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар даромадига ўтказилади.

Юридик шахсларнинг сўмдаги маблағлари етишмаган ва валюта ҳисобварагида маблағлари мавжуд бўлган тақдирда, ҳудудий Давлат солиқ инспекциясининг тақдимномасига кўра мазкур валюта маблағларини бюджет олдидаги қарзни тўлаш учун зарур бўлган ҳажмда сотув кунидаги Марказий банк томонидан белгиланган курс бўйича валюта биржасига сотиш ва маблағларни бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалардан бўлган солиқ қарзини сўндиришга йўналтирилади.

Солиқ тўловчи ҳисоб рақамларига (дебитор корхонаси ҳисоб рақамига) қўйилган тўлов ва инкассо топшириқномаси қўйидаги ҳолларда солиқ органлари томонидан ижросиз қайтарилади ёки ижроси маълум муддатга тўхтатилади:

а) бир вақтнинг ўзида, бир солиқ тўловчининг бир хил солиқ қарзига солиқ тўловчи томонидан тўлов топшириқномаси ҳам солиқ хизмати органи томонидан инкассо топшириқномаси қўйилганда, банк муассасасига иккинчи бўлиб ижрога келиб тушган тўлов ҳужжати;

б) бюджет ва бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар бўйича тўлов мажбуриятлари вақтинча ёки бутунлай олиб ташланганда (ваколатли органлар қарорлари асосида солиқ қарзини тўлашни кечикириш, ҳисобдан чиқариш, солиқ ҳисботи ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисботи, солиқ текшируви натижасида солиқ суммаси камайтиришга ҳисобланганда);

в) дебитор корхонаси ҳисоб рақамига қўйилган инкассо топшириқномаси ижроси бўйича солиқ қарзи тўланганда (қисман тўланганда, шунга teng қисми);

г) солиқ тўловчи томонидан дебитор корхона билан ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда, солиқ тўловчининг ёзма мурожаати ва қарздорлик қисқарганлигини тасдиқловчи солиштирма далолатнома тақдим этилгандан сўнг;

д) юридик манзили ўзгарганлиги муносабати билан янги рўйхатдан ўтган ДСИ томонидан солиқ тўловчининг банқдаги ҳисоб рақамига инкассо топшириқномалари қўйилиши муносабати билан олдинги рўйхатда турган ДСИ томонидан қўйилган инкассо топшириқномалари ижросиз қайтариб олинади;

е) қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа ҳолларда.

### **Солиқ тўловчиларга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича ШҲВ ларидан қўчирмалар тақдим этиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги «Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ахборот-коммуникатсия технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида»ги 181-сонли қарорига асосан солиқ тўловчининг сўровига кўра бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармалар билан ўзаро ҳисоб-

китоблар, яъни электрон шаклдаги ШХВлар ДСҚ томонидан жорий қилинган Интерактив хизматлар ёрдамида интернет тармоғи орқали тақдим этилади.

### **Солик қарзини тўлаш муддатларини кечикириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имкони бериш, ҳисобдан чиқариш ҳамда пеня ҳисоблашни тўхтатиш**

Соликлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича солик қарзини тўлашни кечикириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш, ҳисобдан чиқариш ва пеня ҳисоблашни тўхтатиш Ўзбекистон Республикасининг Солик кодекси, Банкротлик тўғрисидаги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари ҳамда Адлия вазирлигига 2005 йил 14 январда 1442-сон билан рўйхатга олинган «Бюджет ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларни тўлаш муддатини кечикириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, пеня ҳисоблашни тўхтатиш, шунингдек пеня ва жарима санксияларини ҳисобдан чиқариш тартиби тўғрисида»ги Низом ва бошқа қонун ҳужжатларига асосан амалга оширилади.

Солик қарзини тўлашни кечикириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, ҳисобдан чиқариш ва пеня ҳисоблашни тўхтатиш ваколатли органлар қарори (суд қарори, Республика комиссиясининг йиғилиш баённомаси) асосида юқори солик органининг ёзма кўрсатмаси бўйича амалга оширилади. (Айрим солик тўловчиларга жорий қилинган соддалаштирилган солик солиш тизими бўйича бериладиган имтиёз бундан мустасно).

Солик тўловчи томонидан топширилган солик ҳисботлари (аниқлаштирилган солик ҳисботлари, маълумотномалар), ўтказилган солик текшируви натижалари бўйича қўшимча ҳисобланган солик ва бошқа мажбурий тўловлар ҳамда қўлланилган пеня ва жарималар бўйича солик қарзи суммаларини ваколатли органлар қарорлари асосида ҳамда амалдаги қонунчилик асосида соддалаштирилган солик тизими жорий қилинган янги рўйхатдан ўтган микрофирма ва кичик корхоналарга берилган имтиёз асосида тўлаш муддатини узайтириш, бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш, ҳисобдан чиқариш ва пеня ҳисоблашни тўхтатиш – солик тўловчининг ШКсида «Тўлаш муддати кечикирилган сумма» қаторида, муддати тугагандан сўнг, қайта тикланган сумма эса «Тўлаш муддати тикланган сумма» қаторида, шунингдек ҳисобдан чиқарилаётган солик қарзи эса «Ҳисобдан чиқарилган қарз» ва «Ҳисобдан чиқарилган пеня» қаторларида акс эттирилади.

Солик тўловчига солик қарзини тўлашни кечикириш ва (ёки) бўлиб-бўлиб тўлаш имкони берилган даврда шу солик бўйича тушган маблағлар солик тўловчининг жорий солик қарзи ҳисобига ўтказилади, агарда жорий солик қарзи мавжуд бўлмаса, Солик кодексининг 55-моддасига асосан муддатидан илгари тўланган суммалар сифатида қаралиб, солик тўловчининг розилиги билан (солик тўловчини хабардор қилган ҳолда), ШКда ушбу сумма миқдорида солик қарзини

тўлашни кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконини бериш муддати белгиланган тугаш санасидан олдин тўлов амалга оширилган кун билан тикланади.

Тўлаш муддати кечиктирилган даврда солиқ тўловчининг муддати кечиктирилган солиқ тури бўйича солиқ ҳисоботи ёки аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи асосида ортиқча тўланган сумма ҳосил бўлса, солиқ тўловчини хабардор қилган ҳолда, ортиқча тўланган сумма микдорида тўлаш муддати кечиктирилган солиқ қарзи суммаси тикланиши натижасида ортиқча тўланган суммаси ва муддати кечиктирилган солиқ қарзи микдори ушбу суммага камайтирилади, бунда жорий ҳисбот даври учун ҳисобланган (ҳисобланадиган) солиқ ёки мажбурий тўловлар бўйича жорий солиқ қарзи ҳосил бўлишига йўл қўйилмайди.

**“Қарз бўлишдан ўзингни асра – чунки, қарз кундузи тахқирланиш, кечаси безовталанишга олиб келади” (Луқмони Ҳаким)**

### **Назорат учун саволлар**

1. Солиқ қарздорлик моҳиятини тушунтириб беринг?
2. Солиқ сиёсатининг қандай шакллари мавжуд, уларни изоҳлаб беринг.
3. Солиқ концепсияси нима?
4. Солиқ сиёсати таснифи деганда нимани тушунасиз?
5. Солиқ сиёсати стратегияси деганда нимани тушунасиз?
6. Солиқ сиёсати тактикасини изоҳлаб беринг.
7. Солиқ сиёсатини амалга оширишда солиқ органларининг роли?
8. Инвестицион фаолиятни рағбатлантиришда солиқ сиёсатининг ўрни?

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган китоби.- Т.:Ўзбекистон. 2017 йил.

2. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси. 7 феврал 2017 йил.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармойиши. 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устивор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини келгусида амалга ошириш чоратадбирлари тўғрисида. 2017 йил 15 август, Ф-5024-сон.

4. Шамсутдинов Ф., Шамсутдинова Ш. Чет мамлакатлар солиқ тизими. (дарслик) –Т.: “Иқтисод-молия», 2010 йил.- 540 бет.

5. Вахобов А., Жўраев А. Солиқлар ва солиқقا тортиш. – Т.: Шарқ. 2009. - 448 б.

6. Тютюров Н.Н. Налоговые системы зарубежных стран: учеб. – М.: Дашков и К, 2010. – 176 с.
7. Ўрмонов Ж.Ж. Хорижий мамлакатлар солиқ тизими. Ўқув қўлланма. Т.: Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қумитаси. Солиқ академияси, 2007.-202 б.
8. Азизов О.М. «Хорижий давлатлар солиқ тизими» (ўқув қўлланма)- Т.: Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси, 2005 йил.- 150 бет.

### **З-мавзу. АҚШ ва Канада давлати солиқ тизимининг Ўзбекистон солиқ тизими билан қиёсий таҳлили (2 соат)**

**Режа:**

1. Федератив ва конфедератив давлатларни солиқ тизимини хусусиятлари
- 2.Америка қўшма штатлари солиқ тизимининг асослари
- 3.Федерал солиқлар
- 4.Штатларнинг солиқ тизими
- 5.Маҳаллий солиқлар

**Калит сўзлар:** халқаро ҳамкорлик, чет эллик жисмоний шахслар, икки ёқлама солиққа тортиш, норезидент.

#### **1. Федератив ва конфедератив давлатларни солиқ тизимини хусусиятлари**

Федерализмга асосланган солиқ тизимини, айниқса, ҳозирги замон дунё иқтисодиётини ривожланиши шароитида ўрганиш, бу тизимда мулкларни тақсимлаш услубларини ва даромад, солиқлар манбанини келиб чиқишини билиш, муҳим қизиқтириш уйғотади. Федерация деб – бир неча давлат аъзолари маълум ҳуқуқий давлат мустақиллигини сақлаб қолиб, янги ягона давлат тузилмасини ташкил қилиш тушунилади. Федерация шакли иттифоқ фуқаролиги, армия ва иттифоқ давлат органларини мавжудлигини талаб қиласди. Ўз навбатида конфедерация еса, бу бир неча алоҳида давлатларни иттифоқи бўлиб, ўзини мустақиллигини сақлаб қолади, лекин бир неча умумий бошқариш органлари бўйича бирлашадилар. Дунё амалиётида АҚШ, Германия, Канада федератив, Швейцария – конфедератив давлатлар ҳисобланади.

Федерализм – ҳокимият тизими сифатида конституция бўйича қатор ҳукмронлик қилиш функциялари худуд органларига берилади ва шу билан бир қаторда енг юқори ҳукмронлик – марказий ҳукумат – миллат мустақиллигини ифодаловчи орган ихтиёрида қолдирилади. Ҳозирги замон федерализмини рақобатбардош федерализм деб юритилади. Бунда кичик колективларни вазифаси имконият борича пастки ҳокимият органлари томонидан ечилиши керак. Шундай тартиб, юқори мустақиллик ва ҳақиқий демократияни таъминлаб беради. Маҳаллий органлар еркин товарларни сотишга, хизмат кўрсатишга кўмаклашишлари керак. Товарларни бошқа жойда ишлаб чиқариб, лицензия олинган бўлса, маҳаллий орган уни текшириши ва лицензия бериши керак емас.

Шунда улар “бегона” тадбиркорларни таклиф қилиб, солиқ базасини кенгайтириб боради. Яна ҳар бир манзил ўзининг ҳаражати, даромади билан қоплаб бориши зарур. Шунинг учун ўзининг солиқ базаларини мустаҳкамлаш зарур. Ҳамма даражадаги ҳокимият ўзининг солиқ тизимини ташкил қилиб, ривожлантириш ҳукуқига ега. Агар ҳамма солиқ ставкалари марказдан белгиланса, худудларни мустақиллигига катта зарар етказилар еди. Натижада ҳақиқий рақобатбардош федерализмни амалга ошириб бўлмас еди. Федератив давлатларда солиқ тизими юқоридаги принциплар асосида ташкил топиши керак. Унитар давлатларда еса факат сиёсий куч, еркинлик марказий ҳокимият ихтиёрида бўлади. Федератив давлатларда ҳақиқий давлат мустақиллиги икки даражада бўлади – марказий ва худудий. Лекин давлат бирлигини таъминлаш учун ягона солиқ қонунчилигини таъминлаб бериш керак. Юқорида кўрсатилган қоида ва тартибларга биноан федератив давлатларни солиқ тизимлари ташкил қилинган.

## **2.Америка қўшма штатлари солиқ тизимининг асослари**

**«Ҳаётда ўлим ва солиқдан муқаррар нарса йўқ»**

**(Б.Франклин)**

АҚШ катта тарихга ега бой давлат бўлғанлиги учун унинг солиқ тизими чуқур ўрганилган, назарий асосланган ва амалиётда кенг миқёсда синалган. Бу тизим бир неча асрлар давомида амалий хусусиятларини сақлаб, уларни ривожлантириб келмоқда.

АҚШ конституциясига биноан федерал ва штат ҳукуматлари мустақил солиқ сиёсати юритиш ҳукуқига ега. Солиқлар федерал, штат ҳукуматлари ва маҳаллий органлари ҳукумати томонидан йифилади. АҚШнинг ҳозирги солиқ тизими 1986 йил сентябр ойида қабул қилинган. Ушбу солиқ ислоҳоти қонуни 1942 йили киритилган даромад тўғрисидаги қонундан кейин енг йирик солиқ тадбири ҳисобланади. Ислоҳотнинг асосий мақсади федерал солиқقا тортиш тизимини соддалаштириш ва «адолатли» солиқ солиши йўли билан мамлакатда иқтисодиётни ривожлантириш даражасини рағбатлаштиришдан иборат еди. Ислоҳот натижасида фуқароларни даромад солигига тортиш ва корпорация фойдасини солиқка тортиш тизими сезиларли даражада ўзгарди. Даромад солиғини енг юқори ставкаси айрим шахслар учун –50дан 26 фоизга ва корпорациялар учун 46 дан 34 фоизга туширилди. 1993 йили қабул қилинган қонун ҳам солиқ тизимига талайгина ўзgartириш киритди. Қонунда хусусий шахслар учун иккита солиқ ставкаси (36 ва 39,6%) ва корпорацияларга 34 дан 35 фоизгача ўзgartиши киритилди. Шу билан бир қаторда хизматга тааъллукли зиёфат, кўнгилочар тадбирлар билан боғлиқ чегирмалар қисқартирилди.

АҚШда 70% дан ортиқ солиқ тушумлари тўғри солиқлардан, шу жумладан, уларнинг 40 фоиздан кўпроғи федерал даромад солиғидан иборат.

Солиқларнинг зарурлиги, мазмуни ва ахамияти қўпчилик АҚШ иқтисодчилари томонидан назарий жиҳатдан асосланган. Бу соҳада Кембелл, Макконел, Стенли Брю ва бошқалар катта ҳисса қўшдилар. Қатор камчиликлар, қарама-қаршиликлар, иқтисодиётнинг кўптармоқлилиги хусусиятларини ва

ҳаракатдаги солиқ қонунчилигини мураккаблигини ҳисобга олиб, ҳозирги вактда АҚШ солиқ кодексининг янги лойихаси тайёрланган.

Ижтимоий манфаатдорлик ва ижтимоий хизматнинг табиати жуда мураккаб ва қўп қиррали ҳисобланади. Шу сабабли аниқ шахс амалиётда қайси соҳадан кўп даромад кўраётганини аниқлаш қийиндир. Шунинг учун аниқ шахс автомобил йўлларидан, бепул ўрта талим тизимидан, давлат ва маҳаллий хавфсизлик органлари, ёнғиндан ҳимоя қилиш ва об-ҳавони прогноз қилиш хизматларидан қандай моддий манфаат олишини белгилаш оддий масала емас. Демак, солиқ оғирлигини тақсимлаш муаммоли масала бўлиб қолади. Иқтисодиётда солиқ оғирлигини тақсимлаш муаммосига икки хил қараш мавжуд:

- олинган манфаатни солиққа тортиш принципи (тамойили);
- тўлов қобилияти концепцияси принципи (тамойили).

Олинган манфаатни солиққа тортиш принципига асосан, уй хўжаликлари ва тадбиркорлар давлат берадиган товар, кўрсатган хизматни худди бошқа товарларни сотиб олгандек қабул қилишлари керак. Ҳукумат томонидан таклиф қилинадиган товар ва хизматларни қабул қилувчилар, ушбу товар ва хизматларни молиялаштириш учун солиқ тўлашлари керак. Мантиқий жиҳатдан бу тўғри бўлади. Ижтимоий манфаатнинг бир қисми олинган манфаатни солиққа тортиш қоидаси асосида молиялаштирилади. Масалан, бензиндан олинадиган солиқ, қоида бўйича, йўлларни қуриш ва таъмирлашни молиялаштиришга сарфланади. Ким сифатли йўлдан наф олса, йўл учун харажатни тўлайди. Шунга қарамай, қачонки аниқ ва кенг миқёсда олинган манфаатни солиққа тортиш принципи қўлланганда шу заҳоти муаммолар келиб чиқади.

Биринчи муаммо - уй хўжалиги бошлиғи, тадбиркор айрим хизматлардан қандай ҳажмда наф (фойда) олишини баҳолаш. Автомобил егалари яхши сифатли автойўлдан ҳар хил даражада фойда олганларидек, автомобил егаси бўлмаган шахслар ҳам фойда оладилар. Яхши йўлларни пайдо бўлганидан тадбиркорлар ҳам бозорларни кенгайтириб талайгина ютадилар.

Иккинчи муаммо - қабул қилинган афзалликларни солиққа тортиш принципи асосида молиялаштириш ҳукуматни даромадларни қайтадан тақсимлаш ҳаракатини муваффақиялизликка олиб келади. Шунингдек, камбағал оиласарни хайрия нафақаларини молиялаштириш учун керак бўлган маблағни уларни солиқ тўлашга мажбур қилиш йўли билан қоплаш фикри ҳам бемаъни ва натижасиз ҳисобланади.

Тўлов қобилияти принципи манфаатни солиққа тортиш принципидан кескин фарқ қиласи. Бу принципнинг асосида солиқ юки асосан аниқ даромад ва фаровонлик даражасига боғлиқ деган фикр ётади.

Тўлов қобилияти принципи юқори даромадли шахслар ёки тадбиркорлар кам даромадлиларга нисбатан абсолют ва нисбий кўпроқ солиқ тўлашини талаб қиласи.

Бу концепция асосида куйидаги фикр ётади: уй хўжалиги томонидан олинган ҳар бир қўшимча доллар ўз навбатида қизиқиши тобора пасайиб боришига олиб келади. Бундай ҳолни юзага келиш сабаби оддий: даромаднинг

долларда олинган дастлабки қисми бирламчи еҳтиёжга ега бўлган товарларга сарф етилиб, кейинги маблағлар у даражада зарур бўлмаган товар ва хизматларга ишлатилади. Бу шуни англатадики, камбағалдан солиқ сифатида ундирилган долларлар бой одамдан солиқ сифатида олинган долларларга нисбатан қўпроқ зарарни ташкил етиши мумкин.

Шундай қилиб, солиқдан қўрилган зарарни тенглаштириш (бараварлаштириш) мақсадида, солиқни олинадиган даромад ҳажмига қараб тақсимланади. Бу алоҳида аҳамиятли ҳолатdir. Лекин бу принципни қўллашни ҳам муаммолари мавжуд. Масалан, бир йилга 50 минг доллар даромад оладиган уй хўжалиги 10 минг доллар оладиган уй хўжалигидан қўпроқ солиқ тулаш қобилиятига ега. Лекин, бой киши ўзининг даромадига қараб неча марта қўпроқ солиқ тўлайдими, йўқми деган савол туғилади. Амалиётда ҳар бир кишини солиқ тўлаш имконияти тўлиқ аниқланмаган. Масалани ечишда мамлакатни бошқарувчи партия, вақт талаби, хукуматни даромадга бўлган талабини ҳисобга олган ҳолда, афзалроқ қўрилган ҳолат олинади.

Америка иқтисодиётининг солиқлари таркиби олинган манфаатни солиққа тортиш принципига кўра, қўпроқ тўлов қобилияти концепциясига тўғри келади. Тўлов қобилияти ва олинган манфаатни солиққа тортиш принципларини кўриб чиқиши пировард натижада солиқ ставкалари тўғрисидаги саволга ва ҳар қандай шахсни даромади ошганда бу ставкаларни ўзгартириш масалаларига олиб келади.

Солиқ ставкалари прогрессив (илфор, тараққий), пропорционал (муттаносиб) ва регрессив (орқага қайтиш) тарзида бўлади. Шунга қараб солиқларни илфор, муттаносиб ва регрессив турларига бўлиш мумкин. Бундай таърифлаш ставка билан даромадни бир-бирига муносабатига асосланади. Даромадни олишга сабаб, ҳамма солиқлар даромаддан, маҳсулотдан, иморат, йер участкасидан олинишига қарамай, кимнингдир даромадидан тўланади.

Даромад ўсиши билан ўртача ставка ошиб борса, солиқ прогрессив (илфор) ҳисобланади. Бундай солиқ фақат абсолют (мутлақ ўзгармас) суммани фараз қилиб қолмай, даромад ошиши билан олинадиган қисмини қўпайишини ҳам англатади.

Регрессив солиқда, даромад ошиши билан ўртача ставка пасайиб боради. Бундай солиқлар даромад қўпайиши жараёнида унинг кам ва янада кам қисмини олиши талаб қиласди. Регрессив ставкалар бўйича солиқ катта абсолют суммани келтириши ва балки даромад қўпайиши билан катта абсолют суммани келтирмаслиги мумкин. Муттаносиб (пропорционал) солиқ шундай белгиланадики, даромад ҳажмини ўзгаришидан қатъий назар, ўртача солиқ ставкаси ўзгармай қолади. Таъкидлаб ўтиш лозимки, прогрессив солиқлар бойларни қаттиқроқ езса, регрессив солиқ камбағалларга оғирроқ таъсир қиласди.

Федерал хукумат томонидан олинадиган солиқлар мамлакатни ҳамма худудларида бир хил бўлиб, улар федерал даромадни асосий банди ҳисобланади. Штат солиқлари бир-биридан фарқ қиласди. Аҳолининг яшаш жойини тез-тез ўзгартириб, яъни қўчиб юриши юқори даражада бўлганлиги учун бу солиқларни

йиғиш механизми техник жиҳатдан жуда ҳам мураккаб ҳисобланади. Бу ҳолат ҳам АҚШ солиқ тизимининг хусусиятларига изоҳ беради.

Бюджет тушумининг катта қисмини тўғри солиқлар таъминлайди. Унинг ҳиссаси жуда юқори (70 фоизгача). Эгри солиқлар асосан регрессив солиқ бўлганлиги учун оддий солиқ тўловчилар томонидан доимий равиша танқид қилинади. Лекин, кўпчиликнинг фикрича эгри солиқларнинг ягона шубҳасиз фазилати бор - уларни йиғишнинг оддийлиги. Ҳақиқатда товарни сотиб олувчи сотишдан олинадиган солиқни тўлашдан бош тортмайди. Тескари ҳолатда унга товар сотмайди.

АҚШда тўғри ва эгри солиқларнинг таркиби қуйидаги схемада келтирилган.

1-чи зама

### АҚШнинг солиқ тизими

Тўғри солиқлар	Эгри солиқлар
1. Аҳолидан олинадиган даромад солиғи.	1. Акцизлар, божхона божи.
2. Корпорация фойдасига олинадиган солиқ: федерал, штат, маҳаллий	2. Ижтимоий суғуртага хусусий тадбиркорларни федерал бадаллари
3. Штатларни ва маҳаллий органларни мол-мулк солиғи	3. Транспорт воситалари йиғими ва бошқа солиқлар (тадбиркорлардан олинадиган штатлар ва маҳаллий солиқлар)
4. Ижтимоий суғуртага ажратма федерал, штатлар)	
5. Мерос ва совғалардан олинадиган солиқ	
6. Фуқаролардан транспорт воситаси учун олинадиган йиғим	

АҚШ - федерал республика. Уларнинг давлат тузилиши асосида фақат ҳокимиятни вазифалари бўйича бўлинеш емас, ҳудудлар бўйича ҳам ажратиш ётади.

Ҳокимиятнинг ҳудудлар бўйича тузилиши етарли даражада вазифаларни аниқ чегаралаш ва учта ҳудудлар –федерал, штат, маҳаллий ҳокимиятларни алоҳида хуқукларини назарда тутади. Бундай ажратилиш билан бюджет харажатлари ва солиқ тушумларининг характеристи узвий боғлиқдир.

Федерал ҳукуматнинг асосий фаолияти мудофаа, мамлакатнинг ташқи алоқалари, инсон ресурсларини қайта ишлаб чиқариш (соғлиқни сақлаш, ижтимоий таъминот, даромадларни қайта тақсимлаш) ва давлат қарзи хизматини таъминлашдан иборат.

Федерал ҳукуматнинг ҳар-хил харажатлари ичida қуйидаги гурӯҳлар ажралиб туради:

- даромадни ҳимоя қилиш;
- миллий мудофаа;

- давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш.

Даромадни ҳимоя қилиш категорияси қариялар, меҳнатга қобилияциз, ишсиз, тибиёт ёрдамига муҳтож ногиронларга ёрдам кўрсатиш йўли билан уларнинг даромадлари даражасини сақлаб туриш билан боғлиқ. Миллий мудофаа федерал бюджетнинг тўртдан бир қисмини қамраб олади. Бу давлат қўшинларини жанговар ҳолатини таъминлаш учун юқори даражада харажат қилинишини англатади. Давлат қарзи бўйича фоизларни тўлаш охирги даврда нисбатан ошди. Бу бир томондан давлат қарзини ошиши ва иккинчи томондан фоиз ставкаларини кўтарилиши билан боғлиқ.

Юқорида кўрсатилган ҳаражатларни қоплаш учун федерал ҳукумат даромадга ва, шу жумладан, солиқларни йиғиши имкониятига ега.

Федерал бюджетга фуқаролардан олинадиган даромад солиги, иш ҳаки фондига солинадиган солиқ ва корпорациялва 10 цент келиб тушади. Бундан ташқари, кичик ҳажмда акциз йифимлари, божхона божи, қўчмас мулкка солинадиган солиқ, совғаларар фойдасига солинадиган солиқлар келиб тушади. Юқоридаги кетма-кетликка мувофиқ солиқ сифатида йиғилган ҳар бир доллардан 45,35 дан олинадиган солиқ ва бошқалар федерал бюджетта тушади. Федерал бюджетта тушадиган акциз солиги- бензин, чекиш маҳсулотлари, алкогол ичимликларини сотиш билан боғлиқ бўлган танланган солиқлар ҳисобланади.

Штатларга аҳолига ва корпорация мулкига тааллуқли назоратни мунтазам тартибга солиш, маъмурий бошқариш функциялари, ишчи контрактларни бажарилиши устидан назорат қилиш, касб фаолиятига лицензия бериш, фуқаролар ҳолати актини расмийлаштириш ва бошқа вазифалар юклатилган.

Ўз-ўзини бошқарувчи маҳаллий органлар асосан ўзларининг ҳудудларида аҳоли ва корхоналарга ҳар хил хизмат кўрсатадилар. Бу мактабда ўқитиши, коммунал хизмати кўрсатиш, йўл хўжалиги, ижтимоий ёрдамлар бериш, шахс ва мулкни муҳофаза қилиш, уй-жой қурилиши, шаҳарни ривожлантириш, ёнгин ва полиция хизмати, дам олиш жойларига қарашиб каби вазифаларни бажаради. Бошқача қилиб айтганда, яшовчиларга истиқомат қилишлари учун моддий ва социал шароит яратиш, шу ҳудудда жойлашган корхоналарни ишлаб чиқаришини рағбарлантиришдан иборат бўлади.

АҚШда иқтисодиётни бюджет - солиқ орқали бошқариш жуда кенг миқёсда қўлланилади. Ҳозирги вақтда 25%га яқин ички миллий маҳсулот бюджет орқали қайтадан тақсимланади.

АҚШда ташкил топган ҳокимият таркибига биноан ҳар бир даражада бюджет ташкил топади - федерал ҳукумат бюджети, штатлар ва маҳаллий ўз-ўзини бошқарувчи органлар бюджетига бўлинади. Навбатдаги молия йилига (1 октябрдан бошланади) федерал бюджетнинг лойиҳаси ҳамма федерал вазирликлар ва маҳкамалар иштирокида маъмурий-бюджет бошқармаси томонидан тузилади ва президент томонидан календар йилининг бошида конгрессга олиб чиқилади. Конгрессда лойиҳа кўрилади ва навбатдаги молия йили бошлангунга қадар тасдиқланади.

Иқтисодиётни тартибга солиш мақсадида, айниқса, танқислик ҳолатини бартараф қилиш учун федерал бюджетнинг ҳам даромад, ҳам харажат қисмидан фойдаланилади, ишлатилади. Ҳаражат қисми 20 та асосий бюджет категорияларига бўлинади. Шу жумладан, миллий мудофаа ҳаражати, халқаро ишларни олиб бориш, қишлоқ хўжалиги, транспорт, енергетикани ривожлантириш, соғлиқни сақлаш, ижтимоий сугурта ва бошқалар тахминан 60% умумдавлат ҳаражатлари федерал бюджет зиммасига ва қолгани штат ва маҳаллий органлар бюджетига тўғри келади.

АҚШни XX аср охиридаги иқтисодий сиёсатида асосий ўринни солик соҳасидаги тадбирлар егаллади. 1981-1983 йилларда босқичма-босқич даромад солиғини ставкаси сезиларли пасайтирилди. Ислоҳот солиқларни тўплаш бошқармаси (СТБ) зиммасига тўғри келди. Унга раҳбар етиб Чарлз Россоти тайинланди. Янги бошлиқ 33 та ҳудудий СТБни директорлари ва бош тафтишчиларини алмаштирди. Чарлз Россоти солик бошқармалари фаолиятидаги камчиликларни топди ва уларни йўқотиши натижасида боқиманда камайтирилди.

АҚШ бюджет тизимини ҳар бир шаҳобчasi алоҳида солиқларга асосланган. Масалан, федерал бюджетни тўлдиришда асосий манба аҳолидан ва корпорациялардан олинадиган даромад солиғи ҳисобланади. Штатлар бюджети сотишдан олинадиган солиқقا ва маҳаллий (шу жумладан, муниципиал) ҳукумат бюджети уларнинг ҳудудида жойлашган мулк қийматидан олинадиган солиқقا асосланган.

1.-жадвал

**АҚШда ҳокимият даражаси ва солик турлари бўйича бюджет тушумининг одатдаги таркиби  
(фоиз ҳисобида)**

Ҳокимият даражаси	Ҳамма солиқлар	Солик турлари бўйича			
		Даромад солиғи	Сотишга солина-диган солик	Мулк қийматига солинадиган солик	
Федерал	56,4	82,1	76,9	30,2	-
Штат	26,8	16,3	20,9	58,6	4,0
Маҳаллий	16,8	1,6	2,2	11,2	96,0

Жадвалдан кўриниб турибдики, федерал бюджетга 82,1% фуқаролардан ва 76,9% корпорациялардан олинадиган даромад солиғи келиб тушаяпти. Сотишга солинадиган солиқнинг асосий қисми штатлар бюджетига тушмоқда. Мол-мulkка солинадиган солиқнинг деярли ҳаммаси маҳаллий бюджетларга йўналтирилмоқда. Шундай қилиб, федерал бюджет ўзининг асосий талабини фуқаролардан ва корпорациялардан олинадиган даромад солиғи ҳисобига, штатлар-сотишга солинадиган солик ва маҳаллий органлар- мол-мulkка солинадиган солиқ ҳисобига қоплайдилар. Маълум даражада, анъанавий бўлмаган сотишга солинадиган солик ҳам маҳаллий ҳокимият талабини қондиради. АҚШни ҳозирги замон солик тизимига федерал ҳукумат ва штат

ҳамда маҳаллий ҳокимиятлар солиқларни асосий турларидан параллел тарзда фойдаланишлари характерлидири.

2-жадвал

### АҚШНИНГ СОЛИҚ ТИЗИМИ

#### С О Л И Қ Л А Р

Федерал	Штатлар	Маҳаллий
1. Даромад солиги (федерация) 2. Корпорациялар фойдаси	1. Даромад солиги (штатлар) 2. Корпорациялар фойдаси	1. Даромад солиги (маҳаллий) 2. Корпорациялар фойдаси
3. Ижтимоий суғуртага ажратма	3. Ижтимоий суғурта фондига бадаллар	3. Ижтимоий суғурта фондига бадаллар
4. Божхона божи	4. Сотишга солинадиган солик	4. Умумий сотишга солинадиган солик, акцизлар, экология солиги
5. Мерос ва ҳадялар	5. Махсус алкоголь ичимликлар, чекиши маҳсулотлари ва ёқилғига солинадиган акцизлар 6. Мерос ва ҳадялар	5. Мерос ва ҳадялардан 6. Мол-мулк солиги
	7. Мол-мулк солиги 8. Транспорт воситаларидан йиғим	7. Транспорт воситаларидан йиғим

Аҳоли ҳар уч хил турдаги даромад солигини: федерал, штат ва маҳаллий, икки хил мол-мулк солиги: универсал ва акциз солигини, штат ҳамда маҳаллий бюджетларга түлайди.

### 3. Федерал соликлар

АҚШда умумдавлат пул маблағлари фонди федерация бюджетида түпланади. АҚШНИНГ бюджет тизимида марказий ўринни федерал бюджет егаллагани учун, бу бюджетнинг даромадлари таркибини кўриб чиқиш алоҳида аҳамият касб етади.

3-жадвал

Даромадлар	Ҳақиқий (молиявий йил)		
	1980	1990	1992
Аҳолидан олинадиган даромад соликлар, млрд.доллар	244,1	466,9	529,5
Умумий даромад ҳажмига фоиз хисобида	47,2	45,3	45,5
Корпорациялар фойдасига солинадиган солик, млрд. Доллар	64,6	93,5	101,9

Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	12,5	9,1	8,7
Ижтимоий суғурта фондига бериладиган бадаллар, млрд. Доллар	157,8	380,0	429,3
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	30,5	36,8	36,8
Акцизлар, млрд. Доллар	24,3	35,3	47,8
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	4,7	3,4	4,1
Мерос ва ҳадялардан тушум млрд.доллар	6,4	11,5	13,3
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	1,2	1,1	1,1
Божхона божи, млрд. Доллар	7,2	16,7	19,3
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	1,4	1,6	1,7
Бошқа тушумлар, млрд. Доллар	12,7	27,0	23,9
Умумий даромад ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида	2,5	2,6	2,1
Хамма даромадлар, млрд. Доллар	517,1	1031,3	1165,0
Фоиз ҳисобида	100,0	100,0	100,0

Федерал солиқларни ялпи йиғими 1,2 трлн. Долларни ҳозирги кунда ундан ҳам кўпни ташкил қиласди, шундай ҳажмдаги солиқларни 110 млн.дан кўп солиқ тўловчилар ва 15 млн. Ҳар хил мулк шаклига асосланган мустақил хўжалик субъектларидан йиғиш, иқтисодий ва молия соҳасида юқори даражада ҳукуқий чегаралар мавжудлиги (факат ҳаракатдаги федерал қонунчилик 4 минг бет текстдан иборат) шароитида жуда мураккаб вазифа ҳисобланади.

Шундай қилиб, федерал бюджетнинг даромади асосан федерал даромад солиғи, федерал корпорацияга солинадиган солиқ ва ижтимоий суғурта фондига ажратмалардан иборат. Аҳолидан олинадиган даромад солиғини 4/5 қисми федерал бюджетга тушиб, унинг даромад қисмининг деярли ярмини ташкил қиласди. Шу сабабли даромад солиғини чуқурроқ ёритиш талаб етилади.

Ҳар йили Америка Кўшма Штатлари фуқаролари федерал солиқ хизмати (ФСХ) бўлимига солиқ декларациясини топширадилар. Солиқ хизмати декларацияларни, шу жумладан, почта орқали жўнатилган, электрон линиялар орқали юборилган маълумотларни солиқ хизмати компьютерларига киритиш учун даромад олмоқчи бўлган уй бекалари, ишсиз одамларни ёллайди. Кейинчалик бу маълумотлар банклар, дўконлар, катта бўлмаган фирмалар ва йирик корпорациялардан олинган материаллар билан солишитирилиб, солиқ текширувига асос бўлади. Агар, америкаликлар, кредит карточкаларидан тез-тез фойдаланиб, битимларни учдан бир қисмини нақд пулсиз ҳисоб-китоблар орқали

амалга оширишини инобатга олсақ, уларнинг кармони солиқ инспекторлари учун очик-ойдин, равшан бўлиб қолади.

АҚШда солиқ тизимини жуда мураккаб, ноқулай ва чалкашлигини солиқقا тортиш соҳасидаги мутахассислар ҳам тан олишади. Америка солиқ тизимини мураккаблигини билиш учун 3000 ҳужжат асосидаги солиқ тўловчилар қўлланмасини ҳар бир америкалик ФСХни яқиндаги бўлимидан олиши мумкин. Солиқ тўловчилар учун ҳар хил солиқ ҳужжатлари, йўриқнома ва бошқа босиб чиқарилган кўрсатмалар баъзи йиллари 500 донадан ошиб кетади. Бу ҳолат ҳам солиқ тизимининг оддий емаслигидан далолат беради. Федерал даромад солиги солинадиган субъектлар (хукуқий шахслар) АҚШнинг фуқаролари ва шу мамлакатнинг резидентлари ҳисобланади.

Солиқ декларациясини топшириш заруриятини қўйидаги чегаралари ва асослари белгилаб берилади:

- ялпи даромадни катталиги;
- оиласиз;
- солиқ тўловчининг ёши

Жами ялпи даромадга соликдан озод қилинмаган даромад, тўловчи олган пуллар, товарлар, мулклар, хизматлар киради. Умумий мулк егаси сифатида АҚШнинг бирорта штатида яшовчи оила учун алоҳида хукуқий ҳолат белгиланади. (Аризона, Колифорния, Луизиана, Невада, Ню-Мексико, Техас, Вашингтон, Висконсин штатларида). Бу груп солиқ тўловчиларга шу штатларни қонунчилиги асосида умумий мулк деб белгиланган ҳар қандай даромаднинг ярми солиқ тўловчининг даромади ҳисобланади. Солиқ тўловчининг оиласиз ҳолати хисбот йилининг охирги куни бўйича белгиланади (кўпчилик солиқ тўловчилар учун 31 декабр ҳисобланади). Қатор Йевропа мамлакатлари каби бу штатларда никоҳдаги ер-хотинлар битта декларация топширишлари мумкин.

Белгиланган жами даромаднинг ҳажми бу даражадан юқори бўлса, декларация топширилади (1997 йили олинган даромаддан 1998 йили декларация тақдим етилади).

#### 4-жадвал

##### АҚШида декларация асосида солиқларни даромаддан ундирилиши

Оиласиз	ёши	умумий ялпи даромад (доллар), \$
	65 ёшгача 65 ва ундан катта	6800 7800
Биргаликда декларация бергандা	65 ёшгача иккала (никоҳдагилар) 65 ва ундан катта (битта турмуш ўртоғи) иккала турмуш ўртоғи	12200 13000 13800

Алоҳида декларация берганда (никоҳдагилар)	ёшидан қатъий назар	2650
Оила бошлиғи	65 ёшгача	8700
	65 ва ундан катта	9700
Бева (қарамоғида ёш боласи бор бева)	65 ёшгача	9550
	65 ёш ва ундан катта	10350

Жадвалда кўрсатилган жами ялпи даромад ҳар йили ўзгариб туради. Охирги йиллари чегара даражаси кўтарилиб бормоқда. Бу инфляция билан боғлиқ. Марҳум, вафот етган оила бошлиғи ёки унинг рафиқаси учун солиқ декларацияси тирик қолган рафиқаси, (бажарувчи, васий) томонидан берилади. Бунда фақат бу солиқ тўловчининг маълумотлари вафот етган муддатидаги жадвалда кўрсатилган ҳажм ва рақамларга тўғри келиши керак.

Жадвалда болалар, қарамоғидаги шахслар категорияси берилмаган. Улар меҳнатга оид ва меҳнатдан ташқари даромадлар, жами даромад, оилавий ҳолати, ёши ва бошқаларга қараб солиқ декларацияси топширадилар. Ҳисобга олинадиган даромадлар даражаси алоҳида жадвал асосида белгиланади.

Меҳнат билан топилган даромадларга иш ҳақи, чой-чақа пули, солиқ олинадиган стипендиялар, ўқувчи ва илмий ходимларга бериладиган субсидиялар киради. Меҳнализ топилган даромадлар солиқ солинадиган капиталдан олинган фоиз, акциялардан олинган дивиденdlар ҳисобланади. Ишсизликка бериладиган нафақага ижтимоий таъминот йўналиши берадиган солиқ олинадиган нафақа, пенсия ва бошқалар киради.

Болаларни меҳнат даромадларидан солиқ тўлаш жавобгарлиги ота-оналар ва васийларга юклатилган. Агар бола 14 ёшга тўлмаган бўлса, унинг даромади фоиз ва дивиденdlардан иборат бўлса, маълум шароитларда ота-оналар ўзларининг декларацияларига қўшишлари мумкин. Бундай ҳолатда болалар алоҳида декларация топширмайдилар. Баъзи тоифада меҳнат қилувчилар (официантлар, сартарошлар, таксистлар ва бошқалар) ҳар куни олган чой-чақа пулларини алоҳида журналда ҳисобга олиб боришлари керак. Журналда қўйидагилар ёзилиши шарт: ишчини фамилияси, исми-шарифи, яшаш манзили, иш берувчини фамилияси ва хизмат жойининг номи.

Журналга мижозлардан олинган чой-чақа суммаси, бошқа ходимлардан, ишхона бошлиғи томонидан берилган чой-чақа пуллари ёзилади. Агар ишчи журнал юритмаса, ҳар бир олган чой-чақаси учун, уни тасдиқлайдиган ҳужжатларни сақлаши зарур. Навбатдаги ойнинг 10 санасигача хизматчи иш берувчига ёзма равишда ҳисобот бериши керак. Бунинг учун олинган чой-чақа ҳажми маълум даражадан юқори бўлиши керак (1996 йили-20 доллар). Иш берувчи ишчиларни чой-чақаларини ҳисобга олувчи журналини юритади. Чой-чақа ҳисобидан даромад солиги, социал таъминотга ва тиббий суғуртасига ажратмалар шу журналда ўз аксини топади. Кўп ҳолларда охирги солиқ ишчиларнинг иш ҳақидан чегирилиб чиқарилади.

Ёлланиб ишламайдиган (якка тадбиркорлар) шахслар деб, АҚШда якка ўзи савдо ва бизнес, мустақил пудрат ва бошқа мустақил бизнес билан шуғулланадиган шахслар ҳисобланади. Бу шахслар якка тартибдаги фаолият учун солиқ тўлайдилар. Фойда олиш мақсадида доимий ва тўхтовсиз амалга ошириладиган фаолият тадбиркорлик деб юритилади. Тасодифан ёки ишқибозлик (хобби) сифатида шуғулланиш тадбиркорлик ҳисобланмайди.

Ёлланиб ишламайдиган шахслар гуруҳига еркин қасб егалари, черков хизматчилари, фермерлар киради. Агар фермер бошқа бир фаолият билан шуғулланса, ундан олган даромад умумий даромадига қўшилади ва бизнесдан олинган умумий даромад ҳисобланади. Хусусий бизнесдан олинадиган соф даромад деб ҳар хил фаолият турларидан олинган соф фойда ҳисобланади.

Бизнеснинг бир туридан кўрилган заар, унинг бошқа туридан олинган даромадни камайтиради. Якка меҳнат фаолияти юзасидан олинадиган солиқни, асосий ишдан ташқари вактда фаолият билан шуғулланадиган шахслар тўлайди. Масалан, авиазаводда ишлайдиган слесар автомобилни ремонт қилса, декларацияда фаолиятидан олган даромадни қўрсатиши керак. Чунки бу даромад якка тартибдаги меҳнат фаолияти натижасида олингандир. Солиқ тўловчи ўзига тегишли бўлмаган йерда чорвачилик ёки далачилик ишлари билан шуғулланса, ҳосилнинг бир қисми, чорвачилик маҳсулоти ёки сотишдан олинган даромад унинг меҳнати учун ҳақ тўлаш бўлиб, фаолият унинг хусусий бизнеси ҳисобланади. Агар солиқ тўловчи воситачи (ўртади турувчи) ёки бошқа кишини ишини олиб борувчи бўлса ҳам юқорида қўрсатилган қоида ўз кучини сақлаб қолади.

Шахсий бизнеси билан шуғулланиш натижасида олинадиган соф тушум суммасига қўшиладиган бошқа даромадлар ва заарларга қуйидагилар киради:

- иморатни, автомашиналар туриши учун ажратилган майдон, омборлар, гаражлар, меҳмонхона номерлари (хоналари), умумий овқатланиш пунктларида ўтириш жойи, туристлар базаси ва бошқаларни бериш натижасида олинадиган даромад маблағлари;

- рўзнома ва журналларни сотишдан олинадиган даромад (1996 йили 18 ёшдан катта бўлган солиқ тўловчиларга);

- давлат хизматчилари ёки маҳаллий ўз-ўзини бошқарув органлари хизматчиларининг гонорари.

Агар уларнинг бажараётган ишлари федерал маблағлар ва штатлар маблағи ҳисобига ижтимоий таъминотни суғурта қилиш келишуви таъсирига тушмаса;

- ишchan фаолият жараёнида олинган фоизлар. (Масалан, қарзга олинган қимматли қофозлар);

- айрим бошқа турдаги тўловлар.

Умумий ялпи даромад солиқ солинадиган йилнинг маълумотлари асосида аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, солиқ тўловчи даромад ва харажатларни ҳисобини олиб борган давр вақти олинади. Кўпчилик солиқ тўловчиларга солиқ солинадиган йил календар йилга - 12 ой (1 январдан 31 декабргача) тўғри келади. Солиқ тўловчи хоҳлаган давридан фойдаланиши мумкин. Уни фискал йили деб

юритилади. Бу 12 ой давом етадиган ҳар қандай давр ҳисобланиб, унинг охирги куни ойнинг охирги кунига тўғри келади, (декабр ойидан ташқари), 52 ёки 53 ҳафта давом етадиган фискал йили хафтани ҳар бир кунидан томом булиши мумкин. Ҳисобга олиш (бир вақтда хисобот бериш) даврини танлаш солик тўловчи томонидан биринчи марта декларация берган йили амалга оширилади. Дастрраб танланган ҳисобот даврини ўзгартириш учун ФСХни рухсатини олиш керак ва маълум ҳажмда бож тўлаш керак бўлади. Биринчи декларация берилган биринчи йили солик ҳисоби усули танланади. Улар икки усулдан иборат: касса ва ҳисобга ўтказиш .

Касса усулини қўллаганда солик тўловчи даромад ва ҳаражатлар ҳисобкитобини шу даромадлардан фойдаланиш, ихтиёрига кўра даромадларни идора қилиш ҳукуқларини олган даврдан бошлаб олиб боради. Ушбу усулни америкалик солик тўловчи жисмоний шахслар кўпроқ қўллайдилар. Ҳисобга олишнинг касса методида даромадни олиш вақти бўлиб солик тўловчи даромаддан фойдаланиш ва даромадларни идора қилиш ҳукуқини олган вақти ҳисобланади (масалан, нақд пулни олган ёки пул маблағларини банкдаги ҳисобга келиб тушган вақти ҳисобланади). Ҳаражатларни амалга ошириш даври деб, солик тўловчи уларни тўлаган вақти ҳисобланади (нақд пулни бериш ёки банк томонидан пул маблағларни ўтказиш учун тўлов талабномасини олган вақти). Агар жисмоний шахсни ёлловчи иш ҳақидан қарзини ушлаб қолса ёки бошқа учинчи шахс учун қандайдир маблағ ушланса, умумий ушланган пул суммаси жаъми даромадга киради. Солик тўловчини қарзи кечирилса ёки қарзни учинчи шахс қопласа ҳам бу тартиб сақланиб қолади. Жисмоний шахсни даромадига унинг ихтиёридаги мулк юзасидан учинчи шахс тўлаган маблағ ҳам киради. Худди шу тартибда солик тўловчи учинчи шахс томонидан олган даромад ва берган маблағи ҳисобга олинади. Жисмоний шахснинг номидан ҳаракат қилаётган вакил олган даромад ҳам жисмоний шахснинг даромади ҳисобланади.

Ҳисобга ўтказиш усули қўлланганда солик ҳисоби солик тўловчи томонидан даромадга егалик ҳукуқи олган вақти ёки ҳаражатларни унга таъалуқлигини тан олинган вақтига кўра ҳақиқий даромадни олган ва ҳаражат қилган пайтини ҳисобга олмаган ҳолда амалга оширилади.

Даромадларни олинган даври деб, солик тўловчига сўзсиз тўланиши керак бўлган суммани ёки келишув бўйича барча мажбуриятларни бажарган даврини аниқланган вақти ҳисобланади. Ҳаражатларни амалга оширилиш вақти деб, ҳар икки томон ҳақиқатда ўз мажбуриятларини бажарганлиги ёки ҳисобланган суммани сўзсиз тўланиши аниқ белгиланган вақт ҳисобланади. Икки томон ҳақиқий ўзининг мажбуриятларини бажаргандан ёки керакли маблағ берилиши аниқ бўлган вақт ҳаражат қилиш даври ҳисобланади. Ҳаражатлар ҳақиқий тўланган йилида емас, балки ҳаражатлар амалга оширилган йилида ҳисобга олинади. Агар олдиндан маблағ тушса (солик тўловчи даромадни маблағга егалик ҳукуқини олишдан олдин олса) умумий даромадда ҳақиқий тўланган йилида ҳисобга олинади. Даромадга аванс тариқасида олинган фоизлар ёки аренда тўлови ҳамда кейинроқ кўрсатилган хизматларга ҳақ тўлашлар киради.

Декларация тўлғазилгандан кейин солиқ тўловчини давлатга бир доллардан кам қарзи бўлса, бундай боқиманда кечирилади. Агар тўланган солиқларни суммаси, ҳисобланган ҳажмдан кўп бўлса солиқ тўловчи фарқни олиши мумкин. Ҳоҳласа ортиқча тўланган солиқ суммасини қисман ёки тўлик келгуси йили ҳисобига ўтқазиши мумкин. Бир доллардан кам бўлган ортиқча тўланган сумма солиқ тўловчини ёзма равишдаги баёни асосида қайтарилади.

ФСХ чеки бўйича бериладиган пул, уни ёздирилган кунидан бошлаб 12 ойдан ошмаган муддатда олиниши керак. 12 ой ўтгандан кейин чек бекор қилинади ва пул ФСХга қайтарилади. Қайтадан чекни олиш учун ФСХга маҳсус мурожаат қилиш керак.

Америка давлатида халқаро ташкилотларда ёки бошқа бир мамлакат ҳукуматига қарашли ёки бошқа давлатга қарашли ташкилотда ишлаётган АҚШ фуқароси ижтимоий таъминот ва тиббий суғурта тизимиға тўлайдиган солиқлардан озод қилингандан бўлса, бу ҳолда у Кўшма Штатлар ҳудудида хизмати учун олинган даромадлардан якка тартибдаги тадбиркор сифатида солиқ тўлайди. Агар АҚШ фуқароси ўз мамлакатидан ташқарида яшаса ва ўзининг бизнеси билан шуғулланадиган бўлса, кўп ҳолларда ўзининг бизнеси даромадидан солиқ тўлашдан озод қилинади. Ҳорижий фуқаролар йил давомида АҚШда яшаган бўлса, солиқ декларацияси топшириш бўйича АҚШ фуқароларига тенглаштирилади. Чет елликлар - норезидентлар, АҚШ фуқаролари ёки резидентлари билан никоҳда бўлса ҳисбот даврини (йилни) охирида юқоридаги гуруҳ солиқ тўловчилари тенглаштирилади. Бошқа гуруҳ чет елликлар - норезидентлар учун декларация топшириш қоидаси АҚШда қабул қилинган қоидадан фарқ қиласи. Агар чет еллик фуқаро АҚШда ҳисбот йилини маълум вақтидагина яшаган бўлса, унга солиқ декларацияси топшириш тартиби маҳсус ўрнатилади.

Солиқ декларациясини топширишни АҚШда охирги муҳлати 15 апрел ҳисобланади. Агар бу муҳлат дам олиш кунларига (шанба, якшанба) тўғри келса, декларация топширишни охирги куни келаётган биринчи ишчи кунига тўғри келади. Агар солиқ тўловчи белгиланган вақтда солиқ декларациясини топшира олмаса маҳсус ҳужжатни тўлғазиб ФСХга топширади ва муҳлатини кейинга суришни илтимос қиласи. Солиқ тўловчи декларацияда кўрсатилган солиқ суммасини бўлиб-бўлиб, кейинга муддатини суриб тўлаш ҳуқуқига ҳам ега. Бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги илтимоси бажарилган тақдирда ҳам, вақтида тўланмаган сумма юзасидан жарима олинади.

Даромад солиғини ҳисоблаш тартиби одатдагидек олиб борилади. Жами ялпи даромаддан, уни олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатлар чиқазиб ташланади ва натижада соф даромад аниқланади. Шундан кейин соф даромад суммасидан солиқ енгилликлари (стандартли чегирмалар деб аталган) ва бошқа чегирмалар ажратилади. Масалан, хайрия-еҳсонга берилган маблағ, штатлар ва маҳаллий бюджетларга ажратилган солиқлар, тиббиёт ва стоматология хизматлари учун тўловлар, табиий оғат оқибатини йўқотиш ҳаражатлари, ўқитиш ҳаражатлари ва ҳ.к. Натижада олинган сумма солиқ олинадиган даромадни ташкил қиласи.

Айрим иқтисодчиларнинг ҳисоб-китоби бўйича америкаликлар умумий даромадидан ўртacha 28% ни давлатга ажратади. Уларнинг таъкидлашича, федерал шахсий даромад солиғи паст даражада прогрессив бўлиб, солик ставкасини чегараси 15 дан 39,6 фоизгача бўлади. Гаровга қўйищдан олинган фоиз, мол-мулк солигининг суммаси, штат ва маҳаллий органларни облигациясидан олинган даромадларга солик солинмайди. Бу еса ўз навбатида соликларни прогрессив характерга егалигини барбод қиласди. АҚШда шахсий даромад солигининг яна бир хусусияти инфляцияни ўсиш даражасига қараб уни «индексация» қилинади.

Буни амалга оширишдан асосий мақсад солик тўловчиларни нархнинг ошиши натижасида юқори даражада солик тўловчилар гурӯхига ўтиб қолмаслигидан иборат. Масалан, 5% ли инфляцияда жадвалда кўрсатилган солик солинадиган даромад ҳажми бўйича ҳар бир гурӯхни чегараси 5% га ошади. Шунинг учун баҳо даражаси ошиши билан солик тўловчи юқори ставкада тўламаслигига олиб келади.

Солик ислоҳоти солик тўлашдан бош тортишга имконият яратадиган солик қонунчилигидаги анчагина туйнукларни ёпган бўлсада, ҳали уларнинг айрим турлари сақланиб қолмоқда. Юқори даромадга ега бўлган кўпгина ҳар хил «дарча»лардан фойдаланиб, даромад солигининг умумий суммасини кескин пасайтиришлари мумкин. Масалан, юқори даражали даромадга ега бўлган кишилар солик ставкасини 39,6% дан 0 фоизга тушириши мумкин. Бунинг учун улар пулларини омонат кассалар депозити ва корпорацияларни облигациясига жойлаштирамай, уларга штат ва маҳаллий органларни облигациясини сотиб оладилар, чунки штат ва маҳаллий органлар облигациясидан олинадиган даромад соликка тортилмайди. «Яширинчи иқтисод»ни даромадини ҳам яшириш имконияти мавжуд. Кичик бизнес егалари, нақд пул оладиган докторлар, официантлар ҳам даромадини яшириши мумкин.

Даромадлар ички хизматини баҳолашига кўра, солик тўлашдан бош тортиш даромад солигини тушумини 20% гача пасайтириши мумкин. Лекин шуни айтиш керакки, 1986 йилги солик ислоҳотидан кейин солик ставкасини паст чегараси ўрнатилгандан кейин, солик тўлашдан бош тортиш учун омиллар камайди. Ижтимоий суғуртага қўйилмалар ёки иш ҳақи фондидан олинадиган солик суғурта бадали бўлиб, мажбурий суғурта режаси асосида тўланади. (Масалан, қарилкни суғурта қилиниши - бепул тиббий ёрдам бериш давлат дастури ҳаракатдаги қонунчилиқда белгиланган социал таъминот ҳисобланади). Бу соликлар ҳам иш берувчилар, ҳам ёлланма меҳнат қилувчи шахслардан олинади. Бу шуни англатадики, иш берувчи ҳар бир ишчига, унинг иш ҳақидан тўланадиган солик ҳажмида пул ўтқазади. Ижтимоий суғурта солиги ҳамма иш ҳақига емас, балки қонун билан белгиланган уни бир қисмiga солинади (солик базаси йилиги 55 минг \$ гача бўлган суммани ташкил етади). Солик ставкаси 7,9%.

Иш ҳақидан олинадиган солик икки қисмдан иборат, унинг енг кўп қисми қарияларни суғурта қилиш, ишга яроқсиз кишиларни ва ўлим ҳолатини суғурта қилишга ажратилади. Бу солик иш берувчи ва хизматчилардан иш ҳақига

нисбатан 6,2% ҳажмда олинади. Қолган иккинчи қисми (1,45%) беморни шифохонага ётқизишини суғурта қилишга ишлатилади. Контракт, яньи шартнома асосида ишловчилар бир вақтнинг ўзида иш берувчилар ва хизматчилар учун бу солиқни тўлайди, лекин, даромадининг 92,35% идан солиқ олинади. Бу орқали иш берувчини қисмини солиқдан чегириб ташлангандек бўлади. 1994 йили бу солиқни биринчи қисми дастлабки 60600 доллар иш ҳақидан (ўртача иш ҳақи ўзгариши билан бу чегара индексация қилинади) ва иккинчи қисми иш ҳақининг ҳажмидан қаттий назар ҳаммадан ушланган. Бир йилга 50000 доллар иш ҳақи оладиган хизматчидан ижтимоий суғурта солиғи 7650 доллар ҳажмида олинган ва унинг ярмини иш берувчи, қолганини еса хизматчи тўлаган. Қўп ишчилар учун ижтимоий суғурта солиғи (иш берувчи ва ишчининг улуши, ҳиссаси қўшилади) ўзининг даромад солиғидан қўп бўлади (ишчини шахсий даромад солиғига нисбатан улушкининг анча паст бўлишига қарамасдан). Мисол тариқасида бир йилга 40000 доллар оладиган ишчини оламиз. Унинг қарамоғида хотини ва иккита фарзанди бор. У тўртта одам учун солиқ енгиллиги олади ва иш ҳақидан меъёрий суммани чиқазиб ташлаш амалга оширилади. Натижада ишчи 3578 доллар даромад солиғи тўлайди ва унинг иш берувчи билан тўлаган ижтимоий суғурта солиғи 6080 долларни ташкил қиласди.

Иш ҳақидан олинадиган солиқни бошқа турларига катта бўлмаган ишсизлик солиғи (иш берувчидан олинади) ҳамда ижтимоий суғурта солиғига ўхшаган ескирган темир йўллар учун олинадиган солиқ киради. 80 - йиллари ижтимоий суғурта солиғи тўхтовсиз кўтарилиб борди. Бу солиқ ҳар қандай чегирма ва имтиёзлардан ҳолис бўлди. Ўртача ва паст иш ҳақи оладиган кўпгина ишчи ва хизматчилар учун бу солиқка олинадиган сумма, уларнинг шахсий даромад солиқларини ҳажмига яқинлашди ва айрим ҳолатларда ошиб ҳам кетди. XX асрнинг 80 – йиллари мамлакатда солиқни камайтириш шиори кенг тарғибот қилинганига қарамасдан ижтимоий суғурта солиғининг ошиб боришига аҳоли сезиларли қаршилик кўрсатмади. Бунинг сабаби шундаки, бу солиқ орқали олинган йигим қонун бўйича тўлиқ қарияларга, ногиронларга, боқувчисини йўқотган оиласлар ва шу кабиларга берилди. Шунинг учун ижтимоий суғуртага ажратма одамлар томонидан қарилекни таъминлаш деб қабул қилинди. Ҳақиқатда ҳам шундай бўлди.

Иш ҳақига солинадиган солиқ регрессив ҳисобланади. Чунки уни кимнингдир қатъий белгиланган абсолют даромадига нисбатан қўлланилади. Масалан, 7,9% ҳажмда иш ҳақига солинадиган солиқ ставкаси 55 минг доллар иш ҳақи шаклидаги даромадга қўлланган. Шундай қилиб, 55 минг доллар оладиган киши 4345 доллар ёки 7,9% даромадини тўлаши керак. Шу вақтнинг ўзида 110 минг доллар ёки икки баробар ортиқ даромад оладиган киши ҳам солиқ сифатида 4345 доллар тўлайди. Бу еса унинг даромадини 3,95%инигина ташкил қиласди.

Расмий нуқтаи-назардан қаралганда солиқларни тўлаш «ўз хохишига кўра» тамойилига асосланган. Бундай хулоса тўлиқ ҳақиқатга тўғри келади деб айтиб бўлмайди. Бир томондан, мамлакатнинг фаолият кўрсатаётган аҳолиси ҳар йили солиқ декларациясини тўлдиради. Унда батафсил тарзда бир йилда олинган

даромад ва тўлаш учун ҳисобланган солик ҳажми кўрсатилиб борилади. Иккинчи томондан, фуқарони солик тўлаш мажбурияти аниқ қилиб қонунда белгилаб қўйилган. Шунинг учун «ўз ҳоҳиши билан» солик тўлашдан бош тортиш, ёки даромадининг бир қисмини яшириш жазо чораларини қўллашга, жумладан, озодликдан маҳрум қилишгача олиб келади. «Ўз ҳоҳиши билан» тамойили бу ерда шундай тушуниладики, давлат молия органлари орқали даромадни ҳисоблаб ўтиrmай, назорат қилиш функциясини ўзида сақлаб қолади ва ҳисоблаш ишларини солик тўловчининг ўзига қолдирилади.

Лекин, амалиётда ёлланиб ишловчи шахсларни даромад солиғи ва ижтимоий суғурта солиғи иш берувчилар томонидан тўғридан-тўғри иш ҳаки ва маошибидан ушлаб қолинади. Бу вақтда тадбиркорлар ҳар бир ишлаган кишига маҳсус квитанция беради ва унда иш ҳақининг ҳажми ва ушланган солик суммаси кўрсатилади. Квитанцияларни яна бир нусхаси солик бошқармасига жўнатилади ва молия вазирлиги томонидан назорат қилинадиган солик сифатида олинган сумма федерал солик депозитига (маҳсус банк ҳисоб рақами) ўтқазилади. Ҳозирги вақтда солик депозитлари орқали 70% га яқин ҳамма турдаги федерал соликлар (шу жумладан 100% ижтимоий суғуртага солинадиган соликлар) йифиласди.

Жорий йили ялпи даромади енг камида 20 минг доллар, шу жумладан, иш ҳақидан ташқари бошқа манбалардан 500 доллар олишни мўлжаллаган шахслар, ҳар бир чорак шу суммадан даромад солиғини тўлашлари керак.

Давлат билан солик тўловчилар ўртасидаги ўтган календар йили учун пировард ҳисоб-китоб ҳар йили 15 апрелдан кечиктирилмаган ҳолатда амалга оширилади. (Шу муҳлатгача барча мустақил фаолият кўрсатаётган шахс якуний солик декларациясини тўлдириб солик бошқармаси адресига жўнатишга мажбурдир(“1040-шакл”)). Бунда манбалардан олинган даромад, ҳар хил чегирмалар, якуний даромад солиғининг ҳажми, олдиндан тўланган ва ушлаб қолинган солик суммалари батафсил кўрсатилади.

Ёлланиб ишловчи солик тўловчилар “1040- шакли”га қўшимча равища иш берувчиidan олинган еслатилган квитанцияни нусхасини қўядилар. Бунда даромадни ҳажми ва ундан ушланган соликлар кўрсатилади.. Бу “1040-шакли”ни солик тўловчи жўнатиши билан бир вақтни ўзида, даромад солиғидан мавжуд бўлган қарзини ҳам тўлаши керак. Солик тўловчини ҳақиқий тўлаган суммаси бир йилга давлат олдидағи унинг мажбуриятидан ошиб кетиши ҳам тез-тез учраб туради. Бу тафовут фақат якуний декларация тузилгандагина аниқланади. Шундай ҳолларда солик бошқармаси 6-8 ҳафта ичида ортиқча тўланган суммани қайтаради. Бу маблағлар баъзи йиллари ялпи йигимни 6-7% ини ташкил қиласди.

Шундай қилиб, ҳажми ва кўлами бўйича даромад солиғи АҚШда енг қўп тарқалган солик бўлиб қолади.

Бу солик учинчи йирик федерал солиғи ҳисобланади. Ҳозирги вақтда аввал қўлланилган дивидендерни иқтисодий икки томонлама соликка тортиш қисман чегараланди. Корпорациялар акционерларининг даромадини бу тартибда соликка тортиш акцияларга маблағ қўйишни маълум даражада чегаралар

еди. Ушбу солиқнинг бюджет даромадидаги солмоғи тушиб бориши, кейинги йилларида унинг асосий хусусияти бўлиб қолмоқда. Масалан, 1960 йили -24 %, 1990-9,1 % ва 1992 йил -8,7 % га тушиши кузатилди. Солиқ салмоғини тушиб бориши қонуний асоси сифатида унинг ставкасини пасайтириш, корпорациялар учун қатор енгилликлар киритиш, ускуналарга нисбатан тезлаштирилган амортизацияни қўллашдан фойдаланиш ва натижада тезлаштирилган амортизация нормасини қўллаш сабаб бўлди.

Солиқ солищда янги йўналиш келиб чиққанлигини таъкидлаб ўтиш керак.

Бошқача қилиб айтганда, бюджет даромадида таянч бўлган шахсий даромад солиги билан бир қаторда корпорациялар фойдасига солинадиган солиқни фискал роли ошиб бормоқда. Бошқа солиқлар каби корпорация фойдасига солинадиган соликда ҳам, биринчи навбатда, солиқ солинадиган даромад аниқланади.

Америка корпорацияларини солиқ солинадиган даромади қуидаги шаклда белгиланади.

Ялпи даромад қуидагиларни ўз таркибига олади:

- товарларни сотишдан олинадиган ялпи тушум;
- хизмат кўрсатишдан олинган ялпи тушум;
- дивиденdlар (ҳамма суммаси ялпи даромадга қушилади);
- рента тўлови ва роялти;
- капитални ўсишидан олинадиган даромад;
- сотишдан олинадиган бошқа даромадлар (заарлар).

Ялпи даромаддан чиқариладиган одатдаги чегирмалар қуидагилардан иборат:

- иш ҳақи;
- таъмиrlаш ҳаражати;
- умидсиз қарзлар (қарзни қайтармаслик ҳолатларида);
- рента тўловлари;
- маҳаллий солиқлар ва штат солиқлари;
- кредитлар бўйича бериладиган фондлар;
- ҳайр- ехсонга ажратмалар;
- амортизация (қайта ишлаш саноатида);
- ресурсларнинг қамайиши чегирмаси (қазиб олувчи саноат);
- реклама ҳаражати;
- рекламага ажратма;
- пенсия фондига ажратма ва фойдани тақсимлашда қатнашувчи ишловчиларга ажратма;
- илмий-тадқиқот, тажриба-конструкторлик ишларини ўтказиш ҳаражатлари;
- заарлар.

Одатдаги чегирмадан ташқари ялпи даромаддан операцион заарлар, олинган дивиденdlардан 85% (айrim вақтларда 100%) ва бошқа махсус чегирмалар чиқарилиб ташланади.

Корпорация фойдасига солинадиган солиқ аниқланган солиқ солинадиган даромадга белгиланган ставкани қўллаш йўли билан ҳисобланади. 1986 йилги солиқ ислоҳотида корпорация фойдасига солинадиган солиқни юқори ставкасини бекор қилинди ва унинг прогрессия даражаси камайтирилди. Юқори ставкаси 1987 йил 1 июлдан 46%га ва 1988 йил 1 июлдан 34%га туширилди. Солиқ ставкаси солиқ солинадиган даромадни ҳажмига қараб табақалаштирилади. АҚШда корпорация фойдасига солинадиган солиқ босқичма-босқич тарзида берилади. Корпорация биринчи 50 минг доллар солиқ солинадиган даромаддан 15% ва 25% кейинги 25 минг доллардан ва қолган суммасидан 34% тўлайди. Ундан ташқари 100минг доллардан 335 минг долларгача даромаддан 5% қўшимча йиғим олинади. Ушбу босқичлик солиқ солиш ўрта ва кичик корхоналар учун жуда катта аҳамиятга ега. Охирги даврда солиқнинг енг юқори ставкаси қонун асосида 35% қилиб белгиланган.

Ҳисобланган солиқ суммасидан баҳоланган солиқ тўловлари чиқазиб ташланади.

Юқоридаги айтилган тўловларга қўйидагилар киради:

1. Қўшимча ишчи ўринини ташкил қилганлиги учун рафбатлантириш солиқ кредити, солиқ солиш обьектига кирмайдиган маҳсус мақсадларга ишлатиладиган бензин, маҳсус ёқилғи, мойлаш материаллари бўйича федерал акцизларга бериладиган солиқ кредити.

2. Илмий-текшириш, тажриба ва конструкторлик ишлари (ИТТКИ) ўсиши учун чегирма шаклида бериладиган кредит.

Инвестиция солиқ кредити 1986 йили қисқартирилган. Айрим тижоратга алоқаси бўлмаган ташкилотлар, шу жумладан, диний, ҳайрия-еҳсон, ўқитиши, даволаш ташкилотлари, савдо ассоциациялари, касаба бирлашмалари корпоратив солиқдан озод қилинганлар. Лекин бу ташкилотларни асосий фаолиятидан ташқари ишлари соликдан озод қилинмайди. Корпорациялар жорий даромадлари ёки айрим ҳолларда ўтган йил даромадини ҳисобга олган ҳолда солиқни чорак бўйича тўлайди. Солиқ декларацияси тўлғазилганда ўзларининг солиқ мажбуриятларини, тўланган солиқ суммаси билан солиштирадилар.

Корпорацияни фойдасига солинадиган федерал солиқ, шуни тақозо етадики, корпорация егалари (акцияни ушлаб турувчилар) солиқни ҳамма оғирлигини кўтарадилар. Солиқ масалалари бўйича айрим эксперталарнинг айтишича, солиқ оғирлигини озгина қисмини маҳсулотга юқори баҳо белгилаш орқали истъемолчилар зиммасига юклатилади. Истъемолчига ўтказилган солиқнинг бир қисми сотишдан олинадиган солиққа ўхшашиб регрессив характерга ега.

Мамлакат иқтисодини «реиндустрелизация» қилишни «рағбанлаштириш» мақсадида айрим эксперталар давлатни солиқ тизимини қайтадан ташкил қилишни тавсия қилмоқдалар. Уларнинг фикрича, асосий далил бўлиб, охирги ўн йиллар ичida АҚШда Япония ва Германия Федератив Республикаси ҳамда бошқа ривожланган мамлакотларга нисбатан ишчиларнинг меҳнат унумдорлигини тушиб кетганлиги кўрсатилади.

АҚШда федерал истъемол солиғи ёки сотишдан олинадиган солиқ йўқ. Лекин, ҳар хил акциз солиқлари мавжуд. 1993 йили федерал ҳукумат 48,1 млрд доллар (ёки ички ялпи маҳсулотга нисбатан 0,8%) акциз солиқларини тўплади.

Асосий федерал акцизлар ичимлик, чекиши маҳсулотлари, асосан автострада юллар ва аэропортлар фондига таълуқли бензин, бошқа ёқилғилар солиғи ва телефон хизмати учун солиқлардан иборат.

Телефон акцизи кенг тарқалган федерал солиқ ҳисобланади. Чунки, аҳоли истиқомат қиласидан уйларнинг 94% телефон алоқасига ега. Телефон солиғи ижтимоий сугурта солиғига нисбатан кўпроқ одамларга тўғри келади.

АҚШда нефтдан олинадиган экология акцизи чегараланган ҳолатда фойдаланилади: ҳар бир барел нефтдан 14,7 цент олинадиган акциз хавфли материаллар ва нефт тўкилиб кетганда ундан кўрилган заарни молиялаштириш суперфондига ишлатилади.

АҚШда атмосферани озон қатламини бузувчи айрим кимёвий модда - материалларга ҳам солиқ солинади. Ушбу экологик солиқлар 1993 йили 2 млрд. долларга яқин маблағни ташкил қиласиди. АҚШда атмосферага чиқариладаган ифлослантирувчи углерод билан олтингугурт қўшилмаси бўйича солиқ олинмайди.

АҚШ ҳукумати маҳсус акциз билан реклама акцизини олади. Маҳсус акцизлар ўз таркибига бир галлон бензиндан 18,4 цент (халқаро стандартлардан анча паст) олинадиган солиқни, бир пачка сигаретдан олинадиган 24 цент солиқни, бир галлондан 13,5 доллар соғ алкоголдан олинадиган солиқни ва АҚШ худудидан чиқиб кетиши учун ҳар бир кишидан олинадиган 6 доллар солиқларни олади. Реклама акцизини мисоли сифатида 3% ли телефон солиғи, 10 фоизли ички авиация юки ташиш машиналарини прицеплари учун 12 фоизли солиқлар хизмат қиласиди.

1989 йилда ер-мулкларнинг 1,1% унификациялаштирилган солиқ асосида солиқка тортилган. Бу солиқ совға ва вафотидан кейин ҳадяни бошқа шахсга ўтказиш солиқлари уларнинг ҳажмидан 37 дан 55 фоизгачасини ташкил қиласиди. Агар совға тариқасида берилса солиқни чиқазиб ташлаш методи, вафотидан кейин ҳадяни бошқа шахсга ўтказиш бўлса, солиқни қўшиш методи қўлланади. Бу еса вафотидан кейин ҳайрия ёрдами деб тушунилади. Солиқ кумулятив (тўпланиб таъсир қилувчи) бўлганлиги учун, кредит ўтган йили тўланган солиқ учун берилади. Унификациялаштирилган (бир хиллаштирилган) кредит 192000 доллар ҳажмда бўлса, 600000 долларни совға тариқасида ўтказишга имконият беради ва қолган қисми йер-мулк (имение) солиғига тортилади.

Умумлаштирилган кредитга қўшимча равишда донорлар 10000 долларгача (ер-хотин 20000 долларгача) еҳсон (ҳадя) қиласа, уларга ҳар йили солиқдан озод қилиш тартиби қўлланади.

Ер-хотин биттаси иккинчисига ҳадя ёки васият қиласа ёки ҳайр-еҳсон қиласа, солиқ умуман солинмайди.

АҚШда йер мулкига (имение) солиқ базасини сақлаб қолиш мақсадида, олдинги авлод, масалан, невараларга ваколатнома берса ёки тўлиқ ўтқазса, унинг

ҳажмидан 55% солиқ олинади. Агар бир одамга бир миллион долларгача ўтқазилса солиқ солинмайди.

Божхона божи Федерал бюджетнинг арзимаган даромадини ташкил қиласди. 1992 йили 1,7% дан иборат бўлган ва узоқ давр вақтида кўпайиш ва камайиш томонларига ўзгармаган. Бу солиқни асосий мақсади айrim товарлар ва мамлакатлар учун савдо протекционизмини қўллашдан иборат.

#### **4.Штатларнинг солиқ тизими**

Штатлар ҳукумати маориф, ижтимоий фаровонлик, соғлиқни соқлаш, шифохона, автомагистраллар, ижтимоий хавфсизлик ва бошқа харажатларини молиялаштиради.

Бу харажатларни молиялаштириш ҳам, асосан солиқ даромадлари ҳисобига амалга оширилади.

АҚШда солиқ тушумининг 1/4 қисми штатларга тўғри келади. Кўпчилик штатлар ўзларининг даромад солиқларини, корпоратив солиқларини, сотишга солинадиган солиқ ва мол-мулкни ўтказиш солиқларини йиғадилар. Шахсий даромад солиғи 43 штатда ва корпоратив солиғи 44 штатда олинади. Мичиган штатида, масалан, корпоратив солиқни қўшилган қиймат солиғига алмаштиришди. Техас штатида корпоратив имтиёзли солиққа даромаднинг бир қисмини қўшиб, уни квазикорпоратив даромад солиғига айлантиришди. Сотишдан олинадиган солиқ 45 штатда қўлланилади. Аляска ва Ню-Гемпширда шахсий даромад солиғи ва сотишга солинадиган солиқни олмайдилар.

АҚШда мол-мулкка қўлланиладиган асосий солиқ хусусий мулкка солинадиган солиқдан ва асосан кўчмас мулкка солинадиган солиқдан иборат. Штатларни даромад солиқлари одатда федерал солиқларни қисман ўзгартишлар билан қайтаради. Шахсий даромад солиғи бўйича қўпчилик штатлар федерал солиғига мослашадилар. Штатларда меъёрий ажратиш, шахсий енгилликлари ва солиқ жадвали тўғрисида ўзларининг низомларини ишлаб чиқадилар. Қатор штатлар даромадни аниқлашда кенроқ тушунча қўллайдилар. Штатларни даромад солиғи федерал солиқни ҳисоблашда чегириб ташланганлиги сабабли солиқ тўловчиларга штат солиғи камаяди. Кўпчилик штатлар солиқ амортизацияси бўйича ўзларининг қоидаларини ишлаб чиққанлар. Корпоратив солиқ олувчи 44 штатда солиқ меъёрига ва солиқ жадвалига кескин равишда бир-биридан фарқ қиласидиган турли вариантлар қўлланади. 16 штат шаҳарларга даромад солиғи олиш учун рухсат берган. Маҳаллий солиқларнинг кўпчилик қисми ишлаб топилган даромаддан олинади. Мериленд округлари ва Аёвани мактаб округлари ўзларининг шахсий солиқларини штат солиғидан фоиз тариқасида оладилар.

Ню-Ёркда даромаддан 3,4% гача прогрессив солиқ ушланади.

Штат ва маҳаллий органлар ҳокимияти, ҳукумат томонидан солиққа тортиладиган субъектлардан солиқ оладилар. Штатлар ва маҳаллий органларда умуман мамлакатдаги каби тўғри солиқлар асосий ўринни егаллайди. Ҳозирги кунда штат ва маҳаллий органларни 60%дан ортиқ ҳамма солиқ тушумлари тўғри солиқларни ташкил қиласди.

6-жадвал

## Штатларда солиқ турлари бўйича солиқ тушумининг таркиби (фоиз ҳисобида)

Солиқ турлари	Салмоғи (%)
1. Сотишдан олинадиган умумий солиқ	32
2. Аҳолидан олинадиган даромад солиғи	30
3. Еқилғидан олинадиган акциз	6,3
4. Тамакидан олинадиган акциз	2,0
5. Спиртлик ичимликлардан олинадиган акциз	1,6
6. Транспорт егаларидан олинадиган солиқ	3,5
7. Корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ	7,9
8. Мол-мулк солиғи	2,0
9. Мерос ва совғадан олинадиган солиқ	1,0
Жами	100

Жадвалдан кўриниб турибдики, салмоғи бўйича асосий ўринни сотишдан олинадиган солиқ ва аҳолидан олинадиган даромад солиқлари егаллади. Сотишдан умумий танлаб олинадиган солиқ шу штат ҳудудида сотиладиган товарлар, кўрсатилган хизматларнинг чакана баҳоси устига қатий белгиланган устама ҳақ ҳисобланади (солиқнинг ҳажми албатта ҳар бир савдо чекида ва хизматлар учун квитанцияда кўрсатилади). Сотишдан олинадиган солиқни мамлакат бўйича ўртacha салмоғи 4%дан озгина юқори бўлади. Солиқ солиш обьекти сифатида товарлар айланишини ҳар бир босқичидан ялпи тушум олинади. Солиқ ставкаси чакана баҳога нисбатан белгиланади ва штатларга қараб ўзгаради. Энг паст ставкаси - 3% ва энг юқори ставкаси - 7,5%.

Товарларга солинадиган эгри солиқ ёки истъемолга солинадиган солиқ сотишга солинадиган солиқ ёки акциз солиғи шаклини олиши мумкин. Икки турдаги солиқларнинг бир-биридан фарқи уларнинг мазмунида, қўлланиладиган соҳаларида акс етади.

Сотишдан олинадиган солиқ кенг доирадаги маҳсулотларга қўлланиши мумкин, акциз солиғи еса кўп бўлмаган, танланган маҳсулотлар гурухини қамраб олади. Федерал ҳукумат умумий сотишдан олинадиган солиқни ундирамайди, бу солиқ деярли ҳамма штатлар ҳукумати даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Кўпчилик штатлар озиқ-овқатга ва рецепт билан бериладиган дориларга бу солиқни қўллашмайди. Сотишдан олинадиган умумий солиқ, 3 фоизли чегирмаси билан биринчи кўринишда пропорционал солиққа ўхшайди. Лекин, ҳақиқатда даромадга нисбатан регрессив ҳисобланади. Солиқнинг регрессивлиги сабаби шундаки, сармоядор шахс даромадига нисбатан у кам даромадли шахсни даромадини деярли ҳаммасини қамраб олади. Сармоя егаси даромадини бир қисмини омонатга қўйиб солиқдан олиб қолиши мумкин, кам даромадли еса буни қилолмайди. Мисол: кам даромадли Франк 20 минг доллар даромадга ега ва унинг ҳаммасини сарфлайди. Сармоядор Джонсон еса 40 минг доллар даромадга ега лекин ундан фақат 20 минг долларни сарфлайди. Фараз қилайлик 3 фоизли сотишдан олинадиган солиқ ставкасини ҳар бирини алоҳида

шахсий харажатига қўлласак, Франк солиқ сифатида 600 доллар тўлаши керак (20 минг доллардан 3%). Джонсон еса умумий даромадидан 1200 доллар (40 минг доллардан 3%) тўлаши керак еди. Амалда еса Франкни 20 минг долларли ҳамма даромади, Джонсонни еса фақат ярим даромади солиққа тортилади. Джонсон ушбу солиқни 600 доллар ҳажмида тўлайди, ёки 40000 доллардан фақат 1,5% тўлайди. Шундай қилиб сотишдан олинадиган умумий солиқнинг регрессив еканлигини кўриб турибмиз. Сотишдан олинадиган солиқни қўшилган қиймат солиқ (ҚҚС) билан алмаштириш тўғрисида таклифлар мавжуд бўлиб, бу таклифлар ҳозирда муҳокама қилинмоқда.

Шуни таъкидлаш керакки, ҚҚС муҳим даромад манбаи бўлиши билан бир қаторда истъемолни чегаралайди. Маблағнинг кўп қисмини истъемолга емас, жамғармага йўналтириб, ҚҚСни тўлашдан қутулиш мумкин. Яна шу маълумки, жамғарма (истъемолдан бўшаган маблағ) истъемол товарларини ишлаб чиқариш учун керакли ресурсларни бўшатади ва уларни ишлаб чиқаришга йўналтиридаган товарларни ишлаб чиқаришда фойдаланишга имконият яратади. Бунинг натижасида ҚҚСни тадбиқ қилиш, мутахассисларни фикрича, миллий даромад таркибини истъемолдан инвестицияга ўтиш йўли билан ўзgartиради. Натижада меҳнат унумдорлиги ўсади ва «ракобатбардош афзаллик, устунлик» тикланади.

Махсус (ўзига хос) акцизлар ҳамма солиқ тушумларини 3% ни ташкил қиласи. Бу акцизлар сигаретлар, бензинга ва айрим штатларда автомобил ва бошқа товарларга солинади. Бензинга солинадиган солиқ Миссури штатида бир галлон ёқилғи учун 7 центни ташкил қиласа, Вашингтонда 18 центдан иборат. Шу билан бир қаторда 14 центлик баҳо кўпроқ тарқалган. Солиқ ставкаси кўтарилиб боради ва доимий равишда қайтадан кўрилади. Алкоголга солинадиган солиқ қатор штатларда улгуржи сотиш суммасидан олинади (Гавайя штатида 20%) ёки чакана сотишдан (Алабама штатида 48%, Аёва штатида 15%, Мичиганда 9,85%). Қатор штатларда солиқ қатъий белгиланган суммада доллар хисобида ҳар бир галлон ичимлиқдан олинади. Алкогол, бензин ва бошқа маҳсулотлар бўйича олинадиган акциз штатлар бюджетига ҳар йили 3 млрд.долларга яқин даромад беради. Акциз солиғига ўтмаган штатларда олинадиган солиқ турларига минерал ресурслар, нефт, табий газ, кўмир, ўрмон маҳсулотларидан олинадиган қазиб олиш солиғи киради. Мамлакат бўйича штатларни ўртача 3% даромадини ташкил қиласи. Аляска, Луизиана, Оклахома, Техас ва Наёминг штатларида 18-25% ташкил қиласи.

Атроф-муҳитни саноатнинг зарарли чиқиндиларидан муҳофоза қилишга қаратилган янги солиқларни алоҳида гурухга ажратиш зарур. Бу солиқлар деярли яқинда, XX асрнинг 80-йилларда тадбиқ қилинган. Ҳозирги даврда АҚШда «екология солиғи»ни киритиш бўйича янги қонунчилик таклифлари киритилган. Молия бўйича экспертларнинг фикрича, келажакда федерал бюджетга турли хил «екология солиқлари»дан ҳаво ва сувларни ифлосланиши, ҳар хил зарарли чиқиндилар билан боғлик тушумлар кўпайиб боради. Америка иқтисодида бу солиқлардан келадиган тушумлар камтарлик хусусиятига ега. Лекин жамият учун атроф-муҳитни юқори даражада тоза тутишга рағбатлантириш катта

аҳамиятга ега. Масалан, чиқиндиларга солинадиган солиқ одамлар яшайдиган мухитни муҳофаза қилиш учун компанияларни назоратининг самарали усууларини қўллаш ва янги технологияларни татбиқ қилишга ундиади. Шуни қайд қилиш керакки, фақат заҳарли чиқиндиларни чиқазиб ташлаш емас, балки йер (тупроқ қатламига ўтиб кетадиган заҳарли моддалар ҳам солиққа тортилади. Ушбу солиқни татбиқ қилиш тажрибасини ўрганиш керак ва бу бошқа мамлакатлар учун ҳам фойдалидир.

Штатларни иккинчи муҳим даромад манбалари сифатида шахсий даромад солиғи хизмат қиласиди. Бу солиқ ўзининг таркиби бўйича федерал солиққа ўхшайди, лекин ставка даражаси енгилликлар тизими ва чегириб ташлаш турлари бўйича фарқ қиласиди. Штатларда аҳолининг даромадини солиққа тортиш ягона схема асосида амалга оширилади. Лекин уларнинг ставкалари ва солиқ янгилликлари штатларда ҳар хил. Масалан, энг паст ставкаси ўртача 2-4%, юқориси (Гавайи, Шимолий Дакота штатлари)-10-12%, ўртача ставка 6-7% ва ундан паст бўлади. Кўпчилик штатларда солиқ ставкалари даражаларга бўлинган, лекин прогрессия сезиларли даражада емас ва 10-15 минг доллар даромаддан умуман йўқотилади. Шунинг учун паст ва қисман ўртача даромадга солиқ солиш прогрессияга ега бўлса, юқори даромадларни солиққа тортишда прогрессия умуман йўқолади. Аҳолидан даромад солиғини олиш тартиби жойларда жуда мураккаблашган. Чунки ҳокимиятлар солиқ солинадиган обьектни ҳар хил белгилайдилар. Масалан, баъзилари ўзининг штатини фуқаролари даромадини, худудий келиб чиқишидан қатъий назар солиққа тортадилар, бошқалари еса солиққа шу штатда олинган даромадни, учинчилари еса унисини ҳам, бунисини ҳам тортадилар.

Штатларда аҳолидан олинадиган даромад солиғининг ставкаси, қоида бўйича федерал даромад солиғининг энг паст ставкасини даражасига ҳам етмайди, маълум даражадаги даромадга қўлланиладиган ставка федерал ставкадан анчагина паст. Ҳар бир штатда солиқ тўловчига солиқ олинмайдиган минимум қўлланилади ва солиқ оила бошлиғига солинса, минимум суммаси икки баробар қўпаяди. Солиқ олинмайдиган минимум қарамоғидаги ҳар бир шахсга берилади. Солиқ олинмайдиган минимумнинг ҳажми штатлар бўйича 900 доллардан (штат Ню-Ёрк) 6000 долларгача (штат Миссисипи) белгилинган. Маҳаллий солиқ солиш тизимининг муҳим хусусияти шундан иборатки, штат ва маҳаллий органларни бюджетига тўланган маҳаллий даромад солиғи солиқ тўловчини федерал даромад солиғи бўйича мажбуриятидан айириб ташланади. Тизимнинг яна бир муҳим томони шундан иборатки, солиқ солинмайдиган минимумни ҳар йили солиқ индексацияси билан боғланади ва солиқ солиш чегараси инфляцияни ҳисобга олган тарзда қайтадан кўрилади. Бу тадбирлар кенг миқёсдаги солиқ тўловчиларни манфаатини қўллаб-куватлайди.

Корпорацияллар фойдасига солинадиган солиқ маҳаллий органлар ҳокимиятини 7,9% солиқ тушумини ташкил қиласиди. Соликларнинг бу тури корхона ва ишлаб чиқаришни, шу жумладан, экологик зарар келтирувчи корхоналарни ушбу штат ва маҳаллий органлар худудида жойлашишига иқтисодий таъсир кўрсатувчи қурол сифатида ишлатилади. АҚШ ни маҳаллий

қонунларига биноан корпорация фойдасига солинадиган солиқ 44 штатда олинади. Солиқ солиш ставкаси АҚШда ўртача 6,0%ни ташкил қилса, Мичиганда 2,35% дан Коннектикутда 11,5% гача боради. Федерация корпорацияга солинадиган солиғи бўйича солиқ мажбуриятини ҳисоблаш жараёнида ундан штат ва маҳаллий органлар бюджетига тўланган фойдага солинадиган солиқ чиқазиб ташланади. Айрим штатларда маҳаллий фойдага солинадиган солиқ бўйича солиқ мажбуриятини ҳисоблаш жараёнида федерал фойдага солинадиган солиқ чегириб ташланади.

Меросдан олинадиган солиқ 36 штатда қўлланади. Мерос берувчи ва меросни оловчиларни бир-бирига қариндошлиқ даражасига қараб солиқ ставкаси табақалаштирилади. Агар хотини, фарзандлари ва ота-оналари меросни олсалар, солиқ ставкаси 1%дан 16% гача қўлланади. Мерос оловчиларни берувчига қариндош бўлмаса ставка 3 дан 30% гача қўлланади. Агар мерос оловчилар синглиси ёки акалари бўлса, юқоридаги ставкаларнинг ўртаси қўлланилади. Мерос бўйича солиқ ставкаси штатлар бўйича ҳам ўзгаради. Масалан, шимолий Каролина штатида, вафот етган кишининг турмуш ўртофи, боласи, ота-оналари олинган меросдан 1дан 12 фоизгача, вафот етган кишига қариндош бўлмаганлардан 8-17 фоизгача олинади (энг юқори ставка 3000 минг доллардан ортиқ бўлган меросга қўлланади). Мен штатида юқоридагига тўғри келадиган ставкалар 5-10% ва 14-18% ни ташкил қиласди. Бу солиқни олишда солиқ олинмайдиган минимум белгиланган. Коннектикут штатида, масалан, мархумни рафиқасидан 300 минг долларгача ва қатор штатларда рафиқаси меросдан олинадиган солиқдан тўлик озод қилинади. Қолган штатларда меросдан олинадиган солиқнинг бошқа хили (тури) ўрнатилган. У егаси вафот етгандан кейин қолдирилган мулкнинг қийматидан олинади. Солиқнинг ҳажми қолдирилган мулкни катта-кичиклигига боғлик, унга қариндошлиқ даражаси таъсир қилмайди (мерос рафиқасига қолдирилгандан ташқари ҳолатларда).

Айнан шу ҳолда, ҳар- хил штатларда солиқ турларидан фойдаланишда катта тафовутлар мавжудлигини еслатиб ўтиш жоиздир. Шундай қилиб, шахсий даромад солиғи ҳамма штатлар бюджетининг асосий даромади бўлиб қолишига қарамай, тўртта штатда шахсий даромад солиғи қўлланилмайди. Шу билан бир қаторда штатлар ўртасида солиқнинг келиб тушиши ва ҳаражатлар бўйича катта тафовутлар мавжуд.

Штат ва маҳаллий органлар даражасида йифиладиган солиқлар доимий равища уларни ҳаражатларини қоплашга яққол етишмайди. Бу етишмовчиликлар қўпчилик ҳолатда маблағларни қайтадан тақсимлаш ёки федерал ҳукуматнинг субсидиялари билан қопланади, қўпчилик ҳолатда 15% дан 20% гача штатларни ва маҳаллий органларни даромадлари федерал бюджетдан олинган маблағлардан ташкил топади. Федерал субсидияга қўшимча равища штатлар ҳам маҳаллий ҳокимият муассасаларига субсидиялар беради. Ҳукуматлараро маблағларни қайта тақсимлашнинг бундай тизими фискал федерализми деб аталади.

Федерал бюджет тақчиллиги тўғрисидаги безовталиклар федерал субсидияларни камайишига, штатлар ва маҳаллий ҳокимиятларни солиқ

ставкаларини күтаришига, янги солиқларни киритиш ва ҳаражатларини камайтиришга мажбур қила бошлади.

## **5.Маҳаллий солиқлар**

Маҳаллий ҳокимият органларини ҳаражатида асосий ўринни маориф ҳаражатлари (40%дан) егаллайди. Ундан кейин фаровонлик, соғлиқни сақлаш, атроф муҳитни муҳофаза қилиш, уй-жой, ижтимоий хавфсизлик ва транспорт ҳаражатлари туради.

АҚШда 83 минг маъмурий бирлик (19 минг муниципалитет, 17 минг шаҳар ўз-ўзини бошқарув органлари, 15 минг мактаб округлари, 29 минг маҳсус туманлар, 3 минг округлар) мавжуд бўлиб, маҳаллий солиқлар таркиби ва ставкаларини АҚШда ва қатор ғарб давлатларида таҳлил қилиш, уларни тўрт гурухга тасниф қилишга имконият беради.

Биринчи гурух – фақат шу ҳудудда йиғиладиган солиқлар. Бунга тўғри ва эгри солиқлар киради.

Тўғри солиқлардан асосийларига мол-мулк солиғи, мерос ва ҳадялардан олинадиган маҳаллий солиқлар киради. Еғри солиқ солиш жуда кўп қиррали ҳисобланади. Еғри солиқлар универсал акцизлар ёки сотищдан олинадиган солиқ, маҳсус акцизлардан иборат. Иккинчи гурух - маҳаллий солиқлар маълум ҳажмда маҳаллий бюджетга ажратиладиган умумдавлат солиқларига устама ҳисобланади. Молиявий мазмуни жиҳатидан бу устама маҳаллий солиқлардан молия ресурсларини йўналтириш шакли бўйича ажралиб туради.

Учинчи гурух - бу транспорт воситалари, томоша, меҳмонхона солиқлари, коммунал йигим ва бошқалардан иборат.

Ню-Ёркда, масалан меҳмонхонада яшаш солиғи 1991 йили яшаш қийматининг 19% ини ташкил қилди. АҚШда истъемол солиқлари таркибида қўйидаги солиқларни белгилаш мумкин: автомашинани рўйҳатга олиш солиғи, автомобилларни турар - жойга қўйиш солиғи, ёқилғига солинадиган акциз, автострадалардан фойдаланганлик учун солиқ. Охирги солиқ штат ва шаҳар бюджетлари ўртасида тақсимланади. Солиқ ставкаси автомобилни оғирлигига қараб белгиланади.

Тўртинчи гурух- маҳаллий солиқлар фискал характерга ега бўлмай, маҳаллий бошқарув органларини сиёсатини аниқлайди. Бу гурухга атроф-муҳитни муҳофаза қилишга қаратилган экология солиғи киради. Ню-Ёркда сув ҳавзаларини нефт доғларидан тозалаш солиғи қўлланилади. Корпорациялар ўз фаолияти натижасида пайдо бўладиган «таваккалчилик» чиқиндилари бўйича ҳам солиқ тўлайдилар. Суюқликларни сақлашга мўлжалланган, иккинчи марта фойдаланилмайдиган идишларни ишлаб чиқарганлиги учун компаниялар маҳсус солиқка тортилади. Бу йерда гап консерва банкалари ва бошқа идишлар тўғрисида бормоқда. Маҳсулот ишлатилгандан кейин идишлар чиқинди сифатида ташланади.

Шундай қилиб, маҳаллий бюджетларда маҳаллий акциз ости солиғи, шахсий даромад солиғи, корпорациялар фойдасига солинадиган солиқ, ижтимоий суғурта фондига ажратмалар, сотищдан олинадиган умумий солиқ, акцизлар, экология солиғи, мерос ва ҳадялардан олинадиган, транспорт

воситаларидан йиғим, мол-мулк солиғи, лицензия ва визалар бериш солиғи ва бошқалар келиб тушади. Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларини (округ, муниципалитет, туман, мактаб тумани) ҳаммасида бюджетни асосий даромадини мол-мулк солиғи ташкил қиласи (75,0%). Қолган солиқлар деярли катта ўринни егалламайдилар.

Саноати ривожланган, мамлакатларда, шу жумладан, Америка Кўшма Штатларида муниципиал даромадлар манбаида энг катта салмоқни қўчмас мулкка солинадиган солиқ егаллайди. Қоида бўйича маҳаллий бюджетлар штатларнинг федерал хукуматидан субсидиялар оладилар. Охирги йиллари лоторея ва бошқа солиқсиз даромадларни салмоғи кўпаймоқда. Бир неча маҳаллий хукуматлар ўзларининг сотишдан олинадиган солиқларини қўллайдилар.

Маҳаллий даражада бирламчи солиқ реал мулкка солинадиган солиқ ҳисобланади. Бу солиқقا асос бўлиб қийматни баҳолаш ҳисобланади. Баҳоланган қиймат билан бозор қиймати ўртасида катта фарқ бўлиши мумкин. Одатда баҳоланган қиймат бозор қийматидан анча паст бўлади.

Мулкка солинадиган солиқ самарали солиқ турларидан бўлиб, қоида бўйича 1-2 % атрофида бўлади. Номинал меъёри реал қиймати тушиши муносабати билан баланд бўлиши ҳам мумкин. Мулк ҳам фойдаланишига қараб таснифланади: уй-жой мулкига, тижорат ва саноат мулкига нисбатан кам солиқ солинади.

Кам мулкка ега бўлган аҳоли қатламига кредит бериш ва солиқ оғирлигини енгиллаштириш мақсадида бир қатор маҳаллий бошқармалар мулкка солинадиган солиқ бўйича низом ишлаб чиқсанлар. Бунга қўшимча равища маҳаллий ҳокимиятлар номоддий мулқдан ҳам солиқ оладилар. Солиқ меъёри тахминан реал (ҳақиқий) мулкка солинадиган ставкаларга тўғри келади.

Асосий маҳаллий солиқ - мол-мулк солиғи алоҳида фуқаролардан ва маҳаллий бошқарув органлари ихтиёридаги манзилларда мулкка ега бўлган корхоналардан олинади. Мол-мулк солиғи ҳам штатлар бюджетига, ҳам маҳаллий орган ҳокимиятлари бюджетига тушади. Агар штатлар бюджетида мол-мулк солиғи умумий солиқ тушумларини 2% ини ташкил қиласа, маҳаллий ҳокимият бюджетида бу солиқ асосий ўринни егаллайди. Мол-мулк солиғига ҳамма қўчмас мулк (йер, ундаги иморат, уй-жой қўшилган ҳолда) ва шаҳар ҳудуди чегарасида фойдаланиш билан боғлиқ бўлган қисман шахсий мулк тортилади (масалан, автомашина ва автомобил тураг жойи).

Солиқ солинадиган мулк қуйидаги туркумларга бўлинади:

1. Кўчмас мулк (йер, иморат, турғун мосламалар);
2. Реал (номоддий) шахсий мулк:

а) даромад олиш учун фойдаланиладиган активлар (ускуналар, машиналар, товар-материал бойликлари, қишлоқ хужалик ускуналари, ҳосил, пода ва бошқалар);

б) уй хўжалигини юритиш мулки (узоқ муҳлат фойдаланадиган товарлар: автомобил, музлатгич, телевизор ва ҳоказо).

3. Номоддий активлар (акциялар, қарз мажбуриятлари, пуллар);

4. Коммунал ва бошқа корхоналарни объектлари ва қурилмалари, темир йўл объектлари.

Штатлар қонунчилигига мол-мулк солиғи солинадиган объектлар олдиндан белгиланиб берилади.

Соликдан қўйидагилар тўлиқ озод қилинади:

1. Федерал ҳукумат, штатлар ҳукумати ва маҳаллий органларнинг мол-мулки;

2. Тижорат мақсадида фойдаланилмайдиган, хизмат соҳасида фойда олмайдиган ташкилотлар, ҳайрия ва диний муассасаларнинг мулки, меҳнат уюшмалари, фермер бирлашмалари, ветеранлар бирлашмалари.

Мол-мулк солиғидан 4 штатда шахсий мулк озод қилинади. Номоддий активлар (акция, қарз мажбуриятлари, пул) 36 штатда озод қилинган. Штатлар хазинасини 4/5 қисмини шу соликдан тушумлар ташкил етади. Ҳозирги вақтда бу солиқни солиш базаси чегараланиб бориш хусусиятига ега. Солиқ солинадиган база сифатида қўчмас мулклар, ишчи ускуналар, товар-моддий бойликларининг заҳиралари ва ҳар хил объект ва қурилмалар олинади. Ҳудудда жойлашган корхона ва одамлар «дифференциал рента»дан фойдалланганлиги учун мол-мулк солиғини шаҳарга товон (ўрнини тўлдириш) тариқасида ўтказади.

Мол-мулк солиғи солиқ базасидан маълум фоиз ҳажмида аниқланади. Солиқ базаси солиқ солинадиган мол-мулкни баҳоланган қиймати ҳисобланади. Бу қиймат бозор қийматидан белгиланган меъёр пропорциясида (мутаносибликда) аниқланади. Баҳолаш икки-уч йилда бир марта амалга оширилади. Баҳолаш жараёнида мол-мулкнинг емирилиши ва шу вақтнинг ўзида бозорда юзага келадиган баҳо ҳисобга олинади. АҚШда мол-мулкни баҳолаш қиймати XX асрнинг тўқсонинчи йилларида бозор баҳосининг 30-40% даражасида бўлиб, доимий ошиб бориш характеристига ега бўлган ва бозор баҳосига яқинлашиб борган. Шундай қилиб, маҳаллий ҳокимият солиқ ставкаси, солиқ солинадиган мулкнинг бозор баҳосига нисбатан баҳоланган қийматини ўзгартириш орқали маҳаллий бюджет тушумига таъсир кўрсатиши мумкин. Солиқ базасининг хусусияти маҳаллий ҳокимиятни қўчмас мол-мулкни кўпайтиришга қизиқтиради ва бу ўз навбатида маҳаллий бюджетта тушумлар ҳажмини оширишга олиб келади.

Шаҳарларни ва бошқа турар жойларни ободонлаштириш, кўп ҳолларда, уй-жой қийматини белгилаш, янги корхоналар (коида бўйича атроф мухитни ифлосламайдиган) ни, фирмаларни жалб қилиш, уларга керакли инфратузилмани олдиндан яратиш, кадрлар тайёрлаш масаласини ечиш ва бошқа юқоридаги мақсадларга жавоб беради. Маҳаллий бюджетнинг молиявий асоси бўлган мол-мулк солиғи ўзининг афзалликлари билан бир қаторда, мухим камчилакларга ҳам ега. Унинг афзаллиги-ўзининг моддий базаси- йер ва унда бунёд қилинган қурилишларга таянади. Ўз навбатида, бу маҳаллий ҳокимиятга мустақил молия сиёсати олиб боришга, ўзини-ўзи молиялаштиришга керакли шароит яратиб беради.

Мол-мулк солиғининг камчилиги, унинг регрессив солиқлигидадир. Бошқача қилиб айтганда, уни тұлашда моддий имконият билан боғлиқ емаслиги ва уни олишни қийинлиги, еластик емаслиги, солиқ автоматик равища да керакли тезлиқда иқтисодий үсишга жавоб бермаслигидир.

Күпчилик иқтисодчилар иморатдан олинадиган мол-мулк солиғининг регрессивлиги, сотишдан олинадиган солиқ сабабига асосланған, деб ҳисоблайдилар. Бириңчидан, мулк егаси үзининг солиғини квартира тұловига құшади. Иккінчидан, мол-мулк солиғи даромад суммасыға нисбатан фоиз ҳисобида бойларга нисбатан камбағаллар учун анчагина юқори, чунки камбағаллар үзларининг даромадларини талайгина қисмини уй-жой учун сарфлашга мажбурдирлар. Тахмин қилинады, мол-мулк солиғини регрессивлиги яна шу сабаб билан ошадыки, мол-мулк солиғини ставкаси ҳар хил ҳудудларда турлича белгиланади. Масалан, шаҳарни марказий ҳудудларида, унинг пасайиши, заифлашиши натижасыда мулкнинг қиймати тушиб кеңе, керакли солиқ тушумини таъминлаш учун унинг ставкасини күтаришга тұғри келади. Шу билан бир қаторда үсіб, гуллаб бораёттан шаҳарни атрофида, чеккаларидан, уй-жойнинг бозор қиймати ошиб боради. Шунинг учун керакли солиқ тушумини таъминлаш учун, унинг паст ставкасини сақлаб, үзгартырмай қолдирса ҳам бўлади. Айрим тадқиқотлар шуни кўрсатдик, ички ялпи маҳсулот 1% га кўтарилса, фуқаролардан олинадиган даромад солиқ 1,7 ва корпорациялардан олинадиган солиқ 1,2 % ортмоқда. Шу билан бир қаторда мол-мулк солиғи 1% дан камроқ сотишдан олинадиган солиқ еса –0,7% ни ташкил қиласяпти. Айрим ҳисоб-китобларга қараганда мол-мулк солиғидан тушумлар ҳозирги вақтда мулкни бозор қийматини үсишидан анча орқада қолмоқда.

Шундай қилиб, АҚШни солиқ тизими, давлат тузилишига асосланған бўлиб, үзининг қўп қирралиги, мураккаблиги ва қўп даражали таркиби билан ажralиб турган ҳолда тұлық мамлакат иқтисодининг үсишига самарали таъсир қўрсатади.

## **КАНАДА СОЛИҚ ТИЗИМИ**

*Режса:*

6. Канадада солиқ солиши тизими
7. Корпорацияларда даромад (фойда) га солинадиган солиқ
8. Сотишга солинадиган солиқ. Аҳолига солинадиган солиқлар.
9. Кооперативларга солинадиган солиқлар
10. Декларацияни тұғри тұлғазилғанлигини давлат томонидан баҳоланиши, солиқ органлари харакатини назорат қилиш ва улар устидан арз қилиш тартиби

### **3. Канадада солиқ солиши тизими**

Канада даромад солиғи бўйича биринчи ҳарбий қонун 1917 йили киритилган еди. Бу солиқни вақтингча амалда бўладиган тадбир деб ҳисоблаб, унинг маблағини биринчи жаҳон урушида қатнашганлиги учун ҳарбий ҳаражатларни қоплашга йўналтирилган. Бу қонун жуда ҳам кичик ҳажмда бўлиб ўн бетлик қофозга жойлашган еди. 1948 йили Канадада даромад солиғи тұғрисида

янги қонун қабул қилинди. 1962 йили даромад солиғи соҳасида йирик ислоҳотлар ўтказилди. 1971 йили даромад солиғи тўғрисидаги қонунга кенг миқёсда ўзгартишлар киритилди. 1981 йилги давлат бюджети тўғрисидаги ҳужжатда давлат дастури берилган ва унда солиқ солиш соҳасида йирик ислоҳот ўтказиш кўрсатилган еди. 1988 йили парламент томонидан ислоҳотнинг биринчи босқичи қўриб чиқилди ва унда даромад солиқларига тегишли масалалар муҳокама қилинди.

Бу ислоҳот ўзининг асосий белгилари бўйича асосан АҚШнинг 1986 йилги солиқ ислоҳотини қайтарди. Ислоҳот даврида солиқнинг асосий базаси кенгайтирилди, солиқ ставкаси пасайтирилди ва иқтисоднинг ҳар хил тармоқлари бўйича солиқ юки тартибга солинди.

Канада хукумати томонидан солиқ тизими олдига қуйидаги вазифалар қўйилди:

Давлат бюджетига молиявий ресурсларни тушишини таъминлаш;

ижтимоий соҳани молиялаштириш;

даромадларни қайта тақсимлашни амалга ошириш;

аҳолининг noctor қисми даромадини ўсишига кўмаклашиш; · мамлакатда иқтисодий конъюктурани барқарорлаштириш; · иқтисодий ўсишни юқори даражасини таъминлаш.

Провинция, худудлар	Асосий ставка		Федерал-провинциал ставка	
	Даромад солиғи	Фойдага солинадиган солиқ	Даромад солиғи	Фойдага солинадиган солиқ
Nyufaundlend	21,0	14,0	52,3	43,12
Yangi Shotlandiya	19,0	16,0	50,3	45,12
Prints Eduard Orolı	19,0	15,0	50,3	44,12
Nyu-Bransunk	20,1	17,0	51,4	46,12
Kvebek	21,6	8,9-16,2	52,0	38,0-45,0
Ontario	21,6	15,5	52,9	44,6
Manitoba	19,1	17,0	50,4	46,1
Saskachevan	20,6	17,0	51,9	46,1
Alberta	14,8	15,5	46,1	44,6
Britaniya Kolumbiyası	22,9	16,5	54,2	45,6
Yukon	15,3	15,0	46,6	44,1
Shimoliy-g'arbiy xududlar	13,0	14,0	44,4	43,1

#### 4. Корпорацияларда даромад (фойда) га солинадиган солиқ

Даромад (фойда)га солинадиган солиқни ставкаларини ҳисоби қуйидаги мақсадларга йўналтирилган:

АҚШни солиқ даражасига қараб, Канадада корпорацияларни солиққа тортишда баравар шароит яратиш Канадани қайта ишлаш саноатида чет ел капиталини салмоғи 40% га яқин ва нефт қазиб олиш, ҳамда нефтни қайта ишлаш саноатида 70% дан күпроғини ташкил қилишига олиб келди.

Кичик бизнесни ривожланишини рағбатлантириш (кatta бўлмаган фирмалар, бир йиллик даромади 200 минг долларгача ва ишда банд одамларининг сони 100 кишигача бўлган).

Ялпи даромаддан айрим ҳаражатларни чегириб ташлаш ва солиқ кредити услублари кенг ишлатилади:

- янги нефт қудуқлари ишга туширилган жойда аренда тўловларидан 3 дан 5 йилгача озод қилинади;
- аренда тўловини кейинги даврга ўтказиш;
- аренда тўлови фоизини пасайтириш;
- янги қазилма бойликларини қазиш, ўзлаштириш учун паст ставка билан ёки фоизсиз давлат кредити бериш;
- тижорат банкларида кредитни давлат гарантиясини бериш;
- маълум мақсадга (илмий тадқиқот, ускуна, кадрлар тайёрлаш) қайтиб беришлиқ, қайтиб бермаслик шарти билан тўғридан-тўғри давлат субсидиясини бериш ёки компенсация хусусида субсидия бериш;
- илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларни давлат томонидан молиялаштириш;
- илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлар ҳаражатларини 100 дан 135% гача даромаддан чиқазиб ташлаш ёки солиқ кредити бериш (қазилма бойликларни қидириш ҳаражати учун ҳам шу тартиб қўлланади);
- капитал ҳаражатларни ИТТКИ (НИОКР) ҳаражатларига биринчи йил ҳисобидан чиқариб қўшиш;
- амортизацияни қолдик қиймати бўйича олиш (камайиб борадиган баланс);
- тезлаштирилган амортизация;
- солиқ тўлаш муҳлатини узайтириш;
- келгуси йиллари солиқ скидкасини ҳисобга ўтказиш (агар фойда 0 га баробар бўлса);
- давлат билан биргаликда мулк шаклини тузиш;
- акционер компанияда акциясини сотиб олиш билан қатнашиш;
- бошқалар (вақтинча преферансцион акциялар, ундан олинган даромад солиққа тортилмайди. Қисман ва тўлиқ инфраструктура ҳаражатини қоплаш);
- экспорт қилинадиган маҳсулот солиққа тортилмайди.

### **3. Сотишга солинадиган солиқ**

Солиқни тўловчи-истеъмолчи 7%ли ставка билан тўлайди. Товарларни сотиб олганда ёки меҳмонхонада яшаганлиги учун тўловни берганда, кимёвий тозалаш, сартарошхона, фотоателе ва шунга ўхшашлар, прейскурантда

қўрсатилган баҳога яна 7%ли солиқ қўшадилар. Товар чеклари ёки квитанцияларда хизмат учун солиқ алоҳида қаторда қўрсатилади.

Акциз солиқларини олиш ҳам федерал ҳукумат зиммасига юклатилган. Канадада ушбу солиқ енг қадимий солиқларга киради. Асосий акциз солинадиган товарларга бензин, алкогол ичимликлар, чекиш маҳсулотлари киради. Бензинга солинадиган солиқ (автомобилни рўйхатдан ўтказишида олинадиган лицензия йифими) провинцияларда зарурият бўлган давларда қўлланилди.

#### **4. Аҳолига солинадиган солиқлар**

##### *Аҳолини даромадига солинадиган солиқ*

- Солиқ солинадиган обьектлардан асосийси бири даромад ҳисобланади. Даромад тушунчаси даромад солиги тўғрисидаги қонунда қўрсатилмаган. Амалиётда ялпи даромаддан, даромад олиш билан боғлиқ бўлган ҳаражатларни чиқазиб ташланади. Бунга натурал даромадлар ҳам қўшилади (масалан, фирмани автомобилидан фойдаланиш)

- Келиб тушиш тартиби: Даромад сифатида келиб тушган пул емас, ҳисобланган сумма олинади.

- Солиқни қўйидагилар тўлайди: Канадада яшовчи, Канадада ишловчи, Канадада бизнес билан шуғулланувчи, Канададаги мулкка рухсат берувчи шахслар.

- Мамлакатда йил давомида яшовчини ҳамма даромади (чет елдан олгани қўшилиб) соликқа тортилади. Мамлакатда йилни маълум даврида яшайдиган шахсни умумий даромади соликқа тортилади. (Лекин фақат яшаган даврига.) Норезидентларни фақат Канадада олган даромадлари соликқа тортилади.

- Фуқароларни даромадларини икки марта соликқа тортмаслик учун, бошқа мамлакатлар билан битимлар тузилган.

- Даромадга ҳар хил манбалардан келган тушумлар киради:

- Ёлланиб ишловчи шахс даромади: иш ҳаки

- Тадбиркорлик билан шуғулланувчи шахс даромади: фойда

- Ижарага берилган мулқдан олинган даромад; ИВ. Инвестициядан олинган даромад:

- фоизлар, дивиденdlар

- Капитални (сармояни) ўсишидан олинган даромад

- инвестицияга мўлжалланган буюмларни қайтадан сотишдан олинган

- фойдани 2/3 қисми соликқа тортилади.

- Бошқа даромад турлари:

- нафақа, дотация, кундалик ҳаражатга ажратилган маблағ ва бошқалар.

##### **Провинциал солиқларни ставкалари:**

<b>Nyufaundlend</b>	<b>60</b>
<b>Shaxzoda Edvard Aylend oroli</b>	<b>57</b>
<b>Yangi Shotlandiya</b>	<b>56,5</b>

<b>Nyu Brasuik</b>	60
<b>Ontario</b>	51
<b>Manitoba</b>	54
<b>Saskechevan</b>	60
<b>Alberti</b>	46,5
<b>Britaniya Kolumbiyasi</b>	51,5
<b>Shimoliy-G'arbiy hududlar</b>	43
<b>Yukon</b>	45

## **7. Кооперативларга солинадиган солиқлар**

Кооператив фойдага солинадиган солиқни тўлдириш мақсадида тақсимланмаган фойда юзасидан тўлайди. Кооперативларни солиққа тортишда катта суммалардан ҳоҳлаганини олади:

- а) кооператив аъзоларига хизмат қилишдан олинган фойда;
- б) тўлдириш учун тақсимланмаган фойда.

Умумий солиқ ҳоҳлаган катта суммадан 47,5% олинади. Ҳар бир кооператив аъзосини шахсий рақами мавжуд ва сотиб олишда компьютерда у рўйхатга олинади. Фермерлар бошқа хусусий шахслар каби солиққа тортилади. Лекин уларга нисбатан алоҳида қоида ҳам бор. Даромад, бошқаларга ўхшаб, уни олиш ҳуқуқи юзага келганда емас, ҳақиқий йил давомида келиб тушган сумма ҳисобланади.

## **8. Декларацияни тўғри тўлғазилганлигини давлат томонидан баҳоланиши, солиқ органлари харакатини назорат қилиш ва улар устидан арз қилиш тартиби**

Солиқ декларацияси солиқ тўловчи томонидан мустақил тўлдирилади ва келгуси календар йилни 30 апрелигача топширилиши зарур. Солиқ органлари танлов асосида декларацияни тўғри тўлдирганлигини текширади ва ундаги маълумотларни ҳақиқийлигига эътиборни қаратади. Улар бухгалтерия китобларини кўриш ва ревизия ўтқазиш ҳуқуқларига ҳам егалар. Бунинг натижасида давлат органлари томонидан ҳисобланган солиқ суммалари, солиқ тўловчидан олинган маълумотлардан фарқ қилиши мумкин. Шунда келишмовчилик юзага келса, солиқ тўловчи ҳуқуматни баҳолашидан норози бўлса, давлат органларини баҳолашини нотўғрилигини тасдиқлаб бериши керак.

### **Назорат учун саволлар**

1. Солиққа тортиш муносабатларида ҳалқаро ҳамкорлик деганда нимани тушунасиз?
2. Чет эллик жисмоний шахсларга солиқ солишнинг қандай хусусиятлари мавжуд?

3. Норезидент корхоналарни солиққа тортиш тартиби қандай?
4. Солиққа тортишда резиден ва норезидент тушунчасига таъриф беринг?
5. Икки ёқлама солиққа тортиш ва уни олдини олиш деганда нимани тушунасиз?
6. Солиққа тортиш муносабатларида доимий муассаса тушунчасига таъриф беринг?
7. Солиққа тортиш муносабатларида халқаро шартномалар ва уларга амал қилиш шартлари қандай?
8. Иккиёқлама солиққа тортиш тушунчасини изоҳлаб беринг.

## Фойдаланилган адабиётлар

32. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
33. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
34. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
35. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
36. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.
37. Гадоев Э, Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2019. - 336 б
38. Гадоев Э. ва бошқалар. Билвосита солиқлар: ҚҚС, Акциз солиғи. Ўкув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 328 бет.
39. Гадоев Э. ва бошқалар. Фойда солиғи. Ўкув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 408 б.
40. Гадоев Э. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 стр.
41. Гадоев Э.Ф. Налог на доходы физических лиц. Учебное пособие -Т.: Норма, 2011. - 312 стр.
42. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
43. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
44. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
45. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўкув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
46. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўкув қўлланма.

- Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.
47. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
48. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
49. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
50. С.Худойқулов, Ш.Бабаев. Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт. 2019.-305 б.
51. Санакулова Б. Кичик бизнес ва тадбиркорликни соликка тортиш. Ўқув қўлланма. -Т.: Ношир, 2012. - 236 б.
52. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvssu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
53. Ўзбекистон Солиқ тизими Мустақиллик йилларида. Расмий нашр. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2011. – 150 б.
54. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
55. Alimardanov M., Xudoyqulov S., Yusupov O., Agzamov A. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. Darslik.-Т.: «Cho'lpon nomidagi NMIU», 2014. -218 bet.
56. Djurayeva K. Soliq tizimida dasturiy mahsullar. 2-qism “Soliq inspektorining avtomatlashtirilgan ish joyi – yuridik shaxslar” dasturiy majmuasi. O‘quv qo‘llanma. -Т.: El\_press, 2013. -141 b.
57. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
58. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
59. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
60. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
61. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
62. Vahobov.A.V, Jo`rayev.A.S. Soliq va soliqqa tortish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-408 b.

### **Интернет сайлар:**

1. [www.soliq.uz](http://www.soliq.uz)
2. [www.mf.uz](http://www.mf.uz)
3. [www.stat.uz](http://www.stat.uz)
4. [www.norma.uz](http://www.norma.uz)
5. [www.lex.uz](http://www.lex.uz)

**V. КЕЙСЛАР БАНКИ**

**БИРИНЧИ НАМУНА.**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ  
ВАЗИРЛИГИ**

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**“Солиқлар сиёсатининг асосий йўналишлари” ўқув курсининг  
“Оилавий тадбирокрликни ривожалантиришда солиқ имтиёзлари ва  
енгилликларни тадбиқ этилиши” мавзуси бўйича тайёрланган**

**КЕЙС- СТАДИ**

**Кейс: “Mening oilam” оилавий корхонада фаолиятини  
ривожалантиришда солиқ имтиёзлари ва енгилликларни тадбиқ  
етилиши ўрганиш .**

**Тошкент – 2020**

## I.КЕЙС

### Оилавий тадбиркорликни ривожалантиришда солиқ имтиёзлари ва енгилликларни тадбиқ этилиши

#### ПЕДАГОГИК АННОТАЦИЯ

*Ўқув предмети:* «Солиқлар ва солиққа тортиш».

*Мавзу:* «Оилавий тадбиркорликни солиққа тортиш».

**Ушбу кейснинг мақсади:** Ўзбекистон Республикасида оилавий тадбиркорликка қулай шарт-шароитлар яратишида солиқ имтиёзлари ва енгилликларни қўллаш орқали аҳолининг тадбиркорликка ундаш масалалари.

Режалаштириладиган ўқув натижалари:

- оилавий тадбиркорлик фаолиятига оид солиқ меъёрий ҳужжатларни рўйхатини шакллантиради ва оилавий тадбиркорликни ташкил этилиш босқичларини ўзлаштириш;

- оилавий тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда солиқ тўловларидан ташқари қўшимча берилган енгилликлар оид маълумотларни таҳлил қилиш ва солиқ базасини ҳисоблаш механизмини ҳисоб-китобини амалга оширишда малакаларини орттириш;

- мустақил тарзда қарор қабул қилиш малакаларини эгаллаш.

Талабалар ушбу кейсни муваффақиятли ҳал этиш учун оилавий тадбиркорлик фаолияти учун берилган солиқ имтиёз турлари, уларнинг қўлланилиши хусусиятлари ва қўшимча қулийликларга оид маълумотларни таҳлил қилиш ва солиқ базасини ҳисоблаш механизмини ҳисоб-китобини амалга оширишда нисбатан мавжуд ёндашувлар хақидаги билимларга эга бўлишлари лозим.

Ушбу кейс реал институционал тизим фаолиятини акс эттиради. Кейс

объекти –

Оилавий корхона шаклидаги юридик шахс ёки якка тардибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жимоний шахс.

#### *Ахборот манбалари:*

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сон Қонуни, Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарори;

- Давлат хизматлари шаклидаги «Ягона дарча» марказлари маълумотлари;

- Оилавий корхона ва якка тартибдаги тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи жисмоний шахсларнинг 2016-2017 йиллардаги иш фаолиятининг асосий кўрсаткичлари хақидаги йиллик ҳисботлари.

Кейснинг ўзига хос белгиларига кўра тавсифномаси:

Кейс ҳаётий, сюжетсиз кейслар категориясига киради ва статистик материаллар асосида тузилади. Кейс қисқа, тузилмаланган. Бу кейс-топшириқдир.

Кейс дидактик мақсадларига кўра вазият субъектини ривожлантиришнинг янги стратегиялари ва йўлларини ишлаб чиқишига рағбатлантирадиган кейслар тоифасига киради.

Кейс электрон версияда тақдим этилган.

Кейсдан қуидаги ўқув предметларини ўқитиш жараёнида фойдаланиш мумкин: «Солиқлар ва солиқقا тортиш», «Солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш», «Юридик шахсларни солиқقا тортиш» ва «Жисмоний шахсларни солиқقا тортиш».

### **3.2.ТАЛАБАГА УСЛУБИЙ КЎРСАТМАЛАР**

Кейс услугий паспортининг мазкур компоненти қуидагиларни ўз ичига олади:

- кейсдаги муаммо ва кичик муаммолар ифодаси (агар кейс муаммони излаш ва ҳал этишига ўргатадиган кейслар тоифасига кирмайдиган бўлса);
- муаммо ечими алгоритми (ушбу элементнинг бўлишини ўқитувчи – кейсолог белгилайди);
- ўқув-услубий материаллар: ҳисоб-китоблар қоидалари ва формулалари, услублар ва русумлар баёни ва бошқалар (кейсологнинг фикрига қараб).
- муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилиш вараги ёки муаммоли вазиятни таҳлил этиш ва ҳал қилишига доир йўриқнома;
- кейс билан индивидуал ва гурӯҳ бўлиб ишлашни баҳолаш мезонлари ва кўрсатичлари;

## **КЕЙС СТАДИ**

### **Имтиёзлар – оилавий тадбиркорлик учун мадад**

Мазкур материалда барча тоифадаги корхоналар, шунингдек айирим фаолият соҳалари корхоналари учун белгиланган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўйича имтиёзлар келтирилган.

Мамлакатимиз мустақилликка эришиши биланоқ, бозор иқтисодиётининг асосий негизларидан бўлган хусусий мулк ҳуқуқини мустаҳкамлаш, унинг дахлизлиги ва ишончли ҳуқуқий ҳимоясини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган миллий қонунчилик базаси яратилди. Жумладан, “Ўзбекистон Республикасида мулкчилик тўғрисида”ги, “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулқдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, “Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида”ги, **“Оилавий тадбиркорлик тўғрисида”ги**, “Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги қонунлар ва бошқа норматив-ҳуқуқий хужжатлар қабул қилиниб, мазкур соҳани тартибга солишда, ривожлантиришда ва албатта мулқдорлар ва тадбиркорлар ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этмоқда. Шу билан бирга, мамлакатимиз иқтисодиётининг барқарор ривожланишига, мулқдорлар синфининг шаклланишига, хусусий мулк ҳимояси ва дахлизлиги, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини юритишига ҳуқуқий кафолатлар мустаҳкамланмоқда.

Кичик бизнес ва тадбиркорликни кенгайтириш учун бизнеснинг янги ташкилий-хуқуқий шакли сифатида оилавий бизнеснинг хуқуқий асослари яратилди. Ўзбекистон Республикасининг "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Қонуни

З-моддасида белгиланганидек, оилавий тадбиркорлик оила аъзолари томонидан таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги остида даромад (фойда) олиш мақсадида амалга ошириладиган ташаббускорлик фаолияти ҳисобланиб, ўз иштирокчиларининг ихтиёрийлигига асосланади ҳамда юридик шахс ташкил этган ёки ташкил этмаган ҳолда амалга оширилиши мумкин.

**"Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"** ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг қабул қилингани туфайли, ҳеч шубҳасиз, юртимизда оилавий бизнеснинг хуқуқий кафолатларини кучайтириш, иқтисодиётнинг турли соҳаларида унинг жадал ва кенг ривожланиши ва янги иш ўринларининг очилишига қулай имкониятлар яратиб берилганини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Хусусан:

- Президентимизнинг 2017 йил 31 январда ПҚ-2746-сон "Кичик ва хусусий тадбиркорликни микрокредитлаш тизимини янада кенгайтириш ва соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори қабул қилинди.

Ушбу қарорга кўра, Тошкент шаҳрида кичик ва хусусий тадбиркорлик субъектлари учун микрокредитлашнинг янги схемасини жорий этилди ва ўрта маҳсус, қасб-хунар ва олий таълим муассасалари битирувчилари, муддатли ҳарбий хизматдан қайтган жисмоний шахслар, меҳнат органларида рўйхатга олинган банд бўлмаган фуқаролар, **оилавий ва хусусий тадбиркорлик билан шугулланаётган аҳоли**, шунингдек, фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тавсияномалари бўйича ишга жойлашишга эҳтиёжманд бўлган бошқа шахслар микрокредитлаш учун қамраб олинадиган шахслар орасида устувор контингентлар сифатида эътироф этилди.

- Президентимизнинг 2017 йил 17 мартағи ПҚ-2844-сон "Тадбиркорлик субъектлари ва кенг аҳоли қатламига микрокредитлар ажратиш тизимини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарорига асосан тадбиркорлик субъектлари ва барча аҳоли қатламининг имтиёзли микрокредитлардан кенг фойдаланишини таъминлаш, шунингдек, якка тартибдаги меҳнат фаолиятини рағбатлантириш орқали аҳоли бандлигини янада ошириш мақсадидаянги рўйхатдан ўтган юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва **оилавий тадбиркорлик субъектларига фаолиятини** амалга ошириш учун олинган товарларни гаров сифатида ҳисобга олган ҳолда энг кам иш ҳақининг **20 баробаригача миқдорда микрокредитлар ажратиши**, янги давлат рўйхатидан ўтган юридик шахс ташкил этмаган якка тартибдаги тадбиркорлар ва оилавий тадбиркорларга тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун энг кам иш ҳақининг 60 баробаригача миқдорда микрокредитлар кредитлашга оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган таъминот турлари билан бир қаторда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг кафиллиги асосида ажратиши кенгайтириш белгиланди.

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий

тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сонли Қонунда белгиланган оилавий корхоналарга солиқ солишининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиқиб, бир қатор қонун ва қонун ости ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Хусусан, Солиқ кодексининг 176 ва 179-моддаларига киритилган ўзгартиришга асосан солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин **оилавий корхона иштирокчиси** ихтиёрида қоладиган фойда суммаси жисмоний шахсларнинг мулкий даромадлари таркибига киритилади ва **жисмоний шахсларнинг даромади сифатида солиқка тортимлайди**. Шунингдек, 351-моддасига киритилган ўзгартириш билан оилавий корхоналар солиқ солишининг бошқа тартибини танлаш ҳуқуқисиз, ягона солиқ тўловини тўловчилари ҳисобланиши белгилаб қўйилди.

- Ўзбекистон Республикасининг 2012 йил 26 апрелдаги «Оилавий тадбиркорлик тўғрисида»ги ЎРҚ-327-сон қонунининг 28-моддасида оилавий корхона туар жойдан бир вақтнинг ўзида унда истиқомат қилган ҳолда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, коммунал инфратузилма хизматлари (электр энергияси, сув таъминоти, канализация, газ таъминоти ва иссиқлик таъминоти) ҳақини тўлаш **аҳоли учун белгиланган тарифлар бўйича** ва шартлар асосида амалга оширилиши кўрсатилган.

### **Оилавий корхонани ташкил этиш ва унга солиқ солиш тартиби ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТМАГАН ҲОЛДА**

Юридик шахс ташкил этмаган ҳолда ташкил этиладиган оилавий тадбиркорлик фаолияти **Юридик шахс ташкил этмасдан оилавий тадбиркорликни ва ҳунармандчилик фаолиятини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда** (рўйхат рақами 216, 2009 йил 29 июль, кейинги ўринларда – Низом) белгиланган тартиб асосида амалга оширилади.

**Оилавий тадбиркорлик** – эр-хотин томонидан уларга биргаликдаги умумий мулк ҳуқуқи билан тегишли бўлган уларнинг умумий мулки негизида амалга ошириладиган ҳамда эр-хотиннинг ва уларга ёрдам берувчи оила аъзоларининг шахсий меҳнатига асосланган, юридик шахс бўлмаган жисмоний шахсларнинг биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятидир.

**Оила аъзолари** – эр-хотин, ота-оналар ёки фарзандликка олувчилар ҳамда 15 ёшдан ошган, шу жумладан, фарзандликка олинган болалардир.

Оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказишида **якка тартибдаги тадбиркорни** давлат рўйхатидан ўтказиш тўғрисида белгиланган намунаидаги гувоҳнома берилади, унда якка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек биргаликдаги тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи оила аъзолари кўрсатилади (Низомнинг 4-банди).

Бундан ташқари, оилавий тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштиришда оилавий тадбиркорлик субъекти номидан эр-хотиндан бири улардан биттасининг нотариал тасдиқланган розилигига кўра иш кўради.

Низомнинг 8-бандига мувофиқ, оилавий тадбиркорлик субъектлари томонидан доимий ходимлар ёллашга йўл қўйилмайди. Истисно ҳолларда оилавий тадбиркорликни амалга оширишда вақтингча бир марталик ишларни амалга ошириш учун оила аъзолари ҳисобланмайдиган фуқароларнинг жалб этилишига йўл қўйилади.

### **ЮРИДИК ШАХС ТАШКИЛ ЭТГАН ҲОЛДА**

**Юридик шахс ташкил этган ҳолда** амалга ошириладиган оилавий тадбиркорликнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли **оилавий корхонадир**. Оилавий корхона унинг иштирокчилари томонидан товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) ва реализация қилишни амалга ошириш учун ихтиёрий асосда, оилавий корхона иштирокчиларининг улушли ёки биргаликдаги мулкида бўлган умумий мол-мулк, шунингдек оилавий корхона иштирокчиларидан ҳар бирининг мол-мулки негизида ташкил этиладиган кичик тадбиркорлик субъектидир. Оилавий корхона фаолияти унинг иштирокчиларининг шахсий меҳнатига асосланади.

**Оилавий корхона фаолиятни фақат юридик шахс ташкил этган ҳолда амалга ошириши мумкин** (Қонуннинг 4-моддаси). Оилавий корхона ўз мулкида алоҳида мол-мулкка эга бўлиши, ўз номидан мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқларни олиши ҳамда амалга ошириши, зиммасига мажбуриятлар олиши, судда даъвогар ва жавобгар бўлиши мумкин.

Оилавий корхона иштирокчилари корхона мол-мулки етарли бўлмаганда оилавий корхонанинг мажбуриятлари бўйича ўзига тегишли мол-мулк билан қонун ҳужжатларига мувофиқ субсидиар жавобгар бўлади.

**Оилавий корхона қонун ҳужжатларига мувофиқ ходимларни ёллашни амалга ошириши мумкин.**

Оилавий корхона иштирокчиларининг ва унинг ёлланма ходимларининг умумий сони кичик тадбиркорлик субъектлари ходимларининг қонун ҳужжатларида белгиланган ўртacha йиллик сонидан кўп бўлиши мумкин эмас. Бунда оилавий корхона иштирокчиларининг энг кам сони икки кишидан оз бўлмаслиги керак.

Оила бошлиғи, унинг хотини (эри), болалари ва набиралари, ота-онаси, меҳнатга қобилиятли ёшга тўлган бошқа қариндошлари (болалари ва набираларининг эрлари (хотинлари), туғишган ҳамда ўгай ака-ука ва опасингиллари, уларнинг эрлари (хотинлари) ҳамда болалари, тоға ва амаки ҳамда амма ва холалари) оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин. Эътибор беринг, бунда **фақат муомалага лаёқатли шахслар** оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин (Қонуннинг 5-моддаси).

Давлат органларининг мансабдор шахслари, шунингдек қонун ҳужжатларида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиши тақиқланган бошқа шахслар оилавий корхона иштирокчилари бўлиши мумкин эмас.

**Бир оилавий корхона иштирокчиси бир вақтнинг ўзида бошқа оилавий корхона иштирокчиси бўлиши мумкин эмас.**

Юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро муносабатларда оилавий корхона номидан унинг бошлиғи иш кўради.

Оилавий корхона иштирокчиларидан бири унинг бошлиғи бўлиши мумкин, унга оилавий корхонанинг барча иштирокчилари бир овоздан иш муомаласида ўз номларидан иштирок этиш ҳуқуқини беради (Қонуннинг 6-моддаси).

Қонуннинг 16-моддасига мувофиқ, оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида ёки бошқа қонуний асосда тегишли бўлган турар жойлар ва яшаш учун мўлжалланмаган жойлар, шу жумладан, ишлаб чиқариш, хўжалик бинолари ва бошқа иморатлар оилавий корхона фаолияти амалга ошириладиган жойдир.

Оилавий корхона иштирокчиларига мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган турар жойларни улардан оилавий корхона фаолиятида фойдаланиш мақсадида яшаш учун мўлжалланмаган жойларга айлантириш талаб қилинмайди, бундан фаолиятнинг айрим турлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллар мустасно.

## **ОИЛАВИЙ КОРХОНАГА СОЛИҚ СОЛИШ**

Оилавий корхона Қонуннинг 26-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 351-моддасига асосан белгиланадиган тартибда ягона солиқ тўлови тўловчисидир.

Оилавий корхонанинг фойдаси солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўланганидан кейин унинг иштирокчилари тасарруфига ўтади ҳамда унга солиқ солинмайди.

Оилавий корхона меҳнат ҳақи фондидан ижтимоий фондларга қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда мажбурий тўловлар тўлайди. Оилавий корхона ўзи ишлаб чиқарган халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъати буюмларини реализация қилишдан олинган тушум бўйича ягона солиқ тўловини тўлашдан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда озод этилади. Бундай буюмларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 мартағи ПФ-3588-сонли Фармони билан тасдиқланган.

Оилавий корхонага кичик тадбиркорлик субъектлари учун қонун ҳужжатларида назарда тутилган имтиёзлар, преференциялар ва кафолатлар татбиқ этилади.

## **МОЛ-МУЛК СОЛИФИ**

Солиқ кодексининг 276-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ, жисмоний шахс ёки оилавий корхона турар жойидан унда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, унга **мол-мулк солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади**.

## **ЕР СОЛИФИ**

Жисмоний шахс ёки оилавий корхона ер участкасидан унда жойлашган уйда истиқомат қилиш билан бир вақтда товарлар ишлаб чиқариш (ишлар бажариш, хизматлар кўрсатиш) учун фойдаланган тақдирда, **ер солиғи жисмоний шахслар учун белгиланган ставка бўйича тўланади** (Солиқ кодексининг 291-моддаси иккинчи қисми).

### **Кейс стадига оид саволлар:**

1. Акамнинг оиласи билан биргаликда оилавий корхонамизни очмоқчимиз. Оилавий корхона очиш тартиби қанақа ?
2. Оилавий тарбиркорликда кредитга оид қандай имтиёзлар кўзда тутилган?
3. Бундан ташқари юридик шахс ташкил этган ва ташкил этмаган ҳолда очилган корхоналарнинг бир-бираидан фарқи нимада?
4. Агар фаолиятимизни йўлга қўйсак, мол-мулк ва ер солиқларини қайси ставкалар бўйича тўлашимиз керак бўлади?
5. Оилавий тадбиркорликда бошқа тадбиркорлик фаолиятига караганда қандай қулай шарт-шароитлар белгиланган?

## **VI. МУСТАҚИЛ ТАЪЛИМ МАВЗУЛАРИ**

### **1) Мустақил ишни ташкил этишнинг шакли ва мазмуни.**

*Мустақил иши* – мавжуд матн ёки бир қанча матнларни изоҳловчи шаклларидан бири саналади. Шу боисдан, конспектдан фарқли ўлароқ, мустақил иш янги, муаллиф матн саналади. Ушбу ҳолатда янгилик, янгича тақдим этиш, материалларни тартиблаштириш, ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштиришда алоҳида муаллифлик ёндашуви тушунилади.

*Мустақил иши* - ҳар хил нуқтаи назарларни ўзаро солиштириш ва таҳлил қилиш кўникмасига эга бўлишни талаб этадиган бир ёки бир қанча манбаларни ўзида мужассам этадиган ғояларни қисқача ёзма кўринишидаги тақдимотидир.

#### ***Мустақил ишининг турлари ва тизими:***

1. Ифодаланиш тўлиқлигича кўра:

- а) информатив (рефератлар – конспектлар);
- б) индикатив (рефератлар –резюме (қисқача мазмун)

2. Мустақил иш таркиби:

А) библиографик қайд этилиши:

- Ф.И.Ш.нинг номи;
- чоп этилган манзили;
- нашриёт, йил;
- саҳифалар сони.

Б) Мустақил иш матни:

- мавзу, муаммо, мустақил иш қилинадиган иш предмети, мақсади ва мазмуни;

- тадқиқот усуллари;
- аниқ натижалари;
- муаллиф холосаси;
- иш натижаларини қўланниш соҳаси.

Ўқув фани бўйича мустақил иш тайёрлаш қуйидаги вазифаларни ҳал этишни назарда тутади:

- Ўқув предмети долзарб назарий масалалари бўйича билимларни чуқурлаштириш, талаба томонидан мавзуга ушбу олинган назарий билимларни ижодий кўникмасини ҳосил қилиш;

- Танланган касбий соҳада хориж тажрибаларини, мавжуд шароитларда уларни амалий жиҳатдан қўллаш имкониятлари ва муаммоларини ўзлаштириш;

- Танланган мавзу бўйича ҳар хил адабий манбаларни (монография, даврий нашрлардаги илмий мақолалар ва шу кабилар) ўрганиш қобилиятини такомиллаштириш ва улар натижалари асосида танқидий ёндашган тарзда мустақил, ҳамда билимдон ҳолда материални ифода этиш, ишончли холоса ва таклифлар қилиш;

- Ёзма кўринишдаги ишларни тўғри расмийлаштириш кўникмаларни ривожлантиришдир.

“Реал сектор статистикаси” модулидан мустақил таълимни ташкил этишда қўйидаги шакллардан фойдаланилади: айрим назарий мавзуларни ўкув

адабиётлари ёрдамида ўзлаштириш; амалий машғулотлар учун топширилган мавзуни ахборот ресурс манбаларидан фойдаланган, расмий статистика маълумотларини тўплаган ҳолда бажариш.

Тингловчи мустақил ишни ташкил этишининг мазмуни “Иқтисодиётнинг инновацион тараққиёти” модулининг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қўйидагиларга асосланиб тайёрланиши тавсия этилади:

- меъерий хужжатлардан, ўқув ва илмий адабиётлардан фойдаланиш асосида модул мавзуларини ўрганиш;
- тарқатма материаллар бўйича маъruzалар қисмини ўзлаштириш;
- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи дастурлар билан ишлаш;
- маҳсус адабиётлар бўйича модул бўлимлари ёки мавзулари устида ишлаш;
- тингловчининг касбий фаолияти билан боғлиқ бўлган модул бўлимлари ва мавзуларни чуқур ўрганиш.

### **Мустақил таълим мавзулари.**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг “Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак” деб номланган китобидан келтирилган солиқ ва солиққа тортиш тизимиға оид масалаларни ўрганиш.

2. Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси бўйича ўзгартиришларни ўрганиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 5 октябрдаги “Тадбиркорлик фаолиятининг жадал ривожланишини таъминлашга, хусусий мулкни ҳар томонлама ҳимоя қилишга ва ишбилармонлик муҳитини сифат жиҳатидан яхшилашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-4848-сон Фармони қисқача мазмун-моҳиятини ўрганиш.

4. Президентимизнинг 2016 йил 26 октябрда қабул қилинган “Еркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 4853-сонли Фармонини ўрганиш

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 21 октябрдаги “Суд-хуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4850-сон Фармонининг мақсади, мазмун-моҳиятини ўрганиш.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 27 декабрдаги “Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий мақроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида”ги ПҚ-2699-сонли қарори билан Солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартиришлар бўйича ўрганиш..

3) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 1 июлдаги “Хўжалик юритувчи субъектлар томонидан хорижий валютадаги тушумни мажбурий сотиш тартибига ўзгартириш киритиш тўғрисида” ги 225-сонли қарорини ўрганиш.

4) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 13 июлдаги “Кўчма савдога рухсат бериш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ги 233-сонли қарорини ўрганиш.

5) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2011 йил 27 сентябрда 2268-сон билан давлат рўйхатидан Телекоммуникатсия хизматларидан олинадиган даромадларни шакллантириш ва тақсимлаш ва уларни “Ўзбектелеком” актсиядорлик компаниясининг бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомини ўрганиш.

6) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 31 июлда 2127-сон билан давлат рўйхатидан электр энергиясини сотишни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомини ўрганиш.

7) Тижорат банклари, шу жумладан бошқа инвесторлар иштирокида банкрот корхоналар негизида ташкил этилган корхоналарнинг асосий воситалари ва номоддий активлари бўйича амортизатсия ажратмаларини ўрнатилган меъёрдан камроқ ҳисоблаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом

8) Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2010 йил 15 марта 2086-сон билан давлат рўйхатидан Қайта ишлашга берилган хомашё билан боғлиқ оператсияларни бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисидаги низомини ўрганиш.

1. Солиқ сиёсати ва уни макроиктисодий сиёсат билан ўзаро уйғунлиги
2. Солиқ сиёсатининг стратегик йўналишлари. Европа Иттифоқи мамлакатларида солиқ сиёсатининг хусусиятлари.
3. Инқизонинг навбатдаги тўлқини шароитида АҚШда солиқ сиёсатининг хусусиятлари.
4. Японияда солиқ сиёсати ва унинг ўзига ос хусусиятдари
5. Хитой давлати солиқ сиёсати
6. МДҲ мамлакатларида солиқ сиёсати.
7. Россия федерацияси солиқ сиёсати в унинг стратегик йўналишлари
8. Ўзбекистонда мустақиллик йилларида олиб борилган солиқ сиёсати
9. Солиқлар ҳақидаги иқтисодчи олимларнинг илмий қарашлари

## VII. ГЛОССАРИЙ

<b>ТЕРМИН</b>	<b>Рус тилида</b>	<b>Инглиз тилида</b>	<b>ўзбек тилидаги шархи</b>
<b>Асосий воситалар</b>	Основные средства	fixed assets	деб, корхонада кўпийил фойдаланиладиган меҳнат қуроллари: яъни бинолар, иншоотлар, машиналар ва асбобускуналар.
<b>Асосий воситалар билан таъминланиш</b>	Обеспеченоость основными средствами	Provision of fixed assets	корхонанинг бизнес-режасига ёки ўтган ойилларга нисбатан асосий фондлар билан қуролланиш даражаси.
<b>Актив (фаол) асосий фондлар</b>	Активные основные средства	Active fixed assets	куч берадиган машиналар ва асбобускуналар, иш машиналари, ўтказгич жиҳозлар, ўлчаш ва тартибга солиш асбоблари.
<b>Асосий фондларни янгилаш коэффициенти</b>	Коэффициент обновления основных фондов	The coefficient of fixed assets renewal	янги келган асосий фондлар сўммасини асосий фондларнинг йил охирига бўлган қийматига бўлиш керак.
<b>Асосий (операцион) фаолият бўйича пул оқимлари</b>	Денежные потоки от основной деятельности	Cash flows from operating activities	хўжалик жараёнларини корхонанинг пул маблағларига, фойда микдорига таъсирини ифодалайди.
<b>Айланма маблағлар</b>	Оборотные средства	current assets	айланма фондлар, муомала фондлари ва бошқа ҳаракатдаги активларда турган пул маблағлари.

<b>Бошқарув тамойиллари</b>	Принципы управления	principles of management	иқтисодиётнинг барча соҳаларини бошқариш тизимининг тузилиши ва амал қилинишини белгилаб берувчи асосий қоида.
<b>Бошқарув тизими</b>	Системы управления	Control systems	бошқаришнинг мақсадлари, таркиби, шакли ва усуллари мажмуаси. У динамик бўлиб, ижтимоий иқтисодий шароитлар ўзгариши билан унинг унсурларини аник мазмуни ҳам ўзгаради.
<b>Балансни ликвидлиги</b>	Ликвидность баланса	balance Liquidity	балансдаги ликвид бўлган маблағларнинг мажбуриятларни қоплаш даражаси тушунилади.
<b>Брак махсулот</b>	Бракная продукция	bar products	тасдиқланган андоза ва техника шартларга мос келмайдиган махсулот.
<b>“Баланс”</b>	Баланс	Balance	лотинча бис – икки марта, банд – тарози палласи сўзларидан таркиб топиб, том маънода икки палладеган маънони англатади ва тенглик тушунчаси сифатида ишлатилади.
<b>Бир сўмлик товар кетган харажат</b>	Затраты на один сум товарной продукции	The cost of one sum of commodity products	ишлаб чиқариш таннархини товар махсулоти хажмига

			нисбати тариқасида аникланади.
<b>Дебитор қарзлари</b>	Дебиторская задолженность	Receivables	айнан таҳлил қилинаётган корхона айланма маблағларининг бир қисми бошқа корхоналар айланмасида қатнашиши тушунилади.
<b>Дебиторлик қарзларининг айланиш куни</b>	Оборачиваемость дебиторской задолженности в днях	Accounts receivable turnover in days	дебиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига кўпайтириш ва сотишдан олинган соф тушум суммасига бўлиш асосида аникланади.
<b>Индукция</b>	Индукция	Induction	тадқиқотни ёки бирор объектни (ходисани, жараённи) хусусийликдан умумийлик сари ўтилиши тушунилади.
<b>Ички резервлар (имкониятлари)</b>	хўжалик Внутрихозяйственные резервы	Intra reserves	хўжалик юритиш самарадорлигини ошириш имкониятини аниклашда ижобий таъсир этувчи омиллар харакатини кучайтириш ва уларнинг салбий таъсирини тугатиш тушунилади.

<b>Иқтисодий-математик усуллар</b>	Экономико-математические методы	Economic-mathematical methods	интеграл, корреляция, регрессия, омиллар тизимини детерминлашган моделларда акс эттириш, назарий ўйин кабилар.
<b>Инвестиция фаолияти</b>	Инвестиционная деятельность	Investment activities	номоддий активларни сотиб олиш ва сотиш, узок муддатли моддий активлар сотиб олиш учун етказиб берувчиларга тўланган пуллар ва унга тенглаштирилган маблағлар чиқим устунида акс эттирилади.
<b>Ижтимоий унумдорлиги мешнат</b>	Социальная производительность труда	Social productivity	моддий ишлаб чиқаришда банд бўлган ҳар бир ишловчи ҳисобига ҳосил қилинган миллий даромад микдори билан ўлчанади
<b>Индивидуал унумдорлиги мешнат</b>	Индивидуальная производительность труда	Individual productivity	индивидуал (якка тартибда ишловчининг (локал) участка, щехдаги, корхона, тармоқдаги) ишловчининг ишлаб чиқарган маҳсулоти.
<b>Кредитор қарзлари</b>	Кредиторская задолженность	Accouns payable	ўзга корхоналарнинг айланма маблағларининг бир қисми айнан таҳлил қилинаётган корхона айланмасида

			қатнашиши тушунилади.
<b>Кредиторлик қарзларининг айланиш куни</b>	Оборачиваемость кредиторской задолженности в днях	Accounts payable turnover in days	кредиторлик мажбуриятларининг мавжуд суммасини таҳлил этиш даврининг келендарь кунига кўпайтириш ва сотилган маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш таннархи суммасига бўлиш асосида аниқланади.
<b>Левераж</b>	Ливераж	Leverazh	хусусий капиталнинг ўсган қисми бўлиб, кўрсатиб хусусий капитал рентабеллиги коэффициенти билан жами инвестициялар орасидаги фарқ коэффициенти олинади.
<b>Метод(усул)</b>	Метод (способ)	The method (method)	юонон тилидан олинган бўлиб, табиат ҳамда жамиятда содир бўлаётган ҳодиса ва жараёнларни ўрганиш ва билиш усулидир. Муайян фаннинг предметини ўрганиш усули.
<b>Методология(услубият)</b>	Методология	Methodology	муайян фаннинг предметини ўргатиш усули, унда қўлланиладиган ёндашувлар, усувлар мажмуаси.
<b>Материаллар самараси</b>	Материалотдача	Materialootdacha	моддий харажатларнинг бир

			сўми ҳисобига қанча маҳсулот ишлаб чиқарилганини кўрсатади.
<b>Материал сифими</b>	Материалоемкость	consumption materials	бир сўм товар маҳсулоти ишлаб чиқариш учун қанча (неча тийин) моддий харажатлар тўғри келишини кўрсатади.
<b>Молиявий натижа</b>	Финансовый результат	Financial results	корхона фаолиятининг фойда суммаси ва рентабеллик даражасида ифодаланаиган якунидир.
<b>Муддатли ликвидлик коэффициенти</b>	Коэффициент срочной ликвидности	Quick ratio	у пул маблағлари, соғ дебиторлик қарзлари суммасини жорий мажбуриятларга бўлиш орқали аниқланади.
<b>Мутлақ ликвидлик коэффициенти</b>	Коэффициент абсолютной ликвидности	Absolute liquidity ratio	у пул маблағларининг жорий мажбуриятларига нисбати сифатида аниқланади.
<b>Молиявий мустақиллик коэффициенти</b>	Коэффициент финансовой независимости	The financial independence	у корхонанинг ўз маблағларининг хўжалик маблағлари умумий суммасига нисбати тариқасида аниқланади.
<b>Мехнат омиллари</b>	Факторы труда	labor Factors	корхонанинг ишчи кучи билан таъминланиши, иш вақтидан фойдаланиш ва меҳнат унумдорлиги даражасини

				ифодаловчи кўрсаткичлар.
<b>Мехнат воситалари омиллари</b>	Факторы труда средств	Factors funds	labor	корхонанинг асосий воситалар билан таъминланганлиги, таркиби, техник ҳолати ва улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
<b>Мехнат предметлари омиллари</b>	Факторы предметов труда	Factors objecs of labor		корхонанинг хом ашё ва асосий материаллар билан таъминланганлигини ҳамда улардан фойдаланиш самарадорлигини ифодаловчи кўрсаткичлар.
<b>Махсулотни текисда чиқариш бир ишлаб</b>	Ритмичная производства продукции	Rhythmic production		маҳсулотни тузилган жадвал асосида, маҳсулотнинг олдиндан аниқланган ассортименти ва сифатига мувофиқ етказиб бериш ва сотишни ўз вақтида таъминланиши.
<b>Махсулот сифати</b>	Качества продукции	quality products		унинг барча мўлжалланган мақсадда фойдаланишга яроқли хусусиятларининг мажмуаси.
<b>Мехнат унумдорлиги</b>	Производительность труда	productivity		моддий ишлаб чиқаришда вакт бирлиги давомида ҳосил қилинган

			маҳсулот миқдори билан ўлчанади
<b>Моддий ресурслар</b>	Материальные ресурсы	Material resources	ишлаб чиқаришнинг муайян циклида фойдаланишда бўлган ва шу циклда ишлаб чиқарилган маҳсулот (иш ва хизматлар) таннархига ўз қийматини тўлиқ ўтказиб борувчи буюмлар.
<b>Махсулот таннархи</b>	Себестоимость продукции	product cost	маҳсулотни ишлаб чиқариш, сотиш ва корхона молиявий фаолияти бўқйича барча харажатларнинг пул орқали ифодаланиши.
<b>Молиявий фаолият</b>	Финансовая деятельность	Financial activities	бўлимида акция чиқаришдан келиб тушган тушум, узок ва қисқа муддатли қарзларни келиб тушиши ва чиқимлар акс этади.
<b>Моддий текширувлар</b>	Материальная проверка	Material inspection	моддий бойликлар, пул маблағлари хақиқий қолдигини бухгалтерия хисоби маълумотлари билан қиёслаш орқали амалга оширилади.
<b>Омилли таҳлил</b>	Факторный анализ	Factor analysis	натижа кўрсаткичининг ўзгаришига таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уларнинг таъсир доирасини хисоблаш усуллари

			мажмуасини ўзида ифода эттирган таҳлилдир.
<b>Омиллар</b>	Факторы	factors	у ёки бу иқтисодий кўрсаткичга ижобий ҳамда салбий таъсир кўрсатувчи фаол ҳаракат қилувчи кучлар тушунилади.
<b>Операцион фойда(асосий фаолияти фойдаси)</b>	Операционная прибыль (прибыль от основной деятельности)	Operating profit (operating profit)	ялпи фойдадан давр харажатлари ва бошқа операцион харажатлар чегирилиши ва асосий фаолиятдан бошқа даромадлар қўшилиши натижасида хосил бўлган фойда.
<b>Пул оқимлари</b>	Денежные потоки	monetary flows	пул ва пул маблағларининг ҳамда сўм ва ўзга эквивалентларининг кирими ва чиқими.
<b>Пул эквивалентлари</b>	Денежные эквиваленты	Cash equivalents	эркин алмаштириладиган қисқа муддатли ликвидланадиган, қиймати ўзгариши хатарига камроқ мойил бўлган инвестициялар.
<b>Пул маблағлари</b>	Денежные средства	Cash	кассадаги нақд пул ва талаб бўйича бериладиган депозитлар, шунингдек, ҳисобкитоб. валюта ва ўзга банк хисоб рақамларидағи маблағлар.

<b>Пассив (нофаол) асосий воситалар</b>	Пассивные основные средства	Passive fixed assets	бинолар, ишоотлар ва транспорт воситалари.
<b>Ретроспектив(жорий) таҳлил</b>	Ретроспективный (текущий) анализ	Retrospective (current) analysis	хисобот даври тугаши билан бухгалтерия, статистик ва тезкор хисоботлар ҳамда хисобдан ташқари ахборот манбаларига асосан ўтказиладиган таҳлил.
<b>Рентабеллик</b>	Рентабельность	Profitability	жами ижтимоий ишлаб чиқариш ва ҳар бир корхонанинг иқтисодий ҳамда молиявий самарадорлигини ифодоловчи кўрсаткич.
<b>Рақобат</b>	Конкуренция	Competition	лотинча сўздан олинган булиб, мақсадга эришиш учун кураш, корхоналар ўртасидаги соғ курашни билдиради.
<b>Сотилган маҳсулот</b>	Реализованная продукция	products sold	товарлар истеъмолчиларга жўнатилиб унинг ҳаки мол юборувчиларнинг банкдаги хисоб - китоб рақамига ўтказилиши тушунилади.
<b>Соф маҳсулот</b>	Чистая продукция	Net output	товар маҳсулот билан уни ишлаб чиқаришга қилинган моддий сарфлар ва асосий воситалар ва номоддий фаолларнинг

			амортизацияси суммаси ўртасидаги фарқ.
<b>Солик тўлагунга қадар фойда</b>	Прибыль до уплаты налогов	Profit before tax	умумхўжалик фаолиятидан келган фойдага фавқулоддаги фойдани қўшилиши ва фавқулоддаги заарни чегириш орқали ҳосил бўлган фойда.
<b>Соф фойда</b>	Чистая прибыль	Net profit	солик тўлагунга қадар фойдадан даромад (фойда) солиғи ва фойдадан бошқа соликлар ва йигимларни чегирилиши орқали аниқланган фойда.
<b>Таққосланадиган маҳсулот</b>	Сравниваемая продукция	comparable products	шу йил ва ундан олдинги йилларда серияли ва оммавий тартибда ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг барча турлари.
<b>Таққосланмайдиган маҳсулот</b>	Несравниваемая продукция	comparable products	жорий йилда ишлаб чиқарилган маҳсулотдири.
<b>Товар маҳсулоти</b>	Товарная продукция	commercial products	барча ишлаб чиқариш босқичларини ўтган, тўла бутланган, техника назорати бўлимидан ўтган ва омборга топширилган маҳсулот.
<b>Тақсимланмаган фойда</b>	Нераспределенная прибыль	retained earnings	корхонанинг ҳисобида турган соф фойдаси.

<b>Умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда(хисобот фойдаси)</b>	Прибыль от общехозяйственной деятельности	Profit from general economic activity	операцион фойдага молиявий фаолиятнинг даромадларини қўшилиши ва молиявий фаолият бўйича харажатлар чегирилиши орқали ҳосил бўлган фойда.
<b>Устав капитали</b>	Уставный капитал	Authorized capital	ўз маблағлар манбайнинг асосини ташкил этади.

## VIII. АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

### I. Меъёрий-хуқуқий хужжатлар.

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.
2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга қўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.
3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.
4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, хаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд.– Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

### II. Махсус адабиётлар.

1. Toby Stock. Advanced in Taxation. Copyright @ 2010 y. Emerald Group Publishing limited.
2. Schanz, Deborah, Schanz, Sebastian. Business Taxation and Financial Decisions. © 2011
3. Alan Melville. Taxation Finance Act 2015 21th edition Aug 2015, Paperback, 624 pages
4. Абдрахманова Г.И., Вишневский К.О., Гохберг Л.М. и др.; Цифровая экономика: 2019: краткий статистический сборник / Нац. исслед. ун-т «Высшая школа экономики». – М.: НИУ ВШЭ, 2019. – 96 с
5. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
6. Гадоев Э, Кузиева Н. Жисмоний шахсларни солиққа тортиш. Дарслик. -Т.: Ўзбекистон, 2019. - 336 б
7. Гадоев Э. ва бошқалар. Билвосита солиқлар: ҚҚС, Акциз солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 328 бет.
8. Гадоев Э. ва бошқалар. Фойда солиғи. Ўқув қўлланма. - Т.: Норма, 2011.- 408 б.
9. Гадоев Э. и др. Упрощённая система налогообложения. Учебно-практическое пособие. - Т.: Норма, 2011.- 324 стр.
10. Гадоев Э.Ф. Налог на доходы физических лиц. Учебное пособие -Т.: Норма, 2011. - 312 стр.
11. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.

12. Гулямов С.С., Аюпов Р.Х., Абдуллаев О.М., Балтабаева Г.Р.. Рақамли иқтисодиётда блокчейн технологиялар. Т.: ТМИ, “Иқтисод-Молия” нашриёти, 2019, 447 бет.
13. Ибраимов А.Е. Масофавий ўқитишининг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е. Ибраимов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
14. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
15. Маликов Т.С., Жалилов П.Т. Бюджет-солиқ сиёсати. Ўқув қўлланма. – Т.: “Академнашр”, 2011. - 472 б.
16. Муслимов Н.А ва бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
17. Образование в цифровую эпоху: монография / Н. Ю. Игнатова ; М-во образования и науки РФ; – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
18. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. [https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3\\_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf](https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf)
19. С.Худойқулов, Ш.Бабаев. Солиқ тушумлари ҳисоби ва прогнози. Дарслик. Т.: Иқтисодиёт. 2019.-305 б.
20. Санакулова Б. Кичик бизнес ва тадбиркорликни соликка тортиш. Ўқув қўлланма. -Т.: Ношир, 2012. - 236 б.
21. Современные образовательные технологии: педагогика и психо-логия: монография. Книга 16 / О.К. Асекретов, Б.А. Борисов, Н.Ю. Бу-гакова и др. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с. <http://science.vvssu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
22. Ўзбекистон Солиқ тизими Мустақиллик йилларида. Расмий нашр. Ўқув қўлланма. – Т.: Шарқ, 2011. – 150 б.
23. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. Ўқув қўлланма. Т.: “Tafakkur” нашриёти, 2020 й. 120 бет.
24. Alimardanov M., Xudoyqulov S., Yusupov O., Agzamov A. Jismoniy shaxslarni soliqqa tortish. Darslik.-Т.: «Cho'lpon nomidagi NMIU», 2014. -218 bet.
25. Djurayeva K. Soliq tizimida dasturiy mahsullar. 2-qism “Soliq inspektorining avtomatlashtirilgan ish joyi – yuridik shaxslar” dasturiy majmuasi. O‘quv qo‘llanma. -Т.: El\_press, 2013. -141 b.
26. English for Specific Purposes. All Oxford editions. 2010, 204.
27. H.Q. Mitchell “Traveller” B1, B2, MM Publications. 2015. 183.
28. H.Q. Mitchell, Marileni Malkogianni “PIONEER”, B1, B2, MM Publications. 2015. 191.
29. Lindsay Clandfield and Kate Pickering “Global”, B2, Macmillan. 2013. 175.
30. Steve Taylor “Destination” Vocabulary and grammar”, Macmillan 2010.
31. Vahobov.A.V, Jo`rayev.A.S. Soliq va soliqqa tortish. Darslik. Т.: Iqtisodiyot-Moliya. 2018.-408 b.

### **III. Интернет сай tlari**

1. [www.lex.uz-](http://www.lex.uz-) Ўзбекистон Республикаси Конун хужжатлари маълумотлари миллий базаси.
2. [www.edu.uz.-](http://www.edu.uz.-) Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.
3. [www.aci.uz.-](http://www.aci.uz.-) Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси.
4. [www.ictcouncil.gov.uz.-](http://www.ictcouncil.gov.uz.-) Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгаш.
5. [www.bimm.uz.-](http://www.bimm.uz.-) Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Бош илмий-методик марказ.
6. [www.ziyonet.uz.-](http://www.ziyonet.uz.-) таълим портали.
7. [www.infocom.uz.-](http://www.infocom.uz.-) Infocom.uz электрон журнали.
8. www.mfer.uz – Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестиция ва савдо Вазирлигининг расмий сайти.
9. www.aza.uz – Ўзбекистон миллий ахборот агентлиги расмий сайти.
10. www.uzreport.com – бизнес ахборотлари портали.
11. www.soliq.uz - Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг расмий сайти.
12. www.mf.uz - Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг расмий сайти.
13. [www.tsue.uz](http://www.tsue.uz) – Тошкент давлат иқтисодиёт университетининг сайти.